

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО - ТЕХНИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: ПРОБЛЕМЫ И
РЕШЕНИЯ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC AND TECHNICAL
CONFERENCE
TRANSPORT-LOGISTICS: PROBLEMS AND
SOLUTION**



Термиз-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО -ТЕХНИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE
TRANSPORT-LOGISTICS: PROBLEMS AND SOLUTION**

15- апрел 2021 йил

ТЕРМИЗ-2021

Маъсул муҳаррир: Ғ.А. Самадов

*Тақризчилар: И.А. Умбаров
А.Ў. Қўзиев*

“Транспорт-логистика: муаммо ва ечимлар” Республика

илмий-техник анжумани

материаллари тўплами.-Термиз: “ТерДУ НММ” нашриёти, 2021. 326 б.

“Транспорт-логистика: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги ушбу анжумани материалларига Термиз давлат университети, Тошкент давлат транспорт университети, Жиззах политехника институти ҳамда республикаимизнинг бошқа олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистрантлар ва талабаларнинг тезислари киритилган.

Мазкур тўпланда транспорт-логистикаси, йўл ҳаракат хавфсизлиги ва уларда интеллектуал тизимларни қўллаш имкониятлари, машинасозлик ва экология, бино ва транспорт иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан самарали фойдаланиш, техника фанлари таълимида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда энергия тежовчи қурилмаларга бағишланган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

Мазкур тўпламга киритилган маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдирлар.

“ТерДУ НММ” нашриёти

ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

т.ф.д.,проф. А.Марахимов

Термиз давлат университети ректори

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларнинг мазмун-моҳияти Жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, одамларимизни рози қилиш ва уларга муносиб турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, бу борада хусусан, транспорт соҳасида ҳам сўнгги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга соҳада қатор ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 ноябрь куни ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишда Президентимиз ўтган 10 ойда Халқ қабулхоналарига ушбу масалада 3 мингдан зиёд мурожаат бўлгани ҳам соҳада камчиликлар кўплигини кўрсатишини айтиб ўтди. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат бўйича кунига қарийб 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортдан фойдаланаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур”¹.

Мурожаатномада жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши, 206 та янги қувватлар ишга туширилиши таъкидланган. Шунингдек барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови-рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш борасида фикрлар билдирилди.

Иқтисодий юксалишни, яъни саноат тармоқларини узликсиз хомашё билан таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш ниҳоятда зарурлиги ва бу борада кейинги 3 йилда йўл қурилиши учун-9,8 триллион сўм ажратилганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек жорий йилда 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида устивор вазифалар белгиланди.

Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиш, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 2020 йил 25 январ, №19 (7521)

махсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш зарурлиги белгиланган.

Прогноз² ҳисоблари шуни кўрсатмоқдаки, яъни мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг жорий суръати сақланган ҳолда (йиллик ўсиш ЯИМ 8% атрофида) 2014-2030 йиллар даврида юк ташиш ҳажми тахминан йилига 9,2 % га ёки 4,4 мартага ошади, 2013 йилда 1387,3 млн.тоннадан 2030 йилга келиб 6041,3 млн.тоннагача кўпаяди, жумладан:

-автомобил транспорти бўйича йилига ўртача 9,4 % ёки умумий 4,6 марта, яъни 2013 йилда 1258,6 млн.тоннадан 2030 йилга 5811,6 млн.тоннагача ўсади;

-темирйўл транспорти йилига ўртача 5% га ёки умумий 2,3 марта, яъни 67,7 млн.тоннадан 2030 йилга 146 млн.тоннагача ошади. Транспорт секторига жалб этилаётган инвестицияларни 1% га оширилганда юк ташиш ҳажми 0,94% га ошади.

Юк ташиш ҳажмининг ортиб бориши, турли транспорт воситаларининг йўл тармоқлари кенгайиши ва зичлашиши, улардаги материал оқимлар жадаллигининг ошиши, шаҳарлар катталашуви ва шу каби омиллар ҳудуднинг маҳсулот ва товарлар жўнатувчи манзиллари билан истеъмолчи ташкилотлар объектларини ўзаро боғлайдиган энг қисқа узунликдаги кам харажатли йўл схемаларини аниқлаш ва уларни босқичма-босқич ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Чунки энг қисқа йўл тармоғи бўйлаб етказиб бериладиган материал оқим харажатдорлиги кам ҳисобланади ва у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни рақоботдошлигини оширади.

Шу мақсадда мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз ҳудудида ягона темирйўл тизимини барпо этиш режалаштилган бўлиб, бунга кўра “Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус” темирйўли қуриб битказилди ва у орқали шимолий минтақаларни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришилди. Шунингдек, аср қурилиши деб эътироф этилган, Марказий Осиё минтақаси учун ғоят муҳим бўлган “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темирйўл линияси Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида қуриб битказилди ва мазкур йўналиш бўйича ишчи поездларининг қатнови йўлга қўйилди. Умумий узунлиги 123,1 км бўлган “Ангрен-Поп” янги электрлаштирилган темир йўл линияси Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида қуриб ишга туширилди ва Фарғона водийси ҳудудларига қулай шароит яратиб, келгусида иқтисодий-ижтимоий ривожланишида муҳим ҳисобланади. Шунингдек мазкур темир йўл линияси халқаро “Хитой-Марказий Осиё-Европа” улкан транзит темир йўл тармоғини яратиш имконини беради.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан тайёрланган “Транспортный сектор и транзит в Узбекистане в контексте экономической трансформации в средне и долгосрочной перспективе” маърузасидан.

Мазкур йўналишларда юк ва йўловчиларни ташиш кўшни давлатлар ҳудудидан ўтмасдан энг қисқа масофаларда амалга ошириш ва ташиш харажатларини камайтириш имкониятини яратди.

“Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўли фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

“Шарқ-Ғарб” транспорт йўлаги “Буюк ипак йўли” нинг таркибий қисми ҳисобланади. Тошкентдан бошланадиган магистрал йўли Андижон, Қирғизистоннинг Ўш ва Хитойнинг Қашқар шаҳарлари орқали ўтиб, Тинч океанига туташади. Бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Резак-Қамчиқ довонларида умумий узунлиги 2480 м бўлган тоннеллар куриб битказилди ва Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари билан боғлашга эришилди.

Амударё узра узунлиги 681 метрлик замонавий автомобиль-темир йўл кўприги барпо этилди. Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Бухоро ва Тошкент-Қарши каби йўналишларда экспресс-поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Маълумки, энг устувор вазифа сифатида мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишга қаратилган муҳим омил-ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масаласи ҳисобланади. Чунки инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб, мамлакатни бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятини кенгайтиради. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси - бу, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими (республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда) бўлиб, уларни самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатдошлигини оширади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида, жумладан Термиз давлат университетида ҳам Транспорт логистикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Республикамизнинг жанубида транспорт-йўл комплексини ривожлантириш Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига юк ташиш ҳажмларини бир неча маротаба кўпайтиришга, дунё бозорига янги йўллар очишга, мамлакатимизни халқаро иқтисодий алоқаларда янги марраларга чиқишига, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, вилоят шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишга, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ЛОГИСТИКА ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШЛАР ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

и.ф.д., проф. Саматов Г.А. (*ТДТУ*)

Замонавий иқтисодиётда маҳсулотни шунчаки ишлаб чиқариш эмас, балки уни бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотни етказиб беришлар занжирида ресурсларнинг минимал сарфи билан ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса, бир томондан, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини оптималлаштириш, иккинчи томондан, эҳтиёжлар билан етказиб беришлар ўртасидаги доимий мувозанатни ушлаб туриш зарур бўлади, яъни қўшимча қиймат яратиш занжирининг бутун давомийлиги бўйлаб маҳаллий жараёнларни интеграциялаш ва мувозанатлаш асосида мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Амалиётнинг кўрсатишича, айнан ана шу жиҳат – ишлаб чиқариш ва логистика жараёнлари ўртасидаги боғланишларни оптималлаштириш – бизнесни оптималлаштириш имкониятларига нисбатан олиб қараганда кўпроқ муҳим ҳисобланади ва етказиб беришлар занжирини бошқаришнинг (ЕБЗБ) нинг асосий предмети бўлиб хизмат қилади.

Етказиб беришлар занжирларини бошқариш (ЕБЗБ), (SupplyChainManagement- SCM) тўғрисида фикр юритишдан олдин унинг предмети қисқача тақдим қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

SCM, маблағларни бошқариш, маҳсулотларнинг ҳаёт кечириш циклини бошқариш ва логистикани бошқариш билан бир қаторда бизнес муваффақиятининг тўртта асосий элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маҳсулот қийматининг 80% гачаси етказиб беришлар занжирларини конфигурациялаш босқичига боғлиқ бўлади, операцион харажатларнинг 75% гачаси етказиб беришлар занжирига тўғри келади.

SCMни қўллаш, сотишлардан келадиган даромаднинг ортиши ва қўшимча қиймат яратиш занжирида харажатларнинг 15% дан 30% гача камайишига имконият яратиши мумкин. Бундан ташқари қуйидаги самараларга эришиш мумкин: захираларнинг камайиши, эҳтиёжлар ва етказиб беришларни режалаштириш аниқлигининг ортиши, сервис даражаси ва ишончлилигининг ортиши, трансакцион харажатларнинг 15% дан 60% гача камайиши. Бу самараларга қиймат яратиш занжирининг бутун давомийлигида эҳтиёжлар билан етказиб беришлар ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш учун бизнес-жараёнларни интеграциялаш ва мувофиқлаштириш ҳисобига эришилади.

Маҳсулотнинг ҳаёт кечириш циклини бошқариш маҳсулотни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва фойдаланишнинг барча босқичларини ўз ичига олади. Маҳсулотнинг яшаш циклини бошқаришнинг улушига бизнес муваффақиятининг тахминан 25% и тўғри келади. Маблағларни бошқариш ўзида бошқарув ҳисоби ва молиявий оқимларни бошқариш функцияларини интеграциялайди, унинг улушига бизнеснинг умумий муваффақиятини

тахминан 35% и тўғри келади. Логистикани бошқариш қўшимча қиймат яратиш занжирининг алоҳида (маҳаллий) участкаларида моддий оқимларни қайта шакллантиришни жисмоний амалга ошириш учун жавоб беради. Логистиканинг самарадорлиги ёки самарасизлиги бизнес муваффақиятининг тахминан 10% ини белгилайди. Етказиб беришлар занжирларини бошқариш бутун қўшимча қиймат яратиш занжири бўйлаб эҳтиёжлар ва етказиб беришларни интегралланган ҳолда мувозанатлаш учун жавоб беради ва бизнес муваффақиятининг тахминан 30% ини белгилайди.

Логистика ва етказиб беришлар занжирини бошқаришнинг боғланиши бўйича барча турли-туман фикрларни умумлаштириб: логистика асосан материалларни қайта шакллантириш оқимини жисмоний амалга оширишнинг маҳаллий функцияларига, етказиб беришлар занжирларини бошқариш эса – қўшимча қиймат яратишнинг бутун занжирига ва корхонанинг ичида ҳам, ташкилотлараро даражада ҳам маҳаллий функциялар ўртасидаги боғланишларни оптималлаштиришга қаратилган эътироф этиш мумкин.

Логистика моддий оқимларни жисмоний амалга ошириш даражаси томонга, етказиб беришлар занжирларини бошқариш эса – бошқариш даражаси томонга (ахборот оқимлари ва молиявий оқимларни) қараб тартади. Бошқача қилиб айтганда, логистика қиймат яратиш занжирининг маҳаллий участкаларида «7Т» қоидасининг (“Тўғри товар”, “Тўғри жойда”, “Тўғри вақтда”, “Тўғри миқдорда”, “Тўғри сифат билан”, “Тўғри ўрамда”, “Тўғри ҳаражатлар билан”) амалга ошишини таъминлайди, етказиб беришлар занжирларини бошқариш эса мижозларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантириш учун қиймат яратиш занжирининг бутун давомийлигида етказиб беришларни мувозанатлайди.

Демак, логистиканинг предмети етказиб беришлар занжирларининг маҳаллий участкаларида оқимларни шакллантириш ва амалга ошириш, SCM нинг предмети эса – мижозларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қаноатлантириш ва чексиз вақт кесимида мураккаб ишлаб-чиқариш-экологик тизимларнинг барқарорлиги ва уйғунлигини таъминлаш учун қўшимча қиймат яратиш занжирининг бутун давомийлигида бу маҳаллий тугунлар ўртасида етказиб беришларни мувофиқлаштириш ва мувозанатлаш бўлиб ҳисобланади. Логистика ва етказиб беришлар занжирларини бошқаришнинг вазифаларини бир қийматли тарзда ажратишнинг иложи йўқ, албатта. Жуда кўплаб вазифалар кесишади ва бир пайтнинг ўзида логистикада ҳам, етказиб беришлар занжирларини бошқаришда ҳам ҳал қилинади. SCM бизнес юритишнинг илғор ташкилий тамойиллари ва замонавий ахборот технологияларини ўзида бирлаштирадиган яхлит концепцияси бўлиб ҳисобланади. SCM бизнес стратегияси, стратегик менежмент функциялари, фирманинг рақобат ва маркетинг стратегиялари билан чамбарчас боғланишда бўлади.

Етказиб беришлар занжирларини бошқариш муаммолари биринчи навбатда фанлараро муаммолар мажмуидан иборатлиги ажралиб туради. Бунда стратегик даражадаги ечимлар тактик даражадаги ечимлар билан чамбарчас боғланган. Тактик ва оператив даражалардаги ечимлар ҳам ўзаро боғланган.

Шунингдек қарорлар қабул қилишнинг бирта даражасида ҳам турли муаммоларнинг, масалан, эҳтиёт заҳираларининг ўлчамини аниқлаш, ташишларни режалаштириш, талабни башоратлаш, иштирокчининг нарх сиёсати каби муаммоларнинг жипс боғланиши мавжуд бўлади.

Етказиб берувчиларни танлаш моделлари фақатгина қувватлар, нархлар, қанчалик узоқда жойлашганликда эмас, балки етказиб берувчиларнинг ўзаро ҳаракатларга тайёрлик ва етказиб беришлар занжирининг қайишқоқлик кўрсаткичларига ҳам – айниқса ахборот технологиялари кесимида ҳам асосланиши лозим.

Етказиб беришлар занжирини бошқариш (ЕБЗБ) масалаларини қандайдир бир, битта моделлаштириш услуби ёрдамида ҳал қилиш мувофиқлашмаган модель фрагментларига ва масаланинг етказиб беришлар занжирларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш учун ҳеч қандай реал қўллаб-қувватлашни бермайдиган, реалликдан узоқ бўлган қўйилишига олиб келиши мумкин.

Қоидага кўра, етказиб беришлар занжирларини бошқаришнинг реал масалалари моделлаштиришнинг турли концепциялари ва инструментларидан бир пайтда фойдаланишни талаб қилади. Қоидага кўра, ЕБЗБнинг реал масалалари қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлашнинг турли концепциялари, инструментлари ва моделларидан бир пайтда фойдаланишни талаб қилади. Бу, биринчидан, етказиб беришлар занжирларини бошқариш масалаларининг мураккаблиги, иккинчидан, етказиб беришлар занжирларини бошқариш масалаларининг занжирнинг турли тузилмаларида (технологик, ташкилий, функционал, ахборот, техник, молиявий) бир пайтда ҳал қилиниши билан, учинчидан, етказиб беришлар занжирларини бошқаришнинг вазифалари, бутун етказиб беришлар занжирининг давомийлиги бўйлаб кирувчи ва чиқувчи маълумотларнинг таркиби ва тўлиқлигининг динамикада ўзгариши билан шартланади [1].


Шулардан келиб чиқиб, етказиб беришлар занжирларининг фанлараро мажмуавий моделлаштириш услубиятининг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш маълум бир долзарблик касб этади.

Етказиб беришлар занжирларининг мураккаблиги ва мавҳумлиги кўп жиҳатдан тармоқдаги фаол элементларнинг (корхоналарнинг) ўзаро ҳаракатлари билан шартланади. Шу муносабат билан интеллектуал агентлар асосида етказиб беришлар занжирларини концептуал, математик ва имитацион моделлаштиришнинг ғояси сифатида мультиагент тизимлар аппаратини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мультиагент тизимлар етказиб беришлар занжирларини бошқариш масалаларини ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкин бўладиган кўплаб хусусиятларга эга. Бироқ шуни қайд қилиш лозимки, аксарият ишларда мультиагент тизимлар умумтизим услубий позицияларидан эмас, компьютер моделлаштириши позицияларидан кўриб чиқилади.


Шу ўринда илгари сурилаётган ёндашувда агентларни фақатгина компьютер моделлаштириши позицияларидан эмас, балки моделларнинг концептуал элтувчилари сифатида умумтизим услубий позицияларидан ҳам

кўриб чиқиш таклиф қилинади. Бу шуни билдирадики, агентлар фақатгина дастурий таъминотни амалга ошириш воситаси бўлиб қолмасдан, концептуал ва математик моделлаштирилишининг элементлари ролида ҳам чиқади. Бу фаол элементларга эга бўлган очик иқтисодий тизимларни таҳлил қилиш ва моделлаштиришнинг ягона услубий асосини яратиш имконини беради [2].

Агент бир қатор тавсифлар билан таърифланади, улардан асосийларига қуйидагилар киради: агентнинг жорий ҳолати атрибутлари (унинг ваколатлари ва жараённинг бажарилиш параметрлари тўғрисидаги маълумотлар, масалан, захираларнинг жорий даражалари, эришиш мумкин бўлган ресурсларнинг жорий даражалари ва ҳоказолар); агентнинг билимлар базаси; кирувчи ва чиқувчи хабарлар кўплиги (бошқа агентлар билан коммуникациялар) агентнинг билимлар базаси, жорий ҳолати ва устуворликлари (мақсадлари) асосида кирувчи хабарларнинг устуворлигини белгилайдиган танлаш функциялари. Агентнинг функционал модели 1-расмда келтирилган.



1- расм. Агентнинг функционал модели.



2-расм. Мультиагент тизимлар ёрдамида мижозларнинг буюртмаларини бошқаришни умумий схемаси

Мижоздан келадиган талабномани буюртмаларни бошқарувчи агентлардан бири қабул қилади (1). У буюртманинг параметрларини буюртманинг базада мавжуд бўлган кодларидан бири билан таққослаш асосида берилган буюртмани идентификациялайди ва ушбу кодни жараёнларни бошқарувчи агентларга узатади. (2). Жараёнларнинг мажмуавий моделлари ва сценарийлари асосида жараёнларни бошқарувчи агентлар буюртманинг бажарилишини функционал тузилмасини (етказиб беришлар занжирининг тузилмасини) аниқлайди ва уни буюртмани бошқарувчи агентга узатади (3), бу агент берилган тузилмани сақлаб қўяди ва уни корхоналарни бошқарувчи агентларга узатади (4).

Корхоналарни бошқарувчи агентларнинг ҳар бири маълум бир технологик операцияларни бажариш бўйича ўзининг имкониятларини таклиф қилади (муддатлар, харажатлар ва ҳоказолар) ва бу ахборотни буюртмани бошқарувчи агентга узатади (5), у имитацион моделлаштириш асосида етказиб беришлар занжирининг турли муқобил конфигурацияларини баҳолайди ва уни агентларнинг бошқа гуруҳларига узатади (6,7).

Жараёнларни бошқарувчи агентлар ва корхоналарни бошқарувчи агентлар жараёнларнинг бажарилишини оператив таҳлил қилишни амалга оширадилар ва ушбу ахборотни буюртмани бошқарувчи агентга узатадилар (8,9), у назорат қилиш функциясини амалга оширади ва режа кўрсаткичларидан четлашишлар рўй берган тақдирда оператив ўзгаришларни киритади (10,11). Буюртма бажарилгандан кейин у мижозга бу ҳақда хабар беради (12). Берилган буюртмани бажариш жараёнида агентлар томонидан олинган кўпроқ қўл келадиган билимлар уларнинг хотирасида сақланади ва келгуси ишларда фойдаланилади.


Етказиб беришлар занжирларининг юқорида кўриб чиқилган мураккаблик ва мавҳумлик жиҳатлари оқибатида уларни (етказиб беришлар занжирларини) битта модель доирасида мос равишда тасвирлаб бўлмайди, бунинг оқибатида полимодель мажмуаларга ўтиш зарурати пайдо бўлади [3].

Етказиб беришлар занжирларининг юқорида кўриб чиқилган мураккаблик ва мавҳумлик жиҳатлари оқибатида уларни (етказиб беришлар занжирларини) битта модель доирасида мос равишда тасвирлаб бўлмайди, бунинг оқибатида полимодель мажмуаларга ўтиш зарур.

Етказиб беришлар занжирларининг полимодель мажмуалар асосида шакллантириладиган интеграллашган моделлари бир нечта услубларнинг элементларини ўз ичига олади (масалан, графларнинг фаол элементларини тасвирлаш учун графлар назарияси ва мультиагент тизимлар; агентларнинг қарорларини сифатини баҳолаш учун операцияларни тадқиқ қилиш ва мультиагент тизимлар, эвристик алгоритмлар ва ноаниқ мантик; бошқариш назарияси операцияларини тадқиқ қилиш ва мультиагент тизимлар билан биргаликда) (3-расм).

Полимодель мажмуаларда тадқиқ қилинадиган объектнинг алоҳида элементлари ва функциялари деталлаштиришнинг маълум бир даражасида моделларнинг турли класслари ёрдамида тасвирланади. Моделлар ўртасидаги

боғланиш ва ўтишлар омиллар (F) кўринишида амалга оширилади. Турли моделларни мувофиқлашган ҳолда қўллаш бир моделларнинг камчиликларини бошқаларининг афзалликлари билан компенсациялаш ҳисобига моделлаштиришнинг сифатини ошириш имконини беради.



3-расм. Полимодель мажмуага мисол.

Полимодель мажмуалар моделлаштиришнинг мақсадлари ва вазифалари, бошланғич маълумотларнинг характери ва тузилиши ва ҳоказоларга мувофиқ танланадиган муаммонинг қўйилиши, масаланинг ечими ва моделлаштириш натижаларини моделларнинг турли классарида тақдим қилишга асосланадиган “виртуал моделлаштириш” концепциясини шакллантириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Bolstorff, P., Rosenbaum, R. Supply Chain Excellence - A Handbook for Dramatic Improvement Using the SCOR Model, AMACON, 2003.
2. Иванов Д.А. Концептуальная модель оперативного планирования и управления логистическими цепями на основе многоагентного подхода // Известия ВУЗов. Приборостроение, №11, 2006, С. 9-14.
3. Саматов Г.А. Етказиб беришлар занжирида бошқарув. Ўқув қўлланма. 1,2-қисм. “Фан ва таълим”. 2020. 402 б.

ЛОГИСТИКАНИНГ ФУНКЦИОНАЛЬ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ БЕРИШ МУАММОЛАРИ

т.ф.д., доц. Назаров А. (ТДТУ)

Логистика йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш мамлакатимизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида амалга ошириб келинмоқда.

Бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режалари логистиканинг барча функциональ соҳаларини қамраб олмоқдами, тайёрланаётган мутахассислар ушбу соҳа бўйича кенг қамровли назарий ва амалий билимларга эга бўлмоқдаларими?– деган саволларга жавоб қидирадиган бўлсак, бу йўналишда ҳам ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммоларни қайд этиш ўринли бўлади. Масалан, логистиканинг функциональ соҳаларида агрологистика мавжуд эмас, худди шунингдек транспорт логистикаси ҳам алоҳида функциональ соҳа сифатида қайд этилмайди. Шу билан бир қаторда бу иккала соҳа бўйича ҳам мамлакатимизда юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта.

Энди қисқача логистиканинг функциоаналь соҳаларига тўхталиб ўтсак, биринчи бўлиб харид логистикасига эътибор қаратамиз. Логистикани функционал жиҳатдан бўлакларга бўлиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, чунки корхонада логистика хизматини шакллантиришда функционал тақсимот қўл келади. Логистиканинг функциональ кичик тизимларга бўлиниши корхонадаги таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш (тақсимот) тизимлари мавжудлиги учун ҳам зарурдир. Логистикани функционал жиҳатдан кичик тизимларга бўлиш “харид (таъминот) логистикаси”, “ишлаб чиқариш логистикаси”, “тақсимот логистикаси”, “транспорт логистикаси” ва “омборхона (заҳиралар) логистикаси” каби тушунчаларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Логистиканинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб ажратилувчи кўринишларини ўрганадиган бўлсак, булар:

- харид логистикаси (ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлаш);
- ишлаб чиқариш логистикаси;
- тақсимот логистикаси;
- транспорт логистикаси (моҳиятига кўра юқорида санаб ўтилган ҳар бир логистиканинг таркибий қисми ҳисобланади);
- омборхона (заҳира) логистикасини ташкил қилади.

Логистикани турларга бўлишнинг бошқа меъзонлари ҳам мавжуд. Масалан, ресурс логистикасининг моддий (транспорт-омбор), ахборот, молиявий ва кадрлар логистикаси каби турлари бор. Логистикани тадбиркорлик соҳасига тадбиқ этиш асосида бизнес-логистика ҳақида гапириш мумкин, бунда унинг таркибий қисмлари сифатида ишлаб чиқариш логистикаси, тижорат (савдо) логистикаси ва молия логистикасини ажратишади.

Логистиканинг биринчи функциональ соҳаси бўлиб харид логистикаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда харид қилиш логистикасининг мақсади ишлаб чиқариш жараёнининг материалларга бўлган

талабини юқори иқтисодий самара билан қондириш ҳисобланади. Лекин бунга эришиш учун харид логистикасининг олдида турган бир қатор вазифаларни бажариш керак. Бу вазифаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- хомашё ва бутловчи материалларни маълум бир муддатда етказиш. Ўз муддатидан илгари олинган маҳсулотлар корхонанинг айланма фондига қўшилиши, ўз муддатидан кеч олинган хомашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қилиши ёки унинг йўналишини ўзгартириш мумкин;

- материалларнинг талаб қилинган миқдори билан етказиб берилган миқдорининг ўзаро мос келиши (талаб қилинган, аммо кам етказиб берилган маҳсулотлар корхона айланма фондининг балансига салбий таъсир қилиши мумкин);

- хомашё ҳамда бутловчи материалларига бўлган талаб сифатини назорат қилиш (талабни қондирувчи, минимал нархидаги).

Логистиканинг кейинги функциональ соҳаси-ишлаб чиқариш логистикаси. Корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти асосини ишлаб чиқариш жараёни ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш одамлар, иш қуроллари ва меҳнат предмети моддий неъмат яратиш учун ягона жараёнда бирлаштириш, ҳамда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларни мутаносиб ҳолда самарали келиштиришни назарда тутати.

Мақсадли моҳиятига кўра ишлаб чиқариш жараёнларини асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларга бўлиш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари – хом-ашё ва материалларни мазкур корхона учун асосий ҳисобланган маҳсулотга айлантириш жараён.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг меъёрга амалга ошишини таъминлайди. Бу каби ишлаб чиқариш жараёнлари ўз меҳнат предмети эга бўлади.

Умуман олганда «ишлаб чиқариш» сўз бирикмаси бир неча мазмунда ишлатилади, масалан:

- 1) моддий неъматларни яратиш ижтимоий жараёни;
- 2) мустақил ташкилот;
- 3) йирик ташкилот ёки акциядорлик жамияти таркибидаги ишлаб чиқариш бирлиги;
- 4) корхонадаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш жараёни.

Кейинги функциональ соҳа – омборлар логистикаси. Логистик тизимларда моддий оқимларни ҳаракатланиши маълум бир жойларда уларни тўплаш ва сақлаш жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Моддий оқимларни тўплаш жойлари омборлар деб аталади. Моддий оқимларни омборлар орқали ҳаракатланиши жонли меҳнат билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар пировард натижада товарларнинг нархига таъсир кўрсатади. Шу боисдан моддий оқимларни омборлар билан боғлиқ муаммолари уларнинг логистик занжирларда ҳаракатини рационаллаштириш, транспорт ҳаракати ва ушланиб қолишлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот ўз вақтида, минимал харажатлар билан, сифатига зиён етказилмаган ҳолда бу маҳсулотга талаб билдирган истеъмолчига талабдаги ҳажмларда етказилиши шарт. Логистиканинг маҳсулотни тақсимлашга тегишли бўлган функционал соҳаси тақсимот логистикаси деб аталади.

Тақсимот деганда маҳсулотни қадоклаш (ўраш), кузатиб бориш (экспедирование), сотишни бошқариш, маҳсулотни етказиб берувчи омборида сақлаш, тайёр маҳсулотни ташишни тушуниш кераклигини мутахассислар алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Маъмурий-бошқарув тизимида маҳсулотни тақсимлаш деганда эгалик ҳуқуқини бошқаларга бериш тушунилса, логистикада маҳсулотни истеъмолчига жисмоний етказиб беришни тушунади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, одатда, чакана савдо жараёни логистикада кўриб чиқилмайди, чунки бу жараён самарадорлиги логистикага алоқаси бўлмаган омиллар таъсирида бўлади.

Юқорида биз логистиканинг функциональ соҳалари тўғрисида умумий тушинчаларни кўриб чиқдик. Кўриниб турганидек, ҳар бир функциональ соҳа ўзига хос бўлиб уларни ўқитилиши алоҳида, лекин мантикий кетма-кетлик асосида амалга оширилиши лозим. Бу ўринда транспорт логистикаси соҳасига эътиборни қаратсак, бу алоҳида функциональ соҳа эмас, лекин у деярли барча соҳаларда кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, у ҳар бир функциональ соҳада ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб туради. Шу боисдан аввалом бор транспорт логистикасини ташишларни ташкил этишдан фарқлаб олиш зарур. Зеро ташишларни ташкил этиш умумий хусусиятга эга бўлиб у транспорт логистикасига нисбатан анча кенгроқ жараёнларни қамраб олади. Транспорт логистикасини ўрнаишда эса, логистикани функционал соҳаларига боғлиқ равишда ўрганиш лозим бўлади.

Шу ўринда кейинги пайтларда айрим номутахассис ходимлар томонидан йўл ҳаракатини ташкил этиш ва ташишларни ташкил этиш, транспорт логистикаси йўналишларини бир-биридан алоҳида қараш ҳолатларига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Логистиканинг асосий вазифаларидан бири йўловчилар ва юкларни белгиланган вақтда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Бунинг учун барча функциональ соҳалардаги жараёнлар оптималлаштирилиши лозим бўлди, аммо йўналишларни нотўғри танлаш ёки кўча-йўл тармоқларида асоссиз ушланиб қолишлар натижасида режалаштирилган етказиб бериш жараёнида узилишлар рўй бериши шубҳасиз. Айниқса, кўча-йўл трамоқларининг ҳаракат билан юкланганлик даражаси юқори бўлган шароитларда бу ҳолат айниқса кўплаб кузатилиши ва логистик тизимдаги жараёнларни оптималлаштириш натижаларини йўққа чиқариши мумкин. Шу боисдан бу иккала турдош йўналишларни алоҳида қараш нотўғри бўлади. Бу иккала турдош йўналишлар ўқув режаларининг умумқасбий фанлар бўлими мазмунан бир-бирига мос келиши зарур. Шунда биз мазруе соҳалар бўйича етарлича малакали мутахассислар тайёрлашга эришишимиз мумкин бўлади. Ўқув режаларини ишлаб чиқишда фанларни мантикий кетма-кетлигини сақлаш

муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан мазкур йўналишларнинг малака талабларини ҳам қайта кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлади.

ХУДУДДА ИСТИҚБОЛДАГИ ОҚИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЛОГИСТИК ТАМОЙИЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

т.ф.н., доц. Кўзиев А.Ў. (*ТерДУ*)

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва транзит юк ташувларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро интеграция жараёнларини фаоллаштириш, хусусан, минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда мамлакатнинг транспорт-транзит салоҳияти муҳим ўрин тутди.

Мультимодал ташиш-бир объектни ягона шартнома асосида камида икки транспорт тури билан ташишлардир. Мазкур ностандарт ёндошув ташишни амалга оширувчи мультимодал транспорт оператори (МТО) вазифасини бажаради ва транспорт воситалари сони ва туридан қатъий назар барча ташишлар учун жавобгардир. Бунда ижрочи, яъни операторда барча транспорт турлари воситалари мавжуд бўлиши шарт эмас.

Мультимодал ташишнинг асосий фарқли жиҳати ташиш учун жиҳозлар ва қўшимча хужжатлар айланиши шунингдек ташиш муддати ва нархининг ошиши ҳисобланади. Мазкур ташиш тури бутун логистик тизимни режалаштириш ва ташкил этишда мураккаб ҳисобланади.

Кўпгина муаллифларнинг (N. Nesterova, S. Goncharuk, V. Anisimov, A. Anisimov, V. Shvartcfel, Set-theoretic Model of Strategies of Development for Objects of Multimodal Transport Network. <https://doi.org/10.1016/j.proeng.2016.11.892>.) фикрига кўра транспорт хизматлари бозорини замонавий босқичда ривожлантиришнинг бундай инфратузулмаси халқаро транспорт коридорларини ҳисобга олган ҳолдаги мультимодал транспорт тармоғидир.

Мультимодал юк ташишни режалаштиришга бағишланган адабиётлар таҳлили, тадқиқотчиларнинг режалаштириш ишларида учта асосий даражалардан, яъни стратегик, тактик ва оператив даражалардан фойдаланишлиги, улардан тактик даража масалалари кенг ўрганилганлиги, кейинги ўринларда стратегик ва оператив даражалар масалалари туриши кўрсатиб ўтилган (SteadieSeifi M., Dellaert N.P., Nuijten W., Van Woensel T., Raoufi R. Multimodal freight transportation planning: A literature review. *European Journal of Operational Research*. 233 (2014). 1–15.).

Petri Net (E-Net), Firework ва бошқа имитацион моделлаштириш дастурлари ёрдамида ҳудудий транзитли мультимодал транспортдан фойдаланиш, мультимодал транспорт тармоқлари муаммоларини кўп мақсадли оптималлаштириш ёрдамида ечиш, ҳудудни ривожлантириш режасига асосан

униинг транспорт тармоқлари ўзгаришини баҳолаш имкониятлари таҳлил этилган (I. Kabashkin, Modelling of Regional Transit Multimodal Transport Accessibility with Petri Net Simulation// Procedia Computer Science 77 (2015) 151–157. <https://pdf.sciencedirectassets.com/> Жуков В.И., Копылов С.В. Обоснование математической модели проектирования местной сети автомобильных дорог в условиях Республики Саха (Якутия) // Фундаментальные исследования. -2015. №3.-63-67; URL: <http://www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id=37085> (дата обращения: 10.09.2018). Шаньгин В.Ф., Поддубная Л.М. Программирование на языке ПАСКАЛЬ.- М.: Выс.шк. 1991.-142 с. Mouna Mnif, Sadok Bouamama. Firework Algorithm For Multi-Objective Optimization Of A Multimodal Transportation Network Problem. Procedia Computer Science 112 (2017) 1670–1682.).

Словакияда транспорт қувватини ошириш йўллари, қайта юклаш станцияларини (“Словакияда транспорт қувватини ошириш, қайта юклаш станцияларини қуриш”) ва Шарқий Европа ва Осиёдан ташиб келинаётган юк оқими ташиш вақтини қисқартириш учун Европада кенг колейли йўлларни қуриш истиқболлари таҳлил этилган (K.S. Tchumlyakov, D.V. Tchumlyakova, The national transit capacity in the system of International transport corridors, Bulletin of transport information. 11(245) (2015) 8-13.).

Мазкур мақолада оғир вазнли ногабарит юкларни мультимодал ташишда кўпконтурли масала сифатида тадқиқ этилган бўлиб, ишлаб чиқилган модел бир вақтда транспорт турларида ташиш йўналиши ҳамда умумий харажатларни камайтириш учун реконструкция этиладиган узел ва линияларни ҳам аниқлашга йўналтирилган (Yan Luo, Yinggui Zhang, Jiaxiao Huang, Huiyu Yang. Multi-route planning of multimodal transportation for oversize and heavyweight cargo based on reconstruction, <https://reader.elsevier.com/reader/sd/pii/S0305054820302896?token=cc13a46b414794f217e349b7ccce3dbf8e3550ec5a77ebabf7fc0f7f10aee56b17c56bda616dc48703d6d42aa794bba>.).

Сурхондарё вилоятининг ер усти-автомобил ва темир йўл транспорти мультитармиғини шакллантиришнинг умумий схемаси ишлаб чиқилган, мазкур тармоқда юк оқимини оптимал тақсимлаш масаласига эътибор қаратилган (Shermukhamedov A.A., Kuziev A.U. Solution of the problem of optimal distribution of cargo flows in the region and the development of its transport network/ International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (JMPERD) ISSN (P): 2249–6890; ISSN (E): 2249–8001 Vol. 10, Issue 3, Jun 2020, 11337-11348 © TJPRC Pvt. <http://www.tjprc.org/publishpapers/2-67-1599292919-JMPERDJUN20201083.pdf>).

Юқорида қайд этилган масалаларга катта эътибор берилишига қарамасдан, бу борада ўз ечимини кутиб турган кўплаб муаммо ва масалалар мавжуд.

Жумладан, ҳудуд доирасида ташиш оқимлари ва транспорт тармоғини оптималлаштириш ҳамда уларни истиқболда оптимал ривожлантириш, мультимодал ташиш масаласини қўйилиши, математик моделини асослаш ва ечиш услубларини ишлаб чиқиш ёки танлаш масалалари бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб турибди.

Асосий мураккабликлар қуйидагилар ҳисобланади: биринчидан, ҳар хил транспорт турлари ўзаро ҳаракати ва ишни мувофиқлаштириш жараёни,

иккинчидан, юридик-ҳуқуқий муносабатлар, учинчидан, доимий йўналишларнинг етарли эмаслигидир.

Ҳудудда мультимодал ташишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун эса унинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш зарур.

Сурхондарё вилояти ҳудудида жами 16170,6 км узунликдаги автомобил йўллари мавжуд³.

Шундан, 2843 км (17,6 фоиз) узунликдаги қисми вилоят автомобил йўллари ҳудудий Бош бошқармаси тасарруфида бўлиб, қолган 13327,6 км (82,4 фоиз) қисми эса маҳаллий ҳокимликлар балансида бўлган (хўжаликлараро қишлоқ, шаҳар кўчалари ва аҳоли пунктлари) йўллардир.

Ҳудуддаги йўлнинг 182 км (1,1%) қисми юк ташувчи автомобилларнинг бир ўқига тушадиган юклама 11,5 тк бўлса, қолган 15988,6 км (98,9%) қисми 8 тк га мўлжалланган.

Ҳозирги кунда жами йўлларимизнинг 50,3 фоизи таъмирталаб аҳволда эканлиги маълум. Бир йилда ўртача 500 км йўлни турли манбалар ҳисобига таъмирлаш ишлари амалга оширилишини инобатга олсак мавжуд таъмир талаб йўлларни нормал ҳолатга келтириш учун 16 йилдан зиёдроқ вақт керак бўлади.

Мавжуд йўлларнинг кафолат муддати тугамасдан таъмир талаб ҳолатга келиб қолаётганлигини асосий сабаблардан бири транспорт воситаларининг меъёрдан ортиқ юк билан ҳаракатланаётгандир.

Транспорт воситаси ташиши мумкин бўлган сочилувчан юк ҳажмини қуйидаги формулада ҳисоблаш мумкин, бунда очик кузовнинг юқори юзасида пайдо бўлувчи “шапка” ҳажмини ҳисобга олади. Юк кўтариш қобиляти 31 тонна бўлган НАВО автомобилнинг қанча юк (щебень) ташиши олиш имконияти ва бунда ўқга тушадиган юкламасини ҳисоблаш мумкин:

$$V_{yuk} = V_k + (b_k / 2)^3 \operatorname{tg} \alpha_{har} = 25,185 + (2,3 / 2)^3 \operatorname{tg} 35 = 25,185 + 1,06 = 26,25 m^3,$$

bu erda V_k – kuzovning geometrik hajmi; b_k – kuzovning eni, α_{har} – yukning harakatlanish vaqtidagi haqiqiy qiyalik burchagi, щебен учун-35° (Горев А.Э. Грузовые автомобильные перевозки.-М.: Академия, 2008.-235 с.)

Tashilgan yukning maksimal massasi

$$Q_{yuk} = V_{yuk} \cdot \rho = 26,25 \cdot 1,8 = 47,24 \text{ tonna},$$

bu erda ρ – yukning zichligi, щебен учун $\rho = 1,8$.

Агар $Q_{yuk} > q_n$ бўлса, бунда кузов ҳажмидан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди ва ўзи ағдарувчи автомобилнинг номинал юк кўтариш қобиляти (q_n)га мос юк ҳажмида юклаш керак бўлади, $V_{yuk} = q_n / \rho = 31 / 1,8 = 17,2 m^3$.

Демак, мазкур автомобил бир вақтнинг ўзида 47,24 тонна юк таший олиши мумкин бўлади ва бунда ўқга тушадиган юкламаси: олдинги ўқга-9,4 тк, кейинги

³ Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси маълумотлари.

ўқларнинг ҳар бирига 18,9 ткни ташкил этади. Ваҳоланки, умумфойдаланувчи автомобил йўлларига ўқга тушадиган юклама 10 тқдан ошмаслиги борасидаги белгилар (М39) ўрнатилган. Мазкур ҳолат умумфойдаланувдаги йўлларнинг кафолатли муддати тугамасдан аввал емирилишига олиб келади. Шунингдек мазкур автомобилни қўллаш доирасида асосан карьерлар ва қурилиш майдонлари кўрсатилган.

Ҳудудда асосан қуйидаги манзиллардан қурилиш маҳсулотлари вилоят туманларига ташилади:

- Сариосиё туманидан щебен маҳсулоти (30 та ишлаб чиқарувчи бўлиб йиллик 1,4 млн. м³);
- Музробод туманидан щебен маҳсулоти (7 та ишлаб чиқарувчи бўлиб, йиллик 336 минг м³);
- Шеробод туманидан ГПС ва щебен маҳсулотлари йиллик ўртача (400 минг м³);
- Шеробод туманидаги цемент заводи;
- Жарқўрғон туманида цемент заводи.

Бундан ташқари вилоятнинг қолган туманларида ҳам 40 дан зиёд щебен маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд.

Юқорида келтирилган объектларда ишлаб чиқарилаётган қурилиш юқларини ташишда темир йўл транспортидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Темир йўл транспортида юк ташиш харажати автомобилга нисбатан бир неча баробарга кам, аммо темир йўл транспортидаги “эшикдан-эшикга” етказишдаги умумий харажатлари ҳамда юкни етказиш муддатининг юқорилиги мазкур транспорт туридан фойдаланишни чекламоқда.

Хулоса

Ҳудуд миқёсида ҳам мультимодал ташувларни амалга ошириш керак ва буни амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларга эътибор қаратиш лозим:

- темир йўлда асосий тарифдан ташқари қўшимча хизматларни (подача уборка, маневр хизмати, стрелка алмаштириш, суғурта, жарима) келишув асосида тартибга келтириш;
- юкни ортиш-туширишда вагонларнинг туришида белгиланган муддатни вагонлар сонига қараб белгилаш (маҳсулотни ортиш ёки тушириш учун бирта вагон учун ҳам ўн та вагон учун бир хил вақт берилиши);
- темир йўл станцияларини ортиш-тушириш жиҳозлари билан жиҳозлаш ва юкларни сақлаш учун омбор имкониятларини кенгайтириш;
- темир йўлда хизмат кўрсатишдаги зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва онлайн тизимига ўтказиш, бу эса ўз навбатида темир йўл транспортида юкни етказиш тезлигини оширади;

- Транспорт бошқармасида мультимодал транспорт оператори вазифасини бажарувчи ягона диспетчирлик ташкил этиш;

- курилиш материалларини ишлаб чиқарувчи ва уни етказиб берувчи корхоналар ходимлари билан биргаликда ўқув семинарларини ташкил этиш ва автомобилларда меъёрдан ортиқ юк ташиш бўйича жавобгарликни ошириш.

Адабиётлар

1. N. Nesterova, S. Goncharuk, V. Anisimov, A. Anisimov, [V. Shvartcfel](https://doi.org/10.1016/j.proeng.2016.11.892), Set-theoretic Model of Strategies of Development for Objects of Multimodal Transport Network. <https://doi.org/10.1016/j.proeng.2016.11.892>.

2. SteadieSeifi M., Dellaert N.P., Nuijten W., Van Woensel T., Raoufi R. Multimodal freight transportation planning: A literature review. European Journal of Operational Research. 233 (2014). 1–15.

3. I. Kabashkin, Modelling of Regional Transit Multimodal Transport Accessibility with Petri Net Simulation// Procedia Computer Science 77 (2015) 151–157. <https://pdf.sciencedirectassets.com/>

4. Жуков В.И., Копылов С.В. Обоснование математической модели проектирования местной сети автомобильных дорог в условиях Республики Саха (Якутия) // Фундаментальные исследования. -2015. №3.-63-67; URL: <http://www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id=37085> (дата обращения: 10.09.2018).

5. Шаньгин В.Ф., Поддубная Л.М. Программирование на языке ПАСКАЛЬ.-М.: Выс.шк. 1991.-142 с.

6. Mouna Mnif, Sadok Bouamama. Firework Algorithm For Multi-Objective Optimization Of A Multimodal Transportation Network Problem. Procedia Computer Science 112 (2017) 1670–1682.

7. K.S. Tchumlyakov, D.V. Tchumlyakova, The national transit capacity in the system of International transport corridors, Bulletin of transport information. 11(245) (2015) 8-13.

8. Yan Luo, Yinggui Zhang, Jiaxiao Huang, Huiyu Yang. Multi-route planning of multimodal transportation for oversize and heavyweight cargo based on reconstruction, [https://reader.elsevier.com/reader/sd/pii/S0305054820302896?](https://reader.elsevier.com/reader/sd/pii/S0305054820302896?token=cc13a46b414794f217e349b7ccce3dbf8e3550ec5a77ebabf7fc0f7f10aee56b17c56bda616dc48703d6d42aa794bba)
token=cc13a46b414794f217e349b7ccce3dbf8e3550ec5a77ebabf7fc0f7f10aee56b17c56bda616dc48703d6d42aa794bba.

9. Shermukhamedov A.A., Kuziev A.U. Solution of the problem of optimal distribution of cargo flows in the region and the development of its transport network/ International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN (P): 2249–6890; ISSN (E): 2249–8001 Vol. 10, Issue 3, Jun 2020, 11337-11348 © TJPRC Pvt. <http://www.tjprc.org/publishpapers/2-67-1599292919-IJMPERDJUN20201083.pdf>

10. Горев А.Э. Грузовые автомобильные перевозки.-М.: Академия, 2008.-235 с.

I СЕКЦИЯ
ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ, ЙЎЛ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА
УЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ИМКОНияТЛАРИ

ТУРЛИ ЮК ҚЎТАРУВЧАНЛИКДАГИ АВТОТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ МАРШРУТЛАРГА САМАРАЛИ ТАҚСИМЛАШ
МАСАЛАСИНИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

т.ф.д. профессор Шермухамедов А.А., PhD доцент Жураев М.Н.
(ТДТУ)

Юк ташишни ташкил этишда истеъмолчиларни ташиш ҳажмларига бўлган эҳтиёжларини самарали таъминлаш, ташиш харажатларини камайтириш, автотранспорт воситалари иш унумдорлигини ошириш мақсадида, халқ хўжалигида юкларни ташишни оптималлаштиришга бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган [1,2,3,4,5 ва бошқ.]. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларида ташиш хизматларининг узлуксизлигини таъминлаш, иқтисодий бошқарувни оптималлаштириш ва моддий харажатларни камайтириш каби вазифаларни логистик ёндошувлар асосида бошқариш масалалари йирик тадқиқотчилар, И.В.Давиденко, Д.Дж.Бауэрсокс, Л.Б.Миротин, В.С.Лукинский, А.М.Гаджинский, Е.И.Зайцев, Б.А.Аникин, С.М.Мочалин, А.В.Вельможин, В.А.Гудков, Г.Г.Левкин, Ш.А.Бутаев, Г.А.Саматов, А.А.Шермухамедов, А.Ў.Қўзиев ва бошқаларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган.

Масалаларда юк ташишни режалаштириш ўз моҳияти билан оптималлик функцияси ва чеклаш тенгламалари талабларига доир ечимларни аниқлаш талаб этилса, ҳисоб схемалари ва компьютер алгоритмлари кенг тарқалган чизиқли дастурлаш усуллари қўлланилган [6,7,8,9].

Айрим масалалар ечимларини дискрет қийматлар кўринишида бўлишини талаб этади. Бундай ечимлар барча талабларга жавоб берадиган дискрет ечимларни шакллантириш ва таҳлил этиш усулларида фойдаланиш тақозо этади. Тадқиқотларимизда радиал маршрутлар тизимида автотранспорт воситаларидан самарали фойдаланиш масаласини ечимлар дискрет тўплам элементлари комбинациялари сифатида аниқлашга имкон берувчи модели ва усуллари асосланиши ҳамда автотранспорт воситаларини радиал маршрутлар тизими ташиш йўналишларига самарали тақсимлаш масаласини дискрет ечимларини шакллантирувчи алгоритмни назарий-услубий асослари ишлаб чиқилган [10]. Бажарилган илмий ишларда бир турли автотранспорт воситалари радиал маршрутларга тақсимлаш масаласи кўрилган. Турли юк қўтарувчанликка эга бўлган автотранспорт воситаларини маршрутларга тақсимлаш масаласи кўрилмаган. Бунда, турли юк қўтарувчанликка эга бўлган автотранспорт воситалари турли узунликдаги маршрутларда, турли даражадаги

юк ташиш таннархини таъминланишини ҳисобга олиш керак бўлади. Маълумки, маршрутга тақсимланган АВ лари сони уларни ҳар бирини бажариши лозим бўлган қатновлари сони билан юк кўтарувчанлиги кўпайтмалари йиғиндиси уларни ташиш имкониятларини ҳарактерлайди.

Турли юк кўтарувчанликка эга бўлган автотранспорт воситаларидан (АВ) ташкил топган автопаркни маршрутларга тақсимлаш - бу ҳар бир маршрутда юк ташиш учун ажратилган ҳаракатланувчи таркиблар сонини уларни ҳар бир тури бўйича аниқлаш ва ҳар бир АВ ни белгиланган маршрутда бажарилиши лозим бўлган қатновлар сонини белгилашдан иборатдир. Мазкур масалани қўйилишида уни қуйидаги асосий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, эксплуатацияга чиқарилган автомобиль паркини маршрутларга тақсимлаш масаласининг турлича вариантларидаги ечимлари туташма манзилга ташиб киритилувчи (чиқарилувчи) юкларни турлича ҳажмларда бажаришга имкон беради: эксплуатацияга чиқарилган автомобиллар паркидан кўпроқ қисмини кичикроқ узунликдаги маршрутларга тақсимлаш туташма манзилга ташиб берилаётган юк ҳажмини оширишга, аксинча, узунроқ масофали маршрутларга тақсимлаш эса бу ҳажмни камайтиришга имкон беради. Бундан ташқари тақсимлаш масаласи автомобиль паркидан тўлароқ, самарали фойдаланишга имкон беради: агар эксплуатацияга чиқарилган автомобиллар сони камроқ бўлса, унда керакли ташиш ҳажмини бажариш учун уларни кичикроқ узунликдаги маршрутларга, аксинча агар каттароқ сондаги автомобиль паркидан фойдаланиб, нисбатан кичикроқ эҳтиёжни қондириш керак бўлса, унда паркни кўпроқ қисмини каттароқ узунликдаги маршрутларга тақсимлаш лозим бўлади.

Иккинчидан, турли юк кўтарувчанликка эга бўлган автотранспорт воситалари турли узунликдаги маршрутларда, турли даражадаги юк ташиш таннархини таъминлайди. Бундан ташқари уларни кунлик иш унумдорлиги ҳам турли ташиш масофасига эга бўлган маршрутларда турлича даражада бўлади. Шу туфайли турли юк кўтарувчанликдаги АВ дан иборат автомобиллар паркини ҳар хил узунликдаги маршрутларга тақсимлаш кўп вариантли экстремал масалалар тоифасига киради.

Учинчидан, ҳар бир маршрутга тақсимланган АВ сони унинг жўнатиш ёки (қабул қилиш) манзилида юк ортиш ёки (тушириш) ни таъминловчи маълум сондаги машина-механизмларни вақт мобайнида самарали юклашни таъминлаши лозим. Ҳар бир j -маршрутни юк жўнатиш (ёки қабул қилиш) манзилида ортиш-тушириш ишларига жалб этилиш мумкин бўлган механизмлар сонлари $\Sigma_j = \{1, 2, \dots, \sigma_j\}$ нинг дискрет тўплами маълум. Тақсимлаш масаласини дискрет табиати шундан иборатки, ҳар бир j -маршрутга тақсимланувчи АВ сони жўнатиш (қабул қилиш) механизмини ҳар бирини вақт мобайнида тўла юклаш мезонидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган автомобиллар сони γ_i га тенг бўлиши керак. Масалан, агар манзилда $\sigma_j = 1$ та механизм ишлаётган вариант учун тақсимланувчи АВ лари сони $X_{j(\sigma=1)}^i = \gamma_i$ га $\sigma_j = 2$ да эса - $X_{j(\sigma=2)}^i = 2 \cdot \gamma_i$ ва ҳоказо микдорларга тенг бўлади.

рақобатбардошлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш. Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш” каби вазифалар келтирилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жихатдан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши йўл- транспорт ва коммуникация инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.

Логистик компаниялар иш фаолиятини чуқур ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда уларга керакли ўзгартириш ва янгиликлар, янги янги инновацион ғоялар тақдим этиш зарур. Зеро, ҳозирда бизга берилаётган барча имкониятлардан тўғри ва тўлиқ фойдалана билиш нафакат биз учун балки, бутун келажак авлод учун янги имкониятлар эшигини очади ва мамлакатимизни жаҳонда тутган ўрнини ошишига ҳам имкон яратади десам тўғри бўлади. Логистика соҳасининг ривожини иқтисодиёт ривожининг асосий қисми десам муболаға бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ- 4707-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги №ПФ-4436 сонли Фармони.

3. Я.К.Карриева. Глобаллашув жараёнларида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. Монография. -Т. :Иқтисодиёт, 2013.-174 б.

“ПАХТА –ТЕКСТИЛЬ” КЛАСТЕР ТИЗИМИДА ЛОГИСТИКАНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

т.ф.д. профессор Аликулов С.Р, Жовлиев В.У. катта ўқитувчи, **(ҚМШИ)**

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда логистика ғоясига қизиқиш тобора ошишига қўйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:

-биринчи сабаби – бозорнинг “сотувчи”дан “харидор”га утишида рақобатнинг пайдо бўлиши. Логистика қўлланилаётган субъектларнинг рақобатбардошлиги маҳсулот таннархининг кескин пасайтириши, маҳсулотни етказиб бериш сифати ва ишончлилигини (белгиланган муддатларда, нуқсонсиз, маҳсулотлар партиясини булиб-булиб етказиш ва ҳ.к) ошириш;

- иккинчи сабаби, иқтисодиётда логистикани қўллаш зарурлиги.

70-йиллардаги энергетик инқироз. Энергия етказувчиларнинг нархи ошиши, тадбиркорлардан ташишнинг иқтисодий усуларини излашга мажбур қилди. Ушбу масалани самарали ечиш учун, фақатгина транспорт ишларини такомиллаштириш билан натижа олиб бўлмайди. Бунинг учун тўлиқ логистика жараёнида барча иштирок этувчиларнинг келишилган ҳаракатлари бўлиши лозим. Иқтисодиётда логистикани қўллаш имкониятини ҳозирги замонда ишлаб чиқариш, ташиш жараёнларида илмий-техник ривожланиши билан белгиланади.

“Пахта текстиль” кластер тизимида логистиканинг асосий ғояси, ишлаб чиқаришнинг барча булимларида (пахта хом-ашёсини етиштириш, тола, чигит олиш, ип-калава, газлама, якуний маҳсулот тайёрлаш) маҳсулотларни ташиш ва топшириш жараёнларини узлуксиз ва яхлит бўлишини таъминлашдан иборат. Корхоналар шиддатли рақобатбардошлик даврида фойдани оширишни айланиб ишлаб чиқаришдан олиш етарли эмаслигини тушуниб, маҳсулотни етказиб бериш сифатини оширишга эътибор беришмоқда. Лекин, логистикани кенг куламда жорий этиш учун моддий базанинг инфратузилмасини, монанд ташкилий шаклларни, тегишли хўжалик механизмларини ривожлантиришни талаб этади. Амалда бунинг учун асосий эътибор хусусий муаммоларни: омбор мажмуалари, тезкор транспорт воситалари, маълумот тармоқлари, моддий материалларни бошқариш усулларини ривожлантириш ва ҳал қилишга қаратилди. .

Хорижда логистиканинг тезкор ривожланишига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири – моддий тақсимлашда умумий харажатлар концепциясининг пайдо бўлиши. Концепциянинг асосий маъноси маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига тақсимлашдаги харажатларни қайта гуруҳлаш асосида уларнинг умумий миқдорини камайтиришдан иборат. Масалан,

етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлаш заводларга етказишда трактор тиркамаларнинг ўрнига автомобил транспортидан фойдалан илса, ҳозирги мавжуд оралиқдаги пахта тайёрлов масканларининг сонини камайтириш, келажакда бутунлай воз кечиш мумкин.

Ушбу мисолларда муҳим жараёнлардан бўлган захираларни бошқариш ва етказиш логистика функциялар схемаси кўрсатилган.

Бозорни ривожлантиришда маҳсулот харидорларига эътибор, хусусан хизмат кўрсатиш қийматларини ошириш ва бир хил талабларга жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар миқдорининг ошишига эътибор берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида бозор тузилмасининг кескин ривожланиш таъсири натижасида истеъмолчиларга хизмат даражасини кўтариш, талаб ва таклифларни мувофиқлаштиришни тақоза этади.


Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва буюртмалар цикллари қисқартириш мақсадида янги логистик ёндашувлар пайдо бўлмоқда ва бу ўз навбатида,

маҳсулотни етказиш тузилмаларида янги ечимларни ахтариш ва етказиш ҳаражатларини камайитириш йўллари жорий қилишни талаб қилади.

Юқори индустриал мамлакатлар иқтисодиётида илмий техник ривожланиш таъсирида муқобиллаштириш, оптимизациялаштириш, масалан транспорт турини танлаш, маҳсулотларни қабул қилиш ва омборларни жойлаштириш оптималлаштириш, маршрутларни оптималлаштириш, захирага талаб ва эҳтиёжларни оптималлаштириш масалаларни ечишга мажбур бўлишди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва буюртмалар цикллари қисқартириш мақсадида янги логистик ёндашувлар пайдо бўлмоқда ва бу ўз навбатида, маҳсулотни етказиш тузилмаларида янги ечимларни ахтариш ва етказиш ҳаражатларини камайитириш йўллари жорий қилишни талаб қилади.


Юқори индустриал мамлакатлар иқтисодиётида илмий техник ривожланиш таъсирида муқобиллаштириш, оптимизациялаштириш, масалан транспорт



● - фермер хўжаликлари

1-расм. Фермер хўжаликлари етиштирган пахта хомашёсини анъанавий усулда қайта ишлаш корхоналарига етказиш схемаси

турини танлаш, маҳсулотларни қабул қилиш ва омборларни жойлашишини оптималлаштириш, маршрутларни оптималлаштириш, захирага талаб ва эҳтиёжларни оптималлаштириш масала-ларни ечишга мажбур бўлишди.



● - фермер хўжаликлари

2-расм. Фермер хўжаликлари кластер тизимининг кооперация усулида етиштирган пахта хом ашёсини қайта ишлаш корхоналарига етказиш схемаси

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, омборда сақлаш фаолиятларининг ҳар бирини алоҳида оптималлаштириш етарли бўлмайди, чунки бу ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларга таъсир кўрсатади. Айниқса, шу босқичнинг бошланишида маҳсулотни омборларда жойлаштириш ва ташиш хизмати кўрсатишни мувофиқлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ва корхоналар тажрибаси натижасида “маҳсулот тақсимланишини бошқариш” ибора ўрнига “логистика” атамаси қўлланила бошлади ва қатор ривожланган мамлакатларда интеграциялашиб, бизнеснинг охириги мақсадига кам ҳаражат билан етишда “ҳарид қилиш — ишлаб чиқариш — етказиш - сотиш” тўлиқ логистик

занжирига айланган. “Пахта-текстиль” кластер тизимида етиштирилган маҳсулот логистик тизимининг аввалги занжирида чиқувчи ва кейинги занжирида кирувчи моддий оқим бўлади. Логистик тизимининг якуний моддий оқими охириги занжирининг чиқувчи оқими бўлади.

Бунинг ўлчамлари логистик тизимдаги мустақил занжирларда кетма-кетликда таъсир этувчи жараёнларга боғлиқ бўлади.

Логистикада моддий оқимларни бошқариш анъанавийдан қўйидагилар билан фарқ қилади:

- белгиланган вақтда ва жойда зарур бўлган захиранинг мавжудлиги;
- ташқи ва ички транспортнинг бир меёрда келишиб ишлаши ишлаб чиқариш талбларига мувофиқ белгиланган вақтида етказиш кафолатини беради;
- логистиканинг етказиш занжирлари таркибидаги булакларнинг техникавий, технологик, иқтисодий ва услубий жиҳатларини яқдил тизимга бириктириб, моддий оқимлардан самарали фойдаланишини таъминлайди;
- транспорт ва омбор хўжаликларининг бир меёрда иш ҳаражатларини, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар захираларини камайтиради;

- истеъмолчи буюртмалари ва транспорт хизматларини бир меёрда ишлашини таъминлайди.

Логистик ёндашувда моддий ресурслар ҳаракатини бошқариш ҳозирги кунда қўлланилаётганидан фарқи шундаки, бунда бошқарув объекти сифатида оқим ёки бир бутун деб қабул қилинган кўп объектлардан иборат.

Бир бирисиз фаолият кўрсатмайдиган оқим ва захира логистиканинг асосий мезонлари деб қабул қилинган. Оқим аниқ бир даврда моддий ресурслар захираси, тугатилмаган ишлаб чиқариш жараёни ёки тайёр маҳсулот ҳам бўлиши мумкин.

Оқимни таснифлайдиган асосий параметрлари қуйидагилардан иборат:

- унинг бошлангич ва охирги пунктлари;
- ҳаракат геометрияси (траекторияси);
- масофанинг узунлиги (траектория улчови);
- тезлиги ва ҳаракатда бўлган вақти;
- оралиқ пунктлар;
- ҳаракатлар жадаллиги.

Моддий оқимларни етказиш соҳасида логистик жараёнларга қуйидагилар киради:

- юклаш, тушириш;
- ташиш;
- комплектлаш (бутлаш);
- омборда сақлаш;
- тақсимлаш.

Моддий оқимларни ишлаб чиқариш соҳасида логистик жараёнларга қуйидагилар киради:

- буюртмаларни жойлаштириш;
- маҳсулотларни омборда сақлашни бошқатиш;
- ускуналарни танлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш;
- захирани ҳисоблаш ва бошқариш.

Логистика тизими – ўзаро муносабатда, алоқада бўлган ва оқимларни бошқаришга мулжалланган элементлар (звенолар) йиғиндиси.

Логистика занжири – истеъмолчини аниқ маҳсулот билан таъминлаш учун қатор физик ёки юридик шахслар. Шунингдек, ҳар қандай якка назоратда фаолият юритадиган ишлаб чиқаришдаги технологик ва логистик жараёнларнинг бажариш тартиби.

Логистика занжирида жунатувчидан истеъмолчига қадар етказиладиган моддий ва информацион оқимлар қуйидаги асосий булимлари мавжуд:

- моддий маҳсулотлар (пахта хомашёси, тола, чигит, линт ва ҳ.к) ни олиш ва етказиш;
- маҳсулот ва хомашёларни сақлаш;
- маҳсулотларни, шу жумладан омбордаги тайёр бўлган маҳсулотларни ҳам тақсимлаш;

- маҳсулотларни истеъмол қилиш.

“Пахта – текстиль” кластерида логистиканинг қуйидаги асосий қоидалари мавжуд:

1. Маҳсулотнинг истеъмолчига зарурлиги.
2. Маҳсулотнинг талаб даражасида сифатли бўлиши.
3. Маҳсулотнинг истеъмолчига керакли миқдорда бўлиши.
4. Маҳсулот истеъмолчига белгиланган вақтда етказилиши.
5. Маҳсулот истеъмолчига минимал ҳаражатлар билан етказилиши.

“Пахта-текстиль” кластер тизимида моддий оқимлар қуйидаги турларга ва улчамларга бўлинади:

- маҳсулот миқдори;
- оғирлик таснифлари (умумий, брутто, нетто оғирликлари);
- транспорт воситасининг таснифи (юк кутариш ва юк сиғдириш қобилиятлари);
- ташиш ва суғурталаш шартлари.

Логистика тизимида моддий оқимлар қуйидагича таснифланади:

1. Логистик тизимга нисбатан улар ички (логистик тизимдан ташқарига чиқмаган) ва логистик тизимга ташқи муҳитдан (кирувчи) ва логистик тизимдан ташқи муҳитга чиқувчи (чиқувчи) моддий оқимлар.

2. Ташиш жараёнида юklar транспорт турига, ташиш усули ва шартлари, юкнинг оғирлик ва физико-кимёвий таснифлари ва бошқалар билан классификацияланади.

“Пахта -кластер” тизимида моддий оқимлар асосан майда оқимлар, яъни маҳсулотнинг оғирлик массаси бир транспорт воситасининг юк кутариш қобилиятидан кам бўлган ва булар ташишда бошқа майда оқимли воситалари билан биргаликда бажарилиши мумкин, масалан трактор поездларда.

Кластер тизими Республика қишлоқ хўжалигида яқиндан бошлаб жорий қилинаётган бўлсада, тизим ўзининг ижобий томонларидан иқтисодий, тежамкор, юқори сифатли маҳсулот етиштириш нафақат фермер хўжаликлар, тизимнинг кейинги занжирларидан сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида барча иштирокчилар томонидан ишларни сифатли, белгиланган муддатларда бажарилишини тақоза этмоқда. Кластер тизимини қўллаш фермер хўжаликларларнинг юқори сифатли хомашё етиштиришда улар нафақат олинган ҳосил, балки тизим занжири бўйича ҳосилдан олинган тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнларда моддий манфаатларини оширишга имкон беради.

Фермерлар томонидан етиштирилган пахтани узок муддатлар давомида пахта тайёрлов масканларида қабул қилиш ва хом ашёни 200 – 250 тонна сиғимли қўл меҳнати билан шаклланган бунтларда прессланган ҳолларда сақлаш жараёнларида унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун фермер хўжаликлари, айниқса кластернинг кооперация усулида кичик майдонларда етиштирилган ҳосилни тайёрлов масканларига топширмасдан, тўғридан тўғри пахта тозалаш заводларига етказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тайёрлов

масканларининг ўрнида янги ишлаб чиқариш корхоналар, хусусан кичик пахта тозалаш, қайта ишлаш заводларини жойлаштириш мумкин.

Адабиётлар

1. Alikulov S.R., Jurayev A. Research in compaction of cotton under its pulsed unloading in container trailers and modules of system «Multilift» // Известия ВУЗов. Технические науки. 2001, №2-4.
2. Аликулов С.Р. Высокоэффективные технологии и технологические средства для уборки и заготовки хлопка при многоукладной форме хозяйствования. ГФНТИ. Ташкент, 2001.
3. Аликулов С.Р. О новой технологии уборки и заготовки хлопка дехканских и фермерских хозяйств. Замонавий илм фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Жиззах, 2004.
4. Аликулов С.Р. Разработка научных основ уплотнения хлопка в средствах механизации системы «поле–машина–транспортное средство–хлопкоочистительный завод». Сборник докладов. Современные проблемы механики машин и актуальные проблемы развития наземных транспортных систем. Т.: 2004.
5. Аликулов С.Р., Аликулов У.С. Пахта етиштиришда дехкон ва фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. Қарши, 2006.
6. Аликулов С.Р. Кўп тармокли фермер хўжаликларининг пахта ҳосилини саклаш, юклаш-тушириш ва ташишда янги технология ва техника воситалари. // Innovatsion texnologiyalar. Қарши, 2018, № 1, 18-21 б.
7. Аликулов С.Р. Кузиев А.У. Вопросы оптимизации маршрутов перевозки автотранспортными средствами. // Вопросы науки и образования. Издательство Проблемы науки. Москва. 2019, №8 (54), 5-11 с.
8. Аликулов С.Р. Кластер усулида пахта етиштиришнинг айрим муаммолари ва истикболлари. Кишлоқ хўжалигида ресурстежовчи инновацион технология ва техника воситаларини яратиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш истикболлари, Республика илмий-техник анжумани мақолалари тўплами. Қарши, 2019, 284-287 б.
9. Аликулов С.Р., Ачилдиев Ш. О технологии и средствах механизации фермерских хозяйств, производящих хлопок в составе кооперативов кластерной системы. // Вестник науки и образования. Издательство Проблемы науки. Москва. 2020, №10 (88).
10. Аликулов С.Р. Кластернинг кооперация усулида пахта етиштираётган фермер хўжаликлари учун янги технология ва техника воситалари. “Actual issues solutions of development of economic sectors of the Republic of Uzbekistan in modern conditions” proceedings of the international conference. Jizzakh, Uzbekistan. 29-30 January, 2021. Journal of technical science and innovation LTD, <http://jtsi.uz>. P. 25-30.

ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ САЛОҲИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Ахмедов З.С., ассистент, Элмуродов Р.У. магистрант (*ЖизПИ*)

Иқтисодий самарадорлик бошқа кенг шароитларда даромадни оширишда ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатларини камайтиришни талаб этади. Иқтисодий самарадорликка эришишга анъанавий ёндашув кўпинча нохуш салбий самарага олиб келган ҳолда қатор кўрсаткичларга қаратилади. Бу кўрсаткичлардан бирмунча кенг тарқалгани (соф) фойда бўлиб, бунда қабул қилинган бухгалтерия қоидалари бўйича ҳисоблаб чиқилувчи оддий фойда олинади.

Транспорт логистика тизимининг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқоти бевосита ҳар бир ҳудуднинг транспорт хизматлари сифати, самарадорлигига боғлиқ. Шу ўринда транспорт тармоғига баҳо беришнинг логистика кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Олимларнинг фикрича “Логистика хизматлари самарадорлигини аниқлашда асосий мезон сифатида қуйидаги 11 та логистика кўрсаткичи белгиланган бўлиб, улар 5 баллик тизим бўйича баҳоланади” (1-жадвал).

1-жадвал

Логистика тизими салоҳиятини баҳолаш мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари
1.	Логистика хизматларининг йўлга қўйилганлиги (логистика марказлари, терминаллар)	ҳар 1000км/та
2.	Инфраструктуранинг мавжудлиги (ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, автомобилга техник хизмат кўрсатиш устаконалари, мотеллар, овқатланиш масканлари ва бошалар.)	ҳар 1000км/та
3.	Юк автомобилини чегара пунктидан ўтиб кетиш вақти	соатда
4.	Экспорт операцияси учун кетадиган ўртача вақт	кун
5.	Импорт операцияси учун кетадиган ўртача вақт	кун
6.	Чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаражатлар	АҚШ долларида
7.	Коридордан фойдаланганлик учун ҳаражатлар	АҚШ долларида, ҳар 500 км га 20 тонна юк учун
8.	Коридор бўйлаб ҳаракатнинг ўртача тезлиги	км/соат
9.	Юкни манзилга ўз вақтида етказиш кечикиш	соатда
10.	Юкни кузатиб бориш ва назорат ҳаражатлари	АҚШ долларида
11.	Мультимодал логистик марказлар фаолиятини йўлга қўйилганлиги	Ҳар бир минтақа давлатларида камида 1 та

Иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилида макроиқтисодий тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш учун сифат индикаторлари тадқиқ қилиниши керак,

бу эса ЯИМ таркибидаги транспорт соҳасидаги салмоқли ўзгаришлар таҳлили 2015-2020 йиллардаги натижалар таҳлили билан бошланади (2-жадвал).

2-жадвал

Транспорт турлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг ўзгариши (олдинга йилга нисбатан % да)

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Транспортда ташилган юклар							
1.	Транспорт жами, шу жумладан	103,6	105,8	101,2	108,4	106,2	106,2
1.1.	Темир йўл	100,5	100,5	100,5	100,7	102,5	100,1
1.2.	автомобиль	106,3	106,3	101,0	108,8	106,8	103,3
1.3.	ҳаво йўл	103,0	108,1	99,4	49,6	79,3	73,9
1.4.	қувур йўли (нефт ва газ)	101,4	103,6	104,7	111,2	99,4	99,9
Транспортнинг юк айланмаси							
2	Транспортнинг юк айланмаси жами, шу жумладан	98,0	99,2	102,5	106,6	101,8	103,7
2.1.	темир йўл	100,0	100,0	100,0	100,0	102,2	102,2
2.2.	автомобиль	103,1	104,3	102,3	107,6	108,5	108,5
2.3.	ҳаво йўл	100,5	100,8	118,8	78,7	96,4	92,0
2.4.	қувур йўли (нефт ва газ)	95,3	96,5	104,5	111,4	98,6	99,5

2-жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2015-2020 йилларда транспорт турлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг ўзгариши келтирилган. Жумладан, транспортда ташилган юклар жами 2015 йилда 103,6 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 106,2 % га тенг бўлган. 2020 йилда жаҳон иқтисодиётидаги пандемия эса бу кўрсаткичларга сезиларли таъсир кўрсатган, жумладан бу ўзгариш ҳаво транспортида мутаносиб равишда 73,9 %, 92,2 % га тенг бўлган.

Иқтисодий ислохотлар шароитида транспорт логистикаси фаолиятида ишлаб чиқариш, омборлар, истеъмолчиларни жойлаштириш ва сарф-ҳаражатла, буюртмани бажаришни ўз вақтида бажариш муддатларини мақбуллаштириш мақсадида етказиб бериш занжирини моделлаштирувчи анъанавий логистика жараёнларини мослашувчан усулларга алмаштириш яхши натижа беради. Нафақат етказиб бериш занжири, балки интеллектуал бошқарувнинг логистика

механизмига асосланган ҳудудларда қатъий замонавий ўрганишлар, таҳлиллар талаб этилади.

Экспертларнинг таҳлилига кўра, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари транспорт хизматлари тараққиёти билан уйғун равишда кечади. Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг йилига ўртача 8 фоиздан барқарор юксалиши учун юк ташиш ҳажмининг ўсиши 10 фоиздан кам бўлмаслиги, транспорт тармоғига йўналтириладиган инвестициялар миқдори эса ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиздан зиёдрокни ташкил қилиши лозим.

Ҳозирги даврда транспорт-логистика тизимини ташкил этишни таомиллаштиришда хизматлар кўрсатишнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, мазкур соҳада инновацион муҳитни яратиш орқали миллий операторларнинг ахборот технологиялари ва воситалари билан таъминоти ҳамда бошқарувда улардан кенг фойдаланишни таъминлашни ўзида мужассам этади.

“Логистика инфратузилмасини инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни таъминлаш учун ишлаб чиқилган моддий ва техник тизим, уни ривожлантириш эса ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги учун асосий шартлардан ҳисобланади”.

Экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурати ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишни, Ўзбекистон Республикасининг экспорт маҳсулоти истиқболли халқаро бозорларга чиқишини таъминлайдиган максимал даражада самарали, муқобил транзит йўлакларини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Шу ўринда транспорт соҳасида кўрсатиладиган хизматлар турининг кўпайиши ташкилотлар ва корхоналар сонининг кескин ошиши уларга нисбатан талабнинг ошиб боришига боғлиқдир.

Истиқбол моделларини ишлаб чиқиш учун транспорт соҳасидаги асосий макроиқтисодий ва статистик кўрсаткичлари ахборот базаси бўлиб хизмат қилди. Ташишларни (хизматларни) бажариш ҳудудларда механизация воситалари, транспорт воситалари, контейнерлар, омборхоналар ва бошқаларнинг юк кўтаришнинг оптимал қийматларини танлаш мумкин ижобий тижорат натижаларини таъминламаган ҳолда, ташишларнинг янги истиқболли технологияларини ўзлаштириш имконияти кўриб чиқилади.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида автомобил йўлларида транспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларини аниқлаш учун автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва кўчма шохобчаларини ташкил этиш тартиби жорий этиш белгиланди.

Транспорт ва логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан хорижий давлатлар билан музокаралар ўрнатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро юк ташишларига ихтисослаштирилган транспорт- логистика қўшма корхоналарини ташкил этиш учун етакчи хорижий транспорт компанияларни жалб этиш чораларини кўриш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий Кенгашнинг видеоконференсия шаклида ўтказилган норасмий самминтидаги нутқларида, минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш биз учун стратегик аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики транспорт логистикаси келтирадиган иқтисодий самарадорлиги давлатимиз учун жуда муҳим аҳамиятга касб этади. Европа давлатларига чиқишимиз учун бу соҳага инвестиция жалб қилишимиз зарур.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг Туркий Кенгашнинг видеоконференсия шаклида ўтказилган норасмий самминтидаги нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. Lex.uz.

3. Саматов Р.Ғ. Логистик тамойиллар асосида автомобиль транспорти хизматлари сифатини баҳолаш услуги. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.:2019. -14 б.

3.Носов.А.Л. Региональная логистика. – М.: Альфа-Пресс, 2007 г. -85 С.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 6 мартдаги «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПҚ-4230-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 йил.

АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ЦИКЛИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ашуров Э.Т (*ТерДУ*)

Автотранспорт воситаларининг ёнилғи тежамкорлик хусусиятини ўлчагичларидан энг аҳамиятлиги шаҳар ва магистрал эксплуатация шароитлари учун ишлаб чиқилган ҳаракат циклларидаги ёнилғи сарфи ҳисобланади. Стандартлаштирилган ҳаракат цикллари муайян эксплуатация шароитларида автомобиль ҳаракати турли режимларини статистик таҳлили асосида аниқланади.

Ёнилғи тежамкорлигини ва ишлатилган газларнинг зарарлилигини баҳолаш учун халқаро ва миллий меъёрий ҳаракат цикллари мавжуд.

Ҳаракат циклини яратиш услублари асосан қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1. Реал эксплуатация шароитларини ҳаракат режимларини синов йўли билан ўрганиш; 2. Олинган маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш; 3. Ҳаракат циклини қуриш; 4. Циклни баҳолаш ва танлаш.

Енгил автомобиллар учун ишлаб чиқиладиган ҳаракат циклининг ҳаракат режимлари турига кўра қуйидаги тўртта ишлаб чиқариш услублари мавжуд:

- микро-қатновлар асосида;
- сигментлаш асосида;
- тизимлаш асосида;

- модал ҳаракат циклини куриш;


Микро-қатновлар асосида – автомобилнинг тўхташлар орасидаги (автомобилнинг салт ишлашини инобатга олган ҳалда) маълумотларни (ўртача тезлик, максимал тезлик, минимал тезлик, ўртача тезланиш ва секинланиш, тезланишнинг ўзгариши) ҳаракат режимларини синов йўли билан аниқлаш орқали ишлаб чиқилади (1-расмда келтирилган 1 билан белгиланган диапазон).

Сигментлаш асосида – автомобиль ҳаракат режимларини синов йўли билан аниқлангандан сўнг қисмларга ажратиб таҳлил қилинади ва ишлаб чиқилади. Микро-қатновлар асосида услубидан фарқли равишда қисмларга ажратиш мезони этиб ҳаракат шароитини бир тури бўйича бўлақларга ажратиб таҳлил қилинади (1-расмда келтирилган 2 билан белгиланган диапазон). Ҳаракат шароитини турлари ҳар бир шаҳарнинг шароитидан келиб чиқган ҳолда синфларга бўлинади. Масалан, Техрон шаҳрида ҳаракат шароитини турлари қуйидагича синфланади: 1. Транспорт оқими зич бўлган шаҳар шароити – хизматга қатнайдиغان марказий йўл бўлиб, тўхташлар даври юқорилиги ва автомобилнинг ўртача тезлиги 10 км/соатгача бўлади. 2. Шаҳар шароити – тўла оқимли, тўхташлар даври паст бўлиб автомобилнинг ўртача тезлиги 10-25 км/соатни ташкил этади. 3. Қушимча шаҳар шароити – нисбатан бўш оқимли, тўхташлар даври паст бўлиб, автомобилнинг ўртача тезлиги 25-40 км/соатни ташкил этади. 4. Шоссе – бўш оқимли, тўхташлар даври жуда паст булиб, автомобилнинг ўртача тезлиги 40 км/соатдан юқори бўлади.


Демак сигментлаш усулида бўлақларга ажратишда сигментнинг бошланғич тезлиги ўзидан олдинги сигментнинг якуний тезлигига тенг, яъни автомобиль маълум бир тезликка эга бўлади. Қисмга ажратилган ҳаракат натижаларидан цикл куришнинг бир нечта тури мавжуд. Биринчи усулда қисмларга ажратиб олинган барча ҳаракат циклларидан бир-бирига мос кўп қисмни ташкил қиладиган ҳаракат циклари танлаб олинади ва танлаб олинган ҳаракат цикли бўйича автомобиль яна ҳаракатлантириш орқали ҳаракат циклидаги режимларни (тезланиш, текис ҳаракат, секинланиш) ўзгариш жойлари қайта кўриб чиқилади. Иккинчи усулда эса қисмларга ажратиб олинган барча ҳаракат цикллари ўртача қийматидан келтириб чиқарилади. Бу усулда аниқланган ҳаракат цикллари автомобилнинг реал ҳаракат режимига мос келмайди, лекин ушбу ҳаракат цикли айнан ўрганилган шаҳар ҳаракат шароитини баҳолашда аҳамиятли.

Тизимлаш асосида - автомобиль ҳаракати шароити натижалари синов йўли билан аниқлангандан сўнг ҳаракат режимлари бўйича ажратиб чиқилади, яъни синов вақтидаги барча тезланиш, секинланиш, салт ишлаш ва текис ҳаракатлар алоҳида ажратиб олинади. Автомобиль ҳаракати давомида қайси режимда неча % ҳаракатланганлиги ва режимларнинг минимал, максимал ва ўртача қийматлари аниқланади ва шу қийматлар асосида ҳаракат цикли курилади.

Модал ҳаракат циклини қуриш – бу услубда автомобилнинг режими ўзгараётган вақтда кейинги келадиган режим олдингисига боғлиқ деб қаралади (1-расмда келтирилган 3 билан белгиланган диапазон) ва асосан синов натижаларидаги режим ўзгариш қисмлари ажратиб олиб таҳлил қилинади ва шу асосда ҳаракат цикллари қурилади. Умуман олганда ҳаракат цикллари 2 тоифага бўлиниди: меъёрланган ва меъёрланмаган. Меъёрланган ҳаракат циклларида ёнилғи сарфлари ва автомобилдан чиқаётган заҳарли газлар меъёрланади ва давлатларда ҳаракатланаётган автомобиллар ушбу меъёр бўйича назорат қилинади.



1-расм. Ҳаракат цикли



2-расм. Япония давлатининг меъёрланган Japanese 10-15 цикли

Бундай цикللارга мисол тариқасида АҚШ давлатида ишлаб чиқилган ва қонунийлаштирилган FTP-75 цикли, Европада NEDC ва Япония давлатида Japanese 10-15 цикллари келтириш мумкин.

Меъёрланмаган ҳаракат цикллари автомобилнинг ёнилғи сарфини ва экологик хусусиятларини яхшилаш учун олиб борилаётган изланишларда


фойдаланиш мақсадида шаҳар учун ишлаб чиқилади. Бундай цикллارга мисол тариқасида Сидней, Афина ва Гонконг шаҳарлари учун ишлаб чиқилган цикллари келтиришимиз мумкин. Ушбу цикллارнинг яна бир аҳамиятли тарафларидан бири ёнилғи тежамкорлигини ва автомобилдан чиқаётган заҳарли газларни миқдорини таҳлил қилиш мақсадида тезланиш ва секинланиш қийматлари юқори бўлади.

Ҳаракат циклини аниқлашда синов усули билан автомобилнинг вақт бирлиги ичидаги тезлиги аниқланади. Ҳозирда автомобилнинг тезлигини аниқлаш мақсадида асосан 5-ғилдирак ва GPS тизимидан кенг фойдаланилади. Олинган маълумотлар эса компьютер хотирасига тўғридан тўғри сақланади ва таҳлил қилинади.

Синов ўтказиш даврини белгилашда асосан соат 08:00-18:00 деб қабул қилинишини таҳлиллар кўрсатмоқда. Шаҳар ҳаракат шароитида ушбу давр

оралиғида автомобиллар қатновида юқорида санаб ўтилган барча ҳаракат режими турлари даврига тўғри келишини такидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари бу вақтда аксарият автомобиллар мақсадли ҳаракатланаётган ҳисобланади, яъни ишга бориш ва келиш, хизмат автомобилларини йўналиши бўйича ҳаракатланиши ва х.к. Шунинг учун синов ўтказиш ҳафтанинг душанба кунидан жума кунигача ўтказилади.

Шундай қилиб ҳаракат циклини аниқлаш услублари муаян эксплуатация шароитига ва қўлланилиш мақсадига боғлиқ равишда ишлаб чиқилади ва меъёрлаштирилади.



3-расм Нью-Йорк шаҳрининг меъёрланмаган цикли NYCC

Адабиётлар:

1. В.П. Федосов, В.Д. Сытенький, Автомобильная электроника, Учебное пособие. Таганрог: Изд-во ТРТУ, 1998. 73 с.
2. <http://www.dieselnet.com/standards/cycles/nycc.html>.
3. http://www.dieselnet.com/standards/cycles/jp_10-15mode.html

МАЪМУРИЙ БИНО ВА БИЗНЕС МАРКАЗЛАРДА АҚЛЛИ ТУРАРГОҲЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ

PhD Джиянбаев С.В., Ҳазратқулов А.А., магистрант (*ЖизПИ*)

Замонавий дунёда давлатлар деярли ҳар бир соҳада илм-фан ютуқларини амалиётга кенг қўллаши натижасида тараққиётнинг юксак даражасига эришмоқдалар. Хусусан, технологик тараққиётга хос бўлган янги-янги атамалар ҳам пайдо бўлмоқда.

Кўпгина давлатларда «ақлли» шаҳарларни яратиш масаласи кўндаланг турганда, биз мегаполисга айлантиришни кўзлаган Тошкент шаҳрида ҳамон оддийгина машиналар учун тураргоҳ масаласини ҳал эта олмаяпмиз.

Шаҳарларда автомобиллар учун тўхташ, яъни «паркинг» масаласи ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ҳам бирдек муаммо саналади. Бутун дунё бўйича — 6 қитъада ва 30 дан ортиқ давлатларда ҳайдовчилар вақтинчалик тўхташ учун жой кидиришни энг асаббузар иш деб билишади.

«IBM Global Parking Survey» корпорацияси йигирмата Европа давлатлари аҳолиси ўртасида (10 минг киши қатнашган) сўровнома ўтказган. Унда ҳар 10

кишидан 6 нафари автомобилни қолдириш учун жой излашни тушкунликка олиб келувчи вазиятлардан деб ҳисоблаган. Шунингдек паркинг муаммоси шаҳарда бизнес ривожланиши учун халақит берувчи омиллардан бири сифатида кўрилади.

Марказий йўлларда тирбандлик ҳосил бўлишининг 30 фоизи ҳайдовчиларнинг тўхташ учун жой излашлари туфайли келиб чиқади. Бугунги кунда кўпгина бизнес марказга айланган шаҳарлар автомобиль учун тўхташ жойларини турли замонавий йўлларини излашмоқда. Аввалига кўп қаватли автомобиль турар жой бинолари қурилган. Кейинчалик қаватли тўхташ биноларига жой етмагач, мавжуд бизнес марказлари ер ости йўллари ва томларини паркингга алантириш урф бўлган. Бу учала усул ҳам қилмаган жойларда бино тарзида ўралмаган, лифтли парковкалар қуриш ривожланди. Уларда машина қолдириш соатига ўртача 30 доллар бўлиб, лифт машинани юқорига кўтариб жойлаб қўяди. Бу каби ихчам автотураргоҳлар Германия, АҚШ каби давлатларда ривожланган.

Тошкентда ҳозирда айрим тўйхона ва тамаддихоналар паркингни ҳисобга олган ҳолда қурилиш қилмоқда. Йирик супермаркетларда ҳам албатта, автотураргоҳ инобатга олинган. Лекин шаҳарнинг аксар қисмларида ҳозирда фақатгина «тўхташ мумкин эмас», белгиларини кўриш мумкин. Буни автомобилларни шаҳардаги транспорт оқимида халақит қилмаслик учун қўрилган чора, дейиш мумкин. Бугунга келиб Тошкент шаҳрининг ўзида 450 мингдан ортиқ транспорт воситалари ҳаракатланмоқда.

Шаҳар марказлари доим автомобиллар билан гавжум. Бироқ автотураргоҳ у ёқда турсин, марказларда тўхташ мумкин бўлган жойнинг ўзи топилмайди. Қоидага кўра, бу белги (3.27) остида 1 дақиқа ҳам тўхтаб туриш мумкин эмас. Бирон иш билан йўл четида тўхтаб, машинадан тушдингизми, ЙПХ ходими бунга гувоҳ бўлиб қолса, нақд 530 минг сўм жарима солади. Жорий йил бошидан бугунга қадар 11 208 нафар ҳайдовчи тўхташ ва тўхтаб туриш қоидасини бузган, (3.27) йўл қоидасини бузиш бўйича 461 063 нафар ҳайдовчига маъмурий баённома расмийлаштирилган. Салкам 500 мингга яқин ҳайдовчи ярим миллион, бир йил ичида бу қоидани иккинчи маротаба бузиши бўлса, 1 миллион сўм атрофида жарима тўлаган.

Қоидабузарларни айблашга шошилмайлик. Чунки қоидабузарга жарима бор-у, лекин тартибни бузмаслик учун шароит йўқ. Вақтинча тўхташ учун махсус жойлар мавжуд эмас. Бор жойлар ҳам, кун давомида автомобилларга тўла бўлади.



Йилдан-йилга машиналарнинг кўпайиб боришини ҳисобга олсак, бугун 450 мингга бўлган транспорт воситалари миллионга чиққанда, тураргоҳлар муаммоси янаям долзарбланиши.

Мавжуд муаммоларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишнинг инновацион ечимларини таклиф этмоқдамиз.





№1-расм

принципиал схемаси келтирилган.


1. Биринчи навабатда ақлли тураргоҳни лойиҳалашда зарур бўлган жиҳозлар: (HMI-оператор панели, IoT қурилмаси; алоқани алоқагача етказиш учун мўлжалланган, ModBus типидagi Data collector, IP- камера, Рақамли электрон ойна, PoE типидagi Switch).

Қуйидаги №1-расмда ақлли тураргоҳни лойиҳалашда зарур бўлган жиҳозлар ва улардан фойдаланишнинг технологик

<p>Кириш/чиқиш устунларининг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • кириш/чиқиш тартибини тўлиқ автоматлаштириш; • штрих-код /смарт-жетонли чипталарни бериш/олиш; • обуна, хизмат ва дебет карталарини ўқиш; • тўловларни назорат; • шлагбаум ва светофорни бошқариш. 	
<p>Автоматик кассаларнинг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • штрих-код /смарт-жетонли чипталарни олиш; • парковканинг нархини тарифлар бўйича ҳисоблаш; • тўловларни қабул қилиш: банкноталар, тангалар, банк карталари, ApplePay, SamsungPay, Troika, AndroidPay; • фискал чеклар, банкноталар ва тангалар билан қайтимини бериш. 	

<p>Дастурий таъминот имкониятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • веб-интерфейс орқали кириш; • парковка шароитларини он-лайн мониторинг қилиш; • барча воқеаларни қайд қилиш; • кенг доирадаги ҳисоботлар; • учинчи томон дастурлари билан интеграция қилиш учун API; • рақамларни аниқлаш ва видеони ёзиб олиш. 	
<p>Шлагбаумларнинг ўзига хос хусусиятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • парковкаларда ишлатиш учун махсус моделлар; • юқори интенсивлик кунига 10000 циклгача; • очиш/ёпишнинг юқори тезлиги; • усти ёпилган паркинглар учун букланадиган найза; • машинани урганда «найзанинг орқага ташланиши» механизми; • иш ҳарорати $-40 \dots + 75^{\circ} \text{C}$. 	
<p>Ахборот таблосининг имкониятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Парковкадаги бўш жойлар сонини кўрсатадиган маълумот таблоси; • Ҳар бир зонада бўш жойларни намойиш қилиш учун гуруҳ таблоси; • Анодланган алюминий профилдан ясалган корпус; • «Бўш ўринлар» сўзларини ёритиш; • Ёриткичларнинг ёруғлигини бошқариш. 	
<p>Ҳар хил турдаги паркинг жойларни жиҳозлаш учун аксессуарлар (очик, усти ёпиқ, кўп даражали паркинглар):</p> <ul style="list-style-type: none"> • ғилдиракни тўқнашувдан ҳимояси; • резина демпферлар; • парковка устунлари; • тўсиқлар, йўлаклардан чиқиш; • сферик кўзгу; • ётган ҳолдаги полициячилар. 	

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, IP- камера ва унга тегишли ноёб қурилмалар ёрдамида автомобилнинг ўлчами унинг техник параметрларини, жойлашган (геоинформацион тизимлар ёрдамида координата ўлчамидаги аниқ) жойини аниқлаш зарур ҳисобланади ҳамда ушбу маълумотларни сақлаш ва таҳлил қилиш имконияти туғилади.



Адабиётлар:

1. Игнатъев Ю.В. Возведение автомобильных стоянок и парковок в крупных городах // Вестник ЮУрГУ. 2012. № 17. С. 68-72
2. Щербаков А. Автостоянки и права автовладельцев // Автомобильный транспорт. 2006. № 5. С. 66-69.

3. I.A. Duvanova //Parking areas and parkings in the big cities//Construction of Unique Buildings and Structures, 2015, №12 (39)
4. Dianov V.N., Gevondian T.A. Parking system of high reliability // Innovatsionnyye informatsionnyye tekhnologii. 2014. № 2. S. 531-535.

ВЫБОР БАЗОВЫХ МОДЕЛЕЙ И УСЛОВИЙ ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ ЧИСЛЕННОГО ЭКСПЕРИМЕНТА ПО ИССЛЕДОВАНИЮ ПАРАМЕТРОВ ДОРОГ.

Едгоров Ж.Н. (*Термезский филиал ТГТУ*)

Выбор базовой модели прогнозирования ровности дорог. Выбор модели прогнозирования снижения ровности дорожных покрытий в процессе эксплуатации автомобильных дорог представляет собой достаточно сложную задачу. Предложен целый ряд моделей, в которых состояние ровности покрытия на каждый момент времени ставится в зависимость от многих факторов: начальной ровности, модуля упругости дорожной одежды, увеличения площади покрытия с трещинами и выбоинами, интенсивности движения и др. Все эти модели, претендующие на универсальность, громоздки и не отражают истинной картины состояния дорог. Существует и другой подход к прогнозированию состояния покрытия, при котором состояние покрытия выражается как функция одной переменной – срока службы. Такая модель принята в настоящей работе

$$IRI(t) = IRI_0 \cdot \exp(bt)$$

Где $IRI(t)$ – прогнозируемая ровность при возрасте покрытия t , лет;

IRI_0 – среднее значение ровности в начальный момент времени при t_0 , м/км;

b – Безразмерный параметр модели, зависящий от климатических условий и конструкции дорожных одежд

Для прогнозирования ровности на однородных участках дорог с помощью модели необходимо найти параметр b , что возможно только при наличии большого количества наблюдений. На основании наблюдений, проведённых КаздорНИИ, параметр b определён для участков дорог Южного Казахстана и прилегающих районов Узбекистана (табл. 1, 2)

Таблица 1

Параметр « b » для дорог с капитальным усовершенствованным покрытием с начальной ровностью $IRI_0 = 3$

Среднегодовая интенсивность авт/сут	703	1406	2109	2812	3515	4218	4921	6327	7030
b	0,041	0,056	0,067	0,071	0,081	0,084	0,089	0,0897	0,09

Таблица 2

Параметр « b » для дорог покрытием облегченного типа с начальной ровностью $IRI_0 = 6$

Среднегодовая. Интенсивность авт/сут	400	800	1600	2400	4000
b	0,051	0,068	0,074	0,077	0,082

Выбор модели для определения выбросов при ремонтных работах, относящихся к содержанию дорог. Поскольку 80 % затрат на текущий ремонтные работы при содержании дорог приходится на ямочный ремонт, в эксперименте учитываются выбросы ВВ, происходящие при производстве только ямочного ремонта. Доля среднегодовой площади покрытия, на которой должен быть произведен ямочный ремонт в процентах от всей площади проезжей части, изменяющаяся во времени, определяется по формуле.

$$P(t) = 0,0057 t^2 + 0,059 t + 1,14$$

Где t – год службы дорожной одежды.

Выбросы происходят непосредственно при производстве ямочного ремонта от работы дорожно-строительной техники, а также при производстве материалов, необходимых для ремонта. Количество выбросов рассчитывается в зависимости от площади, подлежащей ремонту, по данным.

Определение выбросов при текущем ремонте дороги. В эксперименте рассмотрены 3 разновидности текущего ремонта дорог:

- поверхностная обработка;
- термопрофилирование двух разновидностей (с добавкой и без добавки асфальтобетона);
- укладка отдельных участков (100м на 1км) верхнего слоя асфальтобетона.

Выбросы, как и в случае ремонтных работ, относящихся к содержанию дорог, происходят при работе дорожно-строительной техники и при производстве материалов для ремонта.

Учет выравнивающего эффекта ремонта дороги. Выравнивающий эффект изменение ровности в результате ремонта. Под этим понятием подразумевается, что текущий ремонт не позволяет получить ровность первоначального уровня. Уравнение, описывающее выравнивающий эффект, приведено в:

$$IRI_n = a + b \cdot IRI_\phi,$$

$$(S_n = a + b \cdot S_\phi)$$

IRI_ϕ , IRI_n – соответственно фактическая ровность дорожного покрытия и ровность после проведения ремонтных мероприятий. В скобках

S – ровность по толчкомеру, см/км

a и b – параметры уравнения, зависящие от вида дорожно-ремонтных работ (параметров a и b для условий Южного Казахстана приведены в таблица 3)

Таблица 3

Параметры a и b уравнения

Вид ремонтного мероприятия	Параметры уравнения	
	a	b

Одиночная поверхностная обработка	0,928 (16,21*)	0,72
Термопрофилирование и укладка нового слоя	0,495 (7,39*)	0,58

* - для ровности S по толчкомеру

ЛИТЕРАТУРА:

1. Автомобильные дороги: безопасность, экологические проблемы, экономика. Под ред. В.Н. Луканина и К.-Х. Ленца. М.: Логос, 2002. – 624с.
2. Галушко Т.И., Батракова А.Г. Повышение экологической безопасности на этапе проектирования автомобильных дорог // Вестник ХНАДУ. № 52. 2011. С. 132-137
3. Васильев А.П., Сиденко В.М. Эксплуатация автомобильных дорог и организация дорожного движения: Учебник для вузов. М.: Транспорт. 1990–304с.

ТУРЛИ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИГА ОРАЛИҚ БЕКАТЛАР ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Йўлдошев Д.Ф ассистент (ТДТУ)

Жамоат транспортлари иши йўловчиларга ҳар қандай об-хаво шароитларида қулайликни ва транспорт ишончилигини таъминлаш тамоиллари асосида ташкил этилиши жамоат транспортларининг хизмат кўрсатиш сифатиغا ижобий таъсир кўрсатади. Транспорт соҳасида юк ва йўловчи ташиш тизимида ҳаракат тезлиги ва вақт транспорт тармоғида хизмат кўрсатиш даражасини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жамоат транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатиغا бўлган талаб кундан-кун ошиб бормоқда, бу эса ҳар қандай об-хаво шароитида ишончли транспорт хизматини кўрсатиш зарурятини келтириб чиқаради. Жамоат транспорти ҳар қандай об-хаво шароитида ишончли хизмат кўрсатиши учун автобусларнинг ҳаракати давомида асосий ушланиб қолишларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлган оралиқ бекатлар фаолиятларини оптималлаштириш лозим.

Жамоат транспортлари ҳаракат вақтлари бўйича европа олимлари томонидан бирқанча илмий ишлар ва лойиҳалар бажарилган. Жумладан Gdansk Technologiya Университети тадқиқотчилари Krystian Birr, Kazimierz Jamroz, Wojciech Kustra, жамоат транспортининг маршрут вақтларини башорат қилиш борасидаги илмий ишида TRISTAR шаҳар транспорт ҳаракатини боқариш тизимини қуриш лойиҳаси маълумотларига асосланиб жамоат транспорти ўртача тезлиги ва ташқи омиллар ўртасидаги боғлиқлик ишлаб чиқилган. Транспорти тезлигига ва ҳаракат вақтига ташқи омиллар хусусан транспорт ҳажми, ҳаракатни ташкил этилганлиги ва инфратузилма мавжуд ҳолатини

таъсир даражаларини кўриб чиқилган ҳисобий натижаларни қуйида келтирилган функция орқали олган ([1])

$$T = T_0 + \left(1 + \alpha \cdot \left(\frac{Q}{C_p} \right)^\beta \right) + \gamma \cdot Q.$$

Бу ерда


T	– travel time,	Ҳаракат вақти
T_0	– travel time in free flow,	Ҳаракат зичлиги кам вақтдаги ҳаракат вақти
Q	– traffic volume,	Ҳаракат миқдори
C	– capacity,	ҳажим
α, β	– parameters.	кўрсаткичлар

Шунингдек Хитойнинг Гонконг университети олими Sui Tao ва бошқа ушбу мавзуда илмий ишларини ҳаммуаллифликда олиб бораётган олимлар олдиларига об-ҳаво шароитларида ҳар соатлик ўзгаришларнинг автобуслар қатновига қанчалик таъсир қилишини иш кунларида, кун давомида ва дам олиш кунларида қандай ўзгаришини кўриб чиқишган. Автобусларнинг қатнов йўналишлари га об-ҳаво ўзгарувчанлигини таъсирини ўрганилган. ишнинг навбатдаги мақсади эса об-ҳавонинг кун соатлари бўйича ўзгаришининг йўловчиларнинг автобуслардаги ҳаракатларини ўзгаришларининг фазовий-вақт шакилларига таъсир даражаси ўрганилган. Тадқиқот объекти сифатида Австралиянинг Брисбен шаҳри автобус тармоқлари олинган. Тадқиқот объектида уч хил фазовий миқёсда яни тизим миқёсда, манзилга асосланган, тўхташ даражалари бўйича моделлаштирилган. [2]

Дублин технология университети тадқиқотчиси Markus Hofmann ва Margaret O'Mahonyлар Об-ҳавонинг ноқулай шароитларини шаҳар автобуслари иш кўрсаткичларига таъсирини ИТС фойдаланиб ўрганилган. Бунда асосий иш маълумотлар базасидан олинган кўрсаткичларга таянилган, яни сана, соат, ёмғир сатхи (мм) ҳарорат, шамолнинг ўртача тезлиги ва об ҳаво тавсифи билан хизмат кўрсатиш частотаси, йўлнинг ва қатновнинг мунтазамлиги, қатнов вақтининг ўзгарувчанлиги каби кўрсаткичларнинг орасидаги боғлиқликлар ўрганилган. [3]

Методология

Автобус маршрутининг оралиқ бекатларидаги элементар жараёнлар қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга ошиши мумкин. Автобус оралиқ бекатига етиб келгандан кейин, агар бекат йўлакчаси банд бўлмаса, унга киради (2 блок), банд бўлса, унда йўлакча бўшагунча кутиб туради (1 блок) ва бўшагандан кейин киради (2 блок). Кейинги жараёнда автобусдан йўловчилар туширилади (3 блок) ва янги йўловчилар автобусга чиқарилади (4 блок). Ундан кейин эса автобус эшикларини ёпиб, бекат ҳудудидан маршрут йўлига чиқиб кетади (5 блок). Мазкур жараёнлар схемаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Автобус маршрутининг n-оралиқ бекатида бажариладиган элементар жараёнлари

1-расмда киритилган белгилашлар:

$t_{бек.кир.кут}^n$ - автобус маршрутини n - оралиқ бекатига киришни кутиш вақти;

$t_{бек.кир}^n$ - автобусни кутиб турган жойдан n -оралиқ бекатда йўловчи тушириш жойигача кириш (ҳаракатланиш) вақти;


$t_{йўл.туш}^n$ - йўловчиларни автобусдан туширишга кетган вақт;

$t_{йўл.чик}^n$ - йўловчиларни автобусга чиқариш вақти;

$t_{бек.чик.кут}^n$ - автобусни йўлакча бандлиги туфайли бекатдан чиқишни кутиш вақти;

$t_{бек.чик}^n$ -бекатдан маршрут йўлига чиқишгача кетган вақт.

Бу кўрсаткичлар ўзгарувчан ҳисобланади, албатта кўрсаткичларни ўлчаш ва аниқлаш жараёнида таъсир этувчи бошқа ҳаво ҳарорати, намлик, бекатнинг қулайлиги, йўловчиларнинг сони, автобус тури, бекат тури каби бир қанча омилларни ҳам инобатга олиш лозим. Кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳисобланинг аниқ бўлиши ва барча элементар жараёнлар инобатга олинган бўлиши талаб этилади.



2-расм. Оралиқ бекатларнинг мавжуд ҳолатлари таҳлили

а) оралиқ бекатларнинг мавжуд ҳолати

б) оралиқ бекатларнинг тавсиявий шакллари

Оралиқ бекатлар ва автобусларнинг тўхташ жойлари бир бирига яқин бўлиши, йўловчиларнинг бекатлардан автобусларга ўтишлари қулай ва хавфсиз бўлиши, автобусларнинг оралиқ бекатларда тўхтишлари қатнов қисмидаги бошқа ҳаракат қатнашчиларига салбий таъсир кўрсатмаслиги, оралиқ бекатларнинг чорраҳаларга имкон қадар яқин бўлмаслиги, оралиқ бекатлардан чиқмаган ҳолда келаётган автобус турини ва йўналишини кўра олиш имкониятини бўлиши - оралиқ бекатларда туриш вақтига, автобусларнинг эксплуатацион тезлигига, йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятига, оралиқ бекатларнинг ўз функциясини тўлиқ бажара олишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки жамоат транспорти жамият ҳаётида муҳим рол тутди ва доимий равишда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида хавфсиз ва тезкор транспорт хизмати талаб этади. Шундай экан транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар, ташкилотларнинг зиммасида ишончли транспорт хизмати кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш вазифаси туради.

Адабиётлар

1. Krystian Birr, Kazimierz Jamroz, Wojciech Kustra -17th Meeting of the EURO Working Group on Transportation, EWGT2014, 2-4 July 2014, Sevilla, Spain.
2. Jonathan Corcoran & Sui Tao Mapping spatial patterns of bus usage under varying local temperature conditions- Journal of Maps ISSN: (Print) 1744-5647 (Online) Journal homepage: <http://www.tandfonline.com/loi/tjom20>
3. Markus Hofmann & Margaret O'Mahonyлар The impact of adverse weather conditions on urban bus performance measures Conference Paper · October 2005
4. PhD Abdullaev B.I., Akhmedov D.T., Yuldashev D.F. PLANNING THE NUMBER OF BUSES ON ROUTES - Tashkent institute of design, construction and maintenance of automobile roads
5. Спирин И.В. Организация и управление пассажирскими автомобильными перевозками, М., Академия, 2010. – 400 с.
6. Бутаев Ш.А. ва б. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Т., “Фан”, 2009.-294б.

ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Термиз шаҳри мисолида)

Комилов А.Л. *(ТерДУ)*

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 6 мартда тасдиқланган “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3589-сонли Қарорда эса сўнгги йилларда автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, автотранспорт хўжаликларини модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмаслиги, соҳада илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмаганлиги ва мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилган [1].

Бу қарорларнинг ижросини таъминлаш учун мамлакатимизда автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Шаҳар аҳолисининг узлуксиз ўсиши ва ривожланиши ҳозирги кечакундузда жамоат транспортисиз фараз қилиш мумкин эмас. Шаҳар пассажир ташиш инфратузилмасини ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, йўловчи ташиш аҳолининг иш жойига ўз вақтига етиб бориши аҳоли учун самарали транспорт хизматларини ташкил этиш кўплаб шаҳарларидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Илмий фаолиятининг асосий мақсади йўловчи ташиш бўйича пассажирларни ташиш минимал вақт транспортда юриш харажатлари, юқори қулайлик ва транспортнинг минимал эксплуатацион қиймати қабул қилиш. Шаҳар йўловчилар транспортининг асосий ўрни бу вақтни тежаш қобилиятини ўз ичига олиши мумкин, аҳоли ҳаракати учун сарфланган маблағ ва бошқалардир. Маршрутда ҳаракат вақти бекатдан бекатга бориши чиқиш-тушиши, маршрут интервалига амал қилиниши бу эса юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди. Бироқ шаҳарлар ва шаҳар йўловчилар сонининг ўсиши билан транспорт ҳам ортиб бормоқда транспортнинг кўпайишига олиб келадиган аҳолининг фаоллиги шаҳар йўловчилар транспорти тизимида тушадиган юкламани камайтириш транспорт ўрнига боғлиқдир. Бугунги кунда Республикада 6 мингдан зиёд автомобил транспорти хизмати кўрсатувчилари фаолият юритмоқда. Уларнинг автопаркларида **115** минг лицензияланган автотранспорт воситалари бор, жумладан **7801** автобус, **3531** микроавтобус, **36,6** минг “Дамас” ва **22,7** мингдан ортиқ такси автомобиллари мавжуд. Йўловчи ташишга

ихтисослашган корхоналарнинг **20%** Тошкент шаҳрида фаолият юритади. Республикада мавжуд бўлган **4377** йўналишлардан **865** таси автобус ва **443** таси йўналишли таксиларга тўғри келади. Бунинг асосий сабаби автобус ва микроавтобусларнинг етишмаслиги ва транспорт воситаларининг эскирганлигидир.



1-расмда лицензияланган транспорт турлари

Бугунги кунда аҳолига хизмат кўрсатаётган 7801 автобуснинг 21%

нисбатан янги бўлиб, уларнинг ишлаб чиқарилганига 1-3 йил бўлган. Автопаркинг 33 % — ишлаб чиқарилганига 4—7 йил бўлган автобуслар ва қолган 46% — эскирган транспорт воситаларидир (1-расм). Микроавтобуслар борасида ҳам вазият яхши эмас. Аҳолига хизмат кўрсатаётган 3531 та микроавтобусдан 7%— нисбатан янги (1-3 йил), 47%— ўртаҳол (4-7 йил) ва Аҳолининг йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бормокда.

Экспертлар фикрига кўра, мамлакатда ҳар 10 минг кишига 2,3 донa лицензияланган автобус, 1 микроавтобус ва 12 та “Дамас” тўғри келади. Бошқа мамлакатлар билан солиштирганда бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Масалан Россияда ҳар 10 минг аҳоли сонига 11,7 та автобус тўғри келади. Вилоятларда автобус ва микроавтобуслар етишмовчилиги янада яққол кўзга ташланади. Хусусан, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳар 10 минг кишига ўртача 1 донa автобус ва 0,3 донa микроавтобус тўғри келади.[5] Ушбу вазиятдан чиқиш, жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, 2021 йилга қадар қишлоқ жойларда босқичма-босқич 437 та янги автобус йўналишлари очиш режалаштирилмоқда. Бу алоҳида туманларни вилоят марказлари билан боғлашга ёрдам беради. 2021 йилга қадар босқичма-босқич равишда 2375 та янги автобус ва 5700та микроавтобуслар сотиб олиш режалаштирилмоқда. Уларнинг аксарияти паст полли, кўп йўловчи сиғдира оладиган ва сиқилган газда ишлайдиган автобуслар бўлади. Йўловчи транспорти инфратузилмасини қайта тиклаш мақсадида 32 та автовокзалларни таъмирлаш, 52 та янги автовокзал ва автостанция қуриш режалаштирилган. Шунингдек ушбу объектлар ҳудудида хавфсизлик чораларини ошириш режалаштирилган [3].

<i>1-жадвал</i>		
<i>Республика бўйича пассажир ташиш ҳажми</i>		
	2019	2018
Ташилган пассажирлар <i>сони, млн. одам</i>	6109,4	102,7
темир йўл	22,9	103,5
автомобил	5999,5	102,5
метрополитен	79,2	114,6
ҳаво	3,3	126,3
трамвай	3,8	87,1
тролейбус	0,7	132,2

ўртача тезлигининг пасайиши, чунки йўловчи ташишнинг умумий ижобий динамикаси кузатилади транспорт барча турлари бўйича. Транспорт турларининг улушлари фоиз ҳисобида келтирилган. Транспорт турларининг улуши транспорт турлари бўйича автомобил транспорти 59.2% ни ташкил этади (2-расм). Ушбу турдаги транспортнинг аҳамияти, жараёнлари ва қонуниятларини тадқиқ қилиш транспортга алоҳида эътибор бериш

1-жадвалда 2018 йилда йўловчи ташиш 2019 қисқартирилган улуши нисбатан транспорт урлари бўйича умумий ҳажмида кўрсатилган. Асосан шундай ушбу жадвалдан кўриниб турганидек транспортнинг улуши каттадир. Аҳоли сонининг ўсиши умумий сонининг камайишидан келиб чиқади линияда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари, шунингдек трафикнинг


кераклигидан далолат беради. Хусусан, 2019 йилда ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида кўп улуш автомобиль транспортига тўғри келди [4]. Салбий таъсир кўрсатувчи йўловчи ташиш бўйича шаҳарсозлик ишларида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд. Автобусларнинг тўхташ бекатларининг мавжудмаслиги оралиқ интервалларга амал қилмаслик ва йўловчиларнинг ўз вақтида етиб бормасликлари шулар жумласидандир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жамоат транспортининг диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш жамоат транспортини оператив бошқаришни таъминлаш ва унинг фаолияти ҳақида объектив ахборот чиқаришдир.

Марказий диспетчерлик хизматлари, транспорт корхоналаридаги диспетчерлик пунктлари, темир йўл станцияларини жамоат транспортини бошқаришнинг ахборот-таҳлилий тизими доирасида бирлаштириш зарур.

Жамоат транспортининг бошқарувини яхшилаш мақсадида:

- реал вақт режимида узлуксиз автоматлаштирилган йўл ҳаракати назорати орқали жамоат транспорти хизматлари сифатини ошириш;
- транспорт воситалари оралиқларини туташ йўналишлар бўйича сутка соатларида бўйича барча турдаги жамоат транспортларини мувофиқлаштириш;
- интернет ахборот ва телекоммуникация тармоғи орқали жамоат транспорти иш режимлари ҳақида жамоатчиликка маълумот бериш;
- станциялар, автобус станциялари ва ахборотни интеграция қилиш йўли билан транспорт мажмуасини ташкил этишнинг автоматлаштирилган ҳисоби ва назоратига тўлиқ ўтиш [5].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки йўловчи ташиш бўйича таъсир кўрсатувчи шаҳар ҳўжалигининг бошқа тармоқлари ва шаҳарсозлик ишларида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд. Автобусларнинг тўхташ бекатларининг мавжудмаслиги оралиқ интервалларга амал қилмаслик ва йўловчиларнинг ўз вақтида етиб бормасликлари шулар жумласидандир. Шаҳар йўловчи ташиш тизими транспорт воситаларини модернизация қилиш зарур, бу эса йўловчиларга хизмат



2-Расмда транспортнинг турлари улуши % да

кўрсатиш сифатини оширади ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайти. Янги автобусларни эксплуатация қилиш, ишлаш вақтининг самарадорлиги ошади. Йўл инфратузилмасининг яхшимаслига йўл транспорт ходисаларнинг кўпайишига олиб келади. Шундай қилиб, транспорт шоҳобчалари, пиёдалар йўлакчаларини шакллантириш ва транспорт тизимлари тўхташ бекатларини янгилаш ҳамда замонавий диспетчерлик хизматини йўлга қўйиш керак.

Адабиётлар

. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 март ПҚ-3589 қарорига 7-илова.

2. sputniknews-uz.com

3. <https://www.studsell.com/view/74197/page=6>

4. <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf>

5. Спирин, И. В. Йўловчи автомобил транспортини ташкил этиш ва бошқариш: дарслик / И. В. Спирин. - Москва:, 2011 Академия Маленких. - 398 б.

6. Туревский И. С. Йўл транспорт: дарслик / И. С. Туревский. - М.: "forum", 2011. нашриёт ўйи - 222 б.

ТРАНСПОРТ ОҚИМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

Қўзиев А.Ў., Ўроқов А.А. *(ТерДУ, ТДТУ Термиз филиали)*

Аҳоли сони ва турмуш даражасининг яхшиланиши, ҳудудлар ўртасида юк ва пассажирлар алмашинуви ошиши натижасида мамлакатимиз йўлларида транспорт воситалари жадаллиги ўсиши кузатишмоқда. Маълумки катта шаҳарларда ва транспорт оқими жадаллиги катта бўлган автомобиль йўлларида аварияли ҳолат эҳтимоллиги юқори бўлади. Замонавий транспорт воситалари суперзамонавий технологиялар билан жиҳозланишига қарамадан автомобилларни бошқариш аввалдагилардек хавфли бўлиб қолмоқда. Мазкур тизим кўп сонли элементларга боғлиқ бўлади ва бу борада ҳеч бир нарса амалга оширилмаса ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мураккаблашади. Шунга қарамадан ҳар доим ҳам ижобий ўзгаришлар учун имконият топилади, яъни тавақалчилик ҳолатлардан чиқиш ва салбий таъсирларни минималлаштириш мумкин бўлади. Бироқ, бу муаммони ҳал этишнинг қисқа муддатли, микдорий ечими ҳисобланади, яъни уни бутунлай бартараф этишнинг имкони бўлмайди, чунки автомобилларнинг сони трассада ошиб боради.

Юқорида келтирилганларни ҳал этиш учун экспертлар томонидан бир неча усуллар тавсия этилган [1]:

-экстенсив, йўл инфратузилмасини қуриш;

-интенсив, транспорт оқимини оптималлаштириш ва бошқаришда интеллектуал транспорт тизими (ИТТ)ни қўллаш.

Экстенсив, яъни йўл инфратузилмасини қуриш бўйича кўпгина муаллифларнинг [2] фикрига кўра транспорт хизматлари бозорини замонавий босқичда ривожлантиришнинг бундай инфратузилмаси халқаро транспорт коридорларини ҳисобга олган ҳолдаги мультимодал транспорт тармоғидир.

Мультимодал ташишлар—камида икки транспорт тури билан мамлакат ичидаги ташишлардир [3].

Хориж мамлакатлари транспорт муаммосини ҳал этишда интенсив-транспорт оқимини оптималлаштириш ва бошқаришда интеллектуал транспорт тизимини қўллаш [3] усулдан фойдаланишни лозим топишган. ИТТ-автомобиль йўлларининг транспорт оқимини ўтказувчанлик қобилиятини оширишнинг муҳим, яъни самарали ва хавфсиз даражаси ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ИТТни фаол ривожлантирмоқда ва қўллаб қуватламоқда. Чунки янги автомобил йўлларини қуришнинг стандарт усулидан фарқли ўлароқ, мазкур муаммони ечишнинг фойдали усули ҳисобланади.

Транспорт оқимини оптималлаштириш ва бошқаришда интеллектуал транспорт тизимини қўллаш транспорт тармоғидан максимал фойдаланиш, транспорт жараёни самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш, транспортдан фойдаланувчилар ва ҳайдовчилар учун қулайлик даражасини яхшилашга асосланган ҳамда шошилиш тиббий ёрдамга тезкор муурожаатни таъминлайди. Шунингдек, йўл инфратузилмасини қуриш таннархини камайтириш имкониятини беради. Натижада истеъмолчиларга катта ҳажмда ахборотчанлик ва хавфсизлик тақдим этилади, ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг ўзаро таъсир даражаси сифатини ошириш имконини беради. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Франция, Хитой каби ривожланган мамлакатларда 20-30 йил аввал транспортни бошқаришда мазкур технологиялардан кенг фойдаланилган.

Интеллектуал транспортни амалиётга жорий этилиши бир неча звеноларда ижтимоий-иқтисодий манфаатларнинг комплекс яхшиланиши мумкин бўлади, жумладан унинг афзалликлари [4]:

- йўлда ҳаракатланиш вақти тежалади, ҳайдовчиларнинг меҳнат ресурси ва йўллардаги тирбандликларни камайтиради;
- атроф-муҳит ҳимояси амалга оширилади;
- йўл инфратузилмасини қуриш таннархи камаяди;
- саноатнинг ривожланиши эса кўпчилик ишчиларнинг иш билан таъминланиши имкониятини беради.

Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ, инглизча *intelligent transportation system*)—бу мураккаб муҳандислик тузилма бўлиб, транспорт тизимларини моделлаштириш ва транспорт оқимини бошқаришда инновацион ёндошув ҳисобланади.

Мультимодал транспорт тизимини (яъни, интеллектуал транспорт тизимини қўллаш билан) лойиҳалаш жараёни мураккаб ва кўп вариантлидир. Бунда олдиндан кўриш лозим бўлган кўплаб муаммолар пайдо бўлади. [5] мақолада айрим муаммоларга тўхталган:

- лойиҳалаш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган;
- мультимодал транспорт тизимини моделлаштириш ва уларни истиқболда ривожлантириш билан боғлиқ бўлган.

Бунда асосан истиқболдаги юк ва пассажирлар ҳажминини ўзлаштиришда жўнатувчи ва қабул қилувчи пунктлар транспорт оқими учун қулай йўналиш танлаш, айрим объектлар учун транспорт турини танлаш ва танланган транспорт

турини ривожлантиришга имконият яратиш, транспорт турлари ва мультимодал транспорт тармоғи бўйича транспорт оқимининг тақсимлаш каби муаммолардир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Республикамизда мазкур соҳа бўйича Европа стандарти доирасида етук мутахассислар тайёрлаш асосида интеллектуал транспорт тизимларини мамлакатимиз ҳудудида кенг жорий этиш ва мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланиш ва транспорт тармоқларини қуриш харажатларини минималлаштириш ва мақсадли йўналтириш имкониятини беради.

Адабиётлар

11. Меренков А.О. Зарубежный опыт в области реализации интеллектуальных транспортных систем/ Вестник Университета №7.-2015. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-v-oblasti-realizatsii-intellektualnyh-transportnyh-sistem>.

12. N. Nesterova, S. Goncharuk, V. Anisimov, A. Anisimov, V. Shvartcfel, Set-theoretic Model of Strategies of Development for Objects of Multimodal Transport Network. <https://doi.org/10.1016/j.proeng.2016.11.892>.

13. Бўтаев Ш.А., Сидикназаров Қ.М., Муродов А.С., Қўзиев А.Ў. Логистика (етказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш).-Тошкент: Extremum-Press, 2012.-577 б.

14. Hui Jie Yang/ Xi'an Intelligent Transportation System Construction Platform Research/ <https://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/> Selection and peer-review under responsibility of the 8th International Congress of Information and Communication Technology, ICICT 2019.

15. Нестерова Н.С., Анисимов В.А., Гончарук С.М. Проектирование мультимодальной транспортной сети.

ШАҲАР ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ ЮКЛАРИНИ АВТОМОБИЛЛАРДА ТАШИШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ

Муратов А.Х. ўқитувчи (*ТерДУ*)

Маълумки, бугунги кунда автомобил транспортини маъмурий бошқарув давлат томонидан амалга оширилмайди, ҳар бир хўжалик юк ташиш муаммоларини ўзлари мустақил ҳал этадилар.

Натижада, мавжуд амалиёт автомобилларнинг бундай фаолияти самарадорлиги талаб даражасида эмаслиги ҳамма жойда тан олинмоқда.

Шаҳарларда юк ташиш ҳажмининг салмоқли улушини ҳар хил қурулиш юклари ташкил этади.

1991 йилгача қурулиш юкларини ташиш асосан марказлаштирилган усулда амалга оширилган, жумладан ҳудудий усул ишлатилган.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш юк автомобил транспорти ва миқозларининг ишлаш амалиётини ўзгартириб юборди. Шунингдек, юк жўнатувчилар (ЮЖ) ва автотранспорт корхоналари (АТК) сони йирик

корхоналарининг бўлиниши ва янги ишлаб чиқариш ва автохўжаликларнинг ташкил этилиши ҳисобига ўсиши кузатилди.

АТК, ЮЖ ҳамда юк олувчи (ЮО) бир қанча қийинчиликларни синовдан ўтказмоқда, уларнинг ходимлари қандай қилиб илмий асосда замонавий юк автомобил транспорти ишларини ташкил этишни билишмайди, натижада миждозларнинг якуний маҳсулотларининг нархи сезиларли ошди.

Амалиётчи ходимларнинг замонавий фаолияти шундан иборатки, яъни транспортли-бир турдаги қурилиш юкларини шаҳар ҳудудида ташишни қайтишида юксиз ҳаракатланувчи маятникли маршрут ёки ҳалқасимон ёки радиал маршрутларда амалга оширишлари керак ва оширмоқдалар, бунда юк автомобилларида ташиш назарияси қоидаларига асосан автотранспорт тизимида юк ташиш (АТТЮТ) микро, энг кичик, кичик ва ўрта автомобилларининг ишлари тенглаштириб олинади.

Катта шаҳарлар ҳудудларида ҳақиқатда ҳам амалда жуда кўп юк жўнатувчи (ЮЖ)лар тўплами ва янада кўпроқ бир турли юкларни қабул қилувчи юк олувчилар фаолиятни амалга оширадилар, бунда смена давомида автотранспорт воситалари тўплами хизмат кўрсатади. Мазкур ҳолат асосан катта шаҳарларда реал мавжуд бўлиб, ва т.ф.д., проф. В.И.Николин фикрига кўра, юк ташиш ўрта автотранспорт тизими мажмуини ўзида акс эттиради [1].

Бошқа олимлар илмий ишларида транспортли-бир турли юкларни ташишни ташкил этишнинг ҳар хил усуллари келтирилган, жумладан “кўпдан-кўпга”, бунда барча илмий асарларда юк ташишнинг марказлашган усули афзаллиги тан олинган.

Т.ф.д., проф. А.И. Воркут ва бошқа олимлар томонидан “қурилиш юкларини ташиш ва улар билан боғлиқ бўлган юклаш-тушириш ишлари ҳаражатлари объектнинг умумий таннархидан 14-30%” ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган, яъни транспорт ҳаражатлари уй-жой ва бошқа бино ва иншоотлар умумий таннархининг учдан бирини ташкил этади [2].

Транспортли-бир турли (қурилиш ва бошқа) юкларни шаҳарларда тезкор режалаштириш ва ташишни ташкил этишнинг мавжуд ҳолатлари якуний истеъмолчи (аҳоли) учун муаммо сифатида пайдо бўлмоқда, яъни тайёр маҳсулот таннархининг қимматлиги, транспорт оқимининг транспорт тармоғи ўтказувчанлик қобилиятидан ошиши оқибатида йўллардаги тикилинчлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқалар.

Замонавий шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш транспорт жараёни иштирокчиларни манфаатларининг янада кўпроқ номутаносиблигига олиб келди. Қурувчилар қурилиш объектларини ишга тушириш муддатларини таъминлаган ҳолда энг кам ҳаражатлар билан бажаришга эътибор қаратишган бўлса, ташувчилар эса сўнгги йилларда кенг тарқалган вақтбай ҳақ тўлов бўлганлиги учун максимум автомобил-соат бўлишлигини афзал кўришган [3]. Юк ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарилган материалларнинг максимал миқдорини сотишдан манфаатдордир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида Сурхон саноат қурилиш компанияси таркибидаги “Фабулло строй сервис” ғишт заводи”, “Инновацион темирбетон сервис” “Термиз таъминот”, “Музробод шебен завод”, “Автокласс” ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг юкларини “Автосервис хизмати” автотранспорт корхонаси орқали ташиш амалиётини кузатиш муалифларнинг илгари эришган бир қатор ишлари натижаларини тасдиқлади:

Автотранспорт воситаларини режалаштириш ва ташкил этиш аксарият ҳолларда, интуиция (ички ҳис), амалий мулоҳазаларга асосланган ҳолда иш тажрибаси бўйича амалга оширилган, автомобилларнинг юклаш-тушириш пунктлари ва юк ишларини бажаришда кутиши тўхтаб туриш ҳолатлари, юкларни сақланилишини таъминламайдиган, тўлиқ юкланмаган, ёки ортиқча юкланган транспорт воситаларидан фойдаланиш, ўз вақтида машиналардан самарасиз фойдаланиш, юкларни ташиб кетиш талабномаларини бузиш ёки ортиқча транспортни буюртма қилиш ва бошқалар.

Бундан ташқари ишда темир-бетон маҳсулотлар ва бошқа қурилиш материалларини етказиб беришда транспорт жараёнини ташкил этишдаги камчиллик сифатида юклаш-тушириш пунктларида ташкилий ва техник сабабаларга кўра сезиларли даражада бекор туриб қолиши кўрсатилган бўлиб, бу наряд (иш) вақтининг 80% ни ташкил этади [4].

Маълумки, ташиш жараёнида юк жўнатиш (қабул қилиш) пунктларининг хизмат кўрсатиш жадаллиги ажратилган автотранспорт воситаларини сонига боғлиқ равишда шаклландиган уларнинг хизмат кўрсатиш тизимига кириб келиш вақт оралиқларига мос келиши лозим. Акс ҳолда, ё пунктларнинг ёки автотранспорт воситаларининг унумсиз кутиб туриш вақти ошиб кетади. Бундай ҳолатда талабгорларнинг хизмат кўрсатиш тизимига кириш оқими ва пунктларни хизмат кўрсатиш имкониятларига оид кўрсаткичларини ўзаро мослаштириш лозим бўлади [5].

Амалий кузатиш таҳлиллари шуни кўрсатдики, юк автомобилларда шаҳар шароитида қурилиш юкларини ташишни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган тегишли илмий ва услубий ёрдам берувчи методика ишлаб чиқиш зарур.

Бу юк ташишни режаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш қарорларини асослашга, транспорт воситалари сонидан ҳаддан ташқари ортиқча фойдаланишга ва юк ташиш ҳаражатларининг ошишига, якуний маҳсулотларнинг таннархига ва автомобил транспортининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ошишига сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф этишни таъминлайдиган-логистика етказиб бериш занжири (моддий, ахборот ва молиявий оқим)ни бошқарувга ёндашувни шакллантириш керак.

Адабиётлар:

1. Николин В.И. Основы теории автотранспортных систем (грузовые автомобильные перевозки)/ В.И. Николин и др.; Омск: Изд-во ОмГПУ, 1999. - 281с.

2. Воркут А.И. Грузовые автомобильные перевозки / Воркут А. И. — 2-е изд., перераб. и доп. — К.: Вища шк. Головное изд-во, 1986. — 447 с.

3. Передовая транспортная инфраструктура имеет стратегическое значение // Журнал «Автотранспортное предприятие», 2008. - №1. - С. 4-7.

4. Витвицкий Е.Е. Развозочно-сборные автотранспортные системы перевозки грузов: монография/ Е.Е. Витвицкий; — Омск: Изд-во «Вариант-Сибирь», 2003. - 274 с.

5. Kuziev A.U; Muratov A. Kh. Mutual Coordination of Logistic Activities of Vehicles and Shippers Servicing Them. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 7, Issue 8 , August 2020. <http://ijarset.com/upload/2020/august/14-abdulatif-35.pdf>

АВТОМОБИЛ ЁНИЛҒИ САРФИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ

т.ф.д. проф Мухитдинов А.А., Равшанбеков Ж. магистрант, Бобоноров Ф.
магистрант, (ТДТУ)

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт соҳалари юқори даражада ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида энергия манбаларига бўлган талабни оширади. Энергия манбаларига бўлган талабнинг ошиши ёқилғи ва мойлаш материалларининг танқислигига ва таннарҳининг ошишига шунингдек экологияга чиқаётган заҳарли газларнинг миқдорини ошишига олиб келади. Мисол тариқасида 2019 йилда атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар Тошкентда 397.9 минг тоннани ташкил этган буларнинг 90% ни автомобиллардан чиқган заҳарли газлар ташкил қилади[**Ошибка! Источник ссылки не найден.**]. 2020 йилда юк ташиш, йўловчи ташиш соҳаларида нарх-наво 112.0%[2] ошган. Автомобиллар учун ёқилғи нархи 110.0%[2] ошган. Юк ташиш ва йўловчи ташиш соҳаларида нархларнинг ошиши ёнилғи нархига боғлиқлиги сабабли транспорт воситаларини ёнилғи сарфини усуллари ва ускуналарини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Автотранспорт соҳасида замонавий логистика тамойилларига асосланган ҳолда автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш даврида масофадан туриб бажарилаётган иш самарадорлиги ва ишчи материаллар сарфини ўрганиш йўлга қўйилган. Бу усул автотранспорт воситасини энергия тежамкорлигини назорат қилишда етакчи ўринларни эгалламоқда.

Автомобиль ёнилғи сарфини ўлчашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади[3,4]:

- 1) Автомобил двигателини алоҳида стентда ёнилғи сарфини аниқлаш
- 2) Автомобилни стентда ёнилғи сарфини аниқлаш
- 3) Ҳаракат циклида ёнилғи сарфини аниқлаш:
 - а. Шаҳар циклида ёнилғи сарфини аниқлаш

- б. Магистрал циклида ёнилғи сарфини аниқлаш
- с. Меъёрий ҳаракат циклида ёнилғи сарфини аниқлаш
- 4) Транспорт воситаларини эксплуатация даврида борт ускуналари ёрдамида ёнилғи сарфини аниқлаш.

Кўрсатилган усуллар орқали қуйидаги параметрлар аниқланади[3,4]:

- 1) Шаҳар циклида ёнилғи сарфи
- 2) Магистрал циклида ёнилғи сарфи
- 3) Стентда шаҳар циклида ёнилғи сарфи
- 4) Меъёрий ҳаракат циклида ёнилғи сарфи

Ёнилғи сарфини ўлчайдиган ускуналар (расходомерлар) ўлчаш услубларига кўра қуйидаги турларга бўлинади[5].

Гидромеханик усуллардан фойдаланган ҳолда – босим ўзгаришини, сатх ўзгаришини, гирдобни ўлчайдиган расходомерлар.

Ҳаракатланувчи ишчи элемент билан – тахометрик, тебраниш, ўз ўзидан тебранувчи элемент билан ўлчайдиган расходомерлар.

Турли физик ҳодисалардан фойдаланган ҳолда – иссиқлик, акустика, оптик, электромагнит ҳодисалардан фойдаланиб ўлчайдиган расходомерлар.

Ёнилғи сарфини ўлчайдиган ускуналар (расходомерлар)ни танлашда талабга олинадиган ҳолатлар:


- ёнилғининг турини;
- расходомерларнинг ҳатолик даражасини;
- муҳитни ва объектни расходомерга таъсирини;
- двигателни қувватини;
- минимал ва максимал ёнилғи сарфини ўлчаши.

Юк ташиш фирмалари автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш жараёнида маълумотларни масофадан туриб таҳлил қилишга тўғри келади бундай ҳолларда CAN – шина билан жиҳозланган расходомерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. CAN – шина билан жиҳозланган расходомер бу алоҳида физик объект эмас фарсункани ишлаш вақти орқали ёнилғи сарфини ўлчайди. Ҳозирги кунда AVL List GmbH компанияси замонавий ва илғор технологиялар орқали автотранспорт воситаларини ёқилғи сарфини реал шароитда аниқлаш орқли экологияга таъсирини ўрганмоқда[6].

1-жадвал

[7] ҳажмни ва массани ўлчайдиган расходомерларни параметрлари

Параметрлари	Суюқлик ҳажмни ўлчашда	Суюқлик массани ўлчашда
Ҳатолик даражаси	0.15	0.2-0.3
Босим йўқотишлар, Мпа	0.08	0.05



1-расм. Расходемерларни двигателнинг қувватидан келиб чиққан ҳолда танлаш

эксплуатация даврида электрон бошқарув тизимидан олинса мақсадга мувофиқ. Самарадорлиги шундаки электрон бошқарув тизими аниқлиги юқори, маълумотлар алмашинуви тезкорлиги шунингдек конструкцияга ўзгартириш ва қўшимча жиҳозлар қўшмай туриб амалга ошириш мумкинлиги.

Адабиётлар

1. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/08/12/air-pollution/>
2. www.stat.uz
3. Огороднов, С.М. Исследование расхода топлива легкового коммерческого автомобиля «ГАЗель Next» экспериментальным методом / С.М. Огороднов, А.Н. Тихомиров, Д.В. Шаров //Труды НГТУ им. Р.Е. Алексеева. 2014. №2 (104). С. 131–139.
4. ГОСТ 20306-90 Автотранспортные средства. Топливная экономичность. Методы испытаний
5. 1.Кулебякин В. В. Методы и приборы для измерения расхода жидкостей и газов: учебно– методическое пособие – Минск: Белорусский национальный технический университет 2017 – 48с.
6. www.avl.com
7. Немтин В.Г. Ганиев Р.Р. Чайка И.А. Анализ возможности применения расходомеров жидкости Различного типа службой гсм вс рф – Стерлитамак: АМИ, 2020. – 37-40с.
8. ru.wikipedia.org/wiki/Расходомер
9. www.jv-technoton.com
10. Испытания автомобилей и тракторов: лабораторный практикум. – зерноград: Азово-Черноморский инженерный институт ФГБОУ ВО Донской ГАУ, 2016. – 169 с.
11. Автомобили: испытания: учебное пособие для вузов / В.М. Беляев, М.С. Высоцкий, Л.Х. Гилелес и др.; под ред. М.С. Высоцкого. – Минск: Вышэйша шк., 1991. – 187 с.
12. www.docs.cntd.ru ГОСТ 15528-86
13. www.navixy.com DFM 100, DFM 100D

14. Абдураззоков У.А. Совершенствование метода оценки энергетической эффективности грузового автомобиля в условиях эксплуатации дис. ... д-ра техн. наук: 05.06.08/ Абдураззоков У.А. – Ташкент, 2019. – 96 с.

ЗАМОНАВИЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

и.ф.н. доцент Омонов Б.Ш. (*ТДТУ*)

Бугунги кунги автомобилларни яратишда кенг кўламда инновацион технологиялар қўлланилмоқда, бу борада жаҳон тажрибаси ва уни ўрганиш бизларга ушбу жараёнларни Ўзбекистонда тадбиқ этишни ва ундан самарали фойдаланишга имкон яратади ва биз ундан албатта фойдаланишимиз лозим.

Nissan компанияси Nissan ASV-4 деб номланган инновацион хавфсиз автомобилнинг тўртинчи авлодини ишлаб чиқди. Тизимнинг асосий вазифаси инновацион технологиялар ёрдамида автомобиллар ўртасидаги коммуникацияларни яхшилаш эвазига авариялар сонини камайтириш. Nissan компанияси Nissan ASV-4 автомобилида ҳар хил технологияларни тестдан ўтказди ва улардан тижорат ишларида фойдаланиш учун тайёрлади. Nissan ASV-4 автомобилнинг огоҳлантириш тизими ҳайдовчини огоҳлантириш учун автомобиллар ўртасидаги V2V коммуникациясидан фойдаланадиган қарамақарши ҳаракатланувчи автомобиль тўғрисида огоҳлантиради натижада йўлда содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятни олдини олади. Транспорт авариялари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар қуйидаги вазиятларда кўпчилик ходисалар содир бўлишини кўрсатмоқда: “кўр” чорраҳаларда икки автомобиллар тўқнашуви; чорраҳада ўнг томонга бурилган автомобиль билан қарамақарши ҳаракатланувчи автомобиллар тўқнашиши; чапга бурган автомобиль велосипед ёки мотоциклни туртиб кетиши; орқадан босиб кетиш. Навигация тизими томонидан хавфли вазият аниқланади ва у тўғрисида ахборотларни ҳайдовчига ҳаракатланиш жараёнида етказди, натижада йўл-транспорт ходисаси содир бўлишини олди олинади.

General Motors томонидан автомобиль ҳаракатланиш жараёнида ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган ва **V2V (vehicle-to-vehicle)** деб номланган тизим автомобиллар ўртасида ахборот алмашувини ҳайдовчисиз амалга оширишга имкон беради. V2V тизими автомобиллар ўртасида симсиз алоқани ўрнатади ва унинг ёрдамида жойлашган ҳудуди ва тезлиги тўғрисида ахборотлар узатилади. Ундан ташқари тизим узлуксиз ушбу маълумотларни таҳлил қилади ва бошқа автомобиллар томонидан келтириб чиқиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар тўғрисида ахборотларни ҳайдовчига етказиш эвазига йўл-транспорт ходисасини олдини олади. V2V асосий аппарат воситаларига қуйидагилар киради: микропроцессор, сигналлар қабул қилувчи GPS (навигация спутник тизими) ва LAN юқоритезликли тармоқ орқали ахборотларни симсиз модуль орқали узатиш. V2V тизимига эга бўлган автомобиллар худди ноутбук аэропорт ёки кафеда «хот-спот» усули каби бир бири билан алоқа боғлайди. Ушбу

алоқани амалга ошириш асосида симсиз алоқа ёрдамида тармоқни боғлаш технологияси **WLAN (Wireless Local Area Network)** ва IEEE 802.11 протоколи ётибди. V2V тизимини WLAN-узатиш ва қабул қилиш ускунаси билан ҳар бир автомобилни жихозлаш ғояси машиналарга ўзаро ахборотлар билан алмашиш имконини беради. Wi-Fi узунлиги чекланганлиги туфайли ҳар бир автомобиль маршрутизатор сифатида ахборотларни кейинги манзилга (адрес) узатади. Маршрутлаштириш алгоритми аниқ машина жойлашишидан келиб чиққан ҳолда барча тармоқнинг конфигурация ўзгаришига тезкор мослашиш имконини яратади. WLAN-узатиш ускунасининг таъсир қилувчи масофаси тахминан уч юз метрни ташкил қилади, лекин автомобиллар занжир шаклида боғланади ва “тасодифий тармоқни” (ad hoc network) ташкил этади. Ахборотлар билан зудлик алмашиш (ҳар бир хабар ҳажми килобайтга тенг бўлади) V2V тармоғи ёрдамида хаттоки зич ҳаракатланиш ҳудудларида ҳам тахминан икки юз автомобилларга маълумотларни узатади.

Плюс ҳар бир модуль нафақат қабул қилувчи-узатувчи, хаттоки маълумотларни “ташувчи” сифатида ўзини намоён қилади. Масалан, бўш йўлда қарама-қарши келаётган машина берган хабарини V2V тизими буферда сақлайди ва бир неча километрдан кейин учраган қарама-қарши келаётган машинага узатиши мумкин. Автомобиллар ўзининг ҳудудий жойлашишини GPS спутник сигналлари ёрдамида аниқлайди ва бошқа автомобиллар билан ахборот алмашади, масалан, ҳаракат тезлиги, йўл шароитлари ёки тезлашиш тўғрисида. Бугунги кунда автомобилларнинг хавфсизлик тизими кўпчилик датчиклар билан жихозланиши мумкин, хусусан, автомобилнинг “кўринмас зона”сида объектларни аниқловчи датчиклар ёки круиз-назорат тизими билан боғланган радар датчиклар. V2V тизими ёрдамида ГМ мутахассислари айрим датчикларнинг қоплаш ҳудуди ва ишчи диапазонини кенгайтириш эвазига автомобилни қуршаб олган шароитларни баҳолаш ва ҳар томонлама кузатувни таъминловчи самарали ва арзон усулни яратишди.

ГМ муҳандислари бир нечта амалий мисолларда янги технологиянинг ютуқларини намоён этишди. Олдинда қўзғалмас автомобиль жойлашган. Агарда автомобиль бузилиши туфайли йўлнинг четида тўхташа тизим ҳайдовчини огоҳлантиради. Қўзғалмас автомобиль бошқа автомобиль ҳаракат қилаётган қатордан ташқари жойлашган ҳолда ҳам яқинлашаётган автомобилнинг ҳайдовчисини огоҳлантиради. Ушбу ҳолат визуал контактгача амалга оширилади. Шу тариқа ҳайдовчи олдиндан содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятнинг олдини олиш имконига эга бўлади.

1. Фавқулодда тўхташ тўғрисида огоҳлантириш. Ҳозирги пайтда замонавий автомобилларда тезкор тўхташ амалга оширилганда стоп-сигналлар ўчиб ёниши тезлашади.

2. V2V тизими ёрдамида ҳозирги пайтда самарали огоҳлантириш шароити мавжуд ва орқадан ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳайдовчисига маълумот узатилгандан сўнг унда автомобиль тезлигини пасайтириш имкони

пайдо бўлди. Бу вазият хайдовчи хавфли зонани кўришдан илгари эрта содир бўлади. Ушбу ҳолатда дисплейга чиқариладиган визуал белги ишлатилади.

3. Тирбандлик ҳолатида ёки автомобиль бузилиб йўлнинг чеккасида тўхтаб қолган тақдирда авария ҳолати содир бўлиши мумкин: автомобиль секин ҳаракатланади ёки тўхтаб қолади, натижада орқадан ҳаракатланиб келаётган автомобиль учун хавфли вазият пайдо бўлади. V2V тизими ёрдамида қатордаги хавфли манбага автомобиль яқинлашганлиги ва тўқнашиш содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида хабарни хайдовчи дисплей орқали олади. Орқадан автомобиль яқинлашиб келган сари тўхтаб турган автомобилнинг орқа чироқлари тез-тез (мигать) ёна бошлайди, овозли сигнал ва ўриндик вибрацияси эса яқинлашиб келаётган автомобиль хайдовчисини огоҳлантиради. Бундай ҳолатда хайдовчида автомобилни тўхтатишга ёки зарурат туғилганда хатарли жойни айланиб ўтишга вақти етарли бўлади. “Кўринмас зонада” автомобиль борлиги тўғрисида огоҳлантириш (айниқса ҳаракат қатори ўзгарганда). Ҳаракат қатори ўзгарганда ёрдам кўрсатиш функцияси “кўринмас зонада” автомобиль мавжудлиги тўғрисида хайдовчиларни огоҳлантиради, ушбу жараён кўпқаторли йўлларда интенсив транспорт оқими мавжуд шароитида хавфсизликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Визуал сигнал хайдовчини огоҳлантиради, агарда бошқа автомобиль орқа кўриниш ойнасида кўринмас зонада ҳаракатланса. Автомобиль кузовининг тегишли томонида орқа кўриниш ойнасининг корпусида ўрнатилгансветодиод чироғи ёнади. Сигналнинг ёниш интенсивлиги кескин ошади, агарда хайдовчи ҳаракат қаторини ўзгартириб хавфли вазиятни яратса. Ушбу ҳолатда светодиод чироғи тез-тез ёниб ўчади, хайдовчини ўриндиғи эса вибрация беради.

4. Фавқулоддаги хизматлар автомобилининг яқинлашиши тўғрисида огоҳлантириш. Фавқулодда ёрдам кўрсатиш автомобилининг сигнапини эшитган хайдовчилар уни қайси томондан ҳаракат қилаётганини аниқлашга қийналадилар, айнқса ҳаракатланиш шаҳар шароитида амалга оширилса. V2V тизими ёрдамида хайдовчилар ушбу автомобиллар ҳаракатининг йўналишлари тўғрисида ахборот оладилар ва зарур бўлган ҳолларда тўғридан-тўғри кўрсатма олади “Йўлнинг четига ўтинг” ёки “Чап қаторни бўшатинг”. Бундай ҳолатда авария хизматларининг автомобиллари қисқа вақт ичида манзилга етиб бориш ва жабрланган инсонларга тез ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлади.

5. Йўлнинг бир қисмида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари тўғрисида огоҳлантириш. Ҳар бир хайдовчига таниш вазият: йўлни ажратувчи бўлакда майса ўриш ишлари олиб борилмоқда ва хавфсизлик чоралари кўрилган, таъмир ишларини олиб борувчи техникаси кетидан огоҳлантирувчи чироқлари ёқилган ҳолда хизмат автомобили ҳаракатланаяпти ва у йўлни айланиб ўтиш (объезд) йўналишини кўрсатмоқда. Бу чораларга қарамасдан айрим ҳолларда диққати пасайган хайдовчи айби билан орқадан келаётган автомобиль олдинда ҳаракатланувчи транспорт воситаси билан тўқнашади. Бундай тўқнашувнинг хавфи пасаяди, агарда хизмат автомобили огоҳлантирувчи сигнални узатса ва у

орқада ҳаракатланаётган автомобиль дисплейида акс эттирилса, мисол: “Чап қатор банд. Ўнг томондан ҳаракатланинг”.

6. Чорраҳада тўкнашиш хавфи тўғрисида огоҳлантириш. Яхши кўринмаган ва светофорлар билан жихозланмаган чоррахалар жуда хавфли, чунки хайдовчилар бир-бирини яхши кўрмайди. V2Vтизими автомобилларга бир-бирини тўғридан-тўғри кўришдан илгари алоқа боғлашга ва хавфли вазиятни олдини олишга имкон яратади. Уларда автомобилни тўхтатишга ёки айланиб ўтиш учун бошқа йўлни танлаш имкони ва вақти бўлади. Агарда бундай вазиятда тўкнашиш хавфини бартараф қилиш имкони бўлмаса V2Vавтоматик равишда автомобилларни тўхтатади. GMмутахассислари V2Vтизимини кўпчилик автомобиллар бутловчи қисмларининг асосий таркибига кирган компонентлар асосида яратган. Ўзимизнинг Асака заводида ҳам янги авлод автомобиллари, жумладан юқоридаги инновацион технологияларга асосланган электромобиллар ишлаб чиқариши бошланди.

Адабиётлар

1. John Wang. Information Technologies, Methods, and Techniques of Supply Chain Management. USA, Montclair State University, 2015. – 449 pages.
2. Asier Perallos. Intelligent Transport Systems: Technologies and Applications. USA. John Wiley & Sons, 2015. – 368 pages.
3. Mike McDonald. Intelligent Transport Systems in Europe: Opportunities for Future Research. World Scientific Publishing Company, 2016. – 338 pages.
4. Жанказиев С.В. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. М.: МАДИ. 2016 г. – 120 с.
5. Омонов Б.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари. Укув кўлланма. Т.: ТДТрУ босмахонаси. 2021 й. – 109 бет.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАСПОРТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

и.ф.н. доцент Омонов Б.Ш, Йўлдошев Д.Ф ассистент (*ТДТУ*)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16-мартдаги 157- сонли, Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан жамоат транспортларининг иш унумдорлигини ва хизмат сифатини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жамоат транспортларининг иш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп. Йўллардаги ортикча ушланиб қолишлар, об-хаво шароитидаги ноқулайликлар, тирбандликлар ва чоррахалардаги ушланиб қолишлар асосий салбий таъсир кўрсатувчи омиллардир. Жаҳон тажрибасида чоррахаларда жамоат транспортларига устунлик бериш масалаларида бир қанча илмий ишланмалар, ғоялар ва янгиликлар ишлаб чиқилган. Уларни босқичма босқич Ўзбекистон Республикаси транспорт инфратузулмасида қўлланилиши ўз ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Southern Illinois University, тадқиқотчилари Edwardsville Huaguo, University of South Florida Zhou Pei-Sung Lin ва бошқалар Автобуслар учун ноананавий дизайн автобус учун ноананавий дизайн сигнализация қилинган чоррахаларда хавфсиз бурилиш бўйича тадқиқот олиб боришган. Тадқиқотда охириги 3 йиллик ЙТХ маълумотлари асосида бурилишларда автобусларнинг тўкнашув даражаси, зиддиятли вазиятларнинг сони таҳлил қилинган. Зиддиятларни таҳлил қилиш учун чоррахаларда ставкалар ишлаб чиқилган. Автобусларнинг чоррахаларда бурилиш вақтида таъсир этувчи омиллар ва кесимма билан автобуслар орасидаги боғлиқлик ва критик хавфсизлик даражалари ҳисобланган [1].

Жамоат транспортларида ЙТХларини хавфини баҳолаш бўйича SPIVA Srl-Technological Start Up, Cagliari Italy тадқиқотчиси Fabio Porcu ва бошқалар тадқиқот олиб боришган. Тадқиқотда автобуслар йўналишлари бўйича ЙТХнинг хавфини баҳолашнинг янги методикаси ишлаб чиқилган. Методика автобусларнинг ЙТХларига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракат частотаси ва омиллар бўйича хавфнинг таркибий қисимларини аниқлашга асосланган. Аниқланган ва тўпланган маълумотлар асосида янги йўналиш тузулиётганда “Dent” функцияси орқали ҳар бир йўналиш учун хавфсизлик кўрсаткичлари рейтингини белгилаш таъминланган [2].

Жамоат транспорти билан боғлиқ тирбандликларни University of Science and Technology, The University of Danang тадқиқотчиси Duy Q. Nguyen-Phuoc, Department of Civil Engineering, Monash University тадқиқотчиси William Young ва бошқалар тадқиқ қилишган. Тадқиқотда ҳаракат тирбандлигидаги ва автобусларнинг ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилинган. Тадқиқотда чоррахаларда ҳаракатни ташкил этилганлигининг жамоат транспортларининг тирбандлиги орасидаги ўзгаришлар тадқиқ қилинган [3].

Транспорт соҳасини ривожлантиришда хорижий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак бир нечта замонавий интеллектуал транспорт тизимларини амалиётга тадбиқ этилганлигини кўришимиз мумкин.

ERTICO – ИТТ бозорини истеъмолчилари, инфраструктура алоқа операторлари, вазирликлар ва идоралар, ИТТ бозорини ривожланишига манфаотдор жамоат ташкилотлари ва етакчи ишлаб чиқарувчилар, Европа ассоциацияси қатнашчилари.

E-Call – Йўл транспорт ходисаси (ДТП) да тезкор реакция берувчи тизим. 2010 йилдан бошлаб Европа иттифоқи давлатларида барча автомобиллар фавқулодда содир бўлган воқеа тўғрисида хабар берувчи тугмача (кнопка) билан мажбурий жихозланади.

ADASIS – Ҳайдовчи башорат ёрдамида йўлдаги вазият тўғрисида ахборот олиши учун навигация воситаларида аниқ картографик маълумотлардан фойдаланади.


AIDE – Автомобиль ҳаракати жараёнида мураккаб маневрни амалга ошираётганда, салондаги қурилмаларнинг ўчиб қолиши ва қувиб ўтиш пайтида

хайдовчини диққат-эътиборини таъминловчи дастурлар ва махсус электрон мосламалардан фойдаланиш.

FeedMAP – Навигацияда ишлатиладиган электрон карталарни доимий равишда янгиланишини таъминлаш.

GST – Йўл ҳаракати қатнашчилари, тез тиббий ёрдам ва қутқарув хизмати каби истеъмолчилар учун маълумотларни йиғиш, етказиш, ва ишлов беришни амалга оширувчи телематика хизматларининг оммавий бозорини кенгайтиришда ҳамкорликни ривожлантириш учун технологик платформа.

Жамоат транспортлари йўналишдаги ҳаракати ташкил этилаётганда ва қайта тузилаётганда бир қанча устуворлик бериш масалаларида интеллектуал транспорт тизимларини амалга тадбиқ этиш, транспорт хизмати кўрсатишдаги унумдорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади.



a)



b)



c)



d)

1- расм. Жамоат транспортларига чорраҳаларда устуворлик бериш шакллари.

- a) чорраҳада жамоат транспортларига алоҳида ҳаракат тасмаси ташкил этиш
- b) айланма ҳаракат ташкил этилган чорраҳаларда жамоат транспортига устунлик бериш
- c) чорраҳа тирбанд бўлганда жамоат транспорти устунлигини ошириш
- d) жамоат транспортларига йўл бўлакларида алоҳида ҳаракат тасмасини шакиллантириш

Жамоат транспортлари ҳаракатни ташкил этишда устуворлик беришда бир қанча йўлнинг кенглиги, йўлнинг даражаси, ҳаракат миқдори, таркиби тезлиги, пиёдалар сони, чорраҳаларнинг оралиқ масофаси каби асосий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш ва мос ҳаракат усули танлаш лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Huaguo Zhou, Ph.D., P.E An Unconventional Design for Bus U-Turns at Signalized Intersections An Unconventional Design for Bus U-Turns at Signalized Intersections
2. Fabio Porcua, Alessandro Olivob, Giulio Materninic-Evaluating bus accident risks in public transport Transportation Research Procedia 45 (2020) 443–450
3. Duy Q. Nguyen-Phuoc, University of Science and Technology, The University of Danang-Транспортные исследования, часть
4. PhD Abdullaev B.I., Akhmedov D.T., Yuldashev D.F. PLANNING THE NUMBER OF BUSES ON ROUTES - Tashkent institute of design, construction and maintenance of automobile roads
5. Спирин И.В. Организация и управление пассажирскими автомобильными перевозками, М., Академия, 2010. – 400 с.
6. Бутаев Ш.А. ва б. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Т., “Фан”, 2009.-294б.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АВТОМОБИЛЛАР ТУРАРГОХЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР

и.ф.н. доцент Омонов Б.Ш., Йўлдошев Д.Ф ассистент (ТДТУ)

Ҳозирги кунда республикамызда транспорт хизматлари сифатига бўлган талаб доимий равишда ўсиб бормоқда, шунинг учун ҳам автомобиллар тураргохларини ташкил этишда кенг кўламда телематик транспорт тизимлари ишлатилмоқда ва натижада улар хизмат кўрсатиш даражасини ўсишига сабабчи бўлмоқда. Тураргохлар тизимини ташкил этувчи ҳар хил секторларида телематик хизматлардан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Хусусан, сўз тураргохларнинг барча турларига (P+R, кўриқланадиган тураргохлар, гараж каби қурилмалар ва хоказолар) автомобилларни йўналтириш тизимлари тўғрисида кетмоқда, улар бошқариш маркази, тураргохлардаги электрон автоматлар ва йирик гаражлардаги ахборот тизимлари билан узвий боғлиқ. Энг муҳими шундаки, юқоридаги барча транспорт тизимлари шаҳар транспортини бошқариш тизими билан ҳам боғлиқ. Ушбу доирага электрон тўлов тизими (EFC, Electronic Fee Collection) ҳам киради, чунки у нафақат транспорт инфраструктурасида (автомагистраллардаги ҳаракатланишнинг электрон тўловлари, шаҳар жамоат транспортидаги электрон тўловлар ва шу кабилар) барча электрон тўловлари билан бирга турагохлардаги хизматлар тўловини амалга оширади (тураргохларда электрон тўловлар).

Тураргохларни ташкил этиш масаласи шаҳарнинг истиқболли режаси билан бевосита боғлиқ бўлади ва қуйидаги учта кўринишда амалга оширилади.

1. Шаҳар ҳудудларида кун давомида асосий тижорат ва хизматларни кўрсатиш туманлари ва уларда тураргохларга бўлган катта ёхтиёж аниқланади. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда мижозлар ва ходимлар ёрдамида кун

давомида автомобиллар тургоҳларига бўлган ёхтиёж телематик ёрдамида ташкил этилади ва уларнинг сони мувофиқлаштирилади.

2. Аралаш шаҳар ҳудудлари, яъни катта ҳажмда тижорат ва хизмат кўрсатиш фаолияти ва кўпчилик аҳоли яшайдиган туманларида тураргоҳларни кун ва кеча-кундуз давомида автомобилларни сақлаш шароити яратилиши талаб этилади. Асосий муаммо шу ҳудудда яшайдиган аҳолини автомобилларини сақлашдан иборат.

3. Асосий шаҳар аҳолиси яшайдиган тижорат ва хизматлар ҳажми кам бўлган ҳудудларда асосий эътибор кеча-кундуз аҳолининг автомобилларини сақланиши учун тураргоҳларни ишини ташкил этишдан иборат. Кечаси автомобиллари сақлаш учун гаражларни сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Тураргоҳларни ташкил этиш муаммоси уларнинг асосий турлари билан боғлиқ бўлади.

- тураргоҳлар учун майдончалар ва умумий фойдаланиш йўллардаги тўхтаб туриш жойлар (бекатлар);

- кўриқланаётган тураргоҳлар;

- «Park and Ride» шаклдаги тураргоҳлар («Қолдириш ва Ҳаракатни давом эттириш») (кейинчалик P+R);

- гараж қурилмаларида тураргоҳ учун майдонлар кенг.

Киришдаги тўловлар. Ушбу ҳолатда мижоз биринчи навбатда тураргоҳдан канча вақт мобайнида фойдаланишни аниқлаб олади ва олдиндан тўловни амалга оширади. Парковка талонида (штрих-код ёки магнитли талон) белгиланган тўланган муддати (вақти) тугагунча транспорт воситасинг эгаси тураргоҳни тарк этиши лозим, акс ҳолда кейинги тўхтаб туриш муддати учун қўшимча тўловни амалга ошириш талаб этилади.

Чиқиб кетишдан олдин тўлов. Бундай вазиятда мижоз магнитли картани олади (ёки магнитли талонни), унда талон рақами, келиш муддати ва вақти кўрсатилади. Бу боскичда мижоз тўловни амалга оширмайди. Агарда мижоз тураргоҳни тарк этмоқчи бўлса ушбу ҳолатда у карта ёки талонни тўлов автоматага киритади ва тўлов ҳақи тўғрисида маълумот олади. Тўлов амалга оширилгандан сўнг талон мижозга қайтарилади ва унда магнит картаси ёки магнит талонида тўлов ҳақида янги кодланган маълумот киритилади ва унга асосан мижоз тураргоҳни тарк этиши мумкин.

Электрон тўлов тизими. Ҳозирги кунда тураргоҳлар хизматларидан фойдаланганлиги учун тўловлар EFC (Electronic Fee Collection) электрон тўлов тизими орқали тураргоҳларда амалга оширилмоқда. Мижознинг микропроцессорли картасидан автоматик равишда кўрсатилган хизматлари учун тўловлар амалга оширилади. Тураргоҳлар хизматлари учун автоматик равишда тўловларни амалга ошириш эвазига 100% барча тўловлар таъминланади. Тўлов станцияси деб амалиётда йул яқинида тўлов ҳудудига кириш жойининг қошида жойлашган электрон воситалар айтилади. Автомобиллардаги воситаларининг тўлов станция- си билан бўлган алоқаси симсиз ва унинг ёрдамида тўловларни амалга оширишда DSRC (Dedicated Short Range Communication) тизимидан фойдаланилади.

P+R (Park and Ride) тураргоҳлар тизими. ИТТдан самарали фойдаланишнинг яққол мисоли. Ушбу тизим ҳар хил транспорт турларидан фойдаланиш имконини яратади - шаҳар ташқарисида енгил автомобиллардан ва шаҳар марказида шаҳар жамоат (автобус, троллейбус, метро, поезд) транспортларидан фойдаланиш. Тизимнинг самараси қуйидагилардан иборат:

- шаҳар жамоат транспорти ишини сифатини ошириш ва фойда келтириш;
- жамоат транспортида кунлик имтиёзли талон ёки йўл ҳақи ва парковка тўловини умумлаштирилган тарифдан фойдаланиш эвазига шаҳар интеграллашган жамоат транспорти билан парковка тарифларини бирлаштириш имкони яратилади;
- шахсий транспортга нисбатан ҳаракатланиш вақти қисқаради;
- хайдовчилар билан доимий равишда тарғибот ишларини олиб бориш. P+R парковка функциясини техник жиҳатдан қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:
 - P+R автомобилларни парковкага йўналтириш тизими;
 - P+R парковкасида технологик хизмат кўрсатиш тизими;
 - шаҳарда ҳаракатни бошқариш тизими билан P+R парковка бирлаштириш ва коммуникацион ускуналар.

P+R парковка жойларига йўналтириш тизими. Парковкага йўналтириш тизими шаҳар транспорт ишини бошқариш тизимининг бир қисми ҳисобланади. Ўзгарувчан транспорт маълумотлари билан таъминлаш имконияти ва фойдаланиладиган йўл белгилари нуқтаи назаридан P+R автомобилларни парковкага йўналтириш тизими статик ва динамик тизимларига ажратилади. Тизим қуйидаги умумий тамойилларига жавоб бериши лозим:

- энг яқин ва қулай бўлган тураргоҳларда (парковка) бўш жойларнинг мавжудлиги ва уларга автомагистраллар ва чорраҳалардан етиб олишнинг оптимал маршрути тўғрисидаги актуал, аниқ ва тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш;
- P+R тизими парковка бандлиги тўғрисида оптик сигнализация ускуналари ёрдамида транспорт воситалари эгаларини ахборотлар билан таъминлайди;
- барча шаҳар ҳудудларида бутун ва ягона, тушунарли ва кейинга ривожланишига мос булиши лозим;
- кунунлар талабларига мос булиши.

Парковка (тураргоҳ) жойларига автомобилларни статик йўналтириш тизимлари. Сўз урнатилган йўл белгилари ёрдамида автомобилларни йўналтириш тўғрисида кетаяпти. Амалиётда ахборот берувчи D11a ва “Тўхташ жойи” йўл белгиларининг комбинацияси ишлатилади ва улар яқин бўлган тураргоҳнинг номи, етиб бориш масофаси ва йўналиши тўғрисида қўшимча маълумотлар билан тўлдирилади, ундан ташқари қайси жамоат транспорти турида тураргоҳга ёки шаҳар марказига етиб бориш мумкинлиги тўғрисида ҳам ахборот берилади.

Парковка (тураргоҳлар) жойларига автомобилларни динамик йўналтириш тизимлари. Динамик йўналтириш тизими транспорт-телематик

тизимнинг асосий қисми ҳисобланади ва бошқариладиган информацион табло ёки ўрнатилган йўл белгилари ёрдамида ҳайдовчилар яқин бўлган тураргоҳлар, уларнинг бандлик даражаси ва етиб бориш масофаси тўғрисида муҳим бўлган тезкор ахборотлар олишади. Тизим мисол тариқасида яқин ва бўш жойларга эга бўлган тураргоҳга оптимал етиб бориш маршрутини ҳам тавсия этиши мумкин. Тураргоҳлар, бошқариладиган информацион табло ва бошқариш тизими ўртасида актуал ахборотларни кафолатли узатиш доимий ишлаётган алоқа линияли орқали таъминланади.

P+R тураргоҳларни бошқариш тизими. Тураргоҳларни бошқариш тизими куйидаги функцияларни бажарилишини таъминлайди:

- тураргоҳлардаги автомобиллар сони тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

- бошқариладиган информацион табло ёрдамида тураргоҳларда бўш жойлар сони тўғрисида ахборотларни узатади;

- динамик йўналтириш тизими ускуналарини ҳолати тўғрисида маълумотлар йиғади ва сақлайди;

- юқоридаги барча ахборотларни жамлаш ҳамда шаҳарда парковкаларнинг жойлашиши ва уларнинг ҳолати тўғрисида ҳам ахборотлар акс эттирилади;

- зарур бўлган ҳолларда тизимнинг ҳолатини акс эттирувчи ёки параметрларни тезкор ўзгартириш учун хизмат қилувчи персонални аралашувини таъминлайди.

Ушбу тизимни бошқариш блоки маълумотларни **тўплаб**, уларга ишлов берувчи ва баҳоловчи дастур билан жихозланган компьютердан иборат. Марказий бошқарувга асосланган тармоқнинг афзаллиги янги ускуналар билан кенгайтириш иложи мавжудлиги (мисол, янги информацион (ахборот) табло, янги тураргоҳларни қурилиши ва бошқалар). Бошқариладиган информацион табло визуал ахборотларни ўрнатилган йўл белгиларини қўшимча символлар ёрдамида акс эттиради. Ушбу йўл белгилари ҳайдовчилар учун автомобилларни тураргоҳларга йўналтириш тизимига уланган барча тураргоҳларни сифими тўғрисида тезкор ахборотлар бериб туради.

Адабиётлар

1. Mike McDonald. Intelligent Transport Systems in Europe: Opportunities for Future Research. World Scientific Publishing Company, 2016. – 338 pages.
2. Евстигнеев И. А. Интеллектуальные транспортные системы на автомобильных дорогах федерального значения России. – М.: Изд-во «Перо», 2015. – 164 с.
3. Жанказиев С.В. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. М.: МАДИ. 2016 г. – 120 с.
4. Омонов Б.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДТрУ босмахонаси. 2021й. . – 109 бет.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

и.ф.н. доцент Омонов Б.Ш, Мусурмонов И.Э. ўқитувчи (*ТДТУ, ТДТУ Термиз филиали*)

Ўзбекистонда автомобиллаштириш даражаси бугунги кунда ўртача ҳисобда 1000 кишига тахминан 90 автомобиль тўғри келади. Ушбу кўрсаткич борган сари юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда ва ҳисоблар бўйича 2030 йилда икки баробар ошади – 1000 кишига 132 автомобилгача етади. Бундай режани амалга ошириш учун Ўзбекистонда қатор ишлар амалга оширилиши лозим.

1. Автомобиль йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти ошириш. Йўл-кўча тармоғини ортиқча юкланганлиги юк ва йўловчиларни етиб бориш муддати ва тезлигини пасайтиради (тавсия этилган меъёрлардан 15 – 20% паст) ва у ўз навбатида ташиш таннархининг 20 – 30% ўсишига ва натижада транспорт хизматларининг якуний қийматининг ўсишига, аҳоли томонидан вақт йўқотишларга олиб келмоқда. Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, автомобилчиларнинг Тошкент шаҳридаги тирбандликлар натижасида вақт йўқотишлари 3,3 млн. соат ташкил қилади ёки пул қийматида йилига тахминан 67,7 млн. АҚШ долларинига тенга. Ёқилғи йўқотишлари эса 23,6 млн. АҚШ долларида ортиқ. Тирбандликлар ва тўхтаб туришлар туфайли йўловчиларнинг йўллардаги йўқотишлари йилига тахминан 41,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Жами ушбу ҳаражатлар ҳар йилига тахминан 133 млн. АҚШ долларига тенг.

2. Йўлларда экологик вазиятни яхшилаш ва энергия ҳаражатларини камайтириш. Автомобиль транспортини экологик вазиятга салбий таъсири асосан атмосферага зарарли чиқиндаларни чиқазиш (кўрғошин, CO₂) ҳамда сув объектларни ифлослантириш ва транспорт шовқинидан иборат. Ҳисоблар натижаси бўйича Тошкент йўлларидаги тирбандликлар қўшимча 561100 кг ҳажмида CO₂ чиқиндарига сабабчи бўлмоқда.

Умуман Ўзбекистонда автомобиль транспорти томонидан истеъмол қилинган ортиқча энергия туфайли йўқотишлар йилига 315 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

3. Ҳаракат хавфсизлигини ошириш. Ўзбекистонда йўллардаги ўлим ҳолатлари кўрсаткичи бўйича бошқа жаҳон давлатлари билан солиштирганда нисбатан юқори эмас, ҳар 100 минг кишига 8 ортиқ ўлим ҳолатларига тўғри келади. Лекин ривожланган Европа давлатлари кўрсаткичлари билан солиштирса, (мисол, Швецияда бу кўрсаткич 3 тенг) ЙТХ сабабли ўлим кўрсаткичи албатта яхшиланиши керак. Йўлдаги ўлим кўрсаткичи Ўзбекистонда 100 минг кишига 8 ортиқ тўғри келса ЙТХ сабабли йўқотишлар пул қийматида йилига 1,13 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади (бу ЯИМ тахминан 1,8%).

4. Юк ва йўловчиларни ташиш транспортида интеллектуал технологияларни жорий этиш. ЯИМ 8% ўсиши автомобиль транспортида юкларни ташиш ҳажми ўрта ҳисобда йилига 9,4% 2030 йилгача ўсади. Автомобиль транспортида юкларни ташишга бўлган талабнинг доимий равишда ўсиб бориши юк автомобиллар паркини 2020 йилгача 37дан 56 минггача ўсишини талаб қилади, 2030 йилгача эса автомобиллар сонини – 120 минггача етказиш лозим. Шу билан бирга муҳим вазифалардан бири миллий маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида юк ташишларнинг самарадорлигини таъминлаш керак бўлади.

Харажатларни оптималлаштириш учун транспорт воситалар паркини мониторингини спутник орқали олиб бориш тизимлари назорат қилишга ёрдам беради. Америка компаниялари маълумотларига қараганда мониторингни спутник орқали олиб бориш тизими битта юк автомобили харажатларини 27,8% гача иқтисод қилишни таъминлайди.

Республикамизда спутник навигациясини амалиётга тадбиқ этишнинг жорий даражаси (GPS, GLONASS) талабга жавоб бермайди – 3000 ортиқ автомобилларда навигация тизими ишлайди. ИТТни Ўзбекистонда тадбиқ этиш жараёнида бир нечта лойиҳалар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ йўловчи ташиш транспорти тизимида мониторингни амалга ошириш ва бошқаришда автоматлаштирилган тизимни тадбиқ этиш ва Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришда компьютер тизимини тадбиқ қилиш.

Ушбу лойиҳалар – муҳим ва принципиал аҳамиятига эга чунки улар давлатимиз транспорт секторини интеллектуаллаштириш йўлида таваккалчилик ва муаммоларни баҳолашги имкон беради ва интеллектуал транспорт тизимини самарали тадбиқ қилиш жараёнига тўсиқ қилувчи сабабларини тизимли аниқлашга ёрдам беради.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ “Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташишни автоматлаштирилган бошқариш тизими” лойиҳаси жорий этилди, унинг асосий мақсади автобусларни маршрутларда бошқаришни автоматлаштириш эвазига ҳисоб-китоб, назорат, мониторинг ва бошқариш ишларини самарадорлиги оширишдан иборат. Ушбу лойиҳага «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан умумий ҳисобда 920 млн. сўм харажат қилинди. Лойиҳа тадбиқ этилгандан сўнг биринчи босқичда самара тахминан 1,3 млрд сўмни ташкил қилди. Ушбу самара қуйидаги кўрсаткичлар ўзгариши туфайли олинди:

- транспорт воситаларнинг умумий босиб ўтган масофа 8,0-10,0% камайди;
- транспорт корхоналарининг доимий харажатлари 1,0-3,0% қисқарди;
- ёқилғини сарфи 5,0-10,0% камайди;
- ташиш таннари 0,5-1,0% камайди.

Умуман ташувчи корхоналарнинг даромадлари ўртача ҳисобда 2,0-4,0% гача ошди. Иккинчи тадбиқ этилган лойиҳа – Тошкент шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини бошқариш компьютер тизими Лойиҳа бўйича пойтахтимизнинг асосий ва йирик чорраҳаларида 160 автоматик йўл комплекслари ўрнатилди,

уларнинг таркибида кеча-кундуз режимида бир вақтда ишлайдиган светофорлар ва видеокамералар мавжуд. Видеокузатув камералари автомобиллар тезликларини оширганлигини, светофорнинг тақиқловчи чироғида ҳаракатланиш, тақиқланган жойларда тўхтаб туриш каби қоидалар бузилганини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖда шаҳар жамоат транспортида автоматлаштирилган йўл ҳақини тўлаш тизими тадбиқ этилди. Ушбу тизим банк тизими билан интеграллашган ва барча тўлов жараёнларни электрон карточкаси ёрдамида амалга оширади. Тизим биринчи босқичда Тошкент шаҳрида кейинчалик Самарқанд ундан кейин эса бутун республика бўйича жорий этилади. Лойиҳанинг қиймати Тошкент шаҳри учун –30 млн. АҚШ долларни (77,9 млрд.сумов) ташкил қилди.

ИТТ мураккаб ва қимматли ускуналарни ўрнатилишини талаб қилади. Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасидаги технологиялар ва ускуналарининг (индуктив, пьезоэлектрик ва бошқа йўл копламининг ички қисмида жойлаштириладиган транспорт детекторлари) қатор камчиликлари мавжуд:

- ускуналарни ўрнатиш ва сервис қимматлиги;
- ишнинг ишончилиги ва ўлчовларнинг аниқлиги ташқи таъсир этувчиларга боғлиқ (механик ва иқлим);
- транспорт воситаларини турлари бўйича тавсифлаш имкони йўқлигида (юк ташувчи, йўловчиларни ташувчи, енгил автомобиллар ва шу кабилар);
- кўп сонли детекторларни ўрнатилишини талаб этилиши туфайли лойиҳа қиймати ўсади.

Альтернатива сифатида ҳозирга кунда етакчи илмий марказлар ва жаҳонни қатор давлатларининг ишлаб чиқарувчилари томонидан транспорт оқимини параметрларининг мониторинги ўтказиш ва ўлчаш воситалари сифатида замонавий рақамли видеокамералар таклиф қилинаёпти. Ўзбекистонда ишлатилаётган датчикларга хос бўлган камчиликларга эга эмас, чунки бир қанча қуйидаги устунликлари мавжуд:

- автомагистраль устида ўрнатилиши муносабати туфайли йўл ҳаракатига тўсқинлик қилмайди;
- ягона датчик ёрдамида бир нечта йўлаклар бўйича автотранспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилишни таъминлайди;
- йўл ҳаракати тўғрисида катта ҳажмда ҳар хил маълумотларни тўплашни таъминлайди;
- фойдаланилаётганларга нисбатан 2 – 3 баробар арзон ва унинг ўрнатилиши ҳам икки баробар арзон.

ИТТни тадбиқ қилишнинг хорижий тажрибалари шуни кўрсатаёптики, дастурни амалиётга тадбиқ этиш катта ҳаражатлар эвазига амалга ошади ва уни жорий этишда молиялаштириш жараёни жуда кўп маблағни талаб этади.

Республикаимиз ва ҳудудларда интеллектуал транспорт тизимини тадбиқ этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш комплекс дастурининг

асосий қисми сифатида кўрилиши лозим. Сурхондарё вилояти жуда кулай географик жойлашган ва 3 давлатлар билан чегарадош, вилоятдан иккита асосий халқаро магистраллар (М39 ва М41) ўтган, шунинг учун ҳудуднинг иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бири – интеллектуал транспорт тизимини жориш этишни жадаллаштиришдан иборат.

Адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения безопасности дорожного движения в Республике Узбекистан» ПП № 377. г.Ташкент. 19.05.2018 год.
2. Жанказиев С.В. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. М.: МАДИ. 2016 г. – 120 с.
3. Скалозуб В.В. и др. Интеллектуальные транспортные системы железнодорожного транспорта. Учебное пособие. Д.: Днепропетровский нац.университет, 2015 – 207 с.
4. Евстигнеев И. А. Интеллектуальные транспортные системы на автомобильных дорогах федерального значения России. – М. : Изд-во «Перо», 2015. – 164 с.
5. Омонов Б.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари. Укув кулланма. Т.: ТДТрУ босмахонаси. 2021 й. – 109 бет

НАВИГАЦИОННАЯ СИСТЕМА КАК СОВРЕМЕННЫЙ ИНСТРУМЕНТ ДЛЯ ЭФФЕКТИВНОЙ РАБОТЫ ТРАНСПОРТНОЙ СИСТЕМЫ РЕГИОНА

к.э.н. доцент Омонов Б.Ш., Суюнов О.Д. магисрант (*ТГТУ, ТерГУ*)

Социально-экономическое развитие любого города или региона страны невозможно без развития его транспортной системы. По мере увеличения объема пассажирских перевозок, грузоперевозок по транспортным коридорам и в пределах городов возрастают требования к скорости, надежности и безопасности перевозок. Внедрение региональных автоматизированных систем диспетчеризации транспортных средств позволяет повысить эффективность решения вышеперечисленных задач. В связи с этим нами был изучен зарубежный опыт использования навигационных систем, для того чтобы использовать его для внедрения данных систем управления транспортными потоками в г. Термезе.

Развитие рынка пассажирских перевозок и автоперевозок объективно диктует нужду в системах позиционирования, использующих спутниковую навигацию, радиосвязь и электронные карты. Кроме американской системы GPS развиваются российская система глобальной спутниковой навигации ГЛОНАСС и европейская система GALILEO. При помощи этих систем каждая компания, имеющая автопарк, может контролировать недобросовестных сотрудников, проверять маршруты движения транспорта, отслеживать заправки и сливы

топлива, оптимизировать работу автопарка в целом и думать о защите транспорта от угона.

GPS-мониторинг транспорта — это технология, применяемая в диспетчерских службах на транспорте, а также для решения задач транспортной логистики в системах управления перевозками и автоматизированных системах управления автопарком для контроля фактических маршрутов транспортных средств при помощи спутников GPS.

GPS-навигаторы позволяют оперативно управлять пассажирским транспортом. Также автоматизированная система мониторинга позволяет следующее:

- накапливать информацию о местонахождении транспортного средства (ТС) и состоянии различных датчиков памяти бортового блока с последующей выдачей информации на монитор компьютера;
- управлять выпуском подвижного состава из парка, выявлять недовыпуск ТС, контролировать обеспеченность маршрутов ТС в течение рабочей смены;
- идентифицировать местоположение ТС на маршрутной сети, в том числе обнаруживать сход с маршрутов и самовольное изменение схемы движения;
- осуществлять контроль соблюдения графиков движения, скоростного режима ТС.

С целью отслеживания дальнейшего перемещения автомобиля и контроля его местоположения, на автомобиль устанавливается автомобильный трекер. Трекер определяет своё местоположение, принимая сигналы ГЛОНАСС/GPS и отправляя их посредством мобильного Интернет-канала GPRS на сервер в Интернете, на котором владелец прибора наблюдает его перемещения.

Система ГЛОНАСС может найти самое широкое применение в региональной и мировой экономике, в том числе для повышения эффективности использования транспорта, оперативности управления службами помощи в чрезвычайных ситуациях, улучшения качества обслуживания населения.

Для целого ряда применений только возможностей системы ГЛОНАСС недостаточно. Так, например, водителю транспортного средства, находящемуся в чрезвычайной ситуации, недостаточно точно определить свое местоположение, необходимо также передать эту информацию в службу спасения, сотрудники которой могли бы оперативно организовать и оказать помощь. Очевидно, что для этих целей необходимо использовать доступные средства связи, такие как сотовая подвижная связь и Интернет.

Система ГЛОНАСС, как и американская система глобального позиционирования GPS, совместно с системами сотовой связи, дает возможность потребителям определять свое положение во времени и в пространстве с требуемой точностью, оперативностью и надежностью.

Внедрение навигационной системы актуально на любом предприятии, обладающим собственным парком транспорта и решает следующие задачи:

- экономия средств
- сокращение расходов на ГСМ до 50%;
- увеличение срока эксплуатации транспорта;

- увеличение оборачиваемости рейсов;
- сокращение расходов на диспетчерскую службу;

Контроль над транспортом

- сокращение простоев и несанкционированных рейсов;
- мониторинг местоположения транспорта в реальном времени;
- контроль рабочего времени техники;
- повышение дисциплины водителей;

Обеспечение безопасности транспорта и груза

- непрерывный мониторинг транспорта и груза;
- дистанционное управление узлами автомобиля;
- экстренное реагирование при срабатывании тревожной кнопки;
- возможность установки фотокамеры внутри салона автомобиля;

Оперативное управление

- оптимизация маршрутов;
- предоставление оперативной информации о местоположении транспорта, пробеге, скорости движения и расходе топлива.

Система состоит из следующих составных частей:

- Процессинговый центр – Сервера приема и обработки данных;
- Выделенный диспетчерский пункт – Рабочее место клиента;
- Мобильные терминальные устройства (УТП), оборудуемые на транспортные средства.

Для определения местоположения подвижного объекта используются системы спутниковой навигации ГЛОНАСС/GPS. Передача данных, осуществляется по сетям GSM и Интернет.




Рис. 1 Схема работы «Навигатор-С»

Отличительные черты системы:

- Минимальные требования к персональным компьютерам для работы с программным обеспечением.
- Простой и удобный интерфейс программного обеспечения, позволяющий легко обучить работе с программой неквалифицированного пользователя ПК.

— Адаптация оборудования к Российским климатическим условиям и особенностям эксплуатации транспорта.

— Возможность подключения к мобильному терминалу практически любых узлов и агрегатов транспортных средств, для осуществления всестороннего контроля за работой автотранспорта (кузов, кран, отвал, насос, гидравлика, двигатель, двери и т.д.)

— Постоянное совершенствование, обновление программного обеспечения и оборудования.

— Возможность интеграции с иным терминальным оборудованием и программным обеспечением.

Компании по внедрению данной системы предлагают ряд сопутствующих услуг, таких как:

— Бесплатную поставку программного обеспечения клиентских модулей рабочих мест операторов.

— Бесплатное обучение пользователей работе с системой.

— Ежедневную техническую поддержку клиентов по работе с системой.

— Замену вышедшего из строя оборудования на период устранения неисправностей.

«Навигатор – С» - автоматизированная система мониторинга мобильных и стационарных объектов. Осуществляет сбор и хранение информации поступающей от объектов мониторинга, производит анализ ситуации и выявляет отклонения от нормального функционирования объектов, отображает информацию о последнем местоположении объектов.

В современных условиях для эффективного функционирования транспортной системы г.Термеза и Сурхандарьинской области необходимо изучение передового опыта внедрение инновационных технологий, в частности использование навигационных систем для успешной работы транспортной системы.

Литература

1.Ш.Мирзиёев. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения безопасности дорожного движения в Республике Узбекистан» ПП № 377. г.Ташкент. 19.05.2018 год.

2.Жанказиев С.В. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. М.: МАДИ. 2016 г. – 120 с.

3.Скалозуб В.В. и др. Интеллектуальные транспортные системы железнодорожного транспорта. Учебное пособие. Д.: Днепропетровский нац.университет, 2015 – 207 с.

4.Евстигнеев И. А. Интеллектуальные транспортные системы на автомобильных дорогах федерального значения России. – М. : Изд-во «Перо», 2015. – 164 с.

5. Омоно Б.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДТУ типографияси. 2020 й. – 112 бет.

ЮКЛАРНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

и.ф.н. доцент Омонов Б.Ш, Шомирзаев Э.Х. ўқитувчи (*ТДТУ, ТДТУ Термиз филиали*)

Транспорт телематика тизимлари архитектураси интеллектуал транспорт тизимлари (ИТТ)ни ташкил этишнинг асосий тамойилларини ва ИТТ бўлимлари ўртасидаги ўзаро алоқалари ва ташқи муҳит билан бўлган алоқаларини белгилайди ҳамда ИТТни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва фойдаланиш самарадорлители баҳолаш каби масалаларни ёритади. ИТТ архитектураси чегараси доирасида зарур фойдаланувчилар ва буюртмачи индивидуал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш жараёнида мультимезонли ёндашувлар таклиф этилиши мумкин. Транспорт телематика тизимлари транспорт оқимларини, жумладан юк ташиш жараёнларини самарали ташкил этиш учун катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ИТТ архитектурасини кўришда иккита асосий ёндашувлардан амалиётда кенг фойдаланилаяпти. ИТТ архитектурасидан амалиётда фойдаланиш давлат ва тижорат таркибидаги ташкилотларга мўлжалланган махсус таълим дастури билан қўллаб - қувватланади. ИТТ архитектураси учта даражадан иборат: иккита техник (транспорт ва коммуникацион) ва ташкилий даража. Техник даражалар тизимининг компонентларини ўз ичига қамраб олади, ташкилий эса - уларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракатларни қўллаб - қувватлашни таъминлайди. Транспорт даражаси ўзаробоғлиқ бўлган 22та кичик тизимларни қамраб олган ва улар тўрт синфларга тақсимланган: йўловчилар, бошқариш марказлари, транспорт воситаси ва йўл. Коммуникация даражаси кичик тизимлар орасидаги алоқаларни кўрсатади. Ҳар бир кичик тизим ускуналар йиғиндисига (Equipment Packages) ажратилади. улар ўз навбатида ИТТ хизматлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил кичик тизимларни алоҳида гуруҳларга мустақил равишда бирлаштиради.

Тизимнинг функционаллиги ИТТни логистик архитектурасини ишлаб чиқиш билан белгиланади ва тизимдаги маълумотлар оқимини диаграмма кўринишида ифода этади. Бундан кейин ягона телематик ечимни шакллантирувчи кичик тизимлар танланадн. Шундай қилиб, соддалаштирилган тузилманинг функционал ва информацион алоқалари аникланади ва бошқарувнинг маъкул бўлган стратегияси танланади.

Транспорт оқимларини шаҳардаги бошқариш тизимининг амалиётдаги мавжуд бўлган тақсимланиши транспорт жараёнларини бошқаришнинг классик ёндашувидан келиб чиққан ҳолда энг қуйи даражада чоррахада светофорлар ишлаб турган даврда одатда уч босқичли поғоналар билан тавсифланади.

Биринчи даражада ушбу даражада транспорт оқимларини бошқариш воситаларидан master деб номланган тури танланади ва улар slave туридаги бошқариш воситалари фаолиятини мувофиқлаштиради ёки бир хил

ҳаракатлантиради. “Яшил тўлқин” деб номланган транспорт оқимини бошқариш иловасидан кетма - кет ҳаракатланувчи транспорт воситалар оқимини бошқаришда фойдаланилади.

Иккинчи даражада бошқариш воситаларининг маълумотлари мужассамлаштирилади. Натижада юқорида келтирилган марказ ва транспортни бошқариш воситалари ўртасидаги алоқа каналларига талаблар пасаяди. Истисно тарзда бу даражада ҳам бошқариш жараёнида светофорлардан фойдаланилади. Бундай ҳолатда маълумотларни йиғувчи сифатида локал транспорт марказий станцияси ишлатилади.

Учинчи энг юқори даражада маълумотларга ишлов берувчи ва бошқариш воситалари билан алоқани боғловчи компьютер ишлайди. Ушбу даражада одатда диспетчерлик назорати олиб борилади ва автоматлаштирилган бошқариш тизимининг фаолияти доирасида диспетчерлар ёрдамида транспорт оқимидаги ғавқуллоддаги вазиятлар ва талабларга мос равишда транспорт воситаларни ҳаракатлари ташкил этилади.

Куйида телематик тизимларни батафсил ва бойқичма - босқич кўриб чиқамиз.

Биринчи даража шаҳар тизимидаги алоҳида транспорт узелларидан ташкил топган. Оддий кўринишда транспорт узели сифатида чоррахадаги светофор ҳамда ёпиқ тўхтаб туриш жойлари, огоҳлантириш воситалари, транспорт оқиминининг телигини чегараловчи, тоннелларни бошқариш тизими ва х.к. фаолиятни амалга оширади. Доимий равишда сўз нисбатан транспорт детекторлари, светофор сигналлари ёки бошқариладиган йўл белгилари ва автоматлаштирилган бошқариш тизими томонидан шакллантирилган ёпиқ узели тўғрисида юритилади. Бундай концепцияга асосланган локал бошқариш тизими бошқа транспорт узеллари ёки юқоридаги бошқариш маркази билан белгилаиған ахборот ва функционал алоқаларга эга

Иккинчи даража. Шаҳар ҳудудининг транспорт тизими транспорт узелларидан шаклланган, улар ўз навбатида бир хил кўринишидаги технологиялар асосида нисбатан ёпиқ топологик мажмуаларидан ташкил топган. Топологик мажмуа деб мисол, алоҳида белгиланган шаҳар ҳудудида ўзаро алоқаларга эга бўлган транспорт оқимларини бошқариш воситалари ҳисобланади. Бунга тескари мисол, шаҳар ичида ҳар хил ҳудудларда жойлашган ўхшаш технологияларни намоиш этувчи тўхтаб туриш бекатларини Park and Ride туридаги бошқариш тизими ёки автотранспорт тоннелларида ҳаракатларни бошқариш тизимлари. Шунинг учун иккинчи даражадаги бошқариш вилоят даражасидаги бошқарув деб ҳисобланади мазмунида топологик ва технологик узелларидаги бошқарувга бўлинади.

Бошқариш жараёнларини амалга ошириш нуқтаи назаридан бу даражадаги вақтинчалик бошқариш оддий кўринишида светофор объектлари томонидан бажарилади лекин уларнинг камчилиги транспорт оқимини тезкор ўзгариш ҳолатига реакция бера олмайди. Шунинг учун ҳам замонавий телематик тизимларида транспорт оқимларига боғлиқ ва мослашувчан бошқарув амалга

оширилади ва унда асосий эътибор транспорт узелларининг конфигурациясига (тузилмаси) қаратилади.

Нисбатан оддий вазият деб узелларни чизикли жойлашуви ҳисобланади ва уни бошқариш алгоритмларини осон йўл билан аниқлаш мумкин, чунки транспорт оқимларини оптималлаштириш икки томонлама йўналишига тегишли. Бундай ҳолатда нисбатан мураккаб оптималлаштириш турларидан тармоқдаги транспорт воситаларининг кўпйўналишли ҳаракатларини қамраб олувчи TRANSYT усулини танлаш лозим. Узелларнинг жойлашуви бўйича топологик ҳудудлари қуйидагича бўлинади:

- ясси (текис) конфигурация ҳудудига;
- чизикди (артериал) конфигурация ҳудудига.

Учинчи даража. Транспорт мажмуасини бошқариш энг юқори иерархия даражасига эга. Одатда у бир нечта доирадан (қисм, бўлим) иборат.

Учинчи даражада алоҳидаги вилоятлар марказий бошқариш пунктлари мужассамлаштирилган (светофор объектлари, тоннеллар, тўхтаб туриш жойлари ва бошқалар). Ҳозирги вақтда бошқариш тизими мажмуасини лойиҳалапгирганда транспорт оқимларини интеграллашган бошқариш тизими тушунчаси киритиш лозим (Integrated Traffic Management - ITM).

Ушбу даражада транспорт воситаларнинг тикилиб (затор) қолиши ёки бошқа фавқулоддаги вазиятларда бошқариш тизими ва назорат қилувчи телевизион тизимлари ишлатилади. Одатда ушбу тизимлар автоматик равишда ишлайди ва зарур бўлган ҳолларда диспетчер томонидан аралашувга имкон яратади. Фавқулоддаги вазиятларда бошқаришни амалга оширишда эксперт тизимлари ёрдам беради ва автоматик равишда фавқулоддаги вазиятда пайдо бўлган муаммоларни ечишга имкон яратади. Барча мавжуд тизимларнинг ўзаро фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш ва ягона тузилмани шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади. Телематик бошқарув тизими учун мўлжалланган маълумотлар тармоқларнинг барча жойларида хоҳлаган вақтда фойдаланиш учун мавжудлиги билан тавсифланади. Шаҳар ҳудудида нафақат узеллар тармоғи балки мамлакат ҳудудида автомагистралларни бошқариш тизими ҳам мажмуа сифатида қабул қилиниши мумкин, масалан, халқаро даражада хавфли юкларни ташиш тизими (RISC management). Юқоридаги тизимлар юкларни манзилга автомобиль транспортида қисқа ва ўз вақтида етказишга имкон беради.

Адабиётлар

1. Пржибыл Павел. Телематика на транспорте. пер. с чешск. О. Бузека и В.Бузковой; под ред. проф. В.В. Сильянова. – М.: Изд-во МАДИ, 2014. – 540 с.
2. Asier Perallos. Intelligent Transport Systems: Technologies and Applications. USA. John Wiley & Sons, 2015. – 368 pages.
3. Омонов Б.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДТрУ босмаҳонаси. 2021й. . – 109 бет.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ ТРАНСПОРТНЫЕ СИСТЕМЫ В ЛОГИСТИКЕ

Тулкинхуджаева Н.Р магисрант (*АннМИ*)

Процесс развития и усовершенствования логистической сферы в современном мире является стремительным и непрерывным, поэтому привлекает внимание и вызывает живой интерес у специалистов как научно-теоретической, так и практической сферы деятельности. Создание человеком интеллектуальных технологий качественно повысило уровень эффективности транспортно-логистической системы в целом, а внедрение и практическое применение новейших разработок дает высокие результаты в сфере перевозок

В цифровых преобразованиях транспортно-логистических систем заинтересованы как предприниматели, так и государство. Участие государственных структур в цифровизации экономики и транспортной сферы обусловлено ролью транспорта в хозяйстве страны.

Интеллектуальные транспортные системы являются местом соприкосновения автотранспортной индустрии и индустрии информационных технологий и базируются на двух «китах»: моделировании транспортных систем и регулировании транспортных потоков.

Современная ИТС –это сложный механизм, который контролирует все городские подсистемы, связанные с движением, в круглосуточном режиме. В ее задачи входит управление дорожным движением, сбор/хранение/передача данных в единый центр мониторинга, информирование участников движения о текущей транспортной ситуации, фиксация нарушений, обеспечение безопасности дорожного движения, распределение приоритетов движения для ТС экстренных служб и наземного пассажирского транспорта.

Примеры городов, использующих интеллектуальные транспортные системы:

1. Барселона внедряет системы интеллектуальной парковки и управления уличным движением для контроля за пробками.
2. Копенгаген использует системы управления уличным движением, сбор данных в целях оптимизации транспортной сети.
3. Монреаль синхронизирует работу светофоров.

С увеличением количества транспортных средств в мегаполисах остро встает проблема средней скорости движения и загруженности дорог. Многие города мира не первый год стоят в пробках, но лишь немногие из них смогли развязать этот «транспортный узел». Не всегда есть возможность построить новую дорогу или расширить существующую магистраль, поэтому решать проблему загруженных дорог необходимо с помощью современных технологий. Интеллектуальные транспортные системы призваны помочь в этом вопросе за счет эффективного управления светофорными объектами, средствами

регулирования и мониторинга дорожного трафика, системами информирования участников движения о ситуации на дорогах и т.д.

Если говорить о трендах, то я бы отметила высокую заинтересованность пользователей ИТС в получении дополнительной информации о дорожном трафике. Например, раньше контроль дорожного движения строился на данных с датчиков плотности потока, которые оценивали только общую загруженность конкретного участка. Сейчас, благодаря развитию технологий на базе алгоритмов глубокого обучения, системы видеонаблюдения могут анализировать тип транспортного средства (легковой автомобиль, грузовой транспорт, автобус и т.д.), марку, цвет, траекторию движения и т.д. Искусственный интеллект превращает стандартную систему видеомониторинга в систему раннего предупреждения оператора и участников движения о проблемах на дорогах, предотвращения возможных инцидентов и заторов.

Подводя итог вышесказанному, подчеркнем, что любой сфере деятельности для эффективного функционирования нужны новые разработки. Цифровизация транспортно-логистических систем неизбежна, так как изменение экономики и глобальные тренды влекут за собой трансформацию существующих систем, позволяющую снизить загруженность транспортной инфраструктуры, интенсивнее использовать воздушное пространство, минимизировать вред окружающей среде за счет сокращения уровня природного загрязнения ввиду оптимизации транспортных потоков, сократить издержки, повысить безопасность и увеличить скорость перевозки грузов.

Безусловно, еще многое предстоит сделать. Потребуется и готовность инвестировать в новые проекты, и желание экспериментировать, и гибкость как готовность изменить все в любой момент. Использование цифровых технологий откроет практически безграничные перспективы и новые возможности для будущего транспортно-логистической отрасли.

Литература

1. Завьялов Д.В., Сагинов Ю.Л. Пути снижения доли автомобилей в транспортном потоке крупного города // РИСК. – 2018. – № 4. – С. 63–70. 3.
2. Малыгин Н.А., Завьялов Д.В. Применение технологии блокчейн в логистике: перспективы и особенности внедрения // Человеческий капитал и профессиональное образование. – 2018. – № 1 (25). – С. 88–91. 4.
3. Пустохина И. Городская логистика как элемент устойчивого развития городов // Сб. статей по материалам V Международной научно-практической конференции под ред. М.В. Кудиной, А.С. Воронова. – 2018. – С. 62–67.
4. Authorizing Automated Vehicle Platooning, 2018 Edition. Электронный ресурс: URL: <https://cei.org/content/authorizing-automatedvehicle-platooning>

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ ТРАНСПОРТНЫЕ СИСТЕМЫ ЗАЛОГ БЕЗОПАСНОГО ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ.

Тураев Э.Н., доц Рахматуллаев М. *(ЖизПИ)*

В Республике Узбекистан опыт создания интеллектуальных транспортных систем подтвердил их высокую эффективность в повышении безопасности дорожного движения и одновременно в повышении качества работы региональных транспортных систем и работы автомобильного транспорта за счет расширения возможностей контроля за соблюдением правил дорожного движения, своевременного и качественного информирования участников дорожного движения, оптимизации перевозок, распределения нагрузок на транспортную инфраструктуру, решения транспортных проблем городов, внедрения электронных платежей, снижения загрязнения окружающей среды. В настоящее время во всем мире наблюдается рост дорожного движения. Из-за существенного увеличения автомобильного парка и ограниченной пропускной способности улично-дорожной сети возникает большое количество конфликтных ситуаций и резко снижается транспортная мобильность. Опыт крупных городов мира показывает, что проблему загруженности дорог нельзя решить одним лишь строительством магистралей: на новый участок дороги сразу устремляется огромное количество машин, образуя затор. Для эффективной регуляции транспортного потока необходимо внедрение интеллектуальных транспортных систем.

Интеллектуальная транспортная система – это комплекс систем, который помогает более эффективно эксплуатировать транспортную сеть, используя информационные, коммуникационные и управленческие технологии, встроенные в транспортное средство или дорожную инфраструктуру. Основой интеллектуальных транспортных систем является информация, которую необходимо собирать, обрабатывать, интегрировать и распространять. Комплекс интеллектуальных транспортных систем способен выполнять функции диспетчерского ситуационного и оперативного координирования взаимодействий всех участников дорожного движения, спецслужб и ведомств.

Сбор данных для системы управления городским и пригородным транспортом. Для построения интеллектуальных транспортных систем в дорожном движении в первую очередь требуется организовать сбор информации о состоянии трафика. Один из способов это сделать – обеспечить получение данных непосредственно от пользователей. Практически у каждого человека есть смартфон с GPS и другими полезными датчиками, которые позволяют передавать актуальные сведения о транспортной системе. Для сбора информации может быть разработано приложение, где пользователь будет указывать свой маршрут, помогая системе собрать данные о скорости, задержках на определенных участках, высоте над уровнем моря и многих других факторах, которые могут быть использованы для анализа дорожной обстановки.

Второй способ сбора сведений не требует непосредственного участия человека: он предполагает использование современной аналитики Big Data. Уже сегодня существуют программы и целые системы, которые помогают анализировать передвижение людей через SIM-карты в телефонах, собирая большие массивы анонимных данных. Собранные с помощью смартфонов сведения позволяют получать и использовать реальную информацию о положении и динамике перемещения населения в любой части дорожной сети. Используя подобные решения, можно начать строительство современных систем управления городским пассажирским транспортом, а также целых «умных городов».

В дополнение к вышеупомянутому мониторинг транспорта на дороге можно организовать с помощью высококачественных камер и дорожных радаров. Эти технологии позволяют получить необходимую информацию о скорости, расстоянии между транспортными средствами, маршрутах, движении через перекрестки, задержках и распределении между отдельными полосами движения.

Населенные пункты должны располагать максимально точными сведениями об обстановке на транспортных маршрутах, чтобы правильно планировать и выстраивать городскую дорожную инфраструктуру, оптимизировать ее с учетом потребностей граждан и текущих условий.

Как работает технология умного транспорта.

Построение интеллектуальных транспортных систем города требует:

- сбора информации;
- анализа трафика;
- моделирования трафика;
- обмена данными;
- управления дорожным движением и транспортных систем.

Для работы умного городского транспорта необходимы технологии, благодаря которым будет вестись обмен данными между центром системы и всеми ее компонентами, а также между отдельными элементами коммуникации. Обязательным компонентом любого современного транспортного решения являются информационные подсистемы, главное назначение которых заключается в повышении доступности информации для пользователей общественным транспортом.

Все вышеперечисленное требуется для управления интеллектуальными транспортными системами, для обеспечения эффективной работы дорог, перекрестков и автомагистралей:

- для оптимизации движения частного и общественного транспорта;
- быстрого реагирования на ситуацию на дороге;
- повышения безопасности движения;
- недопущения всевозможных нарушений и т.д.

В городе должен быть создан единый центр управления интеллектуальных транспортных систем, куда будут в онлайн-режиме передаваться данные с

детекторов мониторинга транспортных потоков и дорожная обстановка с фото- и видеокамер. Система также должна фиксировать скорость потока, количество автомобилей и общественного транспорта, метеоусловия и состояние трассы. В случае дорожно – транспортных происшествий система должна предупреждать о затруднениях на дороге и подсказывать объездные пути. Сигналы светофоров должны меняться в зависимости от загруженности соседних перекрестков. При действии описанной системы появится возможность координировать потоки в случае заторов, отменять непопулярные маршруты и назначать новые.

Элементы интеллектуальных транспортных систем. Интеллектуальные транспортные системы на дорогах представляют собой целый комплекс функционального оборудования, которое осуществляет сбор информации, управление транспортным потоком и информирование участников дорожного движения. Только при условии оснащения системы необходимым оборудованием и его комплексной работе можно добиться существенного улучшения ситуации на дорогах в мегаполисах.

Дорожные видеокамеры. Дорожные камеры выступают «глазами» современных интеллектуальных транспортных систем. Это камеры высокого разрешения, которые повсеместно используются разработчиками интеллектуальных транспортных систем и комплексов видеофиксации нарушений правил дорожного движения. В системах используются промышленные камеры, которые позволяют эффективно следить за дорожным потоком, выделять и трассировать движущиеся объекты, выполнять захват кадров с государственными регистрационными знаками транспортных средств, а также распознавать буквенно-символьные изображения на номерах.

Умные светофоры. Умным принято называть светофор, которым управляет специальная программа, позволяющая устройству самостоятельно принимать решения, в том числе на основе поступающей информации о дорожном движении с других аналогичных приборов.

Существуют несколько типов детекторов, различающихся по принципу действия чувствительных элементов:

- контактные;
- электромагнитные;
- детекторы излучения.

В заключении можно сказать что преимущества внедрения систем «Умный транспорт» уже строящиеся, а также находящиеся в процессе разработки транспортные системы, обладают целым рядом достоинств, благодаря которым о возможности внедрения технологии задумываются представители правительства и безопасного бизнеса в городах по всему. Таким образом, интеллектуальная транспортная система позволяет одновременно выполнять несколько задач – автоматически фиксирует нарушения правил дорожного движения, управляет светофорами, мониторит условия движения в реальном времени, а также информирует участников движения о дорожных условиях и

ситуациях, графиках движения общественного транспорта, наличии свободных мест на парковках и т.д.

Литература

1. Роман Душкин: Интеллектуальные транспортные системы ДМК-Пресс, 2020 280 с.
2. В. Жанказиев. М.: Интеллектуальные транспортные системы: МАДИ, 2016. – 120 с.
3. Омонов Б. Интеллектуал транспорт тизимлари.– Т.: - 2019. – 180 б.
4. Павел Прижибыл. Телематика на транспорте. – Прага. BEN, 2004.-540 стр.
5. www.ins.by intellektualnaya-transp...
rostec.ru > news > intellektualnaya-tr...

ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИГА БЕВОСИТА ТАЪСИРИ

Уришбаев Э.Э (*ЖизПИ*)

Бизга яхши маълумки, логистика – минимал харажатлар ва ҳаракатларга эришишдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида транспорт логистикасининг аҳамияти” борасида жудаям кўплаб ишлар олиб борилмоқда, албатта бу ишлар кўплаб соҳаларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда [1]. Илмий маънбаларда транспорт логистикасини ривожлантириш борасида жуда кенг масалалар ёритилган, бунда асосан транспорт логистикасини ривожлантиришда қисқа йўллардан самарали фойдаланиш эътиборга олинган. Логистиканинг энг муҳим элементларидан бири бу – ташишдир.

Ташиш автомобиль йўлларининг турли хил тоифаларида амалга оширилади. Демак, ташиш сурати ошиши натижасида автомобиль йўлларига тушадиган эксплуатацион кўрсаткичларнинг ўсиши ва йўллардаги ҳаракат жадаллигининг ортишини кўрсатади. Яъни қисқа йўллар ташиш ишларини ташкил қилиниши натижасида кўплаб юк ташиш натижасида автомобиль йўлларига салбий таъсир кучлари ортиб боради. Натижада транспорт логистикаси самара бериш билан бир қаторда йўлларнинг сифат даражасининг пасайишига, эксплуатация жараёнига яроқсиз ҳолатга келиб қолишига сабабчи бўлмоқда. Чунки, кўплаб иккинчи даражали йўлларимиз катта микдордаги юкларни ўтказиш имкониятига мослашмаганлиги сабаб, физик механик хусусиятларини йўқотмоқда.

Автомобил йўлларида қўлланилаётган асфальтобетон копламалар материалининг физик-механик, кимёвий хоссалари иқлим, эксплуатация ва бошқариш шароитлари билан боғлиқ [2]. Шу билан бир қаторда унга тушаётган юк босими катта таъсир ўтказмай қолмайди. Бу омилларнинг ҳаммаси биргаликда таъсир қилиб, эксплуатация жараёнида копламанинг хусусиятларининг ўзгаришига сабаб бўлади.



Шу ўринда, автомобиль йўллари қанчалик равон ва текис бўлса, ундаги ҳаракат тезлиги юқори бўлса ва юк ташиш тан нархи шунчалик паст бўлади ҳамда юк ва йўловчиларни манзилига хавфсиз ташиш имконияти ошади. Бунинг учун авваломбор, автомобиль йўлининг техник даражасини ва фойдаланув ҳолатини яхшилашимиз ва йўлнинг транспорт-фойдаланиш сифатларини оширишимиз талаб этилади.



Автомобиль йўллари қопламалари кейинги йилларда жадал деформацияланиши ва бузилишнинг сабабларидан бири – уларнинг ишлаш шароитлари ўзгаришидир. Транспорт оқим миқдори ва сифат жиҳатдан ўзгаради, ҳаракат жадаллиги, юк транспорт воситаларининг ўққига тушадиган юклама, ҳисобий ҳаракат тезлиги, енгил ва юк автомобилларининг динамик имкониятлари ошади. Кам юк кўтарадиган, кўп ўқли юк автомобиллари, қулай туристик автобуслар кўпайди. Транспорт оқими таркибида юқори динамик хусусиятларига эга бўлган хориж автомобиллари ортиб борапти. Бу автомобилларда ўққа тушадиган юклама меъёридан катта эканлигидадир.

Қопламаларга транспорт воситаларидан ва табиий-иқлимий омиллардан тушадиган зўриқишлар рухсат этилган меъёрлардан ортиб кетганда қоплама деформацияланади. Йилнинг турли фаслларида ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари, қопламаларда музлаш ва эриш жараёнларининг кечиши натижасида асфальтобетон қопламаларда кучланишлар ҳосил бўлади ва қопалама юзасида нуқсонларнинг ривожланиш жараёнларини тезлаштиради.



Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, транспорт логистикаси орқали моддий оқимлардан самарали фойдаланишни тўғри ташкил қилсак, йўлларда сифат назоратини мукамаллаштирсак, нафақат йўлнинг эксплуатацион ҳолати яхшиланади, балки содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг сонинг ва ҳалокатлилик кўрсаткичининг камайишига олиб келади.

Адабиётлар

1. А.Х.Ўроқов. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш технологиялари. Т. ТАЙЛҚЭИ. ХТ “Ризаев М.Х.”. 2019.264б.
2. ШНҚ 2.05.02-2007 “Автомобил йўллари”.
3. Уришбаев, Э. Э. У. (2020). Методика улучшения свойств дорожного битума с применением минерального порошка из природного сланца. Academy, (12 (63)).
4. Olmos, Z., & Elbek, U. (2020). Main parameters of physical properties of saline soils along highways. Problems of Architecture and Construction, 2(4), 150-151.

ТОҒ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АВТОТРАНСПОРТ ОҚИМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

т.ф.н., доцент Файзуллаев Э.З., Рахмонов С., докторант,
Турдибеков С.К., бўлим бошлиғи, (ТДТУ)

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан ортиқдир. Шунинг 42,6 минг километри умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари бўлиб, улар халқаро, республика ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятга эга йўллардир [1]. Ер юзасининг тузилиши жиҳатидан Ўзбекистон ҳудуди икки қисмга бўлинади, 78,7 фоиз қисми текисликдан, қолган 21,3 фоиз қисми тоғлардан ва тоғ оралиғидаги ботиклардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишида Республиканинг иқтисодий ривожланиш шартларини таъминлайдиган халқаро транспорт йўлаklarини барпо қилиш, транзит ва вилоятлар оралиғида ишончли транспорт алоқасини таъминлаш,

республиканинг ташқи интеграциялашган ва ички бириккан ягона транспорт мухитини шакллантириш, Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ва жаҳон бозорига чиқиш каби масалалар давлат йўл сиёсатининг устувор вазифалари этиб белгиланган. Ушбу вазифаларнинг амалий ечими мавжуд автомобиль йўллари тармоғининг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш, йўлларнинг техник ва фойдаланув ҳолатларини йўлдан фойдаланувчилар талабларига мувофиқлаштириш, автомобиллар ҳаракат шароитининг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг самарали ташкил қилишни талаб қилади [2].

Автомобиль транспортининг тез ривожланиши мамлакатимиз иқтисодининг жадал ривожланишига катта ҳисса қўшиши билан бир қаторда ўзига яраша бир қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Яъни, мамлакатимиз йўлларида транспорт оқимининг мураккаблашишига ва бунинг натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайишига ҳам сабаб бўляпти. Бу эса ўз навбатида давлатимизга моддий ва маънавий зарарлар етказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотига кўра, Ўзбекистонда бир йилда ўртача йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) оқибатида, 2000 та йўл ҳаракати қатнашчиси ҳалок бўлади ва 10000 дан зиёд одам тан жароҳати олади.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42530 км ни ташкил қилса, шундан 1230 км. (3%) тоғли йўллар ҳисобланади. Тоғли автомобиль йўлларининг қуйидагиларида: А-373 «Ташкент-Ош» автомобиль йўлининг 193–270 км участкасида «Камчик» довони, М-39 «Алма-ата-Бишкек-Ташкент-Термез» автомобиль йўлининг 1120–1145 км участкасида «Тахтакарача» довони ва 1302–1320 км участкасида «Акработ» довонлари мавжуд бўлиб, улар стратегик объект статусига эга бўлган Республиканинг асосий иқтисодий артерияси ҳисобланадилар.

Транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигига уларнинг эксплуатация шароитлари катта таъсир кўрсатади.

Транспорт воситаларининг эксплуатация шароитлари: йўл, транспорт ва табиий-иқлим шароитлари билан аниқланади. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида қуйидаги омиллар: *йўл шароитлари* – йўлнинг профили ва режа элементлари, жой рельефи, йўл қопламасининг кўриниши ва равонлиги, ҳаракат жадаллиги, ҳаракатга халақитлар, йўл ҳолатининг барқарорлиги, ҳаракат режимлари билан; *транспорт шароитлари* – юкнинг тури, ташишлар ҳажми, жўнатиладиган юклар партияси, ташиш масофаси, юк ташиш ва тушириш усуллари, маршрутлар тури ва ташишнинг ташкили, сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шароитлари билан; *табиий-иқлим шароитлар* - совуқ, мўтадил, иссиқ ва тоғ иқлим шароитлари билан тавсифланади [2].


Тоғли йўлларда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишига ўртача йиллик ёғин миқдори баҳор ойининг февраль-март апрель ойларида ва қиш ойининг ноябрь-декабрь ойларида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, шу ойларда автомобилларнинг ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб,

йўлларда содир этиладиган йўл-транспорт ходисаларининг сонини ошишига олиб келади.


Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда автомобилларнинг шиналари йўлнинг қатнов қисми қопламаси билан нормал илашиши учун қуйидаги шароитлар бўлиши керак: қоплама юзаси тоза, қуруқ ёки намланган бўлиши; 60 км/с тезликда бўйлама илашиш коэффиценти қуруқ юзада 0,6, нам юзада – 0,45 бўлиши; ёзда ҳаво ҳарорати 20°C, нисбий намлиги 50%, кўринишининг метеорологик узоқлиги 500 метрдан ортиқ, шамол бўлмаслиги, атмосфера босими 760 мм сим. уст. бўлиши аниқланган [3].

Бу омилларнинг бари йўл шароитларининг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатланиш режими ва хавфсизлигига ҳар томонлама ва кенг кўламда таъсир қилади [4].


Тоғли йўлларда транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида А-373 «Ташкент-Ўш» автомобиль йўлининг тоғли участкасида жойлашган «Қамчиқ» довони мисолида транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигига тегишли муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт оқимини ўрганиш бўйича маълумотлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил натижалари қуйидаги расмларда келтирилмоқда (1,2,3,4-расмлар).




1-расм. Қамчиқ довонида кун давомида соатлар бўйича ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг оқимлари уларнинг категориялари бўйича келтирилган



2-расм. Қамчиқ довонида ҳафта давомида кунлар бўйича ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг оқимлари уларнинг категориялари бўйича келтирилган



3-расм. Қамчиқ довонида ой давомида кунлар бўйича ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг оқимлари уларнинг категориялари бўйича келтирилган



4-расм. Қамчиқ довонида йил давомида ойлар бўйича ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг оқимлари уларнинг категориялари бўйича келтирилган.

Транспорт воситаларини оқимларини таҳлили шуни кўрсатадики кун давомида соат 11.00 дан 23.00 гача энг кўп оқимни ташкил этади. Ҳафта ичида душанба кунда энг кўп оқимни ташкил этади. Ой бўйича эса унинг биринчи ярмида энг кўп оқимни ташкил этади. Йил бўйича эса декабр ойида энг кўп оқимни ташкил этади, пандемия сабабли апрел ойида транспорт оқими энг кам бўлган.

Хулоса:

Тоғли йўлларда транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда А-373 «Ташкент-Ўш» автомобил йўлининг тоғли участкасида жойлашган «Қамчиқ» довони мисолида транспорт воситаларининг ҳаракат оқимлари бўйича маълумотлар ва уларнинг таҳлили транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигига тегишли қуйидагиларни:

- тоғли йўлларда тирбандлик масалаларини ҳал этишда;
- тоғли йўлларда автотранспорт воситаларини ҳаракат жараёнини математик моделини яратишда;
- тоғли йўлларда турли об-ҳаво шароитларида автотранспорт воситаларини хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича режа ва тавсиялар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Адабиётлар

Проблемы появляются в случае, если отсутствует воздухообмен, например, в домах и других помещениях. При этом количество радона в закрытом помещении может достичь серьезных концентраций. Так как радон попадает в здания из земли, то на западе при строительстве фундаментов в "радон опасных" районах широко применяют специальные защитные мембраны, мешающие просачиванию радона. Тем не менее даже использование этих мембран не дает полноценной защиты. Если для снабжения дома водой - используются скважины, радон попадает в дом с водой и может накапливаться в больших количествах в кухнях и ванных комнатах. Дело в том, что радон хорошо растворяется в воде и при контакте подземных вод с радоном, вода очень быстро насыщается радоном. В развитых странах уровень вмешательства радона в природных водах колеблется от 10 до 100 Беккерелей на литр, в промышленных районах доходя до сотен и даже тысяч Бк/л [2, С.26-32].

Определение с спектрометром-радиометром МКГБ-01 "РАДЭК" обеспечивает указанные значения погрешности измерений при выполнении следующих условий:

- Доверительная погрешность определения коэффициентов чувствительности спектрометра не превышает $\pm 7\%$ ($P=0,95$) (расширенная неопределенность $I_c=7\%$ ($k=2$));

- Значение плотности образца находится в пределах от 0,2 до 2 г/см³;
- Время измерения для геометрии "сосуд Маринелли" - 2400 с, для геометрии "цилиндрический сосуд объемом 250 мл" - 1 ч ;

Экспериментальная часть

Измерение удельной активности радионуклидов в образцах фиксированной массы проводили методом непосредственной оценки с использованием спектрометра, который предварительно калибровался с использованием эталонных средств измерения - образцовых мер удельной активности в соответствии с таблицей 2 [3].

Таблица 2

Радионуклид	Диапазон плотностей, г/см ³	Геометрия сосуда
²²⁶ Ra, ²³² Th, ⁴⁰ K, ¹³⁷ Cs	от 0,2 до 2	Маринелли 1л Сосуд 250 мл
²²² Rn	1 (вода)	Маринелли 1л
²²² Rn	1 (активированный уголь)	Колонка с Активированным углем 12 мл
⁹⁰ Sr+ ⁹⁰ Y	от 0,2 до 2	Кювета 38 мл

Значения удельной активности радионуклидов и абсолютной погрешности результата измерения рассчитывали автоматически, по алгоритму программы "ASW" на основе измеренных спектров образца и коэффициентов чувствительности, полученных при калибровке спектрометра.

Удельную активность радионуклида в образце и значения относительной погрешности измерения определили непосредственно по отсчетному устройству, в качестве которого используют дисплей ПК. Измерение мощности контрольной дозы проводили в защитной камере бета-каналов при открытых крышках защиты, в каждой точке проводили три измерения и рассчитывали среднее значение. Полученные значения не превышали 0,20 мкЭВ/ч.

Пробы воздуха растворяли в дистиллированной воде с объемами 200 мл и сливали в контейнер. Контейнеры взвешивали и определяли массу (1-5) контейнера с пробой в граммах. Определяли массу счетного образца по формуле:

$$m_{so} = m_{knr} - m_x \quad \text{г.} \quad (1)$$

Калибровка радиометра. Калибровка энергии детектора NaI (Tl) проводилась с использованием сертифицированного стандарта RGK-1. Были использованы следующие гамма-линии: Pb-214 (352 кЭВ), Bi-214 (1125 кЭВ), K-40 (1460 кЭВ) и Tl-208 (2615кЭВ). Для этого в программе «ASW» радиометра МКГБ-01, выбирается параметры измерения, то есть геометрия измерения и тип пробы как в рисунках 1 и 2:




Рисунок 1. Выбор параметров измерения при калибровке радиометра МКГБ-01 с программой “ASW”





Рисунок 2. Выбор других параметров измерения: масса пробы, канал спектра, время измерения

Радиометр измеряет энергию активности выбранных радионуклидов в течение 1000 с и выводит на экран данные измерения (рис 3).



Программа “ASW” автоматически выполняет математические данные по уравнению (3) для представления энергии фотона как функции номер канала C;

$$E = E_0 + BC + AC^2 \quad (3)$$

где E_0 , B и A - постоянные.

На рисунке 4 показана кривая калибровки энергии.

Измерение фона. При условии, что дистиллированная вода не радиоактивна, фоновая активность была определена путем запуска инертного образца, состоящего из полиэтиленового пакета, заполненного с дистиллированной водой. Фон измеряли в течение 30000 секунд, и вычитается из каждого записанного спектра.

Таким образом, мы подготовили радиометра МКГБ-01 к анализу, выбирали оптимальные условия измерения и теперь можно будет определить активность радионуклида радона-222 в пробах воздуха.

Стандартные и контрольные пробы анализировали на содержание в них радионуклида радона-222 радиометрическо-спектрометрическим методом. Радиометр МКГБ-01 присоединен к портативному компьютеру и работает с программой «ASW». Программа «ASW» разработанная компанией РАДЭК (Россия) упростят работы с радиометром. То есть с программой «ASW» нет необходимости контроля фона каждые 2 часа, вычисления результатов, анализ точности результатов и анализ погрешности определения. А также «ASW» программа обеспечивает вычисления объемной и удельной активности радионуклидов ($\alpha_{ак}$) так и отдельно, так и несколькими радионуклидами. Продолжительность измерения – 30 минут. Результаты исследований представлены в таблице 3.

Таблица 1

РЕЗУЛЬТАТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ β -ИЗЛУЧЕНИЙ РАДОНА-222 В АТМОСФЕРНЫХ ВОЗДУХАХ ГОРОДА ТЕРМЕЗА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

($t_{изм}=40$ мин, $E_{max}=624$ кЭв, ЧВ=0,64 имп/с*бкл)

№	*Штрих код проб	Место отбора проб	Значение удельной активности β -излучений Rn-222, Бк/кг (УВ=0,2)
1	T-1-20	улица Ёшлик дом-10 города Термеза	0,02
2	T-2-20	улица Жўрабоева дом-32 города Термеза	0,08
3	T-3-20	улица Соатова дом-5 города Термеза	0,15
4	T-4-20	улица С.Зунуновой дом-93 города Термеза	0,06
5	T-5-20	улица И.Каримова дом-212 города Термеза	0,08
6	T-6-20	улица Ат-Термизи дом-5 города Термеза	0,05

Из таблицы видно, что высокое значение β -излучений Rn-222 получено в точке 3. Но и эти значение не является высоким над уровнем вмешательства (УВ Rn-222=0,2). 3-точка это северная часть города и является промышленной зоной, где расположены несколько строительных заводов.

Список литературы

1. Abdikodirov Sh., Eshkaraev S., Turaev Kh., Kholmurodov M. Radiometric determination of radon-222 in the atmospheric air of the city of Termeza, Republic of Uzbekistan //European Journal of Molecular & Clinical medicine ISSN 2515-8260 volume 7, Issue 11, 2020;

2. Абдукодиров Ш.А., Эшқараев С.Ч., Тўраев Х.Х., Холмуродов М.П. Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосидаги радон-222 Радионуклидини радиометрик усулда аниқлаш // “Развитие науки и технологий” Научно–технический журнал №7/2020;

3. Х. Х. Тураев, С. Ч. Эшқараев, Ш. А. Абдикодиров, Б. Э. Бабамуратов Радиометрическое определение радионуклидов цезия-137 и стронция-90 в почвах Сурхандарьинской области // Монография.-Т.: “Университет”, 2020;

ИЗМЕНЕНИЕ СВОЙСТВ РЕЗИНЫ В ПРОЦЕССЕ СТАРЕНИЯ

Азизов А.А. старший преподаватель, Раҳмонов Р.Қ. студент (*ТГТУ*)

Каучуки и их вулканизаты, как всякие ненасыщенные соединения, способны к различного рода химическим превращениям. Важнейшей реакцией, которая непрерывно происходит при хранении и эксплуатации резиновых изделий, является окисление резины, ведущее к изменению ее химических, физических и механических свойств. Только эбонит, превращающийся в полностью насыщенное соединение за счет присоединения к макромолекулам каучука предельно возможного количества серы, представляет собой химически инертный материал. Совокупность всех изменений, происходящих в резине в процессе длительного окисления, принято называть ее старением.

Старение принадлежит к категории сложных многостадийных превращений, на определенных этапах которого значительно уменьшаются эластичность, износостойкость и в некоторой степени прочность резины. Иначе говоря, с течением времени работоспособность резиновых изделий, а следовательно, и надежность работы автомобилей снижаются. К разряду наиболее неблагоприятных изменений резины, возникающих вследствие старения, относится необратимое снижение ее эластичности. В результате повышенная хрупкость резины, в первую очередь ее поверхностных слоев, обуславливает появление в деформируемых деталях трещин, постепенно углубляющихся и в конце концов приводящих к разрушению изделия.

Последствия старения резины аналогичны последствиям от понижения температуры, с той лишь разницей, что последние по своему характеру являются временными и частично или полностью устранимыми с помощью нагревания, тогда как первые никакими способами нельзя ослабить и тем более устранить.

Борьба со старением ведется различными методами. Очень эффективной является добавка противостарителей (ингибиторов), 1... 2 % которых по отношению к содержащемуся в резине каучуку замедляют процесс окисления в сотни и тысячи раз. С той же целью некоторые резиновые изделия выпускаются с заводов в герметичной упаковке (в полиэтиленовых чехлах).

Однако технологических средств оказывается недостаточно, поэтому дополнительно приходится применять ряд эксплуатационных мер. С повышением температуры старение усиливается, при чем от нагревания на каждые 10 °С скорость старения возрастает в два раза. Замечено также, что

окисление резины интенсивнее на тех участках, которые испытывают большее напряжение. Следовательно, необходимо содержать резиновые изделия по возможности в недеформированном состоянии.

Литературы:

1. Бартенев Г.М. Структура и релаксационные свойства эластомеров. М, 1979г.
2. Рудницкий В.А., Крень А.П. Испытание эластомерных материалов методами индентирования. Мн., 2007 г.

ВЛИЯНИЕ СКОРОСТИ СКОЛЬЖЕНИЯ И ТЕМПЕРАТУРЫ НА СВОЙСТВА КОНТАКТА И ФРИКЦИОННЫЕ КОЛЕБАНИЯ.

Азизов А.А. старший преподаватель, Фармонов Ш.Ш. студент (*ТГТУ*)

В работе [1] приведены основные реологические модели, характеризующие поведение материалов в зоне контакта. Рост ФПК и силы трения в зависимости от времени неподвижного контакта объясняет схема И.В. Крагельского и А.Ю. Ишлинского.

Зависимость коэффициента трения от скорости скольжения V в виде экспоненциальной функции предложили И.В. Крагельский и В.С. Щедров:

$$f = (a + bV)e^{-cV} + d .$$


Параметры a , b , c , d характеризуют режим скольжения и свойства материалов пары трения. Параметр a зависит от физических свойств материалов и шероховатости, b и c зависят от вязкости и нагрузки, d зависит от конструкции узла трения и режима скольжения. Однако влияние скорости на свойства контакта при небольшом ее изменении само по себе невелико.

Но существенный рост скорости приводит к значительному повышению температуры контакта, поскольку мощность трения ($F \cdot V$) превращается в теплоту. Рост температуры в свою очередь вызывает заметное изменение свойств материалов в зоне контакта, резко снижается твердость. Поскольку увеличивается ФПК, снижается интенсивность молекулярного взаимодействия (τ_0 , β), происходят химические превращения в поверхностных слоях. При очень больших скоростях скольжения возможно оплавление поверхности, и сухое трение переходит в гидродинамическое. В общем случае наблюдается снижение коэффициента трения с ростом температуры. Теория тепловых процессов, протекающих при трении, в России наиболее полно разработана профессором А.В. Чичинадзе и его научной школой. В соответствии с этой теорией максимальную температуру на пятне контакта можно представить в виде суммы:


$$T_{\max} = T_0 + T_v + T_s + T_B ,$$

где T_0 - исходная температура пары трения, T_v - средняя объемная температура элемента пары, T_s - средняя температура на номинальной (контурной) площади контакта, T_B - температурная вспышка на пятне контакта. Эти факторы опосредованы теплопроводностью пары трения.

Задачу теплопроводности обычно формулируют в следующем виде: найти распределение температур в элементах пары трения, когда на контакте действует переменный по времени и положению источник теплоты, а со свободных поверхностей происходит теплоотдача в окружающую среду. При этом учитывают изменение теплофизических характеристик материалов в зависимости от температуры. Решение задачи позволяет рассчитать T_v , T_s , T_b в условиях работы тормозов, сцепления и других узлов трения. Расчеты и эксперименты показали, что T_{max} может, даже при сравнительно небольших скоростях, достигать сотен градусов, что приводит к заметным изменениям свойств материалов в тонком поверхностном слое.



Р и с. 1. Схема модели фрикционных колебаний



Р и с. 2. График колебания тягового усилия

При работе разных механизмов часто возникают колебания, связанные с трением.

Они приводят к появлению скрипов, которые проявляются при движении (скрип колес, тормозов, скрип протекторов автомобилей, когда машина идет юзом и др.). Такие колебания называют фрикционными. Причинами колебаний являются реологические свойства контакта, а также упругие свойства элементов пары трения и их связей с другими деталями. Главным проявлением реологии контакта является рост ФПК, а следовательно, и статической силы трения с увеличением времени неподвижного контакта и скачкообразное падение силы трения при переходе от покоя к движению, а затем падение силы трения с ростом скорости скольжения, вызванное, главным образом, скачком температуры на пятнах контакта. Динамическая модель такой системы изображена на рис. 1.

Модель представляет собой последовательно соединенные тела Кельвина-Фойгта и Сен-Венана. Если в целях упрощения принять, что $\eta=0$, $\mu=\text{const}$, то 2-й закон Ньютона для колебаний ползуна запишется в виде:

$$m \ddot{x} = -k(x - Vt) + \mu N \text{sign } \dot{x} = 0$$

Решение этого уравнения позволяет найти законы движения ползуна и колебаний тягового усилия. На рис.2 показан примерный график колебаний тягового усилия. Наиболее обстоятельные теоретические решения в этой области выполнены в МГТУ им. Баумана Ф.Р. Геккером и его учениками.

В зависимости от уровня гашения (вязкости системы μ) колебания могут существовать либо не возникать. От этого зависит устойчивость, надежность и долговечность механических систем, что необходимо учитывать при проектировании механизмов и замене деталей при ремонте и техобслуживании.

Литература:

1. Горячева И.Г., Добычин М.Н. Контактные задачи в трибологии.

ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИГА ВОДОРОДНИ ҚЎШИМЧА ЁҚИЛҒИ СИФАТИДА БЕРИШ ОРҚАЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ.

Аширов В.Р. ассистент, Усанов А.Э. ассистент, Умрзоқов Ж.А.
ассистент, Турдиев Т.Қ. талаба *(ТДТУ Термиз филиали)*

Ўзбекистон Республикамизда ҳозирги вақтга келиб, ёқилғи тежамкорлиги юқори булишини ва қайта тикланадиган ёқилғи ресурсларидан фойдаланишни талаб этмоқда. Бу қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Президентимиз томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган **2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сонли “Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонилари Республикамиз аҳолисини яшаш шароитларини яхшилаш, транспорт воситаларини замон талабига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш, кўплаб сифатли автомобиль йўлларини қуриш, экологик муҳитни яхшилаш ва бир қатор муҳим талабларни бажаришга қаратилган.

Ички ёнув двигателлари ҳозирги замон транспорт машиналарининг энг муҳум, мураккаб ва зуриқиб ишлайдиган агрегати ҳисобланади ва унинг иш унумдорлигини, тежамкорлигини ва ишончлилигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Ҳозирги замон ички ёнув двигателларининг ёқилғи тежамкорлиги ва экологик талабларининг ошиб бориши алтернатив ёқилғилардан фойдаланишни тақозо этади.

Учқундан ўт олдириладиган двигателларининг ривожлантириш жараёни унинг ёқилғи тежамкорлигини ва бошқа иш кўрсаткичларини белгилаб берувчи сиқиш даражасининг тобора ошириб бориши билан ифодаланади. Бунга ёниш камерасининг конструкциясини узгартириш, ёнувчи аралашмани совитиш ва унинг камерадаги ҳаракатини кераклигича ташкил қилиш орқали эришилади.

Ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини электрон тизимлари орқали бошқаришни кенг қўллаш. Бу усул ёнилғи сарфини 3...5% камайтиришга имкон беради. Нефт ёнилғилари урнини босувчилар алтернатив ёқилғилардан фойдаланиш учун газлардан ташқари, спиртлар ва водород ўрганилмоқда. Метил спирт (метанол) ва этил спирт (этанол) келажаги порлоқ ёнилғилардир. Иккала спиртнинг ҳам ёниш иссиқлиги нефтдан олинган суюқ ёнилғиларникидан анча паст. Шу сабабли уларнинг двигатель фойдали иш бирлигига тўғри келувчи масса бўйича сарфи анча кўп бўлади. Шу сабабли ИЁДнинг ёқилғини дозаловчи аппаратлари ўзгартирилиши ва улардаги идишларнинг сиғими катталаштирилиши зарур. Спиртлар ёнганда чиқадиган иссиқликнинг юқорилиги хатто атроф-муҳитнинг ҳарорати мусбат бўлганда ҳам двигателни

совуқлайн ишга туширишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради ва қизимаган ҳолда ишлашини мураккаблаштиради. Спиртлар ёнганда кислота ва тузлар вужудга келиб улар деталларнинг ейилишини нефт ёнилғиларида ишлагандагига қараганда тезлаштиради.

Спиртлар осонгина сувли эритмаларни ҳосил қилади ва ҳатто сақлаш жараёнида ҳам сувланиб қолади, бу ҳодиса деталларнинг мойланишини ёмонлаштиради ва уларнинг занглаб шикастланишини кучайтиради, шунинг учун махсус мойлардан фойдаланиш зарурати туғилади. Бензинда ишлайдиган ИЁДларда нефт ёнилғисини тежашнинг дастлабки тадбири сифатида бензин-спирт аралашмаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Оз миқдорда (метанолда 5%гача ва этанолдан 10%гача) спирт қўшилганда двигателга ҳеч қандай ўзгартишлар киритишга зарурат бўлмайди.

Водород ИЁД учун катта истиқболга эга бўлган ёнилғи туридир, чунки у битмас хом ашё базасига эга, ёниш иссиқлиги жуда юқори. Водороднинг диффузияланиш коэффиценти юқорилиги ёнилғи цилиндрга ҳар қандай усулда узатилганда ҳам бир жинсли аралашма ҳосил қилиш, двигателнинг барча иш режимларида уни цилиндрларга бир текис тақсимлаш имконини беради. Айни пайтда водородни мотор ёнилғиси сифатида ишлатиш камчиликларига ҳам эга. Уни ишлаб чиқариш нисбатан қимматга тушади, ИЁДда водородни ишлатиш учун махсус юқори босимга чидамли газ балонлари керак бўлади.

Учқундан ўт оладиган двигателларда водородни бензин-ҳаво аралашмасига қўшимча бериш орқали унинг техник иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини яхшилаш устида профессор С.М. Кодиров раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий лаборатория қайта жихозланиб, водородни бензин-ҳаво аралашмасига қўшимча бериш орқали автомобилнинг эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда[5]. Автомобилнинг эксплуатацион синов натижасида олиб борилган илмий изланишлар натижасида бензин-ҳаво аралашмасига водородни бериш орқали ёқилғи тежамкорлигини 17...20% гача камайишига олиб келди.

ХУЛОСА. Водородни бензин-ҳаво аралашмасига қўшимча сифатида бериш ёниш жараёнига таъсир кўрсатиб, ёниш жараёнини тўлиқ кечишини таъминлаб беради ва бунинг натижасида иқтисодий ва экологик кўрсаткичлар яхшиланади. Ёқилғининг тўлиқ ёниши атроф муҳитга чиқаётган заҳарли газлар (СО, СО₂ ва СН)ни камайишига олиб келади. Двигателнинг қуввати 10% гача ошади, автомобилнинг эксплуатацион кўрсаткичлари ва динамикаси яхшиланади.

Адабиётлар

1. Президентимиз томонидан 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-февралдаги ПФ-4954-сонли “Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
3. Автомобильные двигатели. М.Г. Шатров. Москва. Академия. 2010г. Луканин В.Н., Трофименко Ю.В. «Промышленно-транспортная экология», М., Высш.школа, 2003,273 с.
4. Кутенев В.Ф., Кисуленко Б.В., Шюте Ю.В. «Экологическая безопасность автомобилей с двигателями внутреннего сгорания». М. Экология, Машиностроение,2009 г.,253 с.
5. Особенности работы ДВС при использовании водорода. Ж.Ф. Исматов, С.М. Кодиров. ТАЙИ хабарномаси. №1, 2017й.

ЦЕМЕНТБЕТОН ҚОПЛАМАЛИ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРУҚ ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИЗЛАНИШЛАР

Ашуров Э.Т. ўқитувчи, *(ТерДУ)*

Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларнинг магистрал йўлларида цементбетон қопламалар асфальтбетон қопламаларга қараганда бирмунча кўпроқ қурилган, масалан Германияда цементбетон йўллар 38%, АҚШ 60%, Австралия 46%, Россияда 3% ни ташкил қилади

Ўзбекистан миллий автомагистралли таркибидаги умумий узунлиги 474 км цементбетон қопламали автомобиль йўллари жахон стандартларига мос келадиган талаблар асосида қурилмоқда. Мазкур йўл қурилиш ишлари тугаллангандан сўнг республикада цементбетон қопламали автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 789 км ни ташкил этади ва умумий автомобиль йўлларининг 1,86 % ни ташкил қилади.

Ўзбекистан иқлими қуруқ ўзгарувчан бўлиб июль ойида ўртача ҳаво ҳарорати текислик ҳудудларда шимолда +26 С, жанубда +30 С гача максимал +45+47° С гача кўтарилади, энг юқори ҳарорат қиёшли очик жойда +70+80°С ни ташкил қилади. Шунинг учун йўлчи муҳандислар цементбетон қопламали автомобиль йўлларида эксплуатация қилишда бир қанча муоммоларга дуч келмоқда. Қопламаларни эксплуатация қилишда хатто кенгайтирилган ёриқлар мавжуд бўлганда ҳам ҳарорат чоклари аста-секин чиқиндилар билан тўлиб қолади ва ишламайди. Ёз вақтида айниқса юқори ҳарорат таъсирида плиталарнинг зўриқиши кузатилади. Бунда плиталарда синишлар пайдо бўлиш жараёнлари жадаллашади ва плиталар бузилади. Натижада қопламанинг равонлик даражаси пасаяди ва унинг бўйлама мустаҳкамлигини йўқотиш учун шароит яратилади. Цементбетон қопламаларидаги деформация чокларининг гермитизациясини тиклаш ва ёриқларни консервация қилиш муҳим ишлардан ҳисобланади.

Цементбетон қопламаларда ёриқлар, емирилишлар, синишлар пайдо бўлганда бу қопламаларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида мини техникалардан

фойдаланиш кўпроқ самара беради. Ёриқлар ва емирилишларни таъмирлашдан олдин у жойлар замонавий усуллар билан тозаланади ва мавжуд қоплама маркасидан юқори бўлган цемент маркаси ва унга қўшилган қўшимчалардан ҳосил бўлган қоришма билан тўлдирилади [3].

Бундан ташқари ҳозирги пайтда герметизация қилинадиган ноёб полимер композицион материаллардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Иссиқ ҳолатда ишлатиладиган мастика айниқса, «Новомост», «Прогресс АГ» (Россия), «Crafco» (АҚШ) ва «Biguma» (Германия) герметикалари биз йўлчиларга яхши маълум. Бу материалларнинг хизмат кўрсатиш муддати 5 йилдан кам эмас.



1-расм-Мастика «Crafco» (АҚШ)

Баъзи мамлакатларда ёриқларни эпоксид смолали қум аралашма билан ёпилади, ғоваклар, майда ўйиқлар плиталарнинг шўрлаган жойлари цемент ва полимербетон қоришма ва суюқ шиша асосидаги қоришмалар билан тузатилади. Цементбетон қопламали автомобиль йўлларини цемент, суюқ шишали қоришма билан таъмирлаётганда ҳаво ҳарорати 5°C дан паст бўлмаслиги керак. Полимербетон қоришмани эса ҳаво ҳарорати 15°C дан паст бўлмаганда бажарилади.


Цементбетон қопламаларнинг турли емирилишларини олдини олиш ёки йўқотиш учун юзаларни пишиқлашнинг иккита усули тавсия этилади: полимер боғловчиларни шимдириш, полимербетон ёки полимер цементбетондан юпқа химоя қатлами ётқизиш.

Агар қоплама юзасида кўплаб шикастлар пайдо бўлса, улар янада ривожланиб кетмаслиги ва зарурий фойдаланиш шароитларини таъмирлаш учун юпқа химоя қатлами ҳосил қилиш зарур. Бунинг учун юзага ишлов берилади, яъни оддий цементбетоннинг эпоксид боғловчиси суртилади ва полимербетон ёки полимер цементбетон ётқизилади. 5 мм дан чуқурроқ уваланганда, ғоваклар пайдо бўлганда, плита чоки ёнида синиқлар бўлганида ва бошқа емирилишларда юпқа химоя қатлам қуришнинг исталган усулини қуллаш мумкин. Бунда полимербетон ишлатилса қатлам қалинлиги 0,5-2 см, полимер цементбетон ишлатилса 6-12 см бўлади. Иссиқ иқлим шароитида плиталарнинг бурчаклари, қирралари синганда, чуқур ёки ғоваклар пайдо бўлганда уларнинг чуқурлиги 5-15 см, эни 60 см гача ўйиқларни йўқотиш учун суюқ шиша билан тайёрланган, тез қотувчи бетон ишлатилади, қоришмани ташлашдан 15-20 минут олдин ўйиқнинг четлари ва тубига грунт эритма суртилади. Бу эритма суюқ шиша ва ферро хромли шлакдан тайёрланади. Тайёр бўлган қоришмани ўйиқ ичига

бир текис ёйилади, кейин мастерок ёки ёғоч андава билан текислаб қоплама юзасидан 3-4 см чиқиб турадиган холга келтирилади. Ҳаво ҳарорати 25-3 0°С да қоришмани тайёрлагандан кейин 20-40 минут ўтгач тайёрланган қоришма қотади. Таъмирланган жойдан транспорт ҳаракатланиши учун 5-7 соат ўтгандан кейин рухсат этилади. Агар бу таъмирлаш ишлари чокларга тўғри келса ва чоклар бекилиб қолса қуйидаги ишни бажариш керак бўлади. Компенсация чокларини мавжуд сиқилиш чокларига ўхшаб қирқиш мумкин. Бунда дастлаб эски герметикани кавлаб олиш ишлари бажарилади. Плитанинг ўрта қисмида афзал қўрилган олмосли қирқувчи қурилма ёрдамида нуқсонли қиррани олишга имкон яратади. Чуқурлиги 390 мм дан 580 мм гача бўлган чокларни қирқиш учун гидравлик машиналардан фойдаланилади [4].

Цементбетон қопламаларининг ҳамма қалинлиги бўйича чокларнинг кенглиги 30 мм гача қирқилади.

Тўппа-тўғри ўтган чок сиқилган ҳаво билан пухта тозаланади, куригилади ва унинг остки қисми пенополиуретан билан тўлдирилади. Чок қирраларидаги фаска 2 мм олиб ташланади, чокнинг четлари грунтовка ва унинг устки қисми 30 мм чуқурликда герметизация қилинади (2-расм).



2-расм. Цементбетон қопламали чокларни герметизациясининг кўриниши

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида цементбетон қопламаларини эксплуатация қилишдаги бир қанча камчиликлар мавжуд ва улар илмий тадқиқот ишлар олиб борилади. Цементбетон қопламали йўлларни чокларини гермитизациясининг бажаришда сифатли мастика материалларидан фойдаланиш ва янги технологияларни қўллашда изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Адабиётлар

1. Ўроқов А. Х. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини автомобиллар ҳаракат шароити бўйича районлаштириш. Т., 2012.
2. Амиров Т.Ж. “Автомобиль йўллари ва аэродромлар цементбетон қопламаларини куриш”.Т.: “Vektor-press” нашіриёти,2016 й.,238 б
3. Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлашга доир техник қоидалар. МШН 24-2005. Т., 2007.
4. Васильев А.П., Сиденко В.М., Эксплуатация автомобильных дорог и организация дорожного движения. М.:Транспорт 1990.
5. www.google.doroga.ru;

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ҲУДУДЛАШТИРИШ

Дўсбеков Т.М. ўқитувчи (*ТерДУ*)

Тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш учун хўжалик, туман, воҳа ҳудудларида мелиорация тадбирлари табақалаштирилмоқда ва гидромодуллаш жиҳатдан туманлаштирилмоқда. Айрим туман, хўжалик ер майдонларини, хатто далаларни мелиоратив жиҳатдан синчиклаб туманлаштириш-агромелиоратив туманлаштириш дейилади.

Ерларни мелиоратив туманлаштиришда сизот сувларнинг кўтарилиши ва айрим ерларнинг шўрланиш даражаси бир-биридан фарқ қилишини таҳлил қилишга катта эътибор берилмоқда.

Табиий зовурлашлаштирилганлик даражасига кўра ҳудуд кўйидаги мелиоратив зоналарга бўлинади:

- сизот сувлари ўз-ўзидан табиий оқиб кетадиган зона;
- сизот сувлар табиий кучсиз оқиб кетадиган зона;
- сизот сувлар табиий оқиб кетмайдиган ёки зовурга оқиб кетадиган зона.

Тупроқ захиралари ҳолатини баҳолаш. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, оқилана фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ишлари тупроқ ҳолатлари, унинг инсон фаолияти таъсиридаги ўзгаришлари тўғрисидаги барча маълумотларни тақоза этади.

Ер қобиғи, гидросфера, атмосфера ва курукликда ҳаёт кечирувчи организмлар ўртасида моддалар алмашувида содир бўладиган жадал жараёнларда биосферанинг алоқа воситаси бўлган тупроқнинг роли ниҳоятда катта, у атроф муҳитни кенг доирада кузатишнинг айрилмас қисми бўлган тупроқ ҳолатларини алоҳида кузатиш зарурлигини белгилайди. Мониторинг деганда ер фондлари ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш, тупроқдан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақсадида бўлаётган ўзгаришларнинг узоқ муддатли кузатишлари тушинилади. Кузатишлар глобал, регионал ва локал бўлишлари мумкин. Глобал кузатишлар биосфера, қитъа ўзгаришларининг кузатиш тизими. Ҳудудий кузатишлар йирик табиий-иқтисодий минтақалар, туманлар миқёсидаги кузатишлар ва локал маълум бир ҳудуд, жойнинг ўзгариш жараёнларини кузатишни ўз ичига олади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатишдаги вазифаси. Ҳозирги даврда ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатишнинг муҳим вазифалари кўйидагилардан иборат:

1. Ҳудудлардаги шўрланган тупроқларни аниқлаш ва баҳолаш, назорат қилиш, тупроқларни туз режимлари ўзгаришини назорат қилиш.
2. Иккилашчи шўрланишга учраган тупроқларни башорат қилиш ва баҳолаш.
3. Сув, шамол ва ирригацион эрозияга учраган ерларни ўз вақтида пайқаб олиш ва ҳисобга олиш.
4. Эрозия ривожланиши натижасида тупроқнинг ўртача йиллик йўқолишини баҳолаш.
5. Тупроқ гумуснинг камайиш жараёнларини баҳолаш ва назорат қилиш.

6. Ўсимликларнинг асосий озиқа элементлари баланси танқис ҳудудларини аниқлаш ва бу элементларини миқдорини назорат қилиш.
7. Тупроқда кислотали ва ишқорий муҳитнинг ўзгаришини назорат қилиш.
8. Тупроқни ўта зичланишини назорат қилиш.
9. Тупроқни оғир метал билан ифлосланишини назорат қилиш.
10. Тупроқнинг саноат корхоналари таъсири зонасида, транспорт магистралларида оғир металллар ва локал ифлосланишини, шунингдек агрохимикатлар ҳамда аҳоли зич жойлашган ҳудудларда саноат чиқиндиларидан фойдаланишни назорат қилиш.
11. Тупроқдаги намлик, ҳарорат, структура ҳолати, сув-физикавий ва физик-механик хоссаларини даврий ва узоқ муддатли назорат қилиш.
12. Гидроморф ва ярим гидроморф шароитларда грунт сувларининг чуқурлигини, минерализациясини ва ифлосланишини даврий ва узоқ муддатлар назорат қилиш.
13. Ерларни гидроқурилиш жиҳатдан лойиҳалашда, мелиорациялашда, деҳқончиликни янги тизимларини жорий қилишда, ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва турли биотехнологиялар қўлланилганда тупроқда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва назорат қилиш.
14. Ҳайдаладиган яроқли унумдор тупроқларни, айниқса мелиоратив мақбул, қўлай ерларни саноат ва коммунал мақсадлари учун ажратишда уларнинг майдони ва тўғрилигини инспекторлик назорат қилиш.
15. Ерлардан фойдаланишнинг тўғрилигини, илмий асосланганлигини, шунингдек мелиорацияга муҳтож (шўрланган, эрозияга учраган, тошлоқ, ўта зичлашган, гумуси камайиб кетган, ифлосланган, ўта намланган, қуриб кетган ва бошқалар) тупроқларда агротехник ва агромелиоратив тадбирларни аниқлиги ва тўғрилигини инспекторлик назорат қилиш.

Тупроқни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва ўзгариш ҳолатларини кузатиш. Тупроқ мелиорацияси-қатъий илмий ёндошишга асосланган доимий иш ҳисобланиб, бу Ўзбекистоннинг кишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш дастурининг ва ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини яратишнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳозирги даврда мелиоратив тупроқшуносликнинг асосий вазифаларига-тупроқ қопламлари ва тупроқ мелиоратив ҳолатларини чуқур ва ҳар томонлама батафсил ўрганиш асосида республика тупроқларини тўла текшириш ўтказиш, геосфера ва иқтисодий ривожланиш табиий ресурслари тизимларининг бир динамик тизимчаси сифатида уларнинг ҳолати ва ўзгариш имкониятларига баҳо бериш, шулар асосида барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ерларни муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилган экологик ва иқтисодий асосланган технологияларни ишлаб чиқиш керак.

Сурхондарё вилояти суғориш майдонларининг сув-туз мувозанати

№	Туманлар номи	Йил бошидан суғоришга олинган сув, млн. м³	Йил бошидан коллекторлардан чиққан сув, млн. м³	Суғоришга олинган сув			Дренаж билан чиққан сув			Фарқи
				Оқова млн. м³	Қотма қолдиқ		Оқова млн. м³	Қотма қолдиқ		
					гр/л	минг тонна		гр/л	минг тонна	
1	Ангор	1,0	1,29	1,00	0,51	0,51	1,29	1,68	2,17	1,66
2	Бойсун	0,4		0,40	0,29	0,12			0,00	-0,12
3	Денов	2,3	4,89	2,30	0,30	0,69	4,89	0,50	2,45	1,76
4	Жарқўрғон	4,0	5,89	4,00	0,42	1,68	5,89	0,62	3,65	1,97
5	Қизириқ	22,2	9,65	22,20	0,61	13,54	9,65	2,48	23,93	10,39
6	Қумқўрғон	4,7	6,7	4,70	0,77	3,62	6,70	1,46	9,78	6,16
7	Музрабод	8,3	22,49	8,30	1,12	9,30	22,49	2,08	46,78	37,48
8	Олтинсой	4,7	1,96	4,70	0,37	1,74	1,96	0,76	1,49	-0,25
9	Сариосиё	1,3	0,5	1,30	0,31	0,40	0,50	0,68	0,34	-0,06
10	Термиз	3,1	2,91	3,10	0,40	1,24	2,91	1,09	3,17	1,93
11	Узун	2,8	1,77	2,80	0,30	0,84	1,77	0,58	1,03	0,19
12	Шеробод	8,7	5,16	8,70	1,10	9,57	5,16	1,52	7,84	-1,73
13	Шўрчи	3,8	4,47	3,80	0,37	1,41	4,47	1,02	4,56	3,15
	Жами:	67,30	67,68	67,30	0,66	44,65	67,68	1,58	107,19	62,54

Сурхондарё вилояти туманларида суғориладиган ерларнинг суғориш давридаги ўртача зах сув сатхи

№	Туманлар номи	Жами суғориш майдони, га	Кузатув қудуқлар сони	Дренаж билан таъминланган майдон минг.га	Суғориш майдонларда зах сув сатхи (метр)					
					0-0.1	1.0-1.5	1.5-2.0	2.0-3.0	3.0-5.0	>5.0
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Ангор	19566	126	19566			160	18149	739	518
2	Бойсун	5665	12	436				240		5425
3	Денов	30519	79	13820				9458	10332	10729
4	Жарқўрғон	27628	78	9966	64	9	767	4528	9535	12725
5	Қизирик	43972	256	39713		9	407	37851	4009	1696
6	Бандихон	14367	67	9673			75	10987	2352	528
7	Қумқўрғон	30295	26	9037	4	120	303	2366	2351	25151
8	Музрабод	38857	207	38422			1590	23448	11094	2725
9	Олтинсой	19716	12	6830				3508	7787	8421
11	Термиз	17891	109	15432	1	5	55	9431	6122	2277
12	Узун	14701	9	5250				1843	5830	7028
13	Шеробод	41071	520	37374			560	26105	7446	6960
14	Шўрчи	20895	22	10968				2864	11650	6381
	Жами:	325159	1456	207234	69	143	3842	139791	76895	104419

АДАБИЁТЛАР

1. Гафуров Л., С.Абдуллаев, Х.Намозов.-Мелиоратив тупроқшунослик. Ўз.МЭ, 2003
2. Добровольский Г.В., Гришина Л.А. “Охрана почв”-М, изд-во МГУ, 1985.
3. Добровольский Г.В., Никитин Е.Д. “Экологический функции почву” М, изд-во МГУ 1986 г.

4. И.А. Каримов «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси»да 2007 йил 29-октябрдаги фармони.
5. И.А. Каримов «Қишлоқ тараққиёти ва фарованлиги йили» га бағишланган давлат дастури, Тошкент ҳақиқати №13 2009 йил 14-феврал.
6. Артукметов З, Шералиев Х. «Экинларни суғориш асослари»Т.2006.275б.
7. Норкулов У. Шералиев Х. «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси. Тошкент. «ТошДАУ нашр тахририяти бўлими» 2002.

ҚАТЛАМ ЗИЧЛАНИШИ НАТАЖАСИДА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ БУЗИЛИШИ

Дўсбеков Т.М. ўқитувчи (*ТерДУ*)

Ўзбекистон Республикасида асосий етиштириладиган маҳсулотлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини оширишнинг бирдан бир йўли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва маҳсулотларни етиштириш технологиясидан тўғри фойдаланиш.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қишлоқ хўжалик экинлари учун тупроқлар ҳолати ўзлаштирилгач, унинг унумдорлигини маданийлаштиришга қаратилган тадбирларнинг бажарилишига боғлиқ ҳолда бажарилади. Маданий экинларни етиштиришда тупроққа ҳар доим учта асосий омиллар-тупроқни механик ишлаш, ўғитлар ва маданий ўсимликларнинг ўзлари таъсир этадилар. Бу омиллар ўсимликларни ўсиш даври тупроқда макбул, қўлай сув-ҳаво ва озикланиш режимларини вужудга келтиришлари мумкин. шу билан бу омилларнинг ҳар бири тупроққа салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тупроқга механик ишлов бериш структурасининг бузилишига ва гумуснинг минераллашивига, ҳосил билан тупроқдан озуқа элементларининг чиқиб кетишига кўмаклашади, ортиқча ўғит беришлар эса тупроқларни кимёвий ҳолатининг бузилишига олиб келади.

Структуранинг кучли бузилиши ва тупроқнинг ўта зичланиши ҳаддан ташқари қуриб намланган тупроқларга ишлов беришда ҳам содир бўлади. Тупроқда ўта кучли зичланиш қишлоқ хўжалик машиналарининг, ҳар хил маҳсулотларни техник ишлов бериш жараёнида турли техникалардан фойдаланишдан содир бўлади. Натижада экинлар ҳосилдорлиги пасаяди.

Сурхондарё вилояти туманларида суғориш майдонларининг тупроқ шўрланиш даражаси

№	Туманлар номи	Суғо-риш май-дони га	Тупроқ шўрланиш даражаси				
			Шўрлан- маган майдон га	Шўрлан-ган майдон га	Шу жумладан		
					Кам шўр- лан- ган га	Ўртача шўр- ланган га	Кучли шўр-лан- ган га
1	Ангор	19566	12815	6751	6325	397	29
2	Бойсун	5665	5521	144	112	32	
3	Денов	30175	30175				
4	Жарқўргон	27628	26052	1576	1522	54	
5	Кизирик	43972	11772	32200	20269	11646	285
6	Бандихон	14367	7345	7022	5350	1622	50
7	Қумқўргон	30295	29054	1241	654	554	33
8	Музрабод	38857	12993	25864	13796	11911	157
9	Олтинсой	19716	19716				
10	Сариосиё	14383	14383				
11	Термиз	17264	9740	7524	6860	608	56
12	Узун	14701	14701				
12	Шерабод	41071	20696	20375	15343	4392	640
13	Шўрчи	20895	20895				
14	Термиз.ш	627	627				
15	Денов.ш	344	344				
	Вилоят бўйича	325159	229484	95675	64881	29594	1200

Зичланган тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бир қанча жиҳатларга боғлиқ

- Мутадил зичлашган тупроқларда капилляр ва нокапилляр ғовақларининг мутаносиб бирга келиши боис кўпроқ қўлай сув-ҳаво режими ҳукм суради. Улар юқори сув ўтказувчанлик ва сув сиғимлари билан ажралиб туради. Капилляр бўлмаган найчаларнинг бўлиши ер юзасидан намликнинг буғланишини камайишга кўмаклашади.
- Ўсимликлар ўзлаштириши мумкин бўлган сувларнинг мавжудлигидаги етарлича ҳаво бўлиши микробиологик жараёнларнинг жадаллашиши учун яхши шароит яратади, зарарли нитретланиш жараёнини тухтатади, озук моддаларнинг ўзлаштиришини тезлаштиради.
- Зичлашмаган яхши тузилмали тупроқларда ер усти сув оқимларининг қисқариши туфайли тупроқнинг катта кичик миқдорда ювилишлари камаяди. 1 мм дан катта бўлган ўлчамдаги яхши тузилмали агрегатларда умумий сатҳнинг камайишига қарши чидамли.
- Мутадил зичлик уруғларининг ўсишини ва ўсимлик илдизларининг тарқалишини осонлаштиради.
- Зичланмаган тупроқларда механик ишлов беришдаги энергетик ҳаражатлар камаяди, унинг минемал даражага, ҳатто асосий ишлов беришларни рад этиш имконияти туғилади.
- Бу тупроқларда биоэнергетик кўрсаткичлар яхшиланади ва унумдор даража ортади.

Тупроқ қатқалоғининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларнинг мелиорацияси. Тупроқнинг тузилиши бузилганда тупроқ юзаси тез-тез қуриб ёриқлар билан плиталар ёки ҳарсангларга бўлинган мустаҳкам қатқалоқлар ҳосил бўлади. Тупроқ қатқалоғи ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. Ўруғнинг униб чиқишида ёш ниҳоллар кўп ҳолатларда тупроқ қатқалоғидан ўтолмай нобуд бўладилар. Ўсимликлар поя ва илдизларини сиқиб қатқалоқ уларнинг ўсишига тўсқинлик қилади. Ёриқлар ҳосил бўлишида илдизларнинг узилиши содир бўлиб, ўсимликларга зарарли таъсир кўрсатади. Қатқалоқ тупроқнинг сув ва ҳаво режимини бузади. Сув тупроққа ёмон сингади ва яхлит ўтган капиллярлар орқали жуда тез буғланади. Тупроқ ва атмосфера ўртасидаги ҳаво алмашилиши қатқалоқ бўлганда жуда секин кечади. Қатқалоқ пайдо бўлиши сабаблари турли хил тупроқларда бир хил эмас. Жанубий қурғоқчил ҳудуд тупроқларида қатқалоқ сингдирувчи комплексда натрий мавжудлиги сабабли юзага келади. Сув таъсиридан коллоидлар ўзгарувчан ҳолатга ўтади, тупроқлар қовушиб ёпишқоқ бўлиб қолади. Бўкади ва сувни ўтказмайди. Қуриш натижасида заррачалар мустаҳкам қовушади, тупроқ ҳажми массаси камаяди, сўнг улар қотиб ёриқлар пайдо бўлади. Қатқалоқ тупроққа ишқорий сувлар билан таъсир этиб ҳам пайдо бўлади. Бу ҳолатлар чўл зонасида тупроқ юзасини ёмғир сувлари тошқин ва сел оқимлари билан қопланганда кузатиш мумкин. Қатламларда юзаки сувлар қуриганда тупроқ юзасида ёриқсимон қатқалоқлар ҳосил бўлади. Шўртоб бўлмаган тупроқларда қатқалоқ тупроқ структураси бузилишидан пайдо бўлади. Структурасизланган чангсимон сув билан намланган тупроқ массаси ёпишқоқланиб у қуригач қаттиқ қатқалоққа айланади. Қатқалоқдаги тупроқ заррачаларининг цементлашишида карбонатлар муҳим рол ўйнайди. Мисол учун кальций бикарбонат ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$) тупроқнинг қуриш жараёнида кальций карбонат (CaCO_3) шаклига ўтади ва тупроқ заррачаларини бир-бири билан цементлаб қатқалоқ ҳосил қилади. Суғориладиган майдонларда қатқалоқ суғориш суви таъсирида макро ва микроагрегатларнинг бузилишидан ҳосил бўлади. Бу парчаланиш ва тупроқ заррачаларини ёпиштириб турган моддаларнинг суви механик таъсирдан гидратация ва эриши натижасида содир бўлади. Қатқалоққа қарши асосий кураш тадбирлари: кўп йиллик бедазорларни экиш ва тупроқга гумусли минерал органик ўғитлар солиш йўли билан тупроқ структурасини яхшилаш ҳамда сунъий структура ҳосил қилувчи моддалар солишдан ва шўртоб тупроқларни гипслашдан иборат.

Тупроқ қатлам таркибидаги зич қатламларга қарши чоралар. Кучсиз структуралашган тупроқлардан узок муддатларда деҳқончиликда фойдаланилганда ҳайдалма горизонт ости зич (қаттиқ) қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам ўзининг оғирлиги $1.6-1.8 \text{ г/см}^3$, қатлам қалинлиги 15-20 см атрофида. Қатламнинг жуда қаттиқ зичлиги ўсимликлар илдизларининг чуқурроқ қатламларига ўтишига тўсқинлик қилади, сув ва озуқа элементлари билан таъминланганлиги бузилган. Бу қатлам тупроқнинг чуқур намланишини қийинлаштиради, шунинг учун улардан фойдали нам захиралари чегараланган ва нам тез буғланиш ва буғланишга сарф бўлади. Суғориладиган

шароитда бу тез-тез суғориб туриш заруриятини тақоза этади. Ҳайдалма горизонт ости зич қатламнинг ҳосил бўлиш сабаблари бир қанча: тупроққа ишлов берувчи технологиялар таъсири, тупроқларнинг суғориш пайтида чўкиши колоидли заррачаларининг юқори қатламидан ювилиши. Айрим ҳолатларда бу қатламнинг ўта зичланганлиги суғориш таъсирида дастлабки ёки содир этилиши мумкин бўлган тупроқ шўртоблиги билан боғлиқ.

Тупроқнинг горизонт остидаги зич қатлами соғломлаштиришдаги асосий мелиоратив тадбир ўсимликларни алмашлаб экиш, биорганик ўғитларни чуқурроқ солиш билан тупроқ структурасини яхшилаш, чуқур ҳайдагичлар билан юмшатиш ёки тупроқни ағдармасдан ҳайдаш. Суғориладиган тупроқларда бу қатлам тупроқ чуқур ҳайдагичлар билан юмшатишда ёки қатлам ағдармасдан ҳайдалганда тез орада тикланади. Шунинг учун бу зич қатламни йўқотиш самарадорлиги ҳайдалма қатлам қалинлигини ҳар йилиги ишлов беришда 2-3 см га ошириш йўли билан аста-секин амалга оширилади, кейинчалик эса тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва структурасини яхшилаш чоралари кўрилади. Бир мартада тупроқ ағдарилиб чуқур ҳайдалганда қаттиқ-зич қатлам ер юзасига чиқади. Натижада йирик паласали шудгор пайдо бўлади ва суғорилгандан кейин эриб қатқалоққа айланади ва салбий натижаларга олиб келади.

Ўсимликларни алмашлаб экиш тизимини жорий этиш, тупроқни органик моддалар билан тўйинтириш, органик ўғитлар солиш, структура ҳосил қилувчи моддалардан фойдаланиб сунъий структура барпо қилиш, тупроқнинг физик етилган вақтида ҳайдаш ва ишлов бериш тупроқ структурасини яхшилашнинг ва қаттиқ-зич қатламни йўқотишнинг асосий йўллари ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гафуров Л., С.Абдуллаев, Х.Намозов.-Мелиоратив тупроқшунослик. Ўз.МЭ, 2003
2. Добровольский Г.В., Гришина Л.А. “Охрана почв”-М, изд-во МГУ, 1985.
3. Добровольский Г.В., Никитин Е.Д. “Экологический функции почву” М, изд-во МГУ 1986 г.
4. И.А. Каримов «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси»да 2007 йил 29-октябрдаги фармони.
5. И.А. Каримов «Қишлоқ таракқиёти ва фарованлиги йили» га бағишланган давлат дастури, Тошкент ҳақиқати №13 2009 йил 14-феврал.
6. Артукуметов З, Шералиев Х. “Экинларни суғориш асослари”Т.2006.275б.
7. Норкулов У. Шералиев Х. «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси. Тошкент. «ТошДАУ нашр тахририяти бўлими» 2002.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЗАТУВЧИ ТЕЛЕВИЗИОН СТАНЦИЯНИНГ ОПТИМАЛ ТЕХНИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАНЛАШ

Жабборов А.Б. катта ўқитувчиси (ТДТУ)

Кириш Телевизион ер усти DVB-T2 стандартидаги эшиттиришларини янгиisini куриш ёки мавжудларини қайта куриш жараёнида уларнинг оптимал жойлашуви ва техник хусусиятларини аниқлаш муаммоси пайдо бўлади. Ушбу вазифа рақамли телевидение ер усти DVB-T2 стандартидаги эшиттиришларига ўтиш даврида алоҳида аҳамиятга ега.

DVB-T2 стандартига эга телевизион узатувчиларнинг хизмат кўрсатиш зоналари ва камров зоналарини ҳисоблаш йўли билан узатувчи телевизион станциянинг оптимал техник параметрларини танлаш масаласини ҳал қилиш фақатгина географик ахборот тизимига асосланган автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Умумий маълумотлар

Рақамли телерадиоэшиттиришнинг узатувчи станциясининг мақбул жойлашиши муаммосини ҳал қилиш учун қуйидаги дастлабки маълумотлар талаб қилинади:

- Узатувчи курилманинг қуввати - $P_{уз}$;
- Узатувчиантеннанинг ер сатҳиданосмабандлиги - h_1 ;
- Узатгичнингташувчичастотаси - f_1 ;
- Узатувчиантеннанингкучайтириш коэффициенти - G_1 ;
- Узатувчиантеннанинг фойдали иш коэффициенти - η_1 ;
- Қабулқилингансигналнингминималмайдон кучланганлиги - $E_{мин}$;
- Антеннанибандлигиниўрнатишжойининггеографиккоординаталари;
- Минтақанинггеографикахбороттизими.

Узатувчи курилмадан R масофадаги нуқтада сигналнинг майдон кучланганлиги $E_c(R, h_1, f)$ қуйидагича аниқланади

$$E_c(R, h_1, f) = E(50, 50, R, h_{1эф}, f) + P_{рад} \quad (1)$$

Бу ерда $E(50, 50, R, h_{1эф}, f)$ -экспериментал равишда олинган майдон кучланганлигининг ўртача қиймати: ярим тўлқинли вибраторга нисбатан радиация қуввати $P_{рад} = 1$ кВт; қабул қилувчи антенна бандлиги $h_2 = 10$ м; $h_{1эф}$ - узатувчи антеннанинг аниқланган самарали бандлиги; f – берилган частота.

T - қидирилаётган транзиттер майдони учун 50% га тенг бўлган кузатув вақтининг фоизи;

L - қабул қилинадиган жойларнинг улуши, керакли узатувчи майдони учун 50% га тенг;

$P_{рад} = P_{уз} + G_{уз} + \eta_{уз}$ узатувчи станциянинг радиацион (нурланиш) қуввати, дБкВт;

$P_{уз}$ – Узатувчининг куввати, дБкВт;

$G_{уз}$ - Узатувчи антеннанинг кучайтириш коэффициенти, дБ;

$\eta_{уз}$ - йўқотишлар, дБ;

$h_{1эф}$ - узатувчи антеннанинг аниқланган самарали баландлиги, м.

Узатувчи антеннанинг самарали баландлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$h_{1эф}=h_1+(h_{e0}-z_{ўр}) \quad (2)$$

Бу ерда, $z_{ўр}$ -узатиш антеннаидан қабул қилувчи қурилмага қараб 3 дан 15 км гача бўлган ораликдаги ер баландлиги белгиларининг ўртача қиймати; h_{ep} - узатувчи антенна жойлашган нуқтада ернинг баландлиги.

Узатиш антеннаидан қабул қилувчи қурилмагача бўлган ораликдаги ер баландлиги белгиларининг ўртача қиймати қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$z_{ўр} = \frac{\sum_{i=1}^{15} h_{epi}}{\sum i} \quad (3)$$

Бўшлиқ режимларидан фойдаланган ҳолда сусайтирувчи мултипликатор ҳисоб-китоблари

Эркин бўшлиқ майдонининг сусайишининг ўртача коэффициенти $V(50)$, уларнинг еркин тарқалишига нисбатан $E_c(50)$ радио тўлқинларининг тарқалишининг ҳақиқий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, E_0 сигнал майдонининг кучланганлик вақтнинг 50% га қанча камайишини кўрсатади.

$$V(50, R) = \frac{E_c(50, R)}{E_0} \quad (4)$$

Қабул қилиш пунктидаги сигналнинг майдон кучланганлиги $E_c(50, R)$ қуйидаги ифодадан аниқланади

$$E_c(50, R) = E_0(R) + V(50, R), \text{ дБмкВ/м} \quad (5)$$

Бўшлиқдаги сигнал майдонининг кучланганлиги $E_0(R)$ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$E_0(R) = \frac{\sqrt{30P_{рад}}}{R} \quad (6)$$

Шундай қилиб, юқоридаги (5) ифодага мувофиқ ўртача сигнал майдон кучланганлигини аниқлаш учун интервалли оралиқлар ёрдамида $V(50, R)$ сусайиш омилининг ўртача қийматини аниқлаш керак.

Акс эттириш нуқтасидан узатувчи ва қабул қилувчи антенналарни улайдиган чизикгача бўлган масофа H оралиғи деб аталади.Интервалларни таснифлаш учун минимал бўшлиқ қиймати H_0 киритилади, бунда сусайиш коэффициенти $V = 1$ бўлади.

$$H_0 = \sqrt{\frac{R \cdot \lambda \cdot k(1-k)}{3}} \quad (7)$$

Бу ерда, R – оралиқ масофаси, м; λ – тўлқин узунлиги, м; $k=R_1/R$ - акс эттириш нуқтасининг нисбий координатаси.

Бўшлиқлар H ва H_0 қийматлари нисбатига қараб интерваллар қуйидагиларга бўлинади: Очик $H \geq H_0$; Ярим очик $0 < H < H_0$; Ёпиқ $H \leq 0$.

Очик интерваллар. Очик вақт оралиғида узатувчи ва қабул қилувчи антенналар ўртасида кўриш чизиги мавжуд бўлади

$$V(50, R) = 10 \lg \left[1 + |\Phi|^2 - 2|\Phi| \cos \left(\frac{2\pi \Delta r}{\lambda} \right) \right] \quad (8)$$

Бу ерда, $|\Phi|$ - тўлқиннинг ер юзасидан акс эттириш коэффициентининг модули;
 $\Delta r = r_{\text{акс}} - r_{\text{тўғ}}$ - акс эттирилган ва тўғридан-тўғри тўлқинлар орасидаги фарқ.

Радио тўлқинлари текис ер юзасида тарқалганда

$$\Delta r = \frac{2h_1 h_2}{R} \quad (9)$$

Интерференция формуласи (8) дақўлланилиши мумкин бўлганлигисабабли, майдоннинг интерференция схемасида антенналар орасидаги $R_{\text{инт}}$ (интерференция минимал вамаxima мавжудлиги) $\Delta r \geq \lambda/6$ масофага қадар кузатилади.

$$R_{\text{инт}} = \frac{12h_1 h_2}{\lambda} \quad (10)$$

Масалан, Сурхандарё вилоятида жойлашган Учқизил минорасининг баландлиги $h_1 = 350$ м, қабул қилиш антеннасининг баландлиги ўртача $h_2 = 10$ м га тенг ва сигналнинг тўлқин узунлигини $\lambda = 1$ м деб олсак, антенналар орасидаги масофа $R_{\text{инт}} = 42$ км бўлиши керак. (1-расм)

$$R_{\text{инт}} = \frac{12h_1 h_2}{\lambda} = \frac{12 \cdot 350 \cdot 10}{1} = 42000 \text{ м} = 42 \text{ км}$$

РТУС хизматининг сояларини ва хизмат кўрсатиш зоналарини умумий майдонида барча нурлари бўйича йиғиш орқали топиш мумкин.

$$S_{\text{РТУС май.}} = \sum_{i=1}^N \sum_{k=1}^M (\Delta R_{\text{э.май.}j} \cdot \Delta R_{\text{мл}})_i \quad (11)$$

$$S_{\text{РТУС соя.}} = \sum_{i=1}^N \sum_{k=1}^K (\Delta R_{\text{э.соя.}k} \cdot \Delta R_{\text{мл}})_i \quad (12)$$



1-расм. Сурхандарё вилояти Учқизил минорасидаги ТВ станцияси ва қабул қилиш антеннасини ўрнатиш масофасининг сунъий йўлдош тизимидан кўриниши.

Хулоса

Сигнал майдонининг кучланганлиги бўш жой майдонининг кучланганлиги ва сусайиш коэффициенти орқали ҳисобланади. Сигналнинг сусайиши очик ва ёпиқ интерваллар орқали аниқланади. Радио ва телевизион узатувчи станциянинг оптимал жойлашишини аниқлаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда қурилган станциядан

чиқадиган нурланишорқали сигналнинг майдон кучланганлигини ҳисоблаш имконини беради.

Адабиётлар

1. Рекомендация МСЭ - R 1546-4. Метод прогнозирования для трасс связи "пункта с зоной" для наземных служб в диапазоне частот от 30 МГц до 3000 МГц. – Женева: МСЭ, 2010.
2. Ярмухамедов А.А., Жабборов А.Б. Программа для ЭВМ “Программа для расчета зависимостей напряженности поля по формуле Окамуры – Хата и Введенского от радиуса зоны покрытия” Свидетельство об официальной регистрации программы для электронных-вычислительных машин. № DGU 10019, 19.01.2021.
3. Дворников С. В. Упрощенное представление модели Neta для расчета затухания сигнала на открытых трассах // Информация и космос. 2017. № 3. С. 6-10.

КИМЁВИЙ ИШЧИ СУЮҚЛИКЛАРНИ ТУПРОҚҚА ИНЪЕКЦИЯЛАШ УСУЛИ

PhD Ирисов Х.Д, Хайруллаев Н.Л. талаба (*ТДТУ*)


Кириш. Қишлоқ хўжалик экинлари ва доривор ўсимликларнинг ҳосилдорликларини оширишда, улардаги зараркундалар ва касалликларга қарши курашда суюқ кимёвий – биологик актив воситалардан (гербицид, дефолиант, полидеф, минерал ўғит ва бошқ.) оз миқдорлаб локал тарзда фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Бу соҳада кенг фойдаланилаётган анъанавий агрегатлардан бири экиш агрегатларига ўрнатилган ПХГ-4 русумли мослама ва ОВХ-600 русумли вентиляторли пуркаш агрегатларидир.

Булардан ташқари кўп ва бир йиллик бегона ўтларга қарши курашда экишдан олдин ер майдонини ёппасига пуркашга мўлжалланган штангали пуркагичлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда [1,2,3]. Бу агрегат таркибидаги пуркаш усуллариининг асосий камчилигига ишчи суюқликларини локал тарзда эмас, балки бутун экин майдони бўйлаб сарфлаб, улардан тежамкор тарзда фойдаланишга имкон берилмаётганлигини келтириш мумкин.

Масаланинг қўйилиши. Ишчи суюқликларини экиш олдидан ёки экиш билан биргаликда сепиш усулининг яна бир камчилиги – бу бутун ер майдони бўйича ёки фақат пуштадаги тупроқ устидан локал тарзда сепилган актив кимёвий – биологик моддаларнинг куёш энергияси ёки экилган қатор оралари устидан ҳаракатланаётган иссиқ ҳаво оқими таъсирида тез парчаланиб ўз фаоллигини юқотиши ва бу ўз навбатида ишчи суюқликларнинг техник самарадорлигини пасайтиришга ҳамда атроф муҳитнинг зарарланишига олиб келмоқда [4].

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Юқоридаги муаммонинг олдини олиш мақсадида суюқ воситаларни оз миқдорлаб локал тарзда сепиш технологияси биз томондан такомиллаштирилди. Янги сепиш технологиясининг моҳияти шундаки, маълум чуқурликка кумилган суюқлик таркибидаги кимёвий – биологик актив моддалар махсус қурол ёрдамида пуштанинг юқори қатлам қисмига нуқтавий тарзда инъекцияланади. Бу технологияни амалга оширувчи агрегат секциясининг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган. У рама 1, зичлаш ғилдираги 2, чанглаткич 4, эркин айланувчи игнасимон элементли 6 ғалтак 5, рамкалар 3,11,14 дан, ўқ 7,8,9,10 лардан таркиб топган. Игнасимон элементлар 6 паст томонларида иккиқиррали понасимон тупроқ кенгайтиргич 12 (1,б-расм) кўринишида ясалган. Игнасимон элементларнинг олд томонидан рама 14 га чанглаткич 4 ўрнатилган. У ғалвирли марказий найча 2 (2-расм), аэроюрма ҳосил қилиш камераси А дан иборат [5].



1-расм. Кимёвий – биологик фаол суюқ муҳитни локал тарзда тупроққа сепувчи чанглаткич секциясининг умумий кўриниши (а): 1- рама; 2- зичлаш ғилдираги; 3,11,14-рамкалар; 4- чанглаткич; 5-ғалтак; 6- игнасимон элемент; 7,8,9,10- ўқлар; 12- иккиқиррали пона; 13- ростлаш болти; б- понасимон тупроқ кенгайтиргич.

Секция қуйидаги принципда ишлайди. Жумладан, пахта чигитини пушта кўринишида ёки оддий усулларда экишда агрегат орқа томонидаги тупроқ кўмгичлар чигитларни 4-5см чуқурликда кўмиб кетадилар, зичлаш ғилдираклари эса чигит кўмилган тупроқнинг устидан босиб ўтаётиб, уларнинг тупроқ билан пухта тўқништириб, уларнинг дуркун униб чиқишини таъминлайди. Игнасимон элементлар 6 нинг уч қисми икки қиррали понасимон α_0 га тенг бурчак остида ясалган (1,б-расм).

Зичлаш ғилдираклари 2 кетидан келаётган игнасимон элементлар 7 ерга шимиб кетган суюқлик таркибидан ажралиб тупроқ устига кимёвий – биологик фаол моддаларни тупроқ қаърига 10...15 мм гача нуқтавий тарзда инъекциялайди. Марказий найчанинг ён томонидан дала чеккаларида 1-2 секунд давомида ёки доимий тарзда двигателнинг чиқариш тактидан узатиладиган локал газ оқими чанглатиш тизимидаги капилляр ариқчалар, меъёрловчи тирқиш деворларига тасодифан ёпишадиган ёки тикиладиган кир компонентларни автоматик тарзда тозалаб, сепиш жараёни барқарорлигин таъминлайди [5].


Инъекциялаш куролининг ишлов берилаётган ер текислигига нисбатан баландлиги H_0 секция рамкасини ростловчи болт 13 жойлашган нуқта атрофида буриш билан, сепиш сифати эса оқим кенгайтиргич 3 ёрдамида созыланади.

Хулоса ва тавсиялар: 1. Аграр хўжаликларида фойдаланилаётган пуркаш агрегатларининг асосий камчиликларидан бири -бу ишчи суюқликларининг локал тарзда эмас кўп ҳажмда сарфлаб, улардан тежамкор тарзда фойдаланишга имкон бермаслигидир.

2. Ишчи суюқликларини экиш олдидан ёки экиш билан биргаликда сепишда техник самарадорлигини ошириш мақсадида уларни уруғ экилган пуштадаги тупроқ қаърига нуқтавий тарзда инъекциялаш усулини ва усулни амалга оширувчи секциядан фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Сельскохозяйственные машины // Под ред. проф. Г.Е.Листопада. -М.: Колос, 1976. –с.10-15.
2. Шоумарова М.Ш., Абдиллаев Т.А. Қишлоқ хўжалик машиналари// – Тошкент, Ўқитувчи. 2009. – Б. 504.
3. Халанский В.М., Горбачев И.В. Сельскохозяйственные машины. – Москва, Колос. 2006. –№3. – С. 215-228.
4. Ахметов А.А., Мирзаев Б.С. Технические средства для химической защиты растений. – Ташкент: ТИИМСХ, 2018. – С. 150.
5. Ўзбекистон Республикасининг № FAP 01098 фойдали моделга патенти. Кимёвий – биологик фаол суюқ муҳитни локал ҳолатда тупроққа солувчи секция/ Аширбеков И.А., Ирисов Х.Д. ва бошқалар.// Расмий ахборотнома. – Тошкент, 2016



2-расм. Аэроуюрмали чанглаткич: 1- ғилоф; 2- марказий найча; 3- оқим кенгайтиргич; 4-гайка; 5,6,9- ён ариқчалар; 7- халқасимон тирқиш; 8- эжектор.

ВЛИЯНИЕ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКИ НА МИКРОКЛИМАТ ДЕРЕВЯННЫХ НАСАЖДЕНИЙ

Профессор Исмаилходжаев Б. к.т.н доц Ш Хожиматов А, Халматов М.
научный исследователь (ТИИМСХ АндМИ)

Загрязнение воздуха происходит в основном в результате отходов крупных предприятий и автотранспорта, особенно больше терпит крушение деревья вдоль крупных магистральных дорог от автотранспортных отходов углеродного оксида(CO), азотного оксида(NO₂). В этом обстоятельстве от вредных веществ больше терпит поражение в основном листья деревьев, потому что в этих листьях происходит фотосинтез и много другие процессы обеспечивающий их рост. Поэтому для определения влияние загрязнение воздуха имеет важное практическое значение изучение появления участвующих в процессах фотосинтеза зелёных и желтых пигментов[1].

В атмосфере за долгое время существует сравнительно постоянное количество основных газов, за последние годы в результате расширения транспортной логистики последует изменение баланса газа[2].

Известно, что изменение постоянного количества газов в атмосфере повлечет для планеты отрицательные последствия. Определено, что в результате вывода в последние годы в атмосферу по 10 млрд т. CO₂ средняя температура воздуха планеты увеличилась на 0,5°C. Изменение средней температуры поверхности земли в результате “Эффекта теплицы” прогнозируется повлечения за собой тяжелых общественно-экологических результатов. Сбор по тихонку CO₂ за счет выпуска в атмосферу углеводородных газов и влияние на его воздушной влаги создаются пары карбонной кислоты. Это обстоятельство как стекло теплицы хорошо проводит через себя солнечной радиации, не возвращает назад инфракрасных лучей. В результате, порождает потопление воздуха, “Эффект теплицы”.

Ежегодно на земле в пожарных процессах дополнительно израсходуется свыше 10 млрд т. кислорода. В биосфере если учесть интенсивное сокращение площади источников восстановителей кислорода- зеленых насаждений, в будущем неизбежно появление проблема уменьшение кислорода[3].

В сегодняшний день один из основных проблем градостроительства является организация озеленительных работ в научной основе.

Озеленение населенных пунктов- города, районы, село и посёлков считаются основными средствами благоустройства.

В Постановлениях Президента и Правительства Республики Узбекистан уделяется основное внимание на благоустройства территории проживания населения.

Для человека самая благоприятная климатическая среда- температура +20+22° С и относительная влажность воздуха 40-60%, воздух должен быть

чистым и обогащённым азотом. В городах воздух загрязняется в результате распространения автотранспортных и промышленных отходов.

Зелёные насаждения являются единственными средствами охлаждения воздуха. В процессе фотосинтеза расположенные на 1 га зелёные насаждения вырабатывают кислород достаточный для дыхания 200 людей. Одновременно в течение одного часа истощает около 8кг карбонной кислоты.

Нами проводились исследования по выбору типов дерева в г.Ахунбабаев Жалалкудукского района Андижанской области Республики Узбекистан.

Были выбраны листья из декоративных деревьев расположенных на улице Узбекистан “Японская сапура” и “ Тополь” и проведен анализ на ГХЦГ-гексахлорциклогексан, ДДЭ- дихлордифетилдихлор этилен, ДДТ-дихлордиметилдихлор этан, ДДД-дихлордифенилдихлор этан при помощи газового хроматографа 11-09.

В сухих и жарких климатических условиях Узбекистана режим тенивизация имеет большое значение[4].




Рис.1. Протокол хроматографического анализа листа тополя.
Результаты хроматографического анализа листа тополя.

Таблица-1.

Вещество	t,мин	h,мВ	S,мв.с	мг/кг,мг/дм3.
ЛОЖНЫЙ ПИК	4.62	252.5	8015.0	0.0000
ДДЭ	9.30	15.6	277.1	0.0003
ДДД	11.67	9.3	254.2	0.0002
ДДТ	14.77	9.1	194.2	0.0002




Рис.2. Протокол хроматографического анализа листа «Японской сапуры»
 Результаты хроматографического анализа листа «Японской сапуры».
 Таблица-2.

Вещество	t, мин	h, мВ	S, мВ.с	мг/кг, мг/дмЗ.
ГАММА ГХЦГ	2.37	9.9	199.9	0.0001
ЛОЖНЫЙ ПИК	4.92	97.9	4252.3	0.0000
ДДЭ	7.72	25.2	1413.8	0.0013
ДДД	10.94	11.0	295.0	0.0002
ДДТ	15.25	13.2	253.8	0.0002

Впервые в условиях Андижанской области Республики Узбекистана в результате изучения влияние вредных веществ находящихся в атмосферном воздухе на живучесть декоративных деревьев, на синтез пигментов в листьях, влияние на тяжелых металлов научнообоснованном виде определены соответствующие виды декоративных деревьев и методы уменьшения влияний вредных веществ при интенсивном расширения транспорта - логистики

ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА

1. Конституция Республики Узбекистан. 09.12.1992 г. № 754-XII. 3-11 с.
2. Гудериан Р. Загрязнение воздушной среды. – М.: Мир. 1979. 198с.
3. Отабоев Ш. Человек и биосфера. – Т.: Шарқ. 1995. –185 с.
4. А. Қаюмов . Озеленение населенных пунктов. Т. 2003. 21-22 стр.

УРУҒЛИК БЕДАНИ ЙИҒИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

т.ф.н. Махмудов Д., Сафаров Ш. ассисент (*ТДТУ Термиз филиали*)

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади /1/.

Беда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишда ва тупроқ унумдорлигини оширишда асосий экиндр. Беда майдонларини кенгайтириш учун беда уруғини кўплаб етиштириш зарур.

Уруғлик беда лалми ва суғориладиган майдонларда етиштирилади. Уруғлик участкасидаги ўсимлик намлиги ва ундаги уруғлик дукакчаларнинг пишиш ҳолатига қараб уруғлик беда бир неча усулларда йиғиштирилади.

Бевосита комбайнда ўриб янчиб олиш усули сийрак, кенг қаторли, унча баланд ўсмаган, ҳамда уруғлик дукаклари ёппасига пишган, яъни уруғлик дукакчаларининг 85-90 фоизи қўнғир тусга кирган далаларда қўлланилади. Бунда хўжаликларда мавжуд дон йиғиштириш комбайнларидан фойдаланилади, жумладан Claas Dominator 130, Case (Кейс) 4088, VECTOR 410 ва бошқалар. Йиғиштирилган уруғ комбайндан олиниб, дарҳол хирмонга келтирилади, ва ёйиб қурилади. Бу тадбир уруғларни намлиги юқорилигидан қизиб кетиши таъсирида униб чиқиш қобилятини камайишдан сақлайди.

Алоҳида ўриб, алоҳида янчиб олиш усули уруғлик бир текис пишиб етилмаган, пояларнинг намлиги юқори участкаларда беда дукакларининг 65-75 фоизи пишиб етилганда қўлланилади. Бу усулнинг аҳамияти шундан иборатки, намлиги юқори бўлган беда ўрилиб қатор уюмлар ҳолатда қурилади., чунки қуриган масса комбайнда яхши янчилади /2,3,4/. Бундан ташқари, пишмаган уруғлар уюмларда пишиб етилади. Уруғлик бедани қатор уюмларга уюшда ЖЗБ-4,2 ЖБВ-4,2 ЖРБ-4,2 ПН-300-4,2 "ПРОСТОР" осма ва ПН-340-4П "Простор" тиркама жаткалар, шунингдек эзгич жувалари ечиб олинган Е-302, Е-303, КПС-5Г, ПН-530, ПН-535 косилкалар қўлланилади. Ўрилган масса қуриганидан ва уруғ тўлиқ етилганидан кейин уюмлар уруғлик бедага қайта жиҳозланган дон йиғиштириш комбайнларидан йиғиштирилади ва янчилади.

Уруғли бедани ўриш вақтида косилканинг ишчи органларини (мотовило, қирқиш аппарати, шнек) механик таъсирида пишган уруғли дукакларнинг бир қисми поядан ажрайди ва ва қатор уюмлар остига тушади. Уруғ тутиш мосламаси косилканинг эзгич жувалари ўрнига, яъни чиқарувчи дарча ёнига осилади. Ўрилган масса чиқарувчи дарча орқали мосламанинг хивичсимон ғалвирига йўналтирилади. Масса ғалвир орқали ўтиб қатор уюмланади, вегетатив масса остидаги поядан ажралган уруғли дукаклар эса ғалвир хивичлари орасидан сиғимга тушади ва у ердан шнек орқали бункерга юкланади [2,3].

Уруғ тутиш мосламасининг асосий параметрлари ғалвирнинг узунлиги ва хивичлари орасидаги масофадан иборат.

Ғалвир хивичлари орасидаги масофани аниқлаш. Ғалвирдан эланаётган уруғли аралашманинг асосий қисмини бошқа компонентларга нисбатан ўлчамлари катта бўлган сарғайган барглар ташкил этади. Шунинг учун уруғли аралашмани элашга мўлжалланган ғалвирнинг асосий параметрлари баргларнинг ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уруғли аралашма таркибидаги баргларнинг узунлигини ўрганиш уларнинг вариацион қатори нормал тақсимот қонуниятига бўйсунилишини кўрсатди. Нормал тасодифий миқдорнинг тақсимот зичлик функцияси

$$\varphi(l_{li}) = \frac{1}{\sqrt{2\pi} \cdot S} e^{-\frac{(l_{li} - \bar{l}_1)^2}{2S^2}}$$

бу ерда l_{li} -тўкилган барглар узунлигининг жорий қиймати;

\bar{l}_1 -танланган элементларнинг (баргларнинг) ўртача қиймати, 14,98 мм;

S-ўртача квадратик четланиш, 2,63 мм.

Энг ноқулай ҳолатда, яъни барг ғалвир хивичига нисбатан перпендикуляр жойлашганда, унинг хивичлар оралиғидаги тирқишдан ўтиш эҳтимоли барг узунлиги l ва хивичлар орасидаги масофа a нинг ўзаро нисбатига боғлиқ. Кутиладиган эҳтимоллик $P=0,95$ деб қабул қилсак, унда тасадифий катталиқ l_1 нинг (a, l_{1M}) интервалда бўлиш эҳтимолининг фоиздаги ифодаси қаралаётган ҳол учун уюм остидаги баргларнинг кутиладиган нобудгарчилигини тавсифлайди ва қуйидаги кўринишдаги интервалдан аниқланади

$$P(a < l_1 < l_{1M}) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}S} \int_a^{l_{1M}} e^{-\frac{(l_{li} - \bar{l}_1)^2}{2S^2}} dl_1 \leq 0,05$$

бу ерда $l_{1M} = \bar{l}_1 + 3S$ - ғалвирда эланиб ўтган баргларнинг номинал-максимал ўлчами, мм.

Лапласнинг нормал функциясидан фойдаланиб юқоридаги тенгламага баъзи ўзгартиришлар киритсак, қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$P(a < l_1 < l_{1M}) = \Phi\left(\frac{l_{1M} - \bar{l}_1}{S}\right) - \Phi\left(\frac{a - \bar{l}_1}{S}\right) \leq 0,05$$

Агар $a \geq 19,75$ мм бўлса, эҳтимоллик $P(a < l_1 < l_{1M}) \leq 0,05$, яъни уюм остидаги баргларнинг 0,95 қийматда ғалвирда эланишини таъминлаш учун хивичлар орасидаги масофа 19,75 мм дан кам бўлмаслиги керак. Бу масофа уруғли аралашма бошқа компонентларининг ғалвир хивичлари орасидан эланиб ўтишини таъминлайди, чунки уларнинг ўлчамлари баргларнинг ўлчамидан кичик.

Дала тажрибаларининг кўрсатишича, уруғлик бедани ўриб, уюмларга уюшда уруғ тутувчи мосламани қўллаш нобудгарчиликни анча камайтирган ҳолда дуккакчаларнинг намлигига кўра гектаридан қўшимча 20-60 клограмгача юқори сифатли уруғ олишни таъминлар экан. Бир вақтнинг ўзида уруғ тутиш мосламасида бегона ўтлар уруғи ҳам йиғиштириб олинади, бу эса далаларнинг бегона ўтлар билан ифлосланишининг олдини олади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 мартдаги № 4243-сонли Қарори.

2. Абдумуталов А.Ю., Махмудов Д. Семьяуловительное приспособление к косилке-плюшилке КПС-5Г // Техника в сельском хозяйстве – М.: 1984, №8, с. 21.

3. Махмудов Д. Снижение потерь при уборке семян // Кормопроизводство – М.: 1987, № 11, с. 38-39.

4. Махмудов Д. Уруғлик бедани йиғиштириш ва ташиш.-Республика жанубида транспорт-йўл комплексини ривожлантириш истиқболлари (Республика илмий-техник анжуман), 2017,

БЕДА УРУҒИНИ ТОЗАЛАШ ВА САҚЛАШ

т.ф.н. Махмудов Д., Чориев Р. Ассисент (*ТДТУ Термиз филиали*)

Беда ер унумдорлигини ошириш ва чорва озуқа базасини яратишда асосий экин ҳисобланади. Уч йил давомида бир гектар майдондан 600-900 кг соф азот тўплайди. Тупроқ донодорлигини тиклаб, сув-физик хоссаларини яхшилади. Эриш қийин бўлган фосфорли бирикмаларни парчалаб, уларни кейинги экинлар ўзлаштириши учун тайёрлаб беради. Тупроқни турли касаллик тарқатувчи инфекция унсурлардан тозалайди. Беда билан боқилган чорва молларининг маҳсулдорлиги, гўшти ва сутининг сифати ошади.

Етиштирилган беда уруғини йиғиб олгандан кейин унга ишлов бериш жуда кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Гап шундаки, уруғлик хашак уюмида бегона ўтларнинг ҳам уруғлари, янчилган дуккаклар, беда, бегона ўт пояларининг синиқлари ва ҳоказолар бўлади. Бундай аралашмалар миқдори, йиғиштириш усулига қараб, 30...75% га етади. Шу боисдан уруғлик хашак уюми сернам бўлади. Натижада хашак уюми ўз-ўзидан қизиб кетади, бу эса 2...3 соат давомидаёқ уруғларнинг унувчанлик хусусиятини пасайтиради.

Уруғлик хашак уюми қизиб кетмаслиги учун хирмонда дастлаб у юпқа (10...20 см қалинликда) ёйиб селгилитилади, суткасига 2-4 маҳал ағдариб турилади, сўнгра намлиги кўпи билан 20% га етганда дастлабки тозалашдан ўтказилади.

Дастлабки тозалаш ишларининг сифатли бўлиши учун машина яхшилаб ўрнатилади, уруғли хашак пешма-пеш ташлаб турилади, ғалвирлар, айниқса юқоргиси вақти-вақти билан тозаланади. Одатда иккита ғалвирли машинада (кўзи 2-2,5 миллиметрли) юқорги ғалвирдан асосий экиннинг барча уруғлари ўтади, пастки ғалвирда (кўзи 0,8-0,6 мм) эса аралашмалар эланади. Ҳаво оқими ёрдамида чанг, ҳамда беда уруғига қараганда енгил бўлган заррачалар ажралади.

Бу хил машиналарда йирик хас-чўплар билан бирга (янчилмаган) тўқ уруғли дуккаклар ҳам ажралиб чиқади. Уларни нобуд қилмаслик учун, чиқитлар “К-05” “К-310” маркали беда ишқалагичдан ўтказилади. Беда ишқалагич мавжуд бўлмаган жойларда “Волгарь-5” маркали озуқа майдалагичдан фойдаланиш мумкин.

Дастлабки тозалашдан кейин уруғлар асосий тозалаш ва саралашдан ўтказилади. Бу иш сермехнат бўлиб, муайян малакани ҳамда тозалаш машиналарининг хусусиятларини, ГОСТ талабларини яхши билиш тақоза этади.

Асосий тозалаш ва беда уруғини сархиллаш ишлари “Петкус-селектра”, К-2118/І (“Петкус-гигант” К-531, СМ-4, ОС-4,5 ва бошқа) машиналарида бажарилади. Бунда триер цилиндрлари ҳам ишга солинади. Шунинг айтиш керакки, тайёрловчи завод “СМ-4”, ва “ОС-4” маркали триер цилиндрлари машиналарни комплектация қилганда ғалвир кўзчаларининг диаметрини дон экинлари уруғларнинг сархиллашга мослаб 5 ва 9,5 мм чиқаради, ғалвир кўзчаларининг диаметрини беда уруғига мослаб 1,8 ва 2,8 мм қилиш учун махсус буюртма юбориш керак бўлади.

Беда уруғини тозалаш учун ғалвирларнинг тахминий хиллари жадвалда келтирилган.

Машина	Ғалвурларнинг ҳолати	Ғалвур кўзчаларининг катталиги, мм
“СМ-4”, “ОС-4,5А”	Биринчи-юқоригиси	1,1-1,2
	Иккинчи-юқоригиси	1,3-1,5
	Биринчи-пасткиси	Ø 0,8—0,9
	Иккинчи- пасткиси	0,5-0,6
“Петкус-вибранти”	Юқоригиси	1,6
	Ўртадагиси	Ø 2,25
	Пасткиси	0,5-0,6
“Петкус-селектра”	Юқоригиси	1,4-1,5
	Ўртадагиси	Ø 2,0-2,5
	Пасткиси	0,5-0,6
“Петкус-гигант”	Биринчи-юқоригиси	1,4-1,5
	Иккинчи-юқоригиси	Ø 2,0-2,25
	Биринчи-пасткиси	0,5-0,6
	Иккинчи- пасткиси	Ø 0,8-0,9
“Петкус-супер”	Юқоригиси	1,4-1,5
	Пасткиси	0,5-0,6

Эслатма: Ø -кўзчалари юмалоқ ғалвирни, индекси йўқлари-чўзинчоқ кўзчали ғалвирни билдиради.

Аралашма ажратиладиган триер цилиндрини то аралашма билан бирга беда уруғи ажрала бошлагунга қадар тўлдириб турилади. Кейин чиқитларда соф уруғ бўлмагунгача камроқ тўлдириб борилади. Бу триер цилиндри ишлашининг мақбул режими ҳисобланади. Триер цилиндрини ҳаддан ташқари тўлдириш ва чала тўлдириш тозалаш сифатини пасайтиради.

“К-2118/І” маркали “Петкус-селектра” ўт уруғларини тозалаш учун махсус мўлжалланган бўлиб, “К-55А” қурилмаси ўрнатилган ҳолда ишлайди ва яхши натижа беради.

Баъзи бегона ўтларнинг (какра, чирмовик ва бошқаларнинг) уруғлари беда уруғи ўлчамларига жуда яқин бўлади. Шу боисдан оддий уруғ тозалаш машиналарида уларни тўлиқ ажратишнинг имкони йўқ. Шу муносабат билан саноат махсус машиналар чиқармоқда. Уларнинг ишлаш принципи уруғларнинг

тузилиши хусусиятларига, ҳамда физикавий-механикавий хоссаларига асосланган. Масалан, “ПСС-2,5” ёки “СПС-5” маркали пневматик сархиллаш столи уруғларни солиштирма оғирлигига қараб саралайди ва асосан какрадан ажратиб тозалашда ишлатилади “ОСТ-0,2” маркали машина ҳар хил (матולי, резинали) мрсламаларга эга бўлиб уруғларни ишқаланиш коэффициенти бўйича ажратади; “ОПС-2” маркали пневматик колонна уруғларни учиш хусусиятларига қараб саралайди. Пировард ишлар “СМШ-0,4” ёки “ЭМС-1А” маркали электр магнит машиналарида бажарилади, улар сирти ғадир-будур уруғларни ажратади.

Кейинги вақтда уруғчилик ҳўжаликларида йиғиб олинган беда уруғига ишлов бериш учун махсус линия ва пунктлар ташкил этишга киришилди. “КОС-0,5” деб аталадиган (ЦИТП 812-43 типовой лойиҳали) тегишли технологик патокли линиялар жорий этилмоқдаки булар иш жараёнини тўлиқ механизациялаш ва тўлиқ автоматлаштириш имконини беради. Улардан фойдаланиш натижасида биринчи класс стандарт уруғ чиқиши янада ошади. Мазкур линияни иш унуми соатига (бошланғич материалга қараб) 300 дан 800 килограммгача боради. Бу ойига камида 100 тоннани ташкил этади. Демак бир қанча уруғчилик ҳўжаликларида етиштирилган уруғга ишлов беришда бу линия энг самара беради.

Уруғлик сифатларини яхшилаш учун беда уруғи кўпи билан 13% намликда асрашга қўйилади.

Беданинг тозаланган қуруқ уруғи одатда сиғими кўпи билан 50 килограмм коноп қопларда сақланади. Уруғнинг ҳар бир партиясини омбордаги пол сатхидан 10-20 см баландликда ўрнатилган тахта тагликларга алоҳида-алоҳида тахлаб қўйилади. Штабеллар бино деворидан камида 70 см масофада жойланади. Улар 0,7-1,5 м оралиқ қолдирилади. Штабелнинг баландлиги кўпи билан тўрт қопдан иборат бўлади, ёнлатиб жойланади, унинг кенглиги қопнинг бўйига тенг бўлади. Сақлаш вақтида уруғ намлигининг ўзгаришини доимо назорат қилиб бориш керак. У жуда гидроскопик (нам тортадиган) бўлганлиги туфайли намлига анча кескин ўзгариши мумкун. 3 дан 10⁰С гача ҳарорат уруғ сақлаш учун жуда мақбул ҳисобланади. Омбор ҳавосининг нисбий намлиги 60% дан ошмаслиги керак. Бу тадбирлар беда уруғининг яхши сақланишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Агротехника возделывания сортов люцерны селекции ВНИИ кормов им. В. Р. Вильямса на семенные и кормовые цели. (Рекомендации).- М.: ФГУ РЦСК, 2008. -39 с.


2. Петренко, В.И. Агротехника семеноводства многолетних бобовых трав: рекомендации / В. И. Петренко, В. Р. Кажарский. – Горки : БГСХА, 2016. – 60 с.

ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТРАКТОР ТИРКАМАЛАРИНИНГ РАМА КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИЙ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

PhD., доцент Тогаев А.А., Рашидов А.М., ассистент, Йўлдошев Ҳ.С.
магистрант, Жалилова Г.Т талаба (*ТДТУ*)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб [1], ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш масалаларини компьютерда моделлаштирмасдан ва муҳандислик графикасиз ечишни тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий, осон мослашадиган АЛТ/СДБ (автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими/сонли дастурий бошқарув) комплексларидан фойдаланиш лойиҳалаш циклини қисқартиради, ҳаражатларни камайтиради ва шу йўл билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширади [2].

Тадқиқотчилар ва муҳандислар дуч келадиган кўплаб масалаларни аналитик усуллар билан ечиб бўлмайди, тажриба йўли билан ҳал қилиш эса, катта ҳаражатларни талаб этади. Бўндай ҳолатда жараённи компьютерда моделлаштириш, яъни жараённинг параметрларига турли қийматлар бериб, пировард натижани таҳлил қилиш усули ёрдамга келади. Бу усул ҳозирги вақтда фан ва техниканинг ҳамма соҳаларида қўлланилади).



1-расм. Автотрактор тиркамаси рамасининг компьютер модели


Компьютерда моделлаштириш системани амалда қўрмай туриб, қандай шароитда қандай ишлашини олдиндан билиш имконини беради, натижада кўп ҳаражатлар қилмай туриб, турли хатоларнинг олди олинади (1-расм).

Конструкцияларни таҳлил қилишда чекли элементлар усулини [3] қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар қандай машина деталлари, ҳар қандай муҳандислик конструкцияларини назарда тутиш мумкин.

Конструкцияли таҳлилда ҳисоблаб топиладиган бирламчи ўзгарувчилар – кўчишлардан иборат. Улар ҳисоблаб топилгач, бошқа муҳим параметрлар: кучланишлар, эластик ва пластик деформациялар топилади.

Статик таҳлилда куйидагилар юклама ҳисобланади:

- ташқи кучлар ва кучларнинг моментлари;
- сирт босими;
- доимий марказдан қочувчи кучлар: гравитацияли, ўзгармас тезлик билан айланишдан ҳосил бўладиган;
- мажбурий, нол бўлмаган силжишлар: чизикли ва бурчакли;
- ҳароратлар (термик кучланишларни таҳлил қилишда);
- оқимлар (материалларнинг радиация таъсирида кўпчишини ҳисобга олиш).



2-расм. Юклама остидаги раманинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари

Статик конструкцион таҳлилнинг асосий босқичлари (2-расм) [4]:

- процессордан олдин модел тузилади, материалларнинг хусусиятлари берилади, сетка ҳосил қилинади;
- процессорда юкламалар берилиб, ҳисоблар бажарилади;
- процессордан кейин ҳисоб натижалари кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Бироқ, Ansys, SolidWorks, I-Deas, UniGraphics, Catia сингари моделлаштирувчи дастурлар комплексида тажрибаси камроқ тадқиқотчилар фойдаланганда баъзи камчиликлар юзага чиқиб келади. Масалан, моделлаштиришнинг ички структурасини билмай туриб, алоҳида-алоҳида

олинган параметрларнинг умумий ишга таъсирини, мураккаб шаклли деталларга тегишли ҳисоблар аниқлигини баҳолаш мумкин эмас.

Шунинг учун математик моделни, унинг бошланғич ва чегаравий шартларини сезиш учун масалаларни сонли ечишда замонавий дастурий тизимлардан, анъанавий усуллардан фойдаланиш керак. Тадқиқотни тезлатиш мақсадида бутун дунё олимлари ва тадқиқотчилари MATLAB дастуридан фойдаланишади. Бунда алгоритмларни ишлаб чиқиш ва натижаларни таҳлил қилишга сарфланадиган вақт қисқаради.

MATLAB техник ҳисоблар учун юқори унумли тил ҳисобланади [5]. У ишлаб чиқаришнинг қулай интерактив муҳитида ҳисоблашлар, визуллаштириш ва дастурлаш амаллари киради, бунда масалалар ва ечимлар математик муҳитга яқин шароитларда ифодаланади.

MATLAB тизимининг ноёблиги қуйидагилар билан белгиланади:

- тизим матрицали амалларга мўлжалланган;
- кутубхона функциялари сони кўп, булар MATLABни қатор илмий ва муҳандислик масалаларини (бошқариш тизимларини анализ ва синтез қилиш, ноаниқ кўпликлар назарияси, тажрибаларни режалаштириш ва ҳоказо) ечишга мўлжалланган, ихтисослаштирилган математик тизим даражасига олиб чиқади.

Шундай қилиб, автотракторлар тиркамаси рамасининг тавсифларини ҳар томонлама ва сифатли таҳлил қилиш учун MATLAB тизимидан ҳам, бошқа дастурий комплекслардан (Ansys, SolidWorks, I-Deas, UniGraphics, Catia) ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар конструкцияни тайёрламай туриб ва синамай туриб, ҳар қандай ташқи омилларнинг таъсирини баҳолаш имконини беради.

Лойиҳалашда замонавий дастурий комплекслардан фойдаланиш конструкцияни конвейерга қўйишни тезлаштиради, маҳсулотни рақобатбардошлигини оширади. Бироқ бу комплексларнинг лицензиясини олиш қиммат туради, шунинг учун маҳаллий дастурларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар

1. <https://lex.uz/ru/docs/4751561>
2. Алямовский А.А. SolidWorks/COSMOSWorks. Инженерный анализ методом конечных элементов. – М.: ДМК Пресс, 2004. – 432 с.: ил. (Серия «Проектирование»).
3. Астахов М.В. Управление проектированием: монография. М.: Издательство МГТУ им. Н.Э.Баумана, 2011. – 360 с.
4. Шермухамедов А.А., Тогаев А.А. Численный расчет на прочность рамы автотракторного прицепа, выполненного из различных материалов // Научно-технический журнал ФерПИ. – Фергана, 2015. Т.19. – №2. – С. 52-57.
5. Ferreira A.J.M. MATLAB Codes for Finite Element Analysis. Solids and Structures. Solid Mechanics and its Applications. Springer, 2009.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА СУПЕРКОНДЕНСАТОРНИ ИШЛАТИШ ИМКОНияТЛАРИ

Убайдуллаев А.А. (ТерДУ)

Суперконденсаторлар кимёвий ток манбаларига нисбатан солиштира энергия бўйича кўрсаткичлари паст бўлишига қарамасдан улардан солиштира қувват ва ҳароратнинг кенг оралигида зарядланиш - зарядсизланиш тавсифномаларининг стабиллиги билан устун туради. Бу ҳолат эса энергия ва қувватнинг гибрид манбаларини яратиш имконини беради. Гибрид манба ишининг юқори қувват талаб этувчи фаол босқичи, масалан автомобил двигателини ишга тушириш ёки уяли GSM-телефонларда ахборотни импульс режимида узатиш суперконденсатор воситасида таъминланади. Сўнг у аккумулятордан ёки гальваник элементлар батареяларидан заиф токли режимида қайта зарядланади.

ЭСМА 12 ва 24 В катталиқдаги кучланишли турли конденсатор модуллари қуйидагиларни гарантияли ишга туширишни таъминлаш учун ишлаб чиқаради:

- автомобиллар, автобуслар, тракторлар, қурилиш ва йўл техникаси двигателлари;

- кемалар ва тепловозларнинг дизель двигателлари.

Маълумки ички ёнув двигателини қиш пайтида ишга туширишда кўпгина муаммолар пайдо бўлади. Бунинг сабаби шуки, аккумулятор батареясининг салгина зарядсизланиши ИЁДни ишга тушириш учун керакли қувватни таъминлай олмайди. ЭСМА конденсатор модуллари бу муаммони ҳал қилишга ёрдам берадилар. Транспорт воситасига конденсатор модулини ўрнатиш учун унинг электр занжирига жиддий ўзгаришлар киритиш талаб қилинмайди – одатда конденсатор модули аккумулятор батареяларига параллел ҳолда уланади. Агар транспорт воситасида батареялар комплекти ўрнатилган бўлса, конденсатор модулини улаш баъзи ҳолларда уларнинг сонини камайтириш ёки стартер батареяларини чуқур зарядсизланиш циклига эга батареяларга алмаштириш имконини беради. Аккумулятор батареяларидан ва кўпгина бошқа кимёвий ток манбаларидан фарқли равишда конденсатор модулидан юкламага берилаётган қувват ҳароратга заиф боғланган бўлади. Ўтказилган синовлар натижаларига кўра ЭСМА конденсатор модуллари исталган қувватли трактор ва автомобил двигателларини - 50 °С га тенг бўлган жуда паст ҳароратларда ҳам муваффақиятли ишга тушириш имкониятига эга.

ЭСМА конденсатор модуллари аккумулятор батареялари билан биргаликда ишлатиш мақсадида автомобилга стационар ўрнатилиши билан бирга автохўжаликларда катта сондаги транспорт воситаларини кетма-кет ишга тушириш учун ҳам ишлатилади.

Ҳозирги пайтда дунёдаги барча асосий автомобил ишлаб чиқарувчилар гибрид куч қурилмасига эга турли транспорт воситаларини яратиш усида иш олиб бормоқдалар. Гибрид транспорт ёнилғини сарфлашнинг иқтисодлилиги ва чиқинди газларнинг миқдорини камайганлиги нуктаи назаридан энг истиқболли

саналади. Гибрид куч қурилмаси ИЁДни электр двигател ва энергия йиғгични боғлайди. Масалан, оғир транспорт воситаси тоифасига кирувчи автобусларда двигателнинг тўла қуввати фақат жойидан қўзғалишда фойдаланилади. Гибрид куч қурилмасидан фойдаланилганда двигател камроқ қувватлисига алмаштирилиши мумкин бўлиб, автобуснинг динамик ва қувват тавсифномалари зарарли чиқинди газларнинг камроқ сатхида аввалгидек қолади.

ЭСМА асимметрик суперконденсаторларининг юқори солиштира энергия ва қувватга эга эканлиги, шунингдек янги хилдаги энергия йиғгич яратиш имконини берди. Бу энергия йиғгич нафақат транспорт воситасининг тормозланиш энергиясини рекуперациялаш ва йиғилган энергияни унинг жойидан қўзғотишда ишлатилишда фойдаланиб қолмай, у суперконденсатор энергияси ҳисобига ИЁДнинг узук ҳолида биргина электр юритгич билан ҳаракатланиш имконини беради. Гибрид транспортда электрокимёвий конденсаторлар мавжуд ички ёнув двигателлари ва истикболли энергия манбалари (масалан ёнилғи элементлари) билан биргаликда самарали равишда ишлатилиши мумкин.

Замонавий автомобил бортидаги турли юкламалар (ўриндиқлар, ойналар, қўзгуларни электр усулида иситиш, кондиционер, электроойнақўтаргичлар, электр иситгичли катализатор, рулнинг электрюритмаси, осма, аудиосистема ва бошқ.) истеъмол қиладиган қувват бир неча минг ваттга етди ва бундан хам ошиши давом этмоқда. Мавжуд 12 Вли электр таъминот тизимида бундай қувватни таъминлаш ток кучини бир неча юз ампергача ошишига олиб келиши мумкин.

Автомобил электр тизимига тушадиган ток юкламаларини камайитириш учун автомобил саноатида яқин йилларда янги 42 В ли электр тизимига ўтиш режалаштирилмоқда.

Кўрилаётган вариантлардан бири комбинирланган энергия манбаи бўлиб, у суперконденсатор и анъанавий аккумулятор батареясидан иборатдир. Бу ҳолда батарея паст токли узок муддатли юкламалар (стандарт қувватли аудиосистема, двигател ишламай турган ҳолдаги ёритиш ва ҳ.к.) истеъмолини таъминласа, суперконденсатор эса «буфер» энергия манбаи ролини ўйнаб, двигателни ишга тушириш учун зарур бўлган қувватли қисқа муддатли импульсларни бериш ва қабуллаш, автомобилни жойидан қўзғатиш ва разгона автомобилга и тормозланиш энергиясини рекуперациялаш учун ҳизмат қиладди.

Бундай қўлланиш «буфер» энергия йиғгичига максимал қувват сатхи, зарядланиш/зарядсизланиш цикли миқдори, ишчи ҳароратлар диапазони ва ишонччилик бўйича қатъий талаблар қўйилишига олиб келади. ЭСМА асимметрик суперконденсаторлари эса бундай талабларга тўла жавоб беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Роберт Зеф. Суперконденсаторы. "Мастер 12вольт" № 50(июль 2003).
2. A.Muxitdinov va boshqalar. Avtomobillar konstruksiya asoslari. "Istiqlolnuri" Toshkent-2015, 332b.
3. sales@esma-cap.com
4. [Http://www.elit-cap.com](http://www.elit-cap.com)

ЮҚОРИ БОСИМЛИ ЁНИЛҒИ НАСОСИНING ИШОНЧЛИЛИГИНИ АВТОМОБИЛ ЭКСПЛУАТАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

PhD Улуғбердиев Ш.У., Абдуллаев А.И. докторант (*ТДТУ*)

Ёнилғи тизими дизел автомобилларининг энг асосий тизимларидан бири ҳисобланади. Ёнилғи тизими ўз навбатида – паст ва юқори босимли икки тизимдан ташкил топган. Паст босимли тизим ёнилғини ёнилғи бакидан сўриб олиб, унчалик юқори бўлмаган ($0.35 \dots 0,75 \text{ МПа}$) босимда юқори босимли тизимга етказиб беради. Паст босимли ёнилғи тизими ёнилғи баки, филтрлар, сепаратор, паст босимли насосдан ва ёнилғи ўтказувчи кичик босимга мўлжалланган қувурчалардан ташкил топган. Юқори босимли тизим двигателни ўт олдириш камераларига ёнилғини пуркаб бериши учун хизмат қилади, бунда юқори босимнинг қиймати одатда автомобиллар турига қараб $17,5 \text{ МПа}$ дан $23,0 \text{ МПа}$ гача етади. Юқори босимли ёнилғи тизими ўз навбатида юқори босимли насос, форсункалар ва юқори босимга мўлжалланган қувурчалардан ($d=5 \dots 6 \text{ мм}$) ташкил топган. Дизел двигатели ёнилғи тизимининг вазифаси тозаланган дизел ёнилғини юқори босимгача сиқиб ёниш камерасига майда заррачалар ҳолида етказиб беришдан иборат. Сиқилиш тактини охирида $700 \dots 900^\circ\text{C}$ ҳароратга ва $3,0 \dots 5,0 \text{ МПа}$ босимга эга бўлган ҳавонинг, ичига ёнилғи форсунка ёрдамида пуркаб берилади. Ўта майда заррачалар ҳолида цилиндрга пуркаб берилган ёнилғи сиқилган ҳавонинг юқори ҳарорати ва босими остида ўз-ўзидан алангланади. Дизел ёнилғилари бензиндан ўзининг юқорироқ зичлиги ва мойлаш қобилиятининг яхшироқлиги билан фарқ қилади. Мавжуд дизел ёнилғиларининг сетаи сони одатда $45 \dots 50$ бирликни ташкил этади. Замонавий дизел двигателларига сетаи сонининг юқори қийматлари мос келади. Дизел ёниш камерасининг шаклига қараб ёнилғи аралашмасини ҳосил қилишнинг икки варианты мавжуд. Биринчи вариантда ёниш камерасига эмас ёниш олди камерасига (олди камера) форсунка ёрдамида ёнилғи пуркаб берилади, иккинчи вариантда ёнилғи бевосита форсунка орқали ёниш камерасига-поршен устига пуркаб берилади. Биринчи вариантдаги двигателлар бўлинган камерали двигателлар бўлиб, IDI (In Direct Injection) туридаги, иккинчи вариантдаги двигателлар-бевосита пуркаш камерасига эга бўлган дизеллар бўлиб DI (Direct Injection) туридаги двигателлар сифатида белгиланади. Бўлинган ёндириш камерали IDI туркумидаги дизел двигателлари одатда юмшоқроқ ишлаб, камроқ шовқин чиқаради. Шунга қарамай DI туркумидаги двигателлар кўпроқ ишлатилмоқда, сабаби уларнинг ёнилғи тежамкорлиги тахминан 20% га яхшироқ. Эксплуатация шароитларида ҳаводаги чанг миқдорининг юқорилиги ўз навбатида дизел ёнилғисини ҳам ифлослантиради, дизел ёнилғиси таркибида доимо сув бўлиши, куз-қиш пайтларида эса сувнинг ёнилғидаги концентратсияси бир неча баробар кўпайиши тадқиқотчи олимларнинг [1.2] ишларида кўрсатиб берилган. Таъминлаш тизимидаги ёнилғи филтрлари механик (абразив)

зарраларни тўлиқ тозалай олмайди. Натижада абразив зарралар юқори босимли насоснинг пресизион жуфтликлари ва форсункаларини ейилишига олиб келади. Оқибатда ёнилғи билан таъминлаш тизимида аста-секинлик билан носозликлар ҳосил бўла бошлайди. Улар ўз вақтида автобусларга сервис хизматини кўрсатиш пайтида соланмас ёнилғи тизими аппаратлари бузилишига олиб келади. Умуман олганда дизел двигателларининг ёнилғи билан таъминлаш тизимидаги носозликлар ва бузилишларни ҳосил бўлишига двигатель деталларини ейилиши сабаб бўлади. Форсункалар ва юқори босимли ёнилғи насосининг асосий носозликларига қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: пуркагичлар тешикчалари диаметрларини ейилиши натижасида катталашиб кетиши, юқори босимли плунжер жуфтликларида босимни пасайиши; ёниш жараёнлари самарадорлигини ёмонлашуви, двигатель қувватини пасайиши, ёнилғи сарфини ошиб кетиши. Эксплуатация шароитида завод тавсиясига кўра автобусларнинг ёнилғи билан таъминлаш тизими аппаратларидан юқори босимли насос ва форсункалар ҳар 45000 км да текшириб турилади, зарур бўлса соланади. Синовлар махсус стендларда сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарда ўтказилиб, унда юқори босимли насос секциялари “СТАР” ёки “СДТА” туридаги стендларда, форсункалар эса КИ-402 прибори ёрдамида текширилди. Синовга “Мерседес-Бенс” ва “ИСУЗУ” автобусларининг 36 донадан форсункалари ва 6 та дан юқориб босимли ёнилғи насослари (36 та плунжер жуфтлиги) жалб этилди. Синовлар стендларнинг техник талабларига амал қилинган ҳолда ўтказилди. Олинган синов натижалари жадвалда келтирилган бўлиб, унга асосан форсункаларнинг пуркаш босимининг меъёрий қиймати 22,5 МПа га тенг бўлиб, унинг қиймати эксплуатация жараёнида узлуксиз камайиб борди. Синовга 45000 ва 90000 км масофани босиб ўтган автобусларнинг форсунка ва юқори босимли насослари қабул қилинди. Қуйдаги келтирилган график форсункаларнинг техник ҳолати аста-секинлик билан пасайиб бориши, ҳар 45000 км. да уларга сервис хизмати кўрсатганлигини билдиради.. Хулоса тарзида қуйидагиларни такидлаш зарур: ёнилғи билан таъминлаш тизими аппаратлари даврий равишда (ҳар 45000 км. да) стендлар ёрдамида текширилиб, ўрнатилган меъёрлар билан солиштириб, зарур бўлса солаб борилиши уларнинг ресурсини ва ишончилигини эксплуатация жараёнида таъминлашга асос бўлади

1-жадвал

Стенд синовларида форсункаларининг пуркаш босимини ўртача қийматини босиб ўтилган йўл бўйича ўзгариши

№	Автобус тури	Техник шартларга кўра пуркаш босимининг қиймати, МПа	Пуркаш босимининг ўртача қиймати, МПа	
			45000 км	90000 км
1	“Мерседес-Бенц”	22,5	22,0	21,3
2	“ISUZU”	22,5	21,8	21,1

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дизел двигателли автомобилларининг энг асосий тизимларидан бири ёнилғи тизими ҳисобланади, дизел двигателларининг ёнилғи билан таъминлаш тизимидаги носозликлар ва бузилишларни ҳосил бўлишига двигател деталларини ейилиши сабаб бўлади. Форсункалар ва юқори босимли ёнилғи насосининг асосий носозликларига қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: иш жараёнида ёнилғи ва эксплуатация таъсирида пуркагичларни ишдан чиқиши, юқори босимли плунжер жуфтликларида босимни пасайиши; ёниш жараёнлари самарадорлигини ёмонлашуви, двигатель қувватини пасайиши, ёнилғи сарфини ошиб кетиши.

Адабиётлар

1. Ж.М.Қулмухаммедов «Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат курсатиш». Т.: -2013й
2. С.М.Қодиров М.О. Қодирхонов «Двигател ва автомобиллар назарияси» Т.: 2013 й
3. Қ.А.Шарипов- «Ёнилғи ва мойлаш материаллари ». Т.: 2006й
4. Итинская И.И. «Топливо смазочные материалы и технические жидкости», М.:1999 г
5. А.М.Иванов и др. «Основы конструкции автомобиля». М., 2015г
6. Итинская И.И. Топливо, смазочные материалы и технические жидкости, М., «Колос», 1974, 352 с.
7. Дазебников М.Г., Бакуревич Ю.Л. Эксплуатация автомобилей в условиях жаркого климата и пустынно-песчаной[4]. местности. Изд., «Транспорт», М., 1969, 116с.

МЕТОДИКА СТАТИЧЕСКОГО РАСЧЕТА КАРКАСНЫХ И РАМНОЙ КОНСТРУКЦИЙ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ МЕТОДОМ КОНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ

д.т.н., профессор Шермухамедов А.А, PhD., доцент Тогаев А.А,
Рашидов А.М., ассистент, Жалилова Г.Т студент (*ТГТУ*)

При расчетах по методу конечных элементов геометрическая модель конструкции представляется в виде конечного числа объемов. Отдельные их элементы связаны в узловых точках. В отношении выбора размеров конечных элементов можно утверждать лишь следующее: уменьшение размеров сторон конечного элемента и связанное с этим увеличение числа узлов, как правило, приводит к повышению точности расчета. Не всегда целесообразно использовать один и тот же размер конечного элемента. В местах ожидаемой концентрации напряжений или резкого их изменения полезно уменьшать размеры конечных элементов путем введения дополнительных разбиений с образованием дополнительных узловых точек.

Поведение элементов и всей структуры может быть описано с трех позиций, которые базируются на оценке физического поведения деформируемых частей конструкции и трактуются следующим образом:

- внешние и внутренние силы должны находиться в равновесии (статическое равновесие);
- смежные элементы после деформации не должны ни отходить один от другого, ни проникать друг в друга, а в узлах на границе рассматриваемой области должны выполняться граничные условия (кинематическое равновесие);
- связь между напряжениями и деформациями определяется физическими соотношениями теории упругости или пластичности [1].

В качестве примера, на рис. 1 показана схема упругого статического расчета рамной конструкции прицепа методом конечных элементов. Методика расчет состоит из следующих этапов:

- аппроксимация структуры F ;
- определение основных параметров элементов и характеристик материалов 2;
- расчет матриц жесткости отдельных элементов 3;
- составление глобальной матрицы жесткости 4;
- задание нагрузки и граничных условий 5;
- решение разрешающей системы уравнений для определения перемещений 6;
- определение напряжений 7;
- вывод полученных результатов, их обработка и анализ 8.

В основе рассматриваемого метода лежит принцип возможных перемещений [2,3]. Рассмотрим равновесие произвольного объекта нагруженного поверхностными f^S , объемными f^V и сосредоточенными силами F^i . Эти силы имеют обычно три компоненты, соответствующие трем координатным осям:

$$\int_V F_i \delta u_i dv + \int_{S_\sigma} p_i \delta u_i ds = \int_V \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dv, \quad (1)$$

в котором:

$$\int_V F_i \delta u_i dv + \int_{S_\sigma} p_i \delta u_i ds = \delta R_s, \quad \int_V \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dv = -\delta R_u$$

действие внешних и внутренних сил соответственно.




Рисунок 1. Схема упругого статического расчета рамных конструкции прицепа методом конечных элементов

Анализируя рассмотренные математические формулировки применительно к рамных конструкции прицепа, нами было решено остановиться на уравнениях, выведенных на *принципе виртуальной работы (возможных перемещений)*.

В методе конечных элементов, базирующемся на методе перемещений, распределение смещений в элементах находят из смещения узлов по соотношению:

$$\{u\} = [N]\{u\}^e \quad (2)$$

где $[N]$ - форм-функция, $\{u\}^e$ - вектор смещения узлов элемента.

Деформации и напряжения в элементе определяются по смещению узлов соответственно следующим образом:

$$\{\varepsilon\}^e = [B]\{u\}^e \quad (3)$$

$$\{\sigma\}^e = [D]\{\varepsilon\}^e \quad (4)$$

где $[B]$ - матрица дифференцирования, $[D]$ - матрица упругости материала.

Формула возможной работы всей конструкции выражается через сумму возможных работ каждого элемента. Возможная работа элемента получается после подстановки (2), (3) и (4) в (1) и записывается в виде:

$$\delta\{u\}^{Te} \left(\int_{Ve} [B]^T [D] [B] dv \right) \{u\}^e = \delta\{u\}^{Te} \left(\int_{Ve} [N]^T \{F\}^e dv + \int_{Se} [N]^T \{P\}^e ds \right), \quad (5)$$

Это выражение можно записать в матричной форме:

$$[k]^e \{u\}^e = \{F\}^e \quad (6)$$

где

$$[k]^e = \int_{V_e} [B]^T [D] [B] dv, \quad (7a)$$

$$\{F\}^e = \int_{V_e} [N]^T \{p\}^e dv + \int_{S_e} [N]^T \{q\}^e ds \quad (7b)$$

Формулы (7a) и (7b) носят соответственно названия матрицы жёсткости элемента и вектор нагрузки действующей на элемент. Эти матрицы строятся аналитически или получаются численно с использованием методики численного интегрирования.

Применяя формулу (6) к каждому элементу и проводя суммирование по всем элементам, получим систему неоднородных линейных алгебраических уравнений первой степени, которую можно решить относительно смещений узловых точек.

При решении статических задач методом конечных элементов принят следующий порядок анализа:

- построение модели с разбиением конструкции на конечное число элементов;
- вычисление матриц жёсткости элементов и вектора нагрузки по формулам (7a) и (7b);
- построение полной матрицы жёсткости и полного вектора нагрузки;
- второй и третий пункты выполняются параллельно;
- решение системы уравнений первой степени относительно смещения узловых точек;
- вычисление напряжений и деформаций в элементе по формулам (3) и (4).

Использованная литература:

1. Орлов Л.Н., Тумасов А.В., Кочанов Е.В. и др. Основы разработки конечно-элементных моделей кузовных конструкций автотранспортных средств. Расчеты на безопасность и прочность: учеб. пособие/ под. ред. Л.Н. Орлова; НГТУ. им. Р.Е. Алексеева. Нижний Новгород, 2014. — 144 с.
2. Бате, К. Численные методы анализа и метод конечных элементов / К. Бате, Е. Вилсон / пер. с англ. А.С. Алексеева и др. под ред. А.Ф. Смирнова. — М.: Стройиздат, 1982.— 488с.
3. Шермухамедов А.А., Тогаев А.А. Анализ различных методов численного расчета стержневых конструкций // Вестник ТАДИ. — Ташкент, 2015. — №1. — С. 31-34.

SURXONDARYO IQLIMI SHAROITIDA QURILISH MATERIALLARIGA ISSIQLIKNING TA’SIRI

Toshpo’latova G.Sh. (*TerDU talaba*)

Qurilish materiallari – binolar, inshootlar qurish va tamirlashda ishlatiladigan tabiiy va sun’iy ashyolar hamda buyumlar. Umumiy ishlarga mo’ljallangan (sement, beton, yog’och materiallari) va maxsus (akustika materiallari, issiqlik izolyatsiya materiallari o’ta chidamli materiallar) xillari mavjud.

O'zbekistonda qurilish materiallaridan sog'tuproq, sement, ganch, qum, shag'al, marmar va yog'och mavjud. Qurilish materiallari uchun O'zbekiston Respublikasi Standartlarida 120 tadan ko'p standart qabul qilingan.

Ma'lumki mamlakatning kuch qudrati, uning rivojlanish darajasi hamda aholining sog'lom va farovon yashashi bilan baholanadi. Xuddi shunday, davlat yoki jamiyat yuqori natijalarga intilar ekan birinchi navbatda aholi turmush tarzini yaxshilash va ijtimoiy hayotga zamonaviy texnika-texnologiyalarni keng targ'ib qilishni asos qilib oladi. Bugungi kunda rivojlanish asosi sifatida kompyuter texnologiyalari va dasturlari barchaning diqqat markazida turibdi. Mazkur holatni mamlakatimiz misolida ko'rib chiqadigan bo'lsak, endigina jamiyatimiz hayotida muhim o'rin egallayotgan dasturiy injinering tizimi yaqqol ko'zga tashlanadi. Mazkur tizim olib kirilishiga muhim sabab va ehtiyojlar mavjud bo'lib, endilikda bajariladigan barcha ishlarni kompyuter dasturi asosida amaliyotga qo'llashga muhim omil sifatida qaralmoqda.

Bunga sabab, jamoatchilik bilan ishlashda deyarli barcha ishlar offline usulda amalga oshiriladi. Mana shuning o'zi eskirgan tizimning bir bo'lagi.

Sababi, hozirgi kunda yangilanish asosi, sohasidan qa'tiy nazar kompyuter texnologiyasiga muhtoj va aynan kompyuter orqali amalga oshiriladigan ishlarni, yangilanishni dastlabki bosqichi deb atasa bo'ladi.

Bermoqchi bo'lgan taklifimiz shundan iboratki:

Maktab va universitetlarda o'tiladigan barcha fanlarni kompyuter raqamli usullariga bog'lash ko'zda tutilgan. Ya'ni, o'tiladigan fanga asoslangan kompyuter dasturlari talabaning fan bo'yicha birinchi o'rindagi nuqtai nazar qilib belgilash maqsadga muvofiq bo'ladi. Shu bilan bir qatorda beriladigan uyga vazifalar kompyuter dasturi bo'yicha bo'lsa, mana shu narsaning o'zi yangilanish, innovatsiyaga bo'lgan qiziqishning yuqori pog'onasiga olib chiqadi. Shuni ham eslatib o'tish kerakki, bu barcha sohalarda samarali o'rganish usuli hisoblanadi.

```

1 input("Assalomu aleykum")
2 input("Keling! siz bilan birgalikda 4-laboratoriya ishini bajaramiz.")
3 input("Boshlash uchun istalgan tugmani bosing")
4
5 print("1. Transport vositasining marshrutdagi ish vaqi (TV):")
6 print("bu yerda Tm -marshrutdagi vaqi, soat;")
7 print("TN - naryaddagi (ishdagi) vaqi, soat;")
8 print("to-boshlang'ich vaqi, soat;")
9 print("Vt-o'rtacha texnik tezligi, km/soat;")
10 print("L'o va L'o -boshlang'ich masofa (2-4 km qabul qilinadi).")
11
12 a = float(input("TN ni kiriting: "))
13 b = float(input("to ni kiriting: "))
14 c = float(input("Lo' ni kiriting: "))
15 d = float(input("Lo'' ni kiriting: "))
16 e = float(input("VT ni kiriting: "))
17
18 if a and b:
19     j1 = (a - b)
20     print(" Tm -marshrutdagi vaqt = ", j1)
21 else:
22     j2 = (a - ((c + d) / e))

```

1-rasm. O'quv dasturi tuzish jarayoni.

- Eski tizim parchalarini (masalan konspekti) sekinlik bilan unutishga imkon beradi.
- Kompyuter dasturida bajarilgan uyga vazifa odatdagidan ko'ra qiziqarliroq bo'lganligi sababli e'tibor va ma'suliyat hissini oshiradi.
- Insonning zamonaviy hayotga kirib kelishi ancha oson bo'ladi.
- Kompyuter dasturi yordamida o'tilgan darslar odatiy darslardan farqli ravishda multimediyadan ko'p foydalanilganligi sabab insonda tushunish va esda qolishini bir necha marta kuchaytiradi.

Yuqorida sanab o'tilgan sabablar bugungi kunda Yevropa mamlakatlarida amaliyotga qo'llanilib hozirda o'zining ijobiy natijalarini bermoqda. Berilgan taklifni asosi hamda ko'rsatilgan muammoni yechimi sifatida "Python" dasturi asosida tuzilgan sodda turdagi dasturni keltirganimiz.

Mazkur dasturda "Avtomobillarda tashish va harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari" fanidan mavjud laboratoriya ishlarini dastur asosida bajarilishi mumkinligi ko'rsatib o'tilgan. Datur davomida dastur xotirasiga kiritilgan ishlar ketma-ketligi ko'rsatib boriladi, ya'ni dasturga kerakli qiymat kiritilgan sari dastur uni avtomatik hisoblaydi. Natijani esa osongina, qisqa muddatda kompyuter ekraniga olib chiqadi. Bir qarashda bu shunchaki vaqtdan yutish xolos talabaga esa bu aks-ta'sir berib, dasturga tayanib qoladi natijada o'zi hech narsa o'rgana olmaydi. Ammo masalani ikkinchi tomoni bor, ya'ni dastur bu darajada jo'n va sodda qilib tuzilmaydi. Har bir bajariladigan amallar ketma-ketligi dastur tomonidan tushuntirilib boradi, xato va kamchiliklar yuqori aniqlikda tekshirib boriladi. Qisqa vaqtda yakunlangan laboratoriya ishi evaziga ortib qolgan vaqtda talaba o'z ustida yanada ko'proq ishlash imkoniga ega bo'ladi. So'zimiz yakunida, mashhur dasturchi Bill Geyts so'zlariga murojaat qilsak "Kim axborotga egalik qilsa, u dunyoga egalik qiladi". Axborotning eng kata oqimi esa kompyuter texnologiyalarda ekanligi barchaga ma'lum.

Adabiyotlar

1. 2017 by Al Sweigart. Title of English language original: Invent Your Own Computer Games with Python, 4th Edition, ISBN 978-1-59327-795-6

Ta'lim sifatini oshirishda barcha jarayonlarni kompyuter texnologiyalariga bog'lash qanchalar to'g'ri bo'ladi...? degan savol paydo bo'lishi tabiiy. Bunga javoban, bir nechta sabablarni keltirish mumkin.

Bular:

- kompyuter texnologiya va dasturlariga tayanib dars o'tish yangilanishga bo'lgan ehtiyojni tabiiy ravishda oshiradi.

2. Изучаем Python. Программирование игр, визуализация данных, веб-приложения. — СПб.: Питер, 2017. — 496 с.: ил. — (Серия «Библиотека программиста»). ISBN 978-5-496-02305-4
3. Qo'ziyev.A.O' "Avtomobillarda tashish va harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari" fanidan laboratoriya ishlarini bajarishga uslubiy qo'llanma Termiz - 2019

CHIZMA GEOMETRIYA FANINI O'RGANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA USLUBIY QO'LLANMALARNING AHAMIYATI.

Xusanov O'.S., o'qituvchi, (*TerDU*)

Chizma geometriya bo'yicha o'quv jarayoni boshqa bir qator fanlarning o'quv jarayoni kabi, an'anaviy ravishda ma'ruza qismini va olingan bilimlarni mustahkamlovchi amaliy mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi.

Amaliy qism, avvalambor, amaliy mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi. Unda talabalar o'qituvchi rahbarligida, qoidaga binoan, avvalgi ma'ruza mavzusidagi bir xil muammolarni hal qilishadi.

Shuningdek, fanni o'rganishning amaliy qismiga talabalar tomonidan variantlarga muvofiq individual topshiriqlarning bajarilishi-grafik ishlar ham kiradi. Shaxsiy topshiriqlar ustida ishlashni to'g'ri tashkil etish bilan, aniqrog'i, talaba unga berilgan topshiriqlarni bajarish uchun birovning mehnatidan foydalanishi imkoniyatini istisno qilgan holda, (afsuski, hozirgi kunda bu holat keng tarqalgan) grafik ishlarning barcha komponentlarini kompleks baholashga imkon beradi va uning o'rganilayotgan mavzuni o'zlashtirish darajasini oshiradi. Shu bilan birga, o'tilgan mavzu yoki o'rganilgan materiallarning bir qismi (modul) bo'yicha nazorat ishlarini o'tkazish uchun ham vaqt sarflashning zaruriyati yo'qoladi. Chunki talaba individual topshiriqlarni bajarish barobarida mavzu bo'yicha barcha bilim, ko'nikma va malakalarini namoyish etadi. Bundan tashqari, agar talaba o'qituvchi rahbarligida grafik ishlarni bajargan bo'lsa va tayyor ish bilan darslarga kelmagan bo'lsa ham, ularni baholashda aniqlik bo'ladi.

Bunday mutlaqo shaffof o'quv sxemasini amalga oshirish uchun, avvalambor, tegishli o'quv va uslubiy ta'minot zarur bo'ladi.

Ma'ruzalar mavzusidagi nazariyani o'rganish uchun materiallarning taqdim etilish ketma-ketligi mos keladigan, hech qanday ezgu motivlardan keraksiz narsalarni o'z ichiga olmaydigan, masalan, bilim maqsadidagi (va undan ham yomoni, qo'llanmani namoyish qilish uchun buyurtma) o'quv qo'llanmalar zarur bo'ladi. Fan bilan dastlabki tanishishda ma'ruzadan tashqari ortiqcha materiallar va bu chizma geometriyada, maktabda o'rganilmagan holatlarda, uni o'rganish samaradorligini faqat qiyinlashtiradi (bu talabalarni chalg'itadi, o'rganilayotgan mavzuni shunchaki to'ldiradigan yoki chuqurlashtiradigan narsalardan tashqari aniq nima kerakligini topish uchun vaqtini sarflaydi). Shu sababli bilan bunday qo'llanmalarmohiyati jihatidan aniq ma'ruzalar kursiga - konspektga mos bo'lishi kerak va u fan bo'yicha shunchaki fundamental ish bo'lmasligi kerak.

Talaba o'tilgan ma'ruza mavzusi bo'yicha amaliy mashg'ulotlarga tayyorlangan holda yondashishi kerakligi o'z-o'zidan ma'lum. Fanning o'ziga xosligi shundaki, ushbu

tayyorgarlik asosan grafik ishlardan - grafik muammolarni hal qilishdan iborat. Ushbu bosqichda, avvalambor, fan bo'yicha tayyorgarlik vaqtida keng qo'llanilgan ish daftarlaridan foydalanish kerak bo'ladi. Ular har bir topshiriq uchun shartlarni to'g'ri chizish uchun vaqt sarflamasdan, tayyorgarlikning o'ziga ko'proq vaqt ajratishga imkon beradi. Bundan tashqari, agar ma'ruza amaliy mashg'ulot arafasida o'qilganda, ya'ni vaqt yetishmaydigan hollarda, ishchi daftar talabaga amaliy darsga tayyorgarlik ko'rish uchun ko'proq imkoniyat beradi.

Amaliy mashg'ulot ish daftari bo'yichamustaqil tayyorlanishning davomi bo'lishi kerak. Har bir mavzu bo'yicha mustaqil tayyorlanishning vazifalarining bir qismi, agar talaba ularni o'zi hal qila olmasa, o'qituvchining maslahat ko'magi bilan amaliy mashg'ulotda hal qilinishi mumkin. Ammo vazifalarning asosiy qismini chizma geometriya bo'yicha maxsus qo'llanmadan olish kerak [3], uning mazmuni o'rganilayotgan mavzu bo'yicha individual grafik ishlarning mazmuniga maksimal darajada mos keladi.

Ma'lumki, grafik masalalarda yechim oson bo'lishi uchun boshlang'ich shartni iloji boricha aniqroq ko'chirib chizish kerak, jumladan u daftar tashqarisiga chiqib ketmasligi kerak.

O'rganilgan materialni mustahkamlash uchun topshiriqlar, ma'ruza kursining har bir mavzusi bo'yicha individual grafik ishlar uchun topshiriqlar shartlari va ushbu ishlarni bajarish bo'yicha namunalardan tashqari, qo'llanma ilovalarida [3] ON va YaN uchun metrik, pozitsion masalalar, nazorat savollariro'yxati, ularga javoblarni tayyorlash misoli, murakkab grafik ishlarni bajarish bosqichlari, chizmalarni taxtlash bo'yicha ESKD standartlaridan olingan kichik hajmdagi ma'lumotlar ham keltiriladi.

Sirtqi ta'limda chizma geometriya faninio'rganish nazariya va amaliyot o'rtasidagi doimiy va to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik bilan birga olib borilishi kerak. Grafik chizmalarning nazariyadankichik uzilishi ham talabani qiynab qo'yadi. Buning sababi shundaki, talaba chizma geometriyani o'rganishni proektsiyalash sohasidagi minimal bilimlari, geometrik fazoviy tasavvur va geometrik tasvirlarda fikrlashning kam rivojlanganligi bilan boshlaydi.

Shu munosabat bilan, chizma geometriya bo'yicha tahlil qilingan qo'llanmalar to'plamini to'ldiruvchi [4] tavsiya etilgan qo'llanma grafik ishlarning mavzulari bilan mos tuziladi. Har bir bo'limboshida keyingi grafik ishlarni bajarish uchun zarur bo'lgan minimal nazariy materiallar beriladi. Keyin uni amalga oshirishning namunasi, unga kiritilgan vazifalarni bajarish bosqichlariva batafsil yechimi keltiriladi. Har bir bo'lim nazorat grafik ishlarini individual bajarish uchun dastlabki ma'lumotlar bilan yakunlanadi.

Adabiyotlar

1. T. J. Azimov. Chizma geometriya: o'quvqo'llanma- Toshkent. 2005
2. I. Raxmonov. Chizmageometriyadangrafikishlar: o'quvqo'llanma-T.: O'qituvchi. 1996
3. U. Abdullayev. Chizmageometriyadanmasalalarto'plami. T.: O'qituvchi. 1996 y. 158 b.
4. H. A. Shokirova, O. A. Ortiqov. Chizmageometriya: amaliymashg'ulotlar uchun o'quv qo'llanma. T.: Ta'limnashriyoti. 2015 y. 140 b.

“МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШДА ПРИПУСК” МАВЗУ МИСОЛИДА “ЧАРХПАЛАК” ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Азизов А.А., катта ўқитувчи Холматов А.С., талаба (ТДТУ)

Жамиятнинг ҳар томонлама раванқ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, айни пайтда кенг қўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлашда ягона давлат талаблари асосида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув-адабиётлари билан таъминлаш, педагогларга узлуксиз методик хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги тез ўзгарувчан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт ўқувчи ёшлар дунё қарашини шакллантириш янги педагогик интерфаол методлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Анъанавий машғулотлар олиб бориш аста секин ўз ўрнини интенсив ва интерфаол методларга, ноанъанавий дарс ўтиш ишларига бўшатиб бермоқда. [1].

«Чархпалак» технологияси дарс жараёни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. У бошқа турдаги машғулотларни ташкил этувчи ва ва бирлаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилади.

Тингловчилар дарс жараёнида припуск тўғрисида тушунчасига эга бўлиши, Технологик жараёнлар лойиҳаланганида оралик ва умумий припуск (қопламалар) аниқлаш, припускни аниқлаш усуллари, тажриба-статистик усулда деталнинг умумий припуски аниқлаш, аналитик - ҳисоб қирқиб ишлов беришда келиб чиқадиган ҳатоликларни ўрганиш натижасида припускни аниқлаш, Припуск миқдорининг бир ишлов беришдан иккинчи ишлов беришга ўтилганида камайиш қонуниятларини яхши ўрганиш, олдинги ишлов беришда ҳосил бўлган барча геометрик параметрлар ҳатолиги ва юза нуқсонлари мазмун-моҳияти ҳақидаги маълумотга ва билимга эга бўлишлари. [2].

Жихоз: тарқатма материаллар, анкета, ўқув дастури, дарсликлар, тест саволлари, маъруза асосида тайёрланган презентация слайдлари.

Режа:

1. Припуск тўғрисида тушунча.
2. Припуск қалинлигининг оптималлик шартлари.
3. Припуск турлари.
4. Припускни аниқлаш усуллари.
5. Припускни ташкил этувчилар.
6. Припуск параметрларини ҳисоблаш.

ДТСнинг мақсади : ўқувчиларга коммуникатив ва лингво-мамлакатшунослик имкониятларини шакллантириш орқали яъни, бу амалий , таълимий, тарбиявий, ва ривожлантирувчи мақсадлар ёрдамида амалга ошириш кўзда тутилади; Дарс жараёнида шу мақсадлардан мавзуга мосини танлаб белгилаш ва ёш авлодни ҳар тамонлама етук бўлиб етиштиришлари учун мазмунан тўғри жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

1-босқич: Машғулот бошлангунча машғулот жараёнида фойдаланиш учун

- зарур бўлган жиҳоз(ресурс)ларни хонани машғулот ўтиш учун қулай бўлган жойига жойлаштирилади. Ўқитувчи мавзунини таништирилади;
- доскага мавзу ёзилади ёки мавзу тайёр ёзилган флип илинади. Тингловчиларни мавзу билан таништирилади;
- танишув “Анкета” методи орқали иштирокчилар билан танишади.

2-босқич: тингловчиларнинг мавзуга оид билимлари ва эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида оғзаки савол-жавоб ўтказилади: “Чархпалак” методи ёрдамида қуйидаги саволлар орқали ўқув муҳити яратиш.

3-босқич. Мавзунини режа асосида ёритиш:

1. Тингловчилар юқоридаги саволлар ёзилган карточкалар орқали кичик гуруҳга ажраладилар. Ҳар бир гуруҳга



сўзлари ёзилган флиплар тарқатилади.

2. “Чархпалак” методи орқали ҳар бир гуруҳ ўз флипига келишиб шу сўз ёки саволга бир дона фикрини ёзадилар ва вақт тугаши билан ўз флипининг соат стрелкаси бўйича кейинги гуруҳга ўтказилади

3. Жараён тугагач тренер “Давра суҳбати” методи орқали ҳар бир гуруҳ ишининг гуруҳлар билан биргаликда муҳокама қиладилар.

4-босқич: мустаҳкамлаш учун амалий машғулотлар. Мавзудан дарсда фойдаланиш услублари бўйича гуруҳларга топшириқ берилади. Тингловчилар ўз тажрибасидан келиб чиқиб бошқарув усуллариининг фарқли жиҳатларини ҳамда мавзудан Машинасозлик технологияси фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ёндашувларини ишлаб чиқадиладар ва флипчартга ёзадилар.

Слайдлар ёрдамида кичик маъруза. Припуск ҳақида маъруза баён этилади. Припуск мазмуни ҳақида умумий тушунча ДТС талаблари асосида дарсни ташкил этиш ҳақида ўргатилади.

Гуруҳларнинг тақдимоти

Ҳар бир гуруҳ муҳбири гуруҳ тайёрлаган саволлари ёрдамида бошқа гуруҳ аъзоларидан интервью оладилар.

5-босқич: Машғулоти сўнгида давра суҳбати орқали фикрлар алмашилиши ва ўқитувчининг мавзунини мустаҳкамлаш бўйича хулосаси баён қилинади, мустаҳкамлаш учун тест саволлари тарқатилади.

6-босқич: мавзунини мустаҳкамлаш учун кичик гуруҳларда тингловчилар 10 дақиқа мобайнида мустақил тест ишлайди. Бунда ҳар бир гуруҳ кўшни гуруҳнинг тест натижаларини текширади. Ўқитувчи дарс якунида умумий хулосалар билдиради ва адабиётлар тавсия қилинади. [3].

Дарс жараёнида талабалар бевосита ўз-аро мулоқотда бўлиб фаол иштирокчи бўлиб қоладилар, ундан ташқари ўзларининг курсдошлари орқали олган маълумотларни улар осон қабул қиладилар, дарс жараёнида ўзларини эркин тутадиладар, гуруҳчалар ораси рақобатчилик руҳи ҳосил бўлади. Шунинг учун дарс самарали ўтади.

Адабиётлар:

1. Р.Ишмуҳамедов., А.Абдуқодиров, А.Пардаев. “Таълимда инновацион технологиялар” Т.:2008. 27,28.б
2. Тожиев А.Т. Автомобилларни ишлаб чиқариш технологияси асослари, Тошкент: ТАЙИ, 2000 й – 86 б
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т.: ТДПУ, 2003.й

ТАЪЛИМ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Артиқова К.К. ўқитувчи *(ТДПУ Термиз филиали)*

Таълим жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Шу сабабли ҳам инновацион технологиялар асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муаммоси бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад:

- таълим сифатини янада юқори босқичга кўтариш;
- таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш;
- ўқувчиларнинг ижодий, танқидий фикрлашини ривожлантириш;
- ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш;
- ўқувчиларда маълумотларни мустақил қабул қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш;

- ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади.

Кейинги ўн йил ичида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш муаммоси дунё миқёсида тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда кўпгина мамлакатлар таълим сифати бўйича қиёсий тадқиқотлар методологияси, технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш масаласида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг натижасида бутун дунёда таълим сифатини мониторинг қилиш тизими яратилди. Сўнгги йилларда узлуксиз таълимни янги сифат босқичига кўтариш ва унинг самарадорлигини ошириш, бунда инноватцион технологиялардан фойдаланиш масаласининг назарий тадқиқига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда бир қатор илмий изланишлар амалга оширилди. Улардаги асосий ғоя ва натижалар барча турдаги таълим муассасалари фаолиятининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни олиб боришда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Умумий ўрта таълим муассасаларида инноватцион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишда:

- инноватцион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини илмий асослаш, «янгилик», «янгилик киритиш», «янгилаштириш», «инноватция», «инноватцион фаолият», «инноватцион жараён», «инноватцион маданият» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш;

- таълим муассасаларида инноватсияларни жорий этиш бўйича мавжуд имкониятлар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик инноватсиялар мазмуни ва мезонларини аниқлаш, таянчилиши лозим бўлган тамойилларни белгилаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган инноватцион педагогик жараённинг таркибий тузилиши тизимини ишлаб чиқиш, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, компонентларини илмий асослаш, мақсад ва вазифаларини белгилаш;

- умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларини инноватцион педагогик фаолиятга тайёрлаш механизминини ишлаб чиқиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини илмий асослаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш йўллари белгилаш;

- умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг инноватцион маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларида инноватцион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлиги оширишга йўналтирилган моделни ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва келажакда такомиллаштирилган йўللари белгилаш муҳимдир.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларини инноватцион педагогик фаолиятга тайёрлаш, инноватцион маданиятини шакллантириш, уларга амалий-

методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқитувчиларни методик маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ва тажрибалар шуни кўрсатадики, замонавий инновацион технологияларни таълим тизимида ҳамда таълим-тарбия жараёнида унумли қўллаш:

- таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширади;
- ўқув-тарбия жараёнининг такомиллашувига;
- ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигини оширишга;
- ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишга;
- ўқувчининг мустақил фикрлаш, билишга қизиқиши ортишига;
- билимни мустақил ўзлаштиришга ҳамда билим, кўникма, малакаларни ўрганиш, шакллантириш ва ривожлантириш сифатини янада яхшилайти.

Жумладан, замонавий педагогик технологиялар:

биринчидан, ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини осон ва қизиқиб ўрганувчилар учун имконият яратиш;

иккинчидан, ўқитувчининг ҳам профессионал ўқувчига ҳам маънавий ривожланишига ёрдам беради.

Педагогик фаолиятда натижалар билан бир қаторда ушбу натижаларга эришиш ўз маҳоратидан келиб чиқиб, замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланади. Замонавий ўқитиш воситалари - бу ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дидактик воситалар (тарқатмалар, кўргазмалар, чизмалар, схемалар ва ҳ.кабилар) ва электрон воситалардир (аппаратли, дастурли ва ахборотли компонентлар, аудио ва видео дарсликлар, электрон дарсликлар, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, электрон матнлар ва ҳ.кабилар). Ҳозирги кунда барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникатсия хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бермоқда. Ҳар бир таълим муассасасида яратилган бундай шароитдан унумли ва самарали фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнида вақтнинг аниқлилиги тартибига кўра ахборот тизими орқали фаол ахборот ва маълумотларни эгаллаш, ҳамда уларга замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради.

Таълим сифати жамиятнинг сифатини ҳам белгилаш, нафақат таълим тизими учун, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ҳам энг асосий муаммо ҳисобланади.

Ўқувчилар томонидан эгалланган билим ва кўникмалар кўп йилларда уларнинг моддий ва маънавий соҳаларидаги имкониятларини белгилайди ҳамда уларнинг муваффақияти ижтимоийлашувини таъминлайди. Хусусан, янги электрон ўқув адабиётлар ишлаб чиқилишига, электрон дарсликлар, мултимедияли дастурлар яратилишига пухта замин яратади. Аммо таълим соҳасида электрон дарслик ёки қўлланма яратишда илмийлик, тушунарлилик ва қизиқарлилик, мунтазамлик, мазмунни пухта ўзлаштириш,

ўқувчи ва талабанинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, унда белгиларни онгли равишда ўзлаштира олишини ва кўргазмалилик каби педагогик тамойилларга таянилиши керак. Узлуксиз таълим тизими учун яратилган ҳар бир дарслик, ўқув қўлланма ёки мултмедиали дарстурларни соҳаларга жойлаштиришдан олдин ушбу соҳа мутахассислари маслаҳатларига таяниш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлаев О., Жураева С.Н., Мирзаева С.Р. Таълим методлари. –Т: Наврўз. 2017.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш – Т.: «Фан ва техника» 2008

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АМАЛИЙ ГЕОДЕЗИЯНИ АМАЛИЁТ БИЛАН БОҒЛАШ

Қаюмова Л.Ш. ўқитувчи (*ТДТУ Термиз филиали*)

Жаҳонда ўқитиш жараёнларини технологиялаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида таълим самарадорлигига эришиш, сифатни бошқариш **амалётга боғлаб** жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Илғор олий таълим муассасаларида аниқ ва техник фанлар, жумладан, геодезия фанининг глобаллашув шароитидаги ўрни ва аҳамияти назарда тутилиб, соҳа педагогларини тайёрлашнинг инновацион шакли сифатида блок-модулли тизимга асосланган лойиҳали ёндашувлар хусусиятларидан фойдаланиш тенденциялари кузатилмоқда. Дунёдаги етакчи илмий марказлар томонидан таълим технологияси, ўқув жараёнларини лойиҳалаш ва ташкил этиш муаммоларига доир изланишлар олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Мазкур тадқиқотлар таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси, замонавий педагогик технологиялар ва тамойиллари асосида машғулотларни лойиҳалаш андазаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, геодезия фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадига қаратилганлиги билан муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда фан, таълим-тарбия ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, олий таълим тизимини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим шакллари ва мазмуни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга бўлажак геодезия фани ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини оширишга доир тизимли ёндашувлар, “Геодезия ўқитиш методикаси” ўқув фани машғулотларининг ижобий натижавийлигини таъминлаш механизми етарли эмаслиги кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, олий таълим муассасаларида таълим сифатини такомиллаштириш, геодезия каби муҳим ва талаб юқори бўлган йирик

корхоналар, иншоотлар, кўп қаватли ва замонавий турар жой бинолари, маданий – маиший муассасалар, йирик ва катта узунликдаги кўприklar, автомобил ва темир йўллари қўрилмоқда. Уларни лойиҳалаш, қўриш ва ишлатиш жараёнида узлуксиз геодезик ўлчаш ва кузатиш ишлари чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” каби устувор вазифалар белгилаб берилди[2].

Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информатсион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Технологизациялаш - бу объектив жараён бўлиб, таълим эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал қилиш учун тайёргарлик даври.

Тарихан **«технология»** тушунчаси «техник тараққиёт билан боғлиқ равишда юзага келган ва бу тушунча санъат, ҳунар ва фан» ҳақидаги таълимотга мувофиқ келади.

Таълим-тарбия жараёнининг моҳияти шу амалий жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради. Агар талабалар билимларини амалиётда қўлланиши, ҳаётга татбиқ этишни ўргансалар ва бу жараёнда назарий хулосаларга келсалар уларнинг олган билимлари қатъий ишончга айланади. Амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчи шахсининг касбий-педагогик хислатлари шаклланишида ўз-ўзини тарбиялашнинг кучайиши кўмак беради. Малакавий амалиётнинг биринчи кунидак талабалардан асосий ижтимоий вазифа, яъни ҳар томонлама ривожланган йетук инсонни шакллантириш, ёш авлодни ҳаётга ва фаол меҳнатга тайёрлаш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, малакавий амалиёт даврида талабаларнинг иши ижодий характерга бўлиши лозим. Талабалар ўз касбий мажбуриятларини ижодий бажарса педагогик топшириқни ҳал қилишининг самалрали шакл ва усулларини кидирса, ўзи танлаган касбига муносабати, педагогик фаолиятга қизиқиши касбий маҳорати ошиб боради. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда малакавий амалиёт илғор иш тажрибаларини ўрганиш маскани маҳорат мактаби ҳисобланади.

Олий ўқув юртларида педагогик ўқув амалиёт тизими ва тузилиши.

Талабаларни бўлажак мустақил фаолиятга тайёрлаш учун педагогик амалиёт маълум тизим асосида ташкил қилиниб, курсдан-курсга ўтиши билан унга бўлган талаб ортиб боради. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятига бўлган юксак талаблар зарурий равишда педагогик амалиётнинг изчил, илмий асосланган тизимини яратишни тақозо қилади. Педагогик амалиётнинг турлари ва муддатлари мутахассислик ва ўқув йиллари бўйича давлат ҳужжати ҳисобланган амалдаги ўқув режалари билан белгиланади.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан

ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, кадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.

2. Ёўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий имкониятлари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.

3. Ортиков Н. Ёшларни тарбиялашдаги муаммолар ва йечилар. Тошкент, Ўз.М.У, 1994.

4. "Тил ва адабиёт таълими" Илмий — методик ойнома, 1992. 3-4 сонлар, 44-48 бетлар.

ЭКСПЛУАТАЦИЯДАГИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШНИ ЛОЙИХАЛАШ ФАНИДА ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРИЙ КОМПЛЕКСДАН ФЙДАЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

PhD доценти Умаров Х.У., Мавлонов М.О., магистр Саидов А.А., магистр
(ТДТУ)

Эксплуатациядаги темир йўлларни таъмирлашни лойиҳалаш талабаларида мураккаб техник тизим бўлган темир йўл инфратузилмаси объектлари, яъни темир йўл трассаси, ер полотноси; турли хил сув ўтказувчи иншоотлар, кўприк кечувлар ва тоннелларни таъмирлаш ва қувватини оширишни лойиҳалаш назарда тутди. ХХІ асрга келиб замонавий технологиялардан фойдаланиш темир йўл транспортининг ишлаш самарадолигини ошириш ва техник тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Ривожланган давлатлари темир йўл инфратузилмаси асосий объектлари лойиҳаларининг параметрларини танлаш, иқтисодий қидирув ишлари олиб бориш, темир йўлларнинг доимий қурилма ва иншоотлари фойдаланиш, ҳисоблаш ва танлашда *Credo*, *Robur*, *MXRAIL* (Bentley Systems) ва *GeoniCS* замонавий дастурий комплексларидан фойдаланиб келинмоқда [1,2]:

Ушбу компютерларнинг барчаси темир йўлларни реконструкция (модернизация) қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун мос келади.

Credo дастурий комплекси. *Credo* дастурий комплекси - автомобил йўлларини лойиҳалаш учун мўлжалланган, аммо замонавий амалиётда темир йўлларни лойиҳалаш учун ҳам қўлланилади. *Credo* тизими бир қатор дастурий пакетларни ўз ичига олади, шу жумладан:

Credo ТООПОПЛАН - рақамли ер моделини яратиш ва топографик режаларини бериш; *Credo* DAT - замин ва сунъий йўлдош геодезик маълумотларни қайта ишлаш; *Credo* ЙЎЛ - барча техник тоифадаги шаҳар атрофи автомобил йўлларини, темир йўлларни, шаҳар кўчалари ва автомобил йўлларини янги қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаш; шунингдек бир қатор тегишли вазифаларни ҳал қилишнинг дастурий воситалари ҳисобланади.


Credo тўлиқ фақат темир йўл қурилиши ва йўл қирқимларини ҳажмини ҳисоблаш билан иш орқасида дизайн вазифаларни ҳал қилиш учун дастурий таъминот билан жиҳозланган. *Credo* тизими темир йўл соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш воситаси сифатида етакчи давлатлар лойиҳа институтларига ишлатилмоқда.

MXRAIL (Bentley Systems) дастурий комплекси. *MXRAIL* дастурий комплекси АҚШ да ишлаб чиқилган бўлиб темир йўл транспортининг барча турлари тузилмаларини лойиҳалаш ва реконструкция қилиш учун мўлжалланган. Темир йўлларни лойиҳалаш ишларида уч ўлчамли жой моделини яратишдан ва лойиҳаланаётган объектни лойиҳа ҳужжатлари-чизма ва баённомаларни шакллантиришдан амалга оширилади.

MXRAIL янги темир йўлларни лойиҳалашда қуйидаги имкониятларни беради:.

- темир йўлларни тарҳини лойиҳалаш;
 - темир йўл бўйлама ва кундаланг қирқимини лойиҳалаш;
 - ер полотноси конструкцияларини лойиҳалаш;
 - йўл ўтказгичларини ва кесишмаларни лойиҳалашни автоматлаштириш
- учун дастурнинг кутибхонасидан меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Темир йўл трассани қайта қуриш ва таъмирлашни лойиҳалашда дастлабки маълумотлар бошланғич қуйидаги маълумотлардан олинади: трассанинг ўқи бўйлаб, битта темир йўл бўйлаб, иккита релслар бўйлаб. Режа элементларининг параметрларини ва мавжуд йўлнинг бўйлама қирқимини танлаш регрессия таҳлили (энг кам квадратлар усули) орқали амалга оширилади. Белгиланган хатоликни ҳисобга олган ҳолда режа элементлари ва бўйлама профилнинг геометрик параметрларини тиклаш, танлаш интерактив бажарилади. Режадаги ва бўйлама қирқими йўлнинг деформациялари таҳлил қилинади. Лойиҳа ечимига кўра, мавжуд йўлнинг нисбий деформациялари ҳақида ҳисобот олиш мумкин. Лойиҳа ҳужжатлари *Excel* жадваллар шаклида яқунланди *3D* модели автоматик равишда ҳосил ва жадваллар ва ҳисоботларни ўз ичига олади: йўлда юқори тузилиши устида иш миқдори, (ҳисобга ўсимлик қатлами кесиш олган ҳолда) тупроқ миқдори, табиатда олиб ташлаш учун ва бошқалар. Режалар, қирқимлар, комбинацияланган режалар ва қирқимларга чизмалар ва кесимлар *MXDRAW* модули ёрдамида автоматик равишда чизилади ва кўрсатилади (Расм. 1).




Расм 1 - *MXRAIL* (Bentley Systems) дастурий комплекси ишчи ойнаси

MXRAIL дастурий комплекси ёрдамида темир йўл инфратузилмани бошқариш, линиядаги барча

ишлар учун умумий маълумотлар базасини яратиш ва йўлни таъмирлаш учун бир нечта вариантларда таҳлил қилиш имконини беради. *MXRAIL* дастурий комплекси ёрдамида Жанубий Корея ва Тайван давлатлари тезюар темир йўлларни лойиҳалашда кенг фойдаланилган. Ҳозирги вақтгача ушбу давлатлар темир йўллари реконструкция қилишда ушбу дастурий комплекдан кенг фойдаланилмоқда.


GeoniCS дастурий комплекси. *GeoniCS* дастурий комплекси темир йўл лойиҳаси учун мўлжалланган, ички технологиялар ва лойиҳа анъаналари қаратилган. Платформа *Autodesk* дан *AutoCAD* ва *AutoCAD Civil 3D* маҳсулотларидан фойдаланади. *GeoniCS* функционал янги лойиҳала ечимларни қабул қилиш учун қўллаб-қувватлаш ўз ичига олади, шу жумладан реконструкция ва мавжуд темир йўлларни таъмирлашни ўз ичига олади. Ушбу дастур ёрдамида темир йўл эгриликларини лойиҳалаш ва мавжуд темир йўлларни эгриликларини ўзгартиришда фойдаланиш яхши натижа беради (Расм. 2).



Расм 2 - *GeoniCS* дастурий комплекси ишчи ойнаси

ё рдамида темир йўл эгриликларини лойиҳалаш ва мавжуд темир йўлларни эгриликларини ўзгартиришда фойдаланиш яхши натижа беради (Расм. 2).

ROBUR дастурий комплекси. *ROBUR* дастурий комплекси Россияда ишлаб чиқилган дастур бўлиб фазовий рақамли модели асосида темир йўл ёки унинг станцияларини лойиҳалашни моделлаштиради. *ROBUR* дастурий комплекси учта ойна (трах, буйлама қирки ва кундаланг қирким) билан ифодаланади. Ушбу учта ойна темир йўлнинг тархини, буйлама ва кундаланг қиркимини мураккаб шароитлардан келиб чиққан ҳолда энг мақбул вариантларни танлашни осонлантиради. Темир йўлларни таъмирланни лойиҳалашда бир қанча вариантлардан энг мақбул вариантни танлаш



Расм 3 - *ROBUR* дастурий комплекси ишчи ойнаси

инвестицияларни асослашда муҳим рол ўйнайди (Рис. 3).

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистонда темир йўлларни таъмирлашни лойиҳалашда *Credo, Robur, MXRAIL* (Bentley Systems) ва *GeoniCS* замонавий дастурий комплексларидан фойдаланиш темир йўлнинг пастки ва усти элементларини танлаш ва техник-иқтисодий энг мақбул вариантини танлаш имконини беради. Шунини ҳисобга олган ҳолда барча талабаларга *Credo, Robur, MXRAIL* (Bentley Systems) ва *GeoniCS* замонавий дастурларни фан дастурларига киритиш ва кенг фойдаланиш лозим.

Адабиётлар

1. Бучкин, В.А. Сравнительный анализ программных комплексов / В.А. Бучкин, Е.П. Ленченкова, Е.А. Рыжик /: М. Мир транспорта, №2, 2013.–С.112-121.
2. Robur Топоматик. Железные дороги. Версия 3.0 [Электронный ресурс], С.Пб.: НПФ Топоматик. RU, 2009. – URL: [http://www. topomatic.ru /download/brochures/robur-rail](http://www.topomatic.ru/download/brochures/robur-rail).

ПЕДАГОГИКАДА ФАН ИЧИДАГИ ВА ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК

Хазраткулова Ш.Н ўқитувчи (*ТДПУ Термиз филиали*)

Таълим тизимининг ривожланиши мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларни ва энг аввало, бозор муносабатларининг жорий қилинишини ҳисобга олган ҳолда уни янгиҳасига ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезади.

Мана шунга боғлиқ ҳолда узлуксиз таълимнинг барча босқичларида асосий педагогик вазифа бўлиб кўп йиллик интеллектуаль-фаол ижтимоий, меҳнат фаолиятлари жараёнида ўзини ўзи долзарблаштира олишга қобил бўлган шахсни ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади.

Бунда педагогларнинг талабалар фаолиятини ташкил этувчилар сифатидаги мақсади – бу режалаштириладиган ва эришиш мумкин бўладиган позитив психологик-педагогик натижадан, унинг асосий функцияси эса – професионал шахс ривожланишини рағбатлантиришдан иборатдир. Шунинг учун педагогик жараён муваффақиятлигининг асосий шarti – бу ўқув ва педагогик фаолиятда натижавийликни шартлайдиган рағбатлантиришнинг психологик-педагогик механизминини яратишдир.

Илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, ўқув дастурлари ва режаларининг таҳлили, педагогик тажрибалар умумкасбий ўқув фанлари мазмунининг интеграцияланишини амалга ошириш зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон берди.

Дидактлар ва психологларнинг тадқиқотлари кўрсатдики, ўзаро боғлиқликдаги тушунчалар ва маҳоятнинг бир вақтнинг ўзида (параллель) ва

тизимли ўзлаштириш уларни алоҳида ўзлаштиришга қараганда анча самаралироқдир.

Фан ичидаги ва фанлараро алоқадорлик тамойили фанлараро ва фан ичидаги алоқадорликнинг ўрнатилишига, ўзаро шартланган, изчил, мантиқий тузилган мазмунни тузишга йўналтирилгандир. Бу тамойил ўқув фанлари мазмунида табиатда амал қиладиган ва ҳозирги замон илм-фанида шрганиладиган диалектик ўзаро алоқадорликлар ўз аксини топиши кераклигини кўзда тутди. Талабаларда шакллантириладиган билим, маҳорат ва кўникмаларнинг мустаҳкамлиги ва ҳаракатчанлигининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ўқув фанларини ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадорликларни амалга ошириш саналади.

Фанлараро алоқадорликлар муаммосининг ҳал қилиниши ўқув жараёни мазмунини, методларини ва унинг ташкил этилишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўз мазмуни бўйича яқин бўлган ўқув фанларининг ўзаро алоқадорликлари нафақат талабаларда билимлар сифатининг оширилишини таъминлайди, балки уларни амалиётга тайёлашга ёрдам беради, уларда кенг томонли илмий дунёқарашни ривожлантиради, бунда яхлит материаллистик дунёқарашнинг шаклланишига кўмалашади.

Фанлараро алоқадорликлар – бу кўп қиррали, турли хил хусусиятли, ҳар хил функционалли ҳодисадир.

Фанлараро алоқадорликларнинг моҳиятини тўғри тушуниш учун шуни эътиборга олиш керакки, бунда улар икки томонга эга бўлади. уларни шартли ҳолда объектив ва субъектив деб атаймиз.

Фанлараро алоқадорликларнинг объектив томони ўқитиш мазмунининг белгиланишида ўз асини топади ва ўқув режалари ҳамда дастурларини, умумтехник ўқув фанларининг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади. Фанлараро алоқадорликларнинг бу томони тизимлилик тамойилини акс эттиради ва ўқув режалари ҳамда дастурларида ўзаро алоқадорликдаги ўқув фанлари бўйича ўқув материалларини шундай танлаб олиш ва жойлаштиришни белгилайдики, бунга кўра битта ёки бир нечта ўқув фанларини ўрганаётган талабалар эгааллаган билимлар бошқа ўқув фанларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади ёки уларни ўрганиш давомида мустаҳкамланади.

Талабалар катта миқдордаги умумкасбий ўқув фанларини ўрганадилар, бунда уларда турли хил маҳорат ва кўникмалар шаклланади буларнинг барчаси улар томонидан ягона ўзаро боғланган мажмуа тарзида қабул қилиниши лозимдир.

Фанлараро алоқадорликларнинг моҳияти ва таснифини кўриб чиқишда ўқитиш жараённинг объектини, яъни, талабани асосий деб олиш лозим, бунда унинг ўқитилиши ва тарбияланиши учун ўқитувчиларнинг педагогик таъсир кўрсатиши йўналтирилган бўлади. Бу вазиятда фанлараро алоқадорликларнинг ҳаракат соҳаси сезиларли равишда кенгайиши мумкин ва нафақат ўзаро

боғланган ўқув фанларининг, балки барча ўқув фанларининг ҳам ўрганилишини қамраб олади, бундан эса ўқув жараёнида иштирок этадиган барча ўқитувчиларнинг ҳам фаолияти қамраб олиниши келиб чиқади.

Педагогик амалиётда “фанлараро алоқадорликлар” атамаси кўпинча унга турдош бўлган “фан ичидаги алоқадорликлар” атамаси билан бирга қўлланилади. Фан ичидаги алоқадорликлар – булар битта ўқув фанининг материалларини тузиб чиқиш ва уларни ўрганиш мазмуни ҳамда мантиғи бўйича алоқадорликлардир.

Улар мавзу ва умуман ўқув фани бўйича мазкур фан доирасида илгари умумий мантиқ бўйича ўрганилганларга таянган ҳолда дарс машғулотлари тизимини тузиб чиқишда намоён бўладилар.

У барча умумкасбий ўқув фанлари бўйича билимларнинг фундаменталлигига асосланадиган талабаларнинг умумкасбий тайёргарлиги мазмунининг қайта кўриб чиқилишини кўзда тутди. Таълим мазмунидаги мана шундай ёндашувда кўп миқдордаги хусусий ҳодисалар ўрнига илмий билимларнинг инвариантли тузилмавий бирликларини ажратиш кўрсатиш мумкин бўлади. бу ҳолда фундаменталь билимлар мазкур мутахассисликда кузатиладиган далиллар ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириб бера оладиган билимларга айланади.

Мана шундай билимларни ўзлаштирган талабалар келгусида қолган барча вазиятларда уларни махсус ўргатишсиз-ўқитишсиз ҳам воқеа-ҳодисалар сабабини тўғри англай оладиган бўладилар ва касбий жараёнини бемалол амалга ошира олиши ва уни тушуниши мумкин.

Адабиётлар

1. Толипов Ў.Қ., Усманбаева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Т.: Фан, 2006. – 261 б.
2. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: «Молия», 2003. – 168 б.
3. Педагогика / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко, Е.Н. Шиянов. - М.: Школа-Пресс, 1998. - 512 с

ТАЛАБАЛАРГА ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Халилов М.С. катта ўқитувчи (*ҚарМIIИ*)

Бугун таълим жамиятнинг ривожланишида ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Айнан таълим фан ва маданиятни ривожлантиришда муҳим рол уйнайди, талаба ёшларни ҳар томонлама ва замонавий ривожланишини таъминлайди ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини очишга ёрдамлашади ва ўз-ўзига таълим бериш кўникмаларини шакллантиради.

Бизнинг изланишларимизда талабалар фазовий тафаккурини шаклланишнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш муҳим рол уйнайди. Фазовий тасаввур ривожланиш кўрсаткичларини белгилаб олиш учун педагогик-

психологик адабиётларни ўрганиб чиқдик. Масалан, И.С.Якиманская фазовий шаклланганлигининг барқарорлиги, кенглиги, эгилувчанлиги, чуқурлиги, тўлиқлиги, геометрик объект образининг динамиклиги, мақсадга йўналганлиги каби кўрсаткичларни келтириб ўтади. Бу кўрсаткичларнинг йиғиндиси талабалаарнинг фазовий тафаккурининг тўлиқ ва ҳар томонлама шаклланганлигини ифодалаб беради.

Тасаввурнинг чуқурлиги идрокнинг яхлитлиги, яъни объектни яхлитлигича кўриш, ҳамда унинг тузилмасини, элементлари орасидаги алоқадорликни, бошқа объект билан ўзаро муносабатларни аниқлаш, у ёки бу фигуранинг ҳосил бўлиш усуллари тушуниш, унинг кейинги ҳаракатини олдиндан кўра билиш қобиятларини белгилаайди. Фазовий тасаввурнинг бундай сифати тасвири ахборотни таҳлил қилиш, стандартларни ўзгармас образларни янги алоқадорликда кўриш босқичида намоён бўлади [1].

Фазовий тасаввур кенглиги хусусий вазиятларда қўлланиладиган ҳаракатларнинг умумлашган усулларни шакллантириш қобияти билан тавсифланади. Яъни бу сифат таниш вазиятларда янги маълумотни еътиборга олишга тайёр туришда намоён бўлади. Бу сифат муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда график ахборотни таҳлил қилиш босқичида, стандартларни ўзгармас образларни аниқлаш, айниқса, янги қўшимча маълумотлар олиш жараёнида, фазовий тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантиришда қатнашади.

Фазовий тасаввурнинг эгилувчанлиги ҳаракатлар усуллариининг вариативлик хоссаси билан ҳарактерланади. Ҳаракат шароитлари ўзгарганда қайта қуришнинг осонлиги, бир ҳаракат туридан бошқасига осон ўтиш, бир предмет сифатини бошқасига осон кўчириш, қабул қилинган анъанавий график амаллар чегарасидан ташқарисига чиқиш, объектнинг ўзгартирилганда унинг асосий хусусиятларини сақлаб қолиш мумкин бўлган бир неча вазиятларни кўриш қобиятлари билан ҳарактерланади. Тасаввурнинг бу сифати муҳандислик графикасини ўқитишда фазовий тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг барча босқичларида намоён бўлади.

Фазовий тасаввурнинг барқарорлиги дастлаб яратилган образнинг кўргазмали асосини инобатга олган ҳолда образ устида амаллар бажаришда эркинлик даражаси билан белгиланади. Бу эркинлик яққолликнинг бир кўринишида бошқасига ўтишда, унинг мазмунини ўзига хос тарзда эса сақлаб қолган ҳолда, объектда ўзгаришларни қайд этиш, фазовий объект образини таҳлил қила олиш малакасида намоён бўлади [2].

Қуйидаги малакаларни эгаллаш фазовий тасаввурларнинг барқарорлигини ривожлантиришга ёрдам беради:

- геометрик фигуранинг турли хил тасвирларини солиштириш (турли кўргазмали тасвирлар устида амаллар бажариш);
- геометрик фигура образини таҳлил қила олиш;
- геометрик фигура образини синтезлаш.

Мухандислик графикасини ўрганишда фазовий тасаввурнинг барқарорлиги геометрик объектнинг асосий белгиларини сақлаб қолиб, зарурий бўлмаганларини ўзгартириб, бир қанча геометрик образларни кўриб чиқиш имконини беради. Бу кўрсаткичнинг ривожланишига фазовий тасаввурнинг кенглиги ва эгилувчанлиги кўмаклашади.

Фазовий тасаввурларнинг тўлиқлиги фазовий образнинг таркибий тузилмаси, яъни элементлар тўплами, улар орасидаги алоқадорлик, уларнинг динамик нисбатини онгимизда эркин идрок этиш билан характерланади. Ҳосил қилинган образда нафақат объектнинг таркибий тузилмасига кирган элементлар, балки унинг фазовий жойлашуви ҳам акс эттирилади. Бундан келиб чиқадики, онгимизда ҳосил қилинган геометрик объектлар образида уларнинг шакли, катталиги, унинг бошқа объектларга нисбатан ёки унинг қисмларининг бир-бирига нисбатан ўзаро жойлашуви ҳақидаги тасаввурлар ва маълумотлар ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, шакллантирилаётган фазовий тасаввур тўлиқ бўлиши учун қуйидаги малакаларга эга бўлиш керак:

- геометрик объект образини қисмларга ажрата олиш;
- геометрик объект образининг ўлчам қийматларини аниқлай олиш;
- геометрик объект образини бошқа образларга нисбатан ўзаро жойлашув нисбатини аниқлай олиш;
- геометрик образ элементларининг бир-бирига нисбатан ўзаро жойлашишини аниқлай олиш;
- чизикли ва бурчакли катталикларни кўриб баҳолай олиш;
- шаклланган образда унинг хусусиятларини ва элементларининг ўзаро жойлашуви ҳақида тасаввурни етарли бўлиши.

Бу кўрсаткичнинг ривожланишига визуал кўриб идрок этиш қобилиятининг чуқурлиги ва кенглиги кўмаклашади [3,4].

Фазовий тасаввурларнинг динамиклиги қараш нуқтасини, фазовий объектнинг ва унинг элементларининг жойлашган ўрнини ихтиёрий ўзгартириш натижасида кузатувчи фазовий фигурани кузатиш жараёнида уларнинг муайян текислик проекцияланган текис фигуралари билан танишади ва уларни бир-бири билан қиёслайди ҳамда энг мақбул кузатиш нуқтасини танлайди.

Талабаларнинг онгида борлиқдаги объектларни кузатиб, идрок этиш жараёнида кечадиган ва шаклланиб ҳамда ривожланадиган фазовий тафаккур ва тасаввур тушунчалари изоҳлаб берилган. Шунингдек, илк бор фазодаги мавжуд объектнинг онгимиздаги мавҳум фазовий тасаввурини идрок этиш ва шакллантиришнинг умумий схемаси ишлаб чиқилди.

Талабаларда фазовий тасаввурнинг шаклланганлик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ҳамда бу кўрсаткичларни ривожлантириш учун талабалар эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ёритиб ўтилган.

1-савол. Қандай геометрик фигураларнинг V текисликдаги проекцияси A'' нукта каби бўлади ёки u билан қўшилиб қолади? Бу савол ҳар бир талабани

ўйлашга, фикрлашга, изланишга ва мустақил хулоса чиқаришга сафарбар қилади.

Бироз вақт ўтгач ўқитувчи талабаларнинг жавобларини эшитиб, улар билан қизгин баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, тез топиш, ижодий изланишларга йўналтириб ҳамда ундаб, уларнинг ҳар бирини фикр мулоҳазаларини эшитади ва умумлаштиради. Яъни A'' нукта ундан ўтувчи проекцияловчи l нурда ётувчи фазодаги A нуктанинг проекцияси бўлади деб, 1-расм келтирилган мисолда кўрсатилганидек, слайдни намоиш этади ёки доскада чизиб кўрсатади.

Талабалар доскада бажарилган чизмани тарқатма материалга кўчиради. Шундан сўнг ўқитувчи кейинги саволни беради.


2- савол. Проекцияси A'' нукта билан устма-уст ётадиган A нуктадан бошқа нукталар ҳам бўлиши мумкин-ми? Агар мумкин бўлса, бундай нукталар V текисликка нисбатан қандай жойлашади, деб иккинчи саволни беради.

Бир неча дақиқалардан сўнг талабаларнинг жавобларини юқорида келтирилганидек, муаммоли вазият жараёнида қизгин баҳс ва муҳокама қилиб, уларнинг тўғри ёки нотўғри жавобларини изохлаб, қуйидагича умумлаштирилади:


Масалани чексиз кўп ечими бўлади. Фазодаги бундай нукталар проекцияловчи l нурда ётган бўлиб, A нуктадан олдинда (A_1 нукта каби), A нуктадан билан V текислик орасида (A_2, A_3 нукталар каби), V текисликда, A'' нукта билан устма-уст (A_4 нукта каби) ва V текислиكنинг орқасида ($A_5, A_6 \dots$ ва A_8 нукталар каби) жойлашишлари мумкин, деб ўқитувчи талабаларнинг фазовий тасаввур қилиш ва мантикий фикрлаш қобилиятларини проекцияловчи l нур бўйлаб деформациялайди-шакиллантиради (2-расм).

Уларнинг бутун эътиборини проекцияловчи l нурда ётувчи ва V текисликка

нисбатан турли вазиятларда жойлашган чексиз кўп нукталар мавжудлигини идрок этиб, бундай нукталарни ўз онгларида муҳрланиб қолишига ундаб эътиборларини жалб қилади [5].



1-расм



2-расм

Шундай қилиб, биз ишлаб чиққан фазовий тасаввурни ривожлантириш методикаси ёрдамида талабаларнинг фазовий тасаввур қилиш ва мантикий фикрлаш қобилиятларини ошириш мумкин экан. Улар эшитиб ва юқорида

келтирилган кўргазмали материалларни кўриб ҳамда 1-2 расмдаги чизмаларни тарқатма материалларга чизиб олиб фазовий тасаввурларини шакллантириш билан бир вақтда мустаҳкамлайдилар. Фазовий тасаввур-фазодаги объекларни онгимизда аслидагидек идрок этиш жараёнида нарса ва ҳодиса тўғрисидаги мантиқий фикрлаб хулоса қилинган билимлар йиғиндиси асосида акс эттирилган образ бўлиб ҳисобланади.

Демак, муҳандислик графикаси фанини ўқитиш жараёнида шакллантирилувчи фазовий тасаввур деганда биз сезги органлари орқали олинган маълумотлар таҳлил қилиш натижасида ҳосил бўлувчи геометрик объектларнинг умумлаштирилган образини тушунамиз. Фазовий тасаввур реал объект ёки модел асосида у ҳақда сезги органлари орқали келиб тушувчи маълумотларни таҳлил қилиш, идрок этиш натижасида олинган билимлар бирликлари ва уларнинг образларини ифодалаб беради.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов. Ш. Чизма геометрия курсини ўқитиш маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-методик асослари. Монография-Наманган, 2007.
2. Ёдгоров. Н. Чизмачиликда геометрик шакллар проекцияларини ўқитиш ҳақида. –Т. Низомий номидаги ТДПУ, Республика ИАК материаллари. 2005 й.
3. Ҳалимов М. Фазовий тасаввурлаш ва мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиришнинг тезкор усуллари. Т. Низомий номидаги ТДПУ, Республика ИАК материаллари. 2005 й.
4. Якиманская И.С. Развитие пространственного мышления школьников. М. Просвещение, 1980. 239 с.
5. Рихсибоева. Х. Чизма геометрия фанида фазовий тасаввурни ривожлантириш аппарати ва ундан фойдаланиш методикаси. Низомий номидаги ТДПУ нашриёти. Тошкент-2015.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛИШИ УЧУН ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ВА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

т.ф.н., доцент Эргашев Б.Б (*НМТИ*)

Ушбу мақолада профессионал таълим тизими битирувчиларининг рақобатбардош бўлиши учун педагогик компетентлик ва креативлик тушунчасининг моҳияти, педагогга хос компетентлик сифатлари, уларни ривожлантириш йўллари, педагогик маҳоратнинг таркибий асослари, педагогик креативликнинг профессионал таълим тизими битирувчиси фаолиятидаги аҳамияти, ўрни ва ролига доир масалалар ҳақида сўз юритилган.

Ҳозирги шиддат билан ревожланаётган замонда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истикболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги

кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш рақобатбардош кадрлардан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда. Профессионал таълим тизими битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришда, интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга [1].


Профессионал таълим тизимида “Мутахассислик” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди. Айни вақтда битирувчида педагогик компетентлик ва креативликни ривожлантиришда улар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишларига ёрдам беради. Ўқув модули доирасида тингловчилар инновацион таълим технологияларининг моҳияти, муҳим асослари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, профессионал таълим тизими битирувчилари педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларида хабардор бўлади, инновацион ҳарактерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида битирувчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади [3-4].

Компетентлик ва касбий компетентлик тушунчаларининг моҳияти, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, ўни изчил равишда ошириб боришни тақозо этади. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Профессионал таълим тизими битирувчиси ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан фикр юритамиз.

Ҳаммамизга маълумки “Компетентлик” (ингл.competence-қобилият) - фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишдир. Компетентлик

тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда битирувчининг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалликни англатади.

Битирувчининг касбий компетентлиги - мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгаллиниши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олишидир. Битирувчининг касбий компетентлиги мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгаллинишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади [2].



1-Расм. Профессионал таълим тизими битирувчисининг касбий компетентлиги бўлиши зарур бўлган жараёнлар схемаси.

Профессионал таълим тизими битирувчиси касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Юқоридагиларни билиш натижасида битирувчи меҳнат бозорида ўз ўрнини топади. Булардан ташқари битирувчини креативлиги ҳам ривожланган бўлиши керак, бу ерда креативлик ўзи нима деган саволга жавоб берайлик. Креативлик (лот., create - яратиш, creative - яратувчи, ижодкор) - индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида

иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. Битирувчининг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик битирувчини яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

П.Торренс фикрича, креативлик тушунчаси негизида қуйидагилар ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг намоён эта олиш.

Профессионал таълим тизимида креативлик сифатлари қуйидагилар саналади [2]:



2-Расм. Профессионал таълим тизими битирувчисининг креативлик сифатлари.

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Хўш, рақобатбардош битирувчи фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоён бўлади? Одатда креативлик битирувчининг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат

битирувчининг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Факатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки замонавий шароитда профессионал таълим тизими битирувчисининг касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши, ўз устида изчил ишлаши, кун сайин янгилашиб бораётган билимларни ўзлаштиришга интилиши, ўқув ахборотларини жамоага қизиқарли тарзда етказиб бериш учун машғулотларга тайёргарлик кўришга ижодий ёндаша олиши талаб этилмоқда. Бинобарин, глобал ахборотлашув ижтимоий субъектлар, хусусан, битирувчилар томонидан ҳам исталган маълумотни ихтиёрий равишда ўзи учун қулай шароит ва жойда турли ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўзлаштириш имкониятини юзага келтирмоқда. Гарчи шундай ҳолатда маълумотларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда кенг бўлсада, бироқ, шахс томонидан бу таҳлитда ўзлаштирилган ахборотларнинг барчаси ҳам билим сифатида намоён бўлмайди. Чунки билимнинг ҳар қандай ахборотдан асосий фарқи маълумотларнинг муайян соҳалар бўйича тизимли, изчил, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқли ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Файдаланилган адабиётлар:

1. МИРЗИЁЕВ Ш.М. Олий мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Т.: 29.12.2020 й.
2. Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.-Тошкент, 2015 й.
3. Ергашев Б.Б., Исмаилова З.К. Олий таълим муассасасиси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг педагогик стратегияси // Монография – Наманган нашриёти 2019. Адади 300 н.
4. Д.О. Кшимматалиев, К.Т. Олмов, Р.М.Абдуллаева, Б.Б. эргашев, К.Т. Чулпонова. Мечанисмс оф профессионал компетенсе девелопмент ин футуре теачерс басед он педагогисал анд течнисал кноуледге // ПСИХОЛОГИЙ АНД ЭДУКАЦИОН (2021) 58(1): Пп. 2838-2844 ИССН: 00333077

TEXNIKA YO`NALISHI TALABALARIGA CHET TILINI O`QITISHDA BILLINGUAL TA'LIMNING XORIJY TAJRIBASI TAHLILI

Qarshiyeva B. F.(TerDU)

Zamonaviy sharoitda chet tilidagi kommunikativ kompetentsiyani o'zlashtirish universitet bitiruvchisining muvaffaqiyatli kasbiy faoliyati uchun zarur shartlardan biriga aylanib bormoqda.

Evropa qit'asida so'nggi uch yil ichida ingliz tilida o'qish dasturlari soni uch baravar ko'paydi; va ushbu dasturlarning aksariyati (umumiy hajmning 27%) muhandislik ta'limi bilan bog'liq [1]. Universitetlar tomonidan chet tilida o'qitiladigan kurslar sonining ko'payishi qisman chet ellik talabalarni jalb qilish bilan bog'liq.

Masalan, Uppsala Universitetining (Shvetsiya) Fan va texnologiyalar fakultetida bakalavr va magistrlar uchun darsliklarning 87% va aspirantlar uchun darsliklarning 100% ingliz tilida yozilganligini faqat shu bilan izohlash mumkin emas [2].

Xitoy, Koreya, Evropa, Arab mamlakatlari, Janubi-Sharqiy Osiyo mamlakatlarida ikki tilli ta'limni rag'batlantirish bo'yicha hukumat siyosati amalga oshirilmoqda. Xitoy universitetlariga ikki tilli asosda o'qitiladigan barcha kurslarning 5% -10% vazifasi yuklatilgan. Xitoyning Oliy Ta'lim Departamentining 2004 yilgi nizomiga binoan, ikki tilli dasturlarning mavjudligi universitetlar faoliyatini baholash uchun muhim ko'rsatkichlardan biridir. Biotexnologiya, axborot texnologiyalari va boshqa qator fanlarni o'qitishda bunday dasturlarni joriy etishga alohida e'tibor qaratilmoqda [3].

Adabiyotni o'rganish shuni ko'rsatadiki, so'nggi 20 yil ichida chet el universitetlarining o'quv amaliyotida ikkita innovatsion ta'lim turi keng tan olingan: mavzu va chet tili (**CLIL** - Content and Language Integrated Learning) mazmunini o'zaro bog'liq o'rganish sifatida qaralishi mumkin bo'lgan **sub'ektlararo integratsiyalashgan ta'lim**; va **akademik fanlarni ingliz tilida o'qitish / o'rganish (talabalar uchun chet tili)** (**EMI** – English as Medium of Instruction).

Birinchi turdagi o'quv jarayonini (CLIL) metodikasini va tashkil etishni loyihalashda chet el tillari bilan bir vaqtda kasbiy kompetentsiyani shakllantirish maqsad qilingan. Ta'lim jarayoni ona tiliga asoslangan ikki tilli bo'lib, chet el texnik universitetlari amaliyotida sub'ektlararo integratsiyalashgan o'qitish ko'p hollarda chet tili o'qituvchilari tomonidan amalga oshiriladi (1-jadval). Shu bilan birga, matematika, informatika, tabiatshunoslik, iqtisodiyot va boshqa shu kabi fanlar qoida tariqasida, professional sikl predmetlari bilan bevosita bog'liq bo'lmagan holda ingliz tilida o'qitiladi. Chet el oliy o'quv yurtlarida ingliz (ona tilida bo'lmagan) tilida muhandislik o'quv kurslari fan o'qituvchilari tomonidan olib boriladi.

Jadval 1. Chet el universitetlarida chet tilida ta'lim turlari

Ta'lim jarayonining turi	Ta'lim jarayonining yo'nalishi	Tilga tayanish	O'qituvchilar
CLIL predmet-tilni kompleks o'rganish	Chet tilni o'rganish va lingvistik bo'lmagan fanlarni o'rganish	Mahalliy (ikki tilli ta'lim)	Chet tili o'qituvchilari va fan o'qituvchilari
EMI O'quv fanlarini ingliz (chet tili) da o'qitish / o'rganish.	Chet (ingliz) tilida lisoniy bo'lmagan (muhandislik) fanlarni o'rganish	Chet tili (ingliz)	Fan o'qituvchilari

Fanni integral o'rgatish (CLIL) Kanada va AQShda paydo bo'lgan. Ushbu turdagi o'qitishning (ta'limning) Kanada uchun dolzarbligi ushbu mamlakatda ikkita davlat tili mavjudligi bilan bog'liq. Amerika Qo'shma Shtatlarida predmetni o'rganish ingliz tilini yaxshi bilmaydigan o'quvchilarning til qobiliyatini yaxshilash uchun ishlatiladi [4]. O'quv fanlarini ingliz tilida (ona tili bo'lmagan) (EMI) o'qitish / o'rganish Janubiy Afrika va Osiyodagi ta'lim muassasalarida keng qo'llaniladi.

Ikki tilli ta'limning maqsadi (turli darajadagi CLIL va EMI) talabalarni chet el (ko'pincha ingliz) tilida kasbiy ma'lumot olishga o'rgatish va ushbu tildan o'qitish va kasbiy muloqot uchun foydalanishga o'rgatishdir [3].

Tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, ko'plab talabalar chet tilini an'anaviy o'rganishni aloqa vositasini egallash sifatida emas, balki maktab (universitet) hayoti haqiqati deb bilishadi. Ko'pincha o'quvchilar tilni faol ishlatish imkoniyatiga ega emaslar, shuning uchun ularning rivojlanishi o'qish va yozish bosqichida to'xtaydi. Agar o'quvchilar tilni qo'llab-quvvatlovchi muhitda ishlatish imkoniyatiga ega bo'lsalar, ular o'zlarining til yutuqlarini sezilarli darajada yaxshilashlari mumkin. "Tilga sho'ng'ish" usulini qo'llashning foydaliligi shu sabablidir [5].

Ikki tilli ta'limdagi ona tili va chet tillarining nisbati o'qituvchi, talaba va sharoitga qarab o'zgarishi mumkin. Shunga qaramay, ba'zi hollarda u tartibga solinadi. Masalan, Xitoy Ta'lim departamenti reglamentiga binoan ikki tilli ta'lim chet ellik haqiqiy darsliklardan foydalangan holda olib borilishi va o'quv yuklamasining 50% dan ortig'i chet tilida bajarilishi kerak [3].

1999 - 2000 yillar Gonkong politexnika texnika fakulteti ingliz tilida o'qitiladigan kurslar samaradorligini har tomonlama o'rganib chiqdi [6]. O'qish davomida o'qituvchilar, bakalavriat, magistr va mutaxassislik dasturlariga qabul qilingan talabalar bilan tadqiqot o'tkazildi. Ingliz tili Politexnika Universitetida o'qitishning asosiy tili sifatida qabul qilingan, garchi o'qituvchilar va talabalar xitoy tilining kanton lahjasida (kanton tilida) bo'lishiga qaramay, ular kundalik aloqada foydalanadilar. Bu holat Rossiyadagi holatga o'xshabgina qolmasdan, Singapurdagi vaziyatga o'xshaydi, bu erda amalda ikki tilli jamiyat mavjud bo'lib, uning bolaligidanoq a'zolari ingliz va mandarin xitoylari teng ravishda gaplashadilar.

Ingliz tilida so'zlashadigan darslar davomida talabalar boshidan kechirgan qiyinchiliklarga kelsak, so'ralgan o'quvchilarning 70% o'qituvchilar talaffuzining o'ziga xos xususiyatlari (aksent), shuningdek nutqning tez sur'ati **ko'pincha** tushunishga xalaqit berishini ta'kidlaydilar. Shu bilan birga, ta'limning barcha darajalaridagi o'quvchilarning 33 foizi diqqatning tarqalishi tufayli tushunish **har doim** qiyin bo'lgan, bu esa mashg'ulotlarning uzoq davom etishiga yordam beradi. Darhaqiqat, darslar odatdagi akademik soat yoki ikki soat davomida o'tkaziladi (juftlikda), ammo aynan chet tili darslari talabalar tomonidan juda uzoq vaqt deb qabul qilinadi. Bundan tashqari, talabalarning fikriga ko'ra, juda ko'p tinglovchilar auditoriyasi o'qituvchilarni asosan monolog nutqni tinglovchilar bilan munozara va suhbat o'tkazishga undaydi. O'z navbatida o'qituvchilar o'quvchilar boshidan kechirayotgan qiyinchiliklarning quyidagi sabablarini ta'kidlaydilar: maktablarda grammatikaga sust tayyorgarlik; mustaqil fikrlashning shakllanishiga hissa qo'shmaydigan namunaga (passiv) rioya qilishga asoslangan ta'lim strategiyalari; shuningdek ko'plab mashg'ulot materiallari, bu uchun sevimli mashg'ulotlari yozuvlar yozish va dars paytida og'zaki nutqdan foydalanish motivatsiyasini pastligi va talabalarning passiv ta'lim strategiyasini qabul qilish tendentsiyasini oshiradi.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, texnika yo'nalishi talabalariga chet tilini o'qitishda yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etishda bir qator takliflarni

ishlab chiqish lozimdir. Ular quyidagilardir: 1) o'quvchilarni ikki tilli ta'limga turtki bo'lishi; 2) kasbiy va chet tili kommunikativ kompetentsiyalariga ega bo'lgan muhandislik fanlari o'qituvchilarining mavjudligi yoki chet tili o'qituvchilari bilan ishlashni tashkil etish imkoniyati; 3) chet tilini bilish darajasiga ko'ra guruhlarining bir xilligi; 4) ikki tilli ta'limni o'quv dasturlariga izchil kiritish; 5) o'quv-uslubiy majmualarning, shu jumladan mahalliy oliy o'quv yurtlari o'qituvchilari tomonidan yaratilgan ikki tilli o'quv materiallari va haqiqiy xorijiy til materiallari, shu jumladan multimedia tashuvchilarda mavjudligi; 6) kasbiy sohada chet tili kommunikativ kompetentsiyasining tarkibiy qismlarini shakllantirish darajasini ko'p darajali nazorat qilish va baholashni amalga oshirish.

Adabiyotlar

1. *Bjorkman, B.* English as the Lingua Franca of Engineering: the morph syntax of academic speech events [Электронный ресурс] / B. Bjorkman // Nordic Journal of English Studies 7(3), 2008. – P. 103–122. – Режим доступа: <https://www.divaportal.org/smash/get/diva2:182994/FULLTEXT01.pdf>.

2. *Anderson, J. R.* Acquisition of cognitive skill [Электронный ресурс] / J. R. Anderson // Psychological Review, 89(4), 1982. pp. 369-406. – Режим доступа: http://act-r.psy.cmu.edu/wordpress/wpcontent/uploads/2012/12/63ACS_JRA_PR.1982.pdf.

3. *Jianhong S.*, Analysis of factors affecting the effectiveness of bilingual instruction / S. Jianhong, L. Junsheng, L. Hongjun, L. Qiming // International Conference on Educational and Information Technology (ICEIT), 2010. Vol. 2, p. 412–414.

4. *Casal, S.* Cooperative Learning in CLIL Contexts: Ways to Improve Students' Competence in the Foreign Language Classroom // Paper presented at Conference Cooperative Learning in Multicultural Societies: Critical Reflections, Turin, Italy, January 2008.

5. *Airey, J.* Can you teach it in English? Aspects of the language choice debate in Swedish higher education / Integrating Content and Language: Meeting the Challenge of a Multilingual Higher Education / J. Airey/ Ed. R. Wilkinson. Maastricht, Netherlands: Maastricht University Press, 2004. – P. 97-108.

6. *Gilleard, J.* Developing Cross-Cultural Communication Skills." J. Prof. Issues Eng. Educ. Pract., 2002, 128(4). P. 187–200.

TASVIRIY SAN'ATNING O'QUVCHILAR TA'LIM TARBIYASIDAGI ROLI VA O'RN

Mamatqulov I.Ch o'qituvchi (*TerDU*)

O'zbekistonda ta'lim sohasida tasviriy san'at bo'yicha yangi malakali mutaxassislar tayyorlashga tasviriy san'at o'qituvchilarining roli o'zgacha o'rin egallaydi. Bunda o'qituvchi fanning barcha bo'limlari bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lishi va boshqa fanlar bilan aloqalari, san'atsunoslik gumanitar yo'nalishlari haqida


tasavvur hamda ularni amalda qo'llash malakalariga ega bo'lishlari zarur. Bu borada Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning O'zbekistonning rivoji uchun 2010-yilda qabul qilgan besh tashabbusning birinchisi san'at va sportga tegishli bo'lib, bu sohada, xususan, san'at ahliga muhim yanada mas'uliyatli ishlarni amalga oshirishni yukladi. Shunday ekan, tasviriy san'at insonni mehnatga, tafakkur qilishga, iroda, go'zallikni his qilishga chorlaydi .

Kuzatishlar va ilmiy tadqiqotlar, tasviriy san'at yoshlarga ilm tafakkur, go'zal estetik ideallarni beribgina qolmay, insoniy eng muhim jihatlarini, ya'ni kuzatish, ko'rish, idrok qilish hamda tafakkur-tasavvurlarini rivojlantiradigan asosiy vosita ekanligini isbotlamoqda. O'quvchilar tasviriy san'at mashg'ulotlarida xilma-xil narsalar bilan tanishib, ularning katta kichikligi, shakli, undagi xunuk va chiroyli elementlarni aniqlaydilar, narsalar shaklini idrok etadilar, rang va tuslarni o'rganadilar. Narsalar shaklini idrok etish bilan birga, uni tahlil qilib, ong faoliyati asosida naturani tasvirga aylantirib, uni qog'ozga joylashtirish mo'ljallanadi, shundan so'ng naturaga tasvirni daftar yuzasiga tushuriladi, lekin bu jarayon juda murakkab bo'lib, uni sog'lom rivojlangan bolagina uddasidan chiqqa oladi .

Bu jarayonda bolaning fikri chalg'isa , shakl aniq chiqmaydi, rang topilmaydi. Shu boisdan bu faoliyatni faqat sog'lom, ya'ni fiziologik va psixologik jihatdan to'la rivojlangan bolagina amalga oshira oladi. Tasviriy san'at mashg'ulotlarida bolaning ko'rish a'zolari takomillashib boradi. Ghunki har bir mashg'ulotda narsalarni e'tibor bilan kuzatish va ularni idrok etish o'rgatib, bolaning diqqat-e'tiborini bir nuqtaga qaratish malakasi ham beriladi . Shuningdek tasviriy san'at mashg'uloti o'quvchilarni e'tiborl , zehn bilan faoliyat ko'rsatishga, barcha his-tuyg'ularini jamlagan holda, o'zida bo'lgan nazariy va amaliy bilimlarini ishga solishga o'rgatadi. Tasviriy faoliyat bolalarning voqealar haqidagi tasavvurlarining kengayish va mustahkamlanish vositasi bo'lib xizmat qiladi.

Taniqli psixolog V.M.Teplov idrokning alohida harakterini quyidagi tasvir bilan bog'liq holda ta'kidlab o'tadi: "Tasviriy san'atda tasvir masalasi kuchli idrok qilishni talab etadi. Qurilgan narsaning tasvir masalasini echa turib, bola har doim narsalarni yangicha tomondan anchagina tezroq, kuchliroq va aniqroq qurishni o'rganib boradi". Idrok etishning rivojlanishi, tasviriy faoliyatdan kelib chiqib, ikki maqsadni ko'zlaydi. Birinchidan, o'rab turgan voqeylik bilan tanishish jarayonida bolaning bilish va estetik malakasi boyiydi, ikkinchidan, turli predmetlar haqidagi tasavvurlari aniqlashadi.

Predmetlarning xususiyatlari va belgilarini idrok etish shu predmetlarning keyinchalik tasvirlay olish bolalardan tekshirish vositalari orqali tanishishni talab qiladi. Tasviriyl faoliyatning turi ko'rishlarida tekshiruv maqsadlari turlicha bo'ladi. O'qituvchi turli faoliyat turlarida bolalar diqqatini predmetning shakliga, hajmiga, fazoda joylashishiga qaratadi, keyin rasm chizish mashg'ulotidan olgan predmetning konturi qismlarini alohida ajratib ko'rsatadi, agar berilgan predmet uchun harakterli rang bo'lsa, uni ham ajratib ko'rsatadi. O'qituvchining o'quvchilarga uzoq muddatli rasm chizishlari uchun maxsus planshet tayyorlash va vatman qog'ozini ho'llab tortishni o'rgatishi katta ahamiyatga ega. Tayyorlangan yarim vatman qog'oz planshetga nisbatan o'lchami 2-3 sm kattaroq bo'lib, chetlari buklanadi. Buklangan tomonlaridan tashqari qog'ozning ichki qismi mo'yqalam yoki bir parcha paralon orqali suv bilan ho'llanib chiqiladi. Qog'oz suvni o'ziga tortgandan so'ng planshet ustiga qo'yiladi va quruq buklangan tomonlari PVA yelimi surtilib rekalarga yopishtiriladi hamda quritiladi. 3-rasmda o'quvchining molbert oldida o'tirish holati hamda qalamni qanday ushlashi ko'rsatilgan. Demak, molbert oldida egilmasdan, qalam ushlab turgan qo'lni bukmasdan to'g'ri o'tirish talab etiladi. Qo'lni bukmasdan qog'oz yuzasida naturadagi buyumlarni tasvirlash amncha qulay. Iloji boricha hotirjam va yengil harakatlar bilan qo'yilmadagi buyumlardan ko'zni uzmagan holda tasvirlash zarur.



Qalam, asosan, uchta barmoq bilan ushlanadi. Qalamni erkin ushlashga o'rganish kerak. Uni qattiqroq yoki bo'shroq bosidsh orqali har xil chiziqlar chizish mumkin. Tasvir chizganda bo'shroq ushlash lozim.

Tasviriyl san'at darslarida shu tariqa tasviriyl san'atning o'quvchilar ta'lim tarbiyasidagi roli va o'rni takomillashib boradi.

Binobarin tasviriyl san'at darslari o'quvchilarning har tomonlama rivojlantirishda asosiy omillardan biri bo'lib qoladi.

Adabiyotlar:

1. B.N.Oripov. "Tasviriyl san'at va uni o'qitish metodikasi"
2. M.Nurmatova. Sh.Hasanova. "Rasm, buyumlar yasash va tasviriyl faoliyat metodikasi."
3. S.Abdirasulov, B.Boymetov, N.Tolipov "Tasviriyl san'at"

ЛОЙИҲАЛАШ ВА АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДЛАРИ

Омонов Р.Ш ўқитувчи (ТДПУ Термиз филиали)

Бугунги кунда педагогик фанларни ўқитишга қўйилаётган энг муҳим талаблардан бири – таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланишдир. Педагогик фанлардан ўтказилаётган семинар машғулотлари таҳлили асосида энг самарали интерфаол методлардан бири лойиҳалаш ва ақлий хужум методларидир.

Лойиҳалаш методи-бу ўқувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда ўқувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда ўқувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Ўқувчилар нуқтаи- назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у ўқувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳалаш методини назарий дарсларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

«Лойиҳалаш» методининг афзаллик томонлари: ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ошишига ёрдам беради; мустақил ўрганишнинг энг фаол йўли; ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаси шаклланади.

«Лойиҳалаш» методининг камчиликлари: кўп вақт талаб қилади; танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади.

«Ақлий хужум» методи

Ақлий хужум -ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёки скотч ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Ўқувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги ўқувчиларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- ўқувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- ўқувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- ўқувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

Юқоридаги лойиҳалаш ва ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Ўқувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу методлар ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010.
2. Қосимов Ш.У. Касбий таълим йўналишларида амалиётларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси//Ўқув-услубий қўлланма.-Термиз., ТДПУ Термиз филиали, 2020. -149 б.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ

Жалилов Э.Э. (ТерДУ)

Ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади, ўқув дастурлари ва ўқув режага ўзгартириш киритиш ҳамда улар мазмунининг сифатини таъминланиш ўқув фанини ўранишдаги такрорланиш ҳолатлари бартараф этишлади, ўқув жараёнига илмий тадқиқот элементларини ва илмий-тадқиқотчилик лаборатория ишларини ўтказишни асосли равишда киритиш имконияти пайдо бўлади. Энг муҳими рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш шароитларида ўқув фаолияти ва амалий тайёргарликнинг интегративлигини ва фундаменталлигини, унинг амалий фаолият ва турмуш билан алоқадорликларини кучайтиришга имкон беради.

Таълим жараёни элементларининг мажмуавийлаштирилиши бўлажак касбий таълим ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлигини таъминлайди. Бўлажак касбий таълим ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлиги – бу умумтехник ўқув фанларини ўрганиш жараёнида Бўлажак касбий таълим ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлигини шакллантиришга йўналтирилган бутун ўқув жараёни, амалиётлар ва унинг айрим компонентларининг оптимал амал қилишини таъминлайдиган ўргатувчи ва ўқув-билишга доир фаолиятнинг омиллари, меъёрлари, қоидалари ва тадбирларининг жамланмасидир.

Назарий даражада бўлажак касбий таълим ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлигини таъминлашни биз таълим жараёнининг моделини назарий жиҳатдан намоён қилиш сифатида; таълим тизимининг исталган компонентлари – ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади, ўқув дастурлари, тузилишининг ишлаб чиқирилиши ҳамда улар мазмунининг таъминланиши сифатида олиб қараймиз.

Назарий ва амалий педагогик тажрибаларнинг таҳлили кўрсатадики, бўлажак касбий таълим ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлиги жараёни асосида ўз тузилмавий компонентлари – мақсадли, мазмуний, процессуаль-фаолиятли, баҳолашли-нативавий компонентлари билан бирга бутун бир таълим жараёни ётади.

Касбий таълимнинг ривожланиши, унинг кўп бўғинли тузилмага ўтиши ва техник йўналишдаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш шароитларида умумкасбий тайёргарликнинг интегративлигини ва фундаменталлигини, унинг амалий фаолият ва турмуш билан алоқадорликларини кучайтириш, ўрта бўғин

мутахассисларининг профессионаллашувини ошириш муаммоси долзарблашиб кетди.

Техник йўналишдаги мутахассислар умумкасбий тайёргарлигининг назарий асослари бўлиб умумкасбий ўқув фанлари ҳисобланиб, уларнинг яратилиши техник-механикларнинг умумкасбий тайёргарлигидаги фундаменталь асоси сифатида умумтехник ва касбий-технологик билимлар ҳамда маҳоратнинг шаклланишига қаратилган бўлиши керак. Мана шунга боғлиқ ҳолда ўрта касбий таълим тизимида умумкасбий ўқув фанларини ўқитиш мазмунини ва жараёнини тадқиқ қилиш ишларини амалга ошириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Касбий таълим муассасаларида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга ижтимоий буюртма дидактик тадқиқотларнинг натижалари орқали билвоситаланади. Ўтказилган тадқиқот кўрсатдики, умумтехник ва касбий-технологик билимлар ҳамда маҳоратнинг натижадор ҳолда шаклланишидаги энг муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб техник йўналишдаги ўқув фанлари мазмунини интеграциялашуви ҳисобланади.

Касбий таълим мазмуни назарияси масалаларини, шунингдек, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш умумкасбий таълим дидактикасининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Биз бу кенг қамровли муаммонинг томонларидан бирини – умумкасбий ўқув фанлари мазмунининг интегратив тузилмасига умумкасбий ўқув фанларини назарий ўқитишда талабаларнинг умумтехник ва касбий-технологик билимлари ҳамда маҳоратини интенсив шакллантиришнинг боғлиқлиги масаласини кўриб чиқамиз.

Анъанавий ўқитишда жуда узоқ вақт ўқув материалларини чизикли кетма-кетликда ўрганиш усули ва билимлар ҳамда маҳоратни шакллантиришнинг асосан индуктив-шаклий усули устун бўлиб келди. Ўқув материалларини мана шундай тарзда ўрганишда шу нарса рўй берар эдики, бунда ҳар бир кейинги тушунча, қонун, қоида, ҳаракат усуллари қандайдир мустақил, алоҳида бир нарса сифатида ўрганилар эди. Ҳаракатларнинг янги шакллари мана шундай тартибда ўрганиш шунинг учун ҳам қабул қилинган эдики, бунда у талабаларнинг диққатини ўқитишнинг берилган даврида фақат битта тушунчага, билимларни репродуктив ўзлаштиришга, айрим маҳоратни пишитиб олишга имкон бериб, бу гўёки бир тушунчанинг ва ҳаракатнинг бошқа тушунча ёки ҳаракат билан ўрни, жойи ўзгариб қолишининг олдини олар эди.

Лекин амалда бундай усул маҳсулдор бўлиб чиқмади. Дидактиклар ва психологларнинг тадқиқотлари ишонарли тарзда исботладики, бир-бири билан боғланган тушунчалар ва маҳоратнинг тизимли ва бир вақтнинг ўзида (параллель) ўзлаштирилиши уларни айри ҳолда ўрганишга нисбатан анча самарали бўлади.

Умумкасбий ўқув фанларининг ҳар бир назарий бўлимида алоқадорлиги бўйича ҳар хил бўлган – ўхшаш, турдош, контрастли ўқув мавзуларини учратиш мумкин. Ҳам мазмуни бўйича контрастли бўлган, ҳам дастлабки ва турдаш

мавзуларни бир вақтнинг ўзида (параллель) ўрганиш уларни чизиқли кетма-кетликда ўрганишга қараганда самарали бўлади.

Ўқув материалларини тузилмалашнинг асосий назарий шарт-шароитлари бўлиб қуйидаги асосий тамойиллар:

- тизимлилиқ;
- интегративлилиқ;
- изчиллиқ;
- умумкасбий йўналтирилганлиқ;
- касбий мақсадга мувофиқлиқ ва политехнизм;
- фундаменталлиқ;
- прогностиклиқ;
- фан ичидаги ва фанлараро яхлитлиқ кабилар ҳисобланади.

юқорида айтиб ўтилганлар асосида биз техник йўналишдаги талабаларда умумтехник ва касбий-технологик билимлар ҳамда маҳоратнинг шакллантирилиши мақсадларида умумкасбий ўқув фанлари мазмунининг интегратив тузилмасини асосладик.

Бўлажак касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлашда умуммиллий, умумкасбий, махсус ўқув фанларидаги ва ишлаб чиқариш амалиётидаги билимлар, маҳорат ва кўникмалар объектив равишда киритилгандир. Улар умумкасбий тайёргарлиқ мазмунини шартлайди. Тадқиқот кўрсатдики, умумтехник ва касбий-технологик билимлар ҳамда маҳоратнинг шакллантирилиши касбий таълим йўналишидаги мутахассисларнинг умумкасбий тайёргарлигидаги асосий компонентга айланиб, улар интегратив тайёргарлиқ, фанлараро алоқадорлиқ ва ўқитиш мазмунининг модулли тузилиши шароитларида энг муваффақиятли ҳамда интенсив ҳолда шаклланади.

Ўқитиш мазмунининг модулли тузилиши бир қатор устунликларни беради ва айниқса, касбий таълим йўналишидаги бўлажак мутахассисларнинг мақсадли интенсив умумкасбий тайёргарлиги шароитларида ўқув жараёнини интенсификациялашнинг самарали йўлларида бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур методнинг устунликлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳар бир модуль ичида ва улар орасида ўқув жараёнининг барча турларини асосли ҳолда методик келиштиришни таъминлаш;
- ўқитиш мазмунини тузишга тизимли ёндашиш;
- ўқитиш мазмунининг модулли тузилиши тузилмасининг мослашувчанлиги;
- талабалар томонидан билимлар ўзлаштирилишининг самарали назорат қилиниши;
- ўқитувчилар илмий-методик ишларининг истиқболли йўналишларини аниқлаш;
- талабаларнинг тезкор дифференциациялашуви;

- маърузалар вақтининг сезиларли қисқаришида ва амалиётлар вақтининг сезиларли даражада ортишида ўқитувчи талабаларга ўз фан соҳаси бўйича зарурий билим, маҳорат ва кўникмаларни беришга улгуради.

Ўқитиш мазмунини тизимли ёндошув асосида ташкил этиш ўқув режасида амалиётларга ажратиладиган вақтни қайта тақсимлаш амалга оширилиши имконини беради, умумкасбий тайёргарликнинг айрим турлари бўйича амалий ва лаборатория ишлари, шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари улушини кенгайтиради.

Маърузаларнинг янги шаклларига зарурат пайдо бўлиб, бунда фундаменталь тайёргарлик билан бир қаторда талабалар қурилмаларни лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш, замонавий тараққийпарвар технологияларни ишлаб чиқишнинг умумий методологияси соҳасида зарурий билим ва кўникмаларни ола биладилар.

Адабиётлар

1. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари / Пед. фан. докт.... дисс. - Т.: ЎМКХТТКМОҚТИ, 2007. -315 б.

2. Qosimov.Sh.U. Organization of practical vocational education in colleges //EVROPEAN JORNAL OF RESEARCH №3, May 2019. –P. 80-86. Vienna, Austriya.

3. Qosimov Sh.U., Jalilov E. Indicators And Significance Of The Qualitu Of Professional Training Of Future Educators // *International journal of scientific, Texnology research volume 9, issue 03, march 2020. DOI : 10.5958/2249-7137.2020.00043.9*

4. Педагогика / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко, Е.Н. Шиянов. - М.: Школа-Пресс, 1998. - 512 с.

BO'LAJAK CHIZMACHILIK FANI O'QITUVCHILARINI LOYIHALASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Turayev X.A (*TerDU*)

Ma'lumki, uzluksiz ta'lim tizimining eng asosiy bosqichlaridan biri kadrlarni har tomonlama rivojlangan, yangilanish va rivojlanish jarayonlariga moslashuvchan, yuksak ma'naviy va pedagogik madaniyatga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil fikrlash va innovatsion faoliyat ko'rsata olish mahoratiga ega bo'lgan, jamiyat, davlat va oila oldida o'z javobgarligini his etadigan o'qituvchi shaxsini tarbiyalashdan iborat.

Shunday bo'lsada, bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarining aksariyati pedagogik jarayonlarni loyihalash, tashkil etish va boshqarishda o'qituvchining asosiy vazifalari ta'lim-tarbiya jarayonini ilmiy asosda tashkil etish va nazorat qilish, ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarga o'rganilishi rejalashtirilgan mavzu

bo'yicha zaruriy axborotlarni yetkazib berishdan iborat deb hisoblaydilar.

Demak, bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarining o'z funksional vazifalarini amalga oshirish jarayoni pedagogik jarayonlarni loyihalash, tashkil etish va boshqarishga yo'naltirilgan vazifalarni amalga oshirish jarayoni bo'lib, pedagogik jarayonlardan ko'zlangan natijalarga erishish uchun belgilangan maqsadlar yo'nalishidagi sub'yekt (o'qituvchi-o'quvchi)lar faoliyatini loyihalashtirish, tashkil etish, nazorat qilish, tahlil qilish va baholash, pedagogik jarayonlarda bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatish orqali sub'yektlarning faoliyatini muvofiqlashtirishni nazarda tutadi.

Shunday ekan, bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarining funksional vazifalaridan biri pedagogik jarayonlarda maqsadga erishish uchun ta'lim jarayoni subyekti sifatida o'quvchilarning faoliyatini muvofiqlashtirish va faolligini oshirishdan iborat bo'lib, ular o'z navbatida o'zini-o'zi, o'z faoliyatini, bir so'z bilan aytganda ta'lim-tarbiya jarayonini boshqaradilar, mazkur faoliyat o'z navbatida o'qituvchilar va o'quvchilarning do'stona munosabatlarga asoslangan o'zaro hamkorlikdagi boshqaruv faoliyatini ifodalaydi.

Pedagogik jarayonlarni loyihalash, tashkil etish, boshqarish, sifat va samaradorligini barqaror rivojlantirishda o'qituvchilarning faoliyati samaradorligi asosan ularning pedagogik jarayonlar va ularni tashkil etish va boshqarish yo'nalishidagi tushunchalari, bilimi, ko'nikma va malakalari darajasiga hamda ularning shaxsiy xususiyatlari va kasbiy ahamiyatga ega bo'lgan shaxsiy sifatlari, shuningdek, kompetentligi, mahorati va kasbiy tajribasiga bog'liq bo'ladi.

Biroq zamonaviy talablar shundan iboratki, maxsus kasbiy kompetensiyalar bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilari uchun yetarli emas. Maxsus kasbiy kompetensiyalardan tashqari bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarining metodik, metodologik va pedagogik faoliyati madaniyatini aks ettiradigan kompetensiyalarga ham ega bo'lishi zarur. Mazkur kompetensiya turiga quyidagilarni kiritishimiz mumkin (1-jadval)¹⁰:


1-jadval

Kompetensiyalar	Mazmun
refleksiv	Pedagogik faoliyatning qayta tushinilishi va mustaqil takomillashtirilishini ta'minlovchi mustaqil tahlilni egallash;
kognitiv	Mustaqil ta'lim va o'z kasbiy metodik darajani doimo oshirishga nisbatan qobiliyat;
axborot	Pedagogga konstruktiv ravishda harakat qilishga imkon beradigan axborotni olish, qayta ishlash va tadbiq qilish,

¹⁰ N.Muslimov va boshqalar. "Bo'lajak o'qituvchining loyihalash faoliyati". T.: "TDPU rizografi". 2014-yil, 8-10-betlar.

	texnologik qarorlar, tamoyil va yondashishlar tizimini loyihalashtirish qobiliyat va ko'nikmalarning borligi;
kommunikativ	Kasbiy faoliyat samaradorligini ta'minlovchi og'zaki va yozma muloqot texnologiyalarini egallash;
ijtimoiy	Kasbiy ta'lim va o'z kasbiy kompetentligining ijtimoiy ahamiyatining anglanishi.

Bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarini tayyorlash jarayonida kasbiy kompetentlik tuzilmasida loyihaviy faoliyatni qo'llash quyidagilarga imkoniyat beradi: kasbiy bilim, qobiliyat, tajribani shakllantirishning global vazifalarni aniqlashtirish va aniq mazmun tilida tashxis qilinadigan maqsadlar tizimini qurish, kasbiy mustaqil rivojlanish traektoriyasini qurish va shu kabi tanlangan maqsadlar taksonomiyasi asosida bo'lajak chizmachilik o'qituvchilarida loyihaviy faoliyatning egallanishi darajalari shakllanganligi tashxisi mezonlarini va monitoring tizimini ishlab chiqish (1-rasm)¹¹.



1-rasm

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga asoslanib aytish mumkinki, chizmachilik fani o'qituvchisini pedagogik jarayonlarni loyihalash, tashkil etish va boshqarish yo'nalishidagi bilimi, ko'nikma va malakalari, qobiliyati va imkoniyatlaridan ta'lim-tarbiya jarayonlarini boshqarishda, o'quvchilarning faoliyatini muvofiqlashtirishda qanday darajada foydalana olishi, qulay ta'limiy muhit darajasi va uning natijaviyligi, o'quvchilarda shakllangan o'quv motivlari va qiziqish darajasi, refleksiv ta'limiy muhitning shakllanganligi ularning kasbiy kompetentligiga bog'liq bo'ladi.

¹¹ **N.Muslimov va boshqalar.** "Bo'lajak o'qituvchining loyihalash faoliyati". T.: "TDPU rizografi". 2014-yil, 12-15-betlar.

Adabiyotlar

1. Muslimov N.A. va boshqalar. “Bo’lajak o’qituvchining loyihalash faoliyati”. T.: “TDPU rizografi”. 2014-y.
